**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**
**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**МАРҒИЛОН ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ**

**“ЭКОСАН” ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТИНИНГ**
**ВИЛОЯТ ФИЛИАЛИ**

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ**

**ҚЎҚОН ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**

**ВИЛОЯТ ФАН ВА ТЕХНИКА МАРКАЗИ**

**ВИЛОЯТ ОИЛА МАРКАЗИ**

# МАРҒИЛОН ШАҲРИ ЎТМИШИ, БУГУНИ ВА ЭРТАСИ

**мавзусидаги республика**
**илмий семинар**
**январь**

**МАТЕРИАЛЛАРИ**

**Фарғона - 2007**

**Фалсафа фанлари доктори профессор М.А.Абдуллаев, тарих фанлари доктори профессор Қ.Тўйчиевлар умумий таҳрири остида**

**Таҳрир ҳайъати аъзолари:**

**А.А.Ғофуров, Х.П.Пўлатов, Ў.Эшонбобоев, Д.Муҳамедова, М.Абдурахмонова, З.Исмоилова, Г.Фармонова**

**Нашр учун масъул: А.А.Ғофуров**

**Муҳаррир: М.Орипов**

**Компьютер усталари: М.Мадаминова, Ф.Умарова**

**Ушбу илмий-амалий семинар материалларида Марьилон шаъринингщтмиши ва ъозирги кундаги ижтимоий-ытисодий, маонавий ъаёти ёритилган.**

**Мазкур анжуман материаллари бщйича щз фикр ва мулоъазаларингизни Фарьона Давлат университетининг «Жаъон тарихи» кафедрасига йщллашингиз мумкин.**

## ҚАДИМГИ МАРҒИЛОН

А.Асқаров – академик, Тошкент

Мустақиллик йилларида маънавий ҳаётимиз ва бой қадриятларимизнинг тиклаш йўилдаги савобли ишлардан бири, Ўзбекистон диёрида жуда қадим – қадим замонларда қад кўтарган ва ҳозирда ҳам гуллаб-яшнаётган шаҳарларимизнинг кўп асрлик муборак ёшларини нишонлаш анъанага айланди. Бухоро ва Хива, Термиз ва Шаҳрисабз тўйларидан кейин яқин орада Қарши шаҳрининг 2750 йиллиги нишонланади. Бу шаҳарларнинг ёшини аниқлашда ҳамма вақт ҳам ёзма манбалар топилавермайди. Чунки Ўзбекистон заминида қадимги шаҳарлар илк таркиб топган узоқ замонларда ҳали ёзув бўлмаган. Чунки бизнинг ҳудудлармизда ёзувнинг пайдо бўлганига атиги 2200-2300 йил бўлди, холос. Аждодлармизга тегишли энг қадимги ана шу ёзув боҳтарий, сўғдий ва хоразмий хатлари бўлиб, бироқ у ёзувларда Фарғона водийси шаҳарлари ҳақида бирор жумла ҳам ёзма маълумот бизгача етиб келмаган. Шунинг учун ҳам қадимги шаҳарларнинг ёўини аниқлашда археологик тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳон фанида қабул қилинган анъанага кўра, бирор аҳоли зич жойлашган масканни шаҳар деб аташ учун камида 5-6 та белгилар бўлиши шарт дейилган. Шаҳар қуруқ жойда ўз-ўзидан бирдагина пайдо бўлавермайди. Аввалом бор, шаҳар ўтроқ, турғун аҳоли ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг маълум босқичида шаклланади. Дастлаб унинг асосини қишлоқ ташкил этиб, қишлоқ аҳолиси бир вақтнинг ўзида хонаки чорвачилик, мотига деҳқончилиги, ҳунармандчилик ва савдо-сотиқ билан ҳам шуғуланган. Даврлар ўтиши билан бронза асрига келиб, ибтидоий аждодларимиз бир вақтни ўзида хўжаликнинг барча соҳалари билан шуғулланиши мумкин бўлмай қолди. Чунки, ибтидоий одамлар хўжалигида содир бўла бошлаган ишлаб чиқариш билан боғлиқ ихтисослашув жараёни аждодларимиз ҳаётида туб ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларга олиб келди.

Аввал ибтидоий жамоалар ҳудудларнинг табиий географик ва экологик имкониятларига қараб минтақавий ихтисослашадилар, жамиятда биринчи ижтимоий меҳнат тақсимоти юз беради, яъни маълум бир минтақа аҳолиси хўжаликнинг деҳқончиликка қулай туманларида зироатчилик билан шуғулланади, чирвага қулай бўлган чўл ва дашт-тоғ олди адирларда эса чорвачилик хўжалиги ривожланди. Бу манзара айниқса археологик ёдгорликларда яхши кузатилади.

Ибтидоий жамият заминида хўжаликнинг ҳар иккала йўналиши бўйича ривожланиш давом этади. Сўнгги бронза ва илк темир даврига келиб, ҳар икки хўжалик аҳолиси ижтимоий-иқтисодий ҳаётида жиддий ўзгаришлар содир бўлди, яъни деҳқончиликдан энди ҳунармандчилик ажралиб чиқди. Бошқача қилиб айтганда, иккинчи меҳнат тақсимоти содир бўлди. Чорвачилик минтақаларида эса кўчманчи чорвачилик қарор топди.

Деҳқончилик минтақаларида юз берган ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ўзгаришлар илк шаҳарларни вужудга келишига, биринчи синфий жамиятни

таркиб топишига, жамиятнинг мафкуравий асоси жаҳон динларинин пайдо бўлишига, илк давлатчиликнинг вужудга келишига олиб келди. Бу воқеалар жамият тарихида урбанизация жараёни, шаҳарсозлик маданиятининг шаклланиши билан боғлиқ масалалар бўлиб, Ўзбекистон ҳудудида бу жараённинг минтақалараро, босқичма-брсқич юз бериши кузатилган, яъни Ўзбекистон ҳудудларида шаҳарсозлик маданияти ўзининг ривожланишига қараб уч минтақага бўлинган: биринчи минтақани Ўзбекистоннинг жанубий туманлари, яъни Сурхондарё вилояти ташкил этади. Бу минтақада шаҳарсозлик маданияти бронза даврида таркиб топди, ўзбек давлатчилиги асослари, кЎртаклари пайдо бўлди. Илк темир даврига келганда қадимги шаҳарлар Ўзбекистоннинг Суғдиёна (Қашқадарё, Самарқанд, Бухоро вилоятлари) ва Қадимги Хоразм воҳаларида ҳам қад кўтаради. Шунинг учун ҳам бу минтақаларда таркиб топган шаҳарларнинг ёши 2500-2750 йилдан кам эмас. Ниҳоят антик даврга келганда шаҳарсозлик маданияти Тошкент воҳаси ва Фарғона водийсигакириб келди. Бу минтақа шаҳарларининг ёши 2000-2200 йил атрофида эканлиги археологик материалларда ўз аксини топган. Айнан шу даврда Буюк ипак йўли водий шаҳарлари орқали Хитойдан Самарқанд, Бухоро ва ундан жанубий-ғарбий мамлакат ҳудудларини оралаб то Византиягача бориб етди. Бу нафақат археология материаллари, балки ёзма манбаларда ҳам ўз аксини тпган. Худди шу даврда Шарқдан Ғарбга ўтган савдо карвон йўлининг водий орқали ўтган трассаси бўйлаб қатор шаҳарлар қад кўтардики, ана шу шаҳарлардан бири сифатида, археологик тадқиқотлар натижасига кўра Қадимги Марғилон шаҳри вужудга келди.

Шаҳарнинг Марғилон номини олиши мавжуд ёзма манбаларга кўра X асрдан нарига бормайди. Аммо, Марғилон шаҳрига асос солинганига камида 2000 йил бўлгани аниқ. Бу сана археологик манбаларга асосланган. Марғилон қадимий тарихини ўрганишда Марғилон шаҳар ҳокимиятининг молиявий ва ташкилий ёрдами жуда катта бўлди. Ҳокимият археология институти учун ўтиш даврининг иқтисодий қийинчиликларини ҳисобга олиб, 1994-1999 йилларда Марғилонда ўтказилган кенг кўламли археологик тадқиқот ишларига ўзининг кўмагини аямади. Шу йилларда Марғилон шаҳри ва унинг теварак-атроф туманларини ўрганишга кенг имкониятлар яратиб берди. Тадқиқотлар биргина археологик ёдгорликларни топиш ва уларни ўрганиш билан кифояланмай, балки марғилонсой оазисининг палеогеографик ва агро-ирригация насосларининг ёткизиқларини ўрганиш билан боғлаб олиб борилди.

Фарғона вилояти водийнинг жанубий қисмида жойлашган. Унинг асосисй сув артерияларидан бири Марғилонсой бўлиб, жанубий Фарғонанинг Марғилонсой ҳавзасида, унинг адир зонасида авваллари ҳам археологик изланишлар олиб борилган ва Оқтом, Кунгай ва Суфан каби илк темир даврига оид ёдгорликлар топиб ўрганилган эди. Аммо улар чорвадор жамолар қабристонлари бўлиб, жанубий Фарғонада шаҳар маданиятига тегишли ёдгорликлар ҳали учратилмаган эди.

Тадқиқотлардан маълумки, Фарғона водийсининг шимолий ва шарқий қисмида бронза давриданоқ қадимги деҳқончилик маданият қолдиқлари илмий адабиётларда Чуст маданияти номи билан машҳур. Ҳозирги кунда Фарғона

водийсининг 15 пунктида, ана шу маданиятга мансуб 80 дан ортиқ бронза даврининг ўтроқ деҳқончилик маданияти манзиллари топилган. Аммо Чуст маданияти ёдгорликлари жанубий Фарғонада топилмади.

Илк темир даврига келганда водийда қадимги деҳқончилик маданияти ёдгорликлари ҳам пайдо бўла бошлайди. Мутахассислар бу давр ёдгорликларини Фарғона водийсида Элатан маданияти номи билан атаганлар. XX асрнинг 70-йилларигача жанубий Фарғонада элатан маданиятига тегишли ёдгорликларни борлиги ёки уларнинг топилиши ҳақида ҳеч бир маълумот йўқ эди. Аммо, бу зонада кейинги йилларда ўтказилган палеогеографик тадқиқотлар жанубий Фарғонада ҳам уларнинг топилишини тақозо этарди. Ниҳоят археологларнинг олиб борган изланишлари тоғ дараларидан елиб чиққан Марғилонсой ҳавзасини икки зонага, яъни юқори (адир) ва қуйи (пасттекислик) микроозисларга бўлишни тақоо этди. Марғилонсой дараларидан адир онасига чиққач, жуда катта кенгликда чорвачилик учун қулай майсазор ҳосил этган. Сойнинг қуйи ҳавзаларида эса деҳқончиликка қулай унумдор ерлар ҳосил бўлган. Архелого-географик маълумотларга кўра, дастлаб ибтидоий аждодларимиз томонидан Марғилонсой ҳавзасининг адирлик зоналари ўзлаштирилди. Унинг қуйи оқимида эса деҳқончилик хўжалиги учун унумдор массивлар ҳосил бўлган. Айнан шу массивлардан бири Фарғона шаҳрининг истироҳат боғи ўрни бўлиб чиқди. Шунинг учун ҳам бу даврга оид дастлабки ёдгорлик ҳозирги Фарғона шаҳрининг истироҳат боғи ҳудудида жойлашган ва маҳаллий аҳоли томонидан Симтепа деб юритилган қадимги шаҳар харобаси эди. Симтепа XX асрнинг 70-йилларда Н.Г.Горбунова ва В.И.Козенковлар томонидан ўрганиб чиқилган, шаҳар истироҳат боғини қайта қуриш даврида бўзиб юборилди (Горбунова, Козенков, 1974 й).

Симтепа ёдгорлиги учта хронологик босқичга бўлинади. Унинг қуйи қатламидан элатан даврига оид бой сопол комплекслари топилган. Сополларнинг аксарият кўпчилиги бозоргир қилиб чархда ясалган, давр жиҳатидан милоддан аввалги IV-III асрларга тегишли. Шаҳарда ҳаёт то милодий эранинг III-IV асрларигча узлуксиз давом этган. Симтепанинг ҳар уччала қатламларидан монументал бино қолдиқлари ва товар характеридаги ҳунармандчилик маҳсулотлари топилдики, улар Симтепада антик даврда шаҳар маданияти таркиб топганлигидан далолат беради. Мана шу тадқиқот натижалаига кўра, ҳозирги кунда биз Фарғона шаҳри мавжуд тасаввурларга қарши ўларок мустамлакачилик даврида эмас, балки кунимиздан роппа-роса 23 аср аввал илк антик даврда пайдо бўлган, деган хулосага келишимизга асос бўлади.

Марғилонсой ҳавзасида қад кўтарган қадимги шаҳарлардан яна бири Марғилон шаҳрининг ғарбий қисмида жойлашган Қизлартепадир. Ундан 700 метрлар чамаси жанубий-шарқда Машад қабристони мавжуд. Қабристоннинг энг баланд қисмида Тепа-2 жойлашган бўлиб, унда олиб борилган археологик қазишмаларга қараганда, у жойда қадимги шаҳарнинг арки жойлашган. Қизлартепа, Тепа-2 ва Машад деб аталган ҳозирги замон қабристони майдонини бир бутунликда ҳисоблаганда, бу жойда қадимда 20 гектар майдонни эгаллаган қадимги шаҳар харобаси бўлган.

Одатда қадимги шаҳарлар майдон жиҳатидан ҳозирги замон шаҳарларидан тубдан фарқ қилади. Уларнинг майдони ҳозиргидек катта ва кенг бўлмаган. Қизлартепада шаҳар ҳаёти узоқ давом этган. Қизлартепа археологик коаплексларини ўрганган археологлар унин даврини уч ббосқичга бўладилар. Биринчи босқичда (милодий I аср) шаҳарга асос солинади ва Ипак йўли бўйлаб қад кўтарган шаҳар сифатида шаклланади ва ривожланади. Археологик топилмаларнинг қиёсий таҳлили шаҳарга милодий I асрда асос солинганлигини тасдиқлайди. Қизлатепанинг иккинчи даврида (милодий II-IV асрлар) шаҳар ҳудудида монументал зардуштийлик ибодатхонаси қад кўтаради. Ибодатхона таг курси зиккурат шаклидаги уч қават платформадан иборат бўлиб, таг курси майдони пастдан юқорига кўтарилган сари қисқариб борган. Унинг пастки биринчи қавати 36х60 метр, ўрта иккинчиқавати 26х26 метр, энг юқори учинчи қавати 20х20 метр майдонни ташкил этади. Уч зинапояли платформа устида монументал оташпарастлик ибодатхонаси бунёд этилган. Квадрат шаклида қад кўтарган монументал бино марказида бир-бирига уланган иккита оташхона очилди. Монументал бинонинг зиккурат шаклида қад кўтариши ва унинг қоқ ўртасида қўшалоқ оташхона (алтарь) қолдиқларининг топилиши, ушбу объектни оташпарастлар ибодатхонаси эканлигидан далолат беради.

Қизлартепа-3 даврида (милодий V-VI асрлар) ибодатхона девори ташқарисининг жанубида икки ярусли хумдон қолдиқлари топилди. Унда пиширилган сопол идишлар турли шаклли бўлиб, улар асосан кулолчилик чархида ясалган. Кулолчилик маҳсулотлари асосан бозор учун ишланган юпқа, нафис ва жарангдор турли-туман сопол идишлардан иборат. Демак, Қизлартепада қадимги шаҳарларга хос аниқ белгилар мавжуд: биринчидан, шаҳар ўз арки аълоси (Тепа №2) ва шаҳар шаҳристонига (Қизлартепа) эга. Иккинчидан, шаҳристон ҳудудида умум шаҳар аҳолиси топинадиган монументал жомий ибодатхонаси қурилган. Учинчидан, шаҳар аҳолиси касби-корига хос ҳунармандчилик юксак даражада ривожланган. Улар ишлаб чиқарган маҳсулотлар товар характерига эга бўлган.

Бу қадимги шаҳарнинг мудофаа деворлари бизгача етиб келмаган. Қадимги шаҳар ўрнида ҳозирги замон Машад қабристонининг пайдо бўлиши шаҳар ички таркибини ўрганишга имкон бермади. Шунга қарамай, Машад маҳалласида, Қизлартепа ва Тепа-2 ёдгорликлари ва уларнинг теварак атрофларида яқин 20 гектар майдон доирасида 13 та шурф қазилди. Ана шу шурфлар ва Қизлартепа ҳамда Тепа-2 да олиб борилган археологик изланишлар туфайли Қадимги Марғилонни айна мана шу 20 гектарли майдон доирасида вужудга келганлиги исботланди.

Шундай қилиб, жанубий Фарғонада Марғилон шаҳри ёшини аниқлашга қаратилган махсус тадқиқотларга қадар турдли йилларда археологик изланишлар олиб борилган. Натижада бу минтақанинг адир зонасида чорвадорларнинг Оқтом, Суфан ва Кунгай каби илк темир даври ёдгорликлари (Н.Г.Горбунова, В.И.Козенкова) ҳамда Симтепа, Хўжампошшо, Қоратепа, Лангар, Мозортепа, Шомирзатепа, Шаҳартепа каби антик даври деҳқончилик маданияти ёдгорликлари топиб ўрганилдики, уларнинг деярли барчаси

милодий эранинг бошларига оид эди. Шулар орасида Симтепа Марғилонсой қуйи ҳавзасидаги энг қадимги аграр йўналишдаги шаҳарларда бири бўлиб, у ерда бошланган урбанизация жараёни милодий эранинг бошларида бутун минтақа бўйлаб ёйилди ва ривожланди. Айниқса бу жараён Марғилон шаҳри ҳудудида олиб борилган археологик изланишлар давомида, бой фактик материаллар асосида (Қизлартепа, Тепа-2 ва Машад қадимги шаҳар қолдиқлари) ўз исботини топди (Ф.А.Махсудов). Шунингдек, айнан шу даврда Марғилон шаҳрига асос солинди. Ана шу тарихий онлардан бери камида 2000 йил ўтди. Демак, қадимги Марғилоннинг шаҳар сифатида қад кўтарганига 2000 йил бўлди.

## МАРҒИЛОН ВА ФАРҒОНАНИНГ ИЛК ДЕҲҚОНЧИЛИК МАДАНИЯТИ

М.Исомиддинов, Ҳ.Раҳматиллаев - ФарДУ

Қадимги Шарқ мамлакатларида темир милоддан ил. II минг йилликдаёқ маълум эди, лекин у Ўрта Осиё ҳудудларига милоддан ил. I минг йилликнинг бошларидан кириб кела бошлади. Шунга қарамай дастлаб темир жуда ҳам қимматли ашё бўлиб, ундан ҳамма ҳам фойдалана олмас эди (Арешян Г.Е. 1975, с. 91; Гралов Б.Н. 1977, с. 17; Заднепровский А.Ю.1966, с.199). Шунинг учун илк деҳқончилик маданияти даврида темир, бронза ва ҳатто тошни ҳам тўлиқ сиқиб чиқара олмади. Чунки илк темир даврида Ўрта Осиёдаги темир маъдани билан боғлиқ конлар ўзлаштирилмаган, ҳамда бу ибтидоий давр жамоаларида соҳани ривожлантириш учун етарли тажриба етишмас эди.

Ҳозирги пайтгача илк темир даврига оид темир қуроллар ва бевосита темир ишлаб чиқариш билан боғлиқ шлак қолдиқлари топилган ёдгорликлар жуда камдан-камдир. Бу ёдгорликлар Туркманистоннинг жанубий қисмидаги Анаутепанинг қуйи қатламлари, Дахистоннинг архаик қисмларидан топилган темирни қайта ишлаш учун тайёрланган бўлаклари ва шлак, ҳамда Фарғона водийсидаги Чуст маданияти даврига оид энг йирик ёдгорлик Далварзинтепадан ҳам темирдан ясалган пичоқ ва темир қуйиш билан боғлиқ шлак қолдиқлари топилган (Заднепровский Ю.А. 1959).

Шундай қилиб, темир даврининг бошланиши юқоридаги топилмаларга асосланган ҳолда бронза даврининг охиридан бошлаб кенг ёйила бошлаганлигидан далолат беради. Айнан бу жараёнга Ўрта Осиёнинг энг илғор мамлакатлари ҳисобланган жанубий Туркманистон ва Шимолий Эрон билан биргаликда Фарғона водийсида шаклланган Чуст маданияти ҳам кирган (Массон В.М. 1959). Албатта Ўрта Осиёдаги темир рудаси конларига бой ўлка Фарғона водийси фақат илк темир давридагина эмас, балки кейинги тарихий даврларда ҳам темирчиликда доимо илғор бўлган.

Темирни аста-секинлик билан тарқай бошлаши айнан деҳқончилик маданиятини янада кенг ёйилишига ва уни ривожланишига ижобий таъсир кўрсатди. Фарғона водийсидаги Чуст маданиятига доир ёдгорликларнинг ўзигина 70 дан ошиқлигини ўзи ҳам темирнинг кенг ёйилганлиги билан

боғланган бўлиши керак. Ўрта Осиёнинг бошқа биронта ҳам воҳасида бунчалик кўп илк темир даврига оид ёдгорлик топилган эмас.

Чуст маданияти ёдгорликлари таркалган ҳудудлар кўпроқ водийнинг шимолий ва шарқий чеккаларидир. Водийнинг Қорадарё ва Норин ўрталарида эса илк темир даври ёдгорликлари энг кўп жойлашган ҳудуд ҳисобланади.

Водийнинг жанубий ҳудудлари, шу жумладан Марғилон ва Фарғона атрофларини энг қадимги давр қатламларини айрим қадимшунос олимлар кўпроқ чорвадор аҳоли тарқалган ҳудудлар қаторига киритишади. Лекин бу муаллифлар Марғилонга энг яқин ерда яъни Акбаробод қишлоғи атрофларида бундан 50-60 йил илгари чуст даври маданиятига оид ёдгорлик бозорлигини билишмайди шекилли.(Заднепровский Ю.А. 1966). Шу билан бирга айнан Марғилон ва Фарғона атрофларида чуст маданияти даврига тўғри келадиган, чорвадорлар маданиятини ўзида акс эттирган маданият сақланмаган. Бунинг устига агар бу ҳудудда "Қайроққум маданияти" тарқалган бўлганда эди, унинг ўрнига эйлатон маданияти келмаган бўлар эди. Холбуки айнан Фарғона атрофларида қадимда кўплаб эйлатон маданияти ёдгорликлари кенг тарқалганлиги ва бу маданиятнинг энг йириги Фарғона шаҳарининг истироҳат боғи ўрнида жойлашганлигини ҳамма ҳам билмайди. Бу тепа маҳаллий аҳоли томонидан «Симтепа» деб аталар эди.

Ўз пайтида бу ёдгорликда қазилма ишларини ўтказган Санкт – Петербурглик олима Н.Г.Горбунова тепанинг қуйи қатламларини қазиб эйлатон маданиятига мансуб деҳқон жамоаларининг турар жой макони бўлганлиги тўғрисида хабар берган. Унинг қуйи қатламларидан квадрат ғиштлардан кўтарилган турар-жой, буғдойни майдалаб ун қиладиган ёрғучоқлар ва энг муҳими ёдгорликни санасини аниқлашда қўл келадиган сопол буюмлари топилди. Демак, топилган ашёларнинг барчаси ёдгорликни деҳқон жамоаларига мансуб эканлигини кўрсатади.

Худди шундай топилмалар фақат Фарғона шаҳрининг ўрнидан эмас, балким Шоҳимардонсой ва Исфайрамсой хавзасига кирувчи бир қатор ёдгорликлардан ҳам топилди. Улар Суфон ва Кунгай қабристонлари, Оқтом ёдгорлиги ва қабристонидир.

Қадимги давр деҳқончилик маданияти ва унинг этник келиб чиқишини белгилайдиган яна бир муҳим белги борки, у ҳам бўлса ўша маҳаллий аҳоли томонидан кундалик турмушда ишлатиладиган сополдан ясалган идиш-товоклардир. Бу идишлар ясалиш услуби, унинг устига солинган нақши туфайли ўша идишни ясаган аҳолининг этник таркиби ва унинг санаси тўғрисида қимматли маълумотларни беради.

Жумладан шу сопол буюмларни оладиган бўлсак, уларнинг аксарият қисми қўлда ясалган бўлиб, унинг устига солинган нақш айнан Сўғд ҳудудларида кенг тарқалган илк темир даврига хос нақшлардир. Сўғд ҳудудларидаги кулолчилик буюмларини стратиграфик ҳолати Фарғона ҳудудларига қараганда яхши ўрганилган. Сўғд ҳудудларида илк темир давридаги нақш солинган идишларнинг устидан аҳамонийларгача бўлган ва аҳамонийлар даври кулолчилик буюмларини ётиши кузатилади.(Сагдуллаев А.С.,1989; 1985; Исамиддинов М.Х. 2002). Шунинг учун Фарғона водийсининг

қадимги давр ёдгорликларини стратиграфияси ўрганилганда албатта уни Сўғд ёдгорликларини стратиграфик холатини назарга тутган ҳолда ўрганиш керак бўлади. Агарда шундай қилинган тақдирда Фарғонанинг эйлатон маданиятини қадимги даврга оид қисмлари, айниқса кулолчилик комплексида кулолчилик чархида тайёрланган буюмлар бўлмаса, у албатта аҳамонийлар давридан олдинги даврлар билан даврлаштирилиши керак.

Шундай қилиб, Фарғона водийсининг чуст маданияти илк темир даврида бутун Ўрта Осиё ҳудудларида кенг тарқалган деҳқон жамоаларининг асосий марказларидан бири эди.

Бу давр маданияти соҳиблари жуда катта ҳудудларига тарқалган бўлишига қарамай ўзининг иқтисодий, маданий тараққиёти жиҳатидан бир-бирига яқин турар эди. Бу яқинликка фақат империялар даврида, яъни дастлаб аҳамонийлар ва кейинроқ Александр Македонский тузган империя тўзилганда Фарғона водийси жанубий мамлакатларни тараққиётидан ўзилиб қолди. Яъни ҳар икки империянинг шимолий-шарқий чеккаси водийнинг ғарбий қисмидаги “Бекобод дарвозаси” эди.

Бу империялар тугатилиши билан водий маданияти Сўғд, Бақтрия ва Марғиёнадаги тараққиёт яна яқинлашди.

Фарғона атрофларидаги дастлабки чуст маданияти ва кейинроқ вужудга келган эйлатон маданиятлари қадимги деҳқончилик анъаналарига асосланган маданиятлар бўлгани учун ҳам милоднинг бошларида бу ердаги урбонизация жараёнларига асос бўлди.

## ИСКАНДАР ЗУЛҚАРНАЙН МАРҒИЛОНДА БЎЛГАНМИ?

А.Қамбаров, И.Холдарова - ФарДУ

Ушбу саволга жавоб топиш учун тарих саҳифаларига бир назар ташлаймиз. Александр Македонский (Искандар Зулқарнайн) Македония подшоси Филипп II нинг иккинчи хотини, Эпир подшосининг қизи Олимпиададан кўрган фарзанди эди.Отаси унга ҳам саркарда, ҳам доно давлат арбоби бўлсин деб яхши маълумот олиши учун кенг шароитлар яратиб берди.

Буюк файласуф олим Аристотель икки йил мобайнида (эрамиздан аввалги 345-343 йиллар) унинг мураббийси бўлган. Аристотель туфайли у грек фалсафаса, маданияти ва фанини ўрганиб олди. Шу билан бирга Филипп ўғлини ёшлигидан бошлаб урушга ўргатади, унинг ўзига муносиб ворис бўлишини истайди.

Эрамиздан аввалги 338 йилда Пангрек конрессида Македония бошчилигида умумгрек иттифоқи тузилганлиги ва Эронга уруш эълон қилиниши маълум қилинади. Урушга қизғин тайёргарлик кўрилаётган бир даврда Филипп ўлдирилади. Эрамиздан аввалги 334 йилда отаси амалга оширолмаган Эрон юришини 22 ёшли Искандар ўзи ўттиз минг кишилик пиёда кўшин, беш минг суворий билан бошлаб боради. Искандар бутун Эронни талайди.

Искандар аскарлари Ўрта Осиё тупроғида мил.авв.329 йилда пайдо бўлган. Тарихчи олим ва айни вақтда лашкарбоши лавозимида бўлган Птоломей ва Аристотеллар Искандар қўшинида хизмат қилиб, барча воқеа ва ҳодисаларни ёзиб боришган. Афсуски, бу маълумотларнинг кўп қисми бизгача етиб келмаган. Фақатгина кейинроқ яшаб ўтган Арриан (2 аср), Плутарх (1-2 аср) ва Юстиан (2 аср)ларнинг асарлари орқали айрим лавҳалар етиб келган. Искандарнинг Ўрта Осиёга юришлари тўғрисида XIX аср рус олими В.В.Григорьевнинг “Поход Александра Македонского в Западный Туркистан”(1881) ҳамда И.Г.Дройзеннинг “История Эллинов” (1-3 том) асарларида шу ҳусусида бир мунча маълумотлар берилган.

Искандарнинг Ўрта Осиё тупроғига қўйиган дастлабки қадамиёқ қаттиқ жанг билан бошланади. Чунки, ўз ерининг ҳимоячилари Македон подшосининг шухрати ва кудратига бирон бир хурмат ҳамда эҳтиром кўрсатмадилар. Шу жумладан, унга бош эгиб чиқишдан бош тортдилар. Искандар бу ерга истеълочи, халқ мустақиллигининг душмани сифатида келган эди ва шунга мувофиқ равишда қарши олинган. Искандарнинг Ўрта Осиёга кириб келишини авлодларимиз гуллар ҳамда ғолибларга тақдим этиладиган гулчамбарлар билан эмас, балки қаттиқ қаршиликлар билан кутиб олганлар.

Шу ўринда айтиш жоизки, шу кунгача гўзал Марғилон номи саркардага боғлиқ эканлиги ҳақидаги баъзи бир ривоятлар ҳамшаҳарларимиз фикри-зикриларини банд этиб келганлиги сир эмасдир. Чунки, ўқувчилик чоғимизда тарих ўқитувчиларимизнинг бизга айтган ривоятлари ҳали-ҳали эсимиздан чикқанича йўқ. Ривоятда шунда дейилади: «Марғилон номсиз бир қишлоқ кўринишида бўлиб, Искандар Зулқарнайн қишлоққа кириб келганда маҳаллий халқ бир қўлида мурғ(товуқ), бир қўлида нон билан кутиб олган. Шунда У қишлоқнинг номини сўраганида номи йўқлигини айтишган. Шунда саркарда “Мени шунчалик иззат-икром ҳамда мурғ ва нон билан кутиб олганингиз учун бу қишлоқнинг номи “Мурғинон” бўлсин деб йўлда давом этади».

Александр Македонскийнинг Ўрта Осиёни истеъло қилганлиги ҳақида юнон тарихчи олимлари Геродот, Квинт Курций Руф, Диодор, Стробонларнинг асарларида кенг ёритилган. Айниқса, Искандар истеълоси вақтидаги аниқ маълумотлар Птоломей ҳамда Аристотель “Кундаликлари”да ҳам қайд этилган.

Искандар Ўрта Осиёни босиб олган деб айтсакда, саркарда ўзини ғолиб ҳисоблай олмайди. Унинг режаси Суғдни қўлга киритиш бўлгани учун У жадал Насаф, Мароқанд(Самарқанд), Сирдарё бўйларига етиб бориб, ундан у ёғига силжий олмайди. Фарғона водийсининг Хўжанд ҳудудигача бостириб келиб, у ерда “Узоқ Искандария” деб ном олган қалъа-шаҳар барпо этади.

Кўриниб турибдики, ҳозиргача ўрганилган маълумотларини кўздан кечирганимизда Марғилон шаҳрига буюк саркарданинг ҳеч қандай алоқаси йўқлигидан ҳабардор бўламиз. Шаҳардаги “Пошшо Искандар” маҳалласи ҳамда у ердаги “Искандар” қабри ҳам (1935 йилда олинган қабр сурати ҳозирги кунда Марғилон “Адабиёт ва санъат” музейининг фондидан жой олган) буюк ҳукмдорга тааллуқли эмаслиги фикримизни исботлаб турибди. Чунки Александр Македонский водий халқининг мардлиги ва матонатига дош беролмай ўзига ожизроқ рақибларни излаб, Хўжанддан эрамиздан аввалги 327

йилда Ҳиндистонга юриш қилади. Искандарнинг Шарқий юриши деярли 10 йил ( эр.ав. 334-324 йиллар) давом этади. Искандар Зулқарнайн эрамиздан авалги 323 йили Месопотамиянинг Бобил шаҳрига қайтади. Шу йилнинг 13 июнида 32 ёшида тропик безгак касаллигидан вафот этади.

## ҚАДИМГИ МАНБАЛАРДА МАРҒИЛОН ҲАҚИДА

Ш.А.Қамбарова, Р.Р.Аҳмедов - ҚДПИ

Марғилоннинг қадимги тарихи ҳақида сўз кетганда Ибратнинг “Фарғона тарихи” асари эътиборлидир. Бу асарда Марғилон шаҳрининг пайдо бўлишида “Форсистондан муҳожир бўлиб келиб, ўлтирғон бечора деҳқони бодяшинлар”нинг роли катта бўлганлиги таъкидланади. Шаҳар номининг келиб чиқишини ҳам форсий тилидаги “мурғу нон” яъни товуқ ва нон сўзи билан боғлайдилар. Яна шу асарда Фарғона шаҳрига айнан мана шу форсистонликларнинг талаби билан асос солинган, деб келтирилади ва Фарғонага асос солинишини Искандар Зулқарнайн билан боғлайди. Эмишки, Искандар Зулқарнайннинг шарққа қилган юришлари даврида Фарғона ерида ишловчи форсистондан келган аҳоли унинг йўлига товуқ ва нон билан пешвоз чиқиб, ундан бир шаҳар бунёд этиб беришини сўраганлар.Македонияликларнинг “бу нима?” деган саволига улар “Мурғу нон” деб жавоб берган эканлар.

Аммо тарихий манбалардан бизга маълумки, македониялик Искандар шарққа юришлари даврида Хўжандга келгани аниқ. Аммо ундан шарққа Фарғонанинг ичига ўтолмаган. Шунинг учун ҳам юнон-македон манбаларида Фарғона вилояти ҳақида аниқ маълумотлар учрамайди. Фақат “Яксарт орқасида” аллақандай ўтроқ аҳоли борлиги қайд этилган холос.

Айрим кишилар Искандарнинг Марғилонга келганлигини Марғилондаги Искандар қабри билан исботлашга уринадилар. Бу қабристон ҳақида Ибратнинг “Фарғона тарихи” асарида шундай маълумот бор: ... “Марғилонда подшо Искандар деган ийидгоҳ мозор бордур, ул киши тушган ерлардур”.

Қадимдан халқимизда улуғ кишиларнинг нафақат дафн қилинган ерлари, маълум муддат яшаган ерлари, сафарлари чоғида тўхтаган ўринлари ҳам муқаддаслиштирилган. Фикримизнинг исботи сифатида айрим азиз кишиларнинг турли жойларда бир нечта, хатто ўнлаб қабрлари борлигини келтирамиз. Демак, Марғилонга Искандар эмас унинг бирор лашкарбошиси келган бўлиши мумкин. Искандар ҳақида эшитган маҳаллий халқ уни Искандар деб тахмин қилган бўлиши мумкин. Аммо Фарғона Искандар салтанатига кирмаган ҳудуд сифатида саналади. Бизнинг муддаомиз Искандарнинг Марғилонга келган-келмаганлигини аниқлаш эмас, балки Марғилонни ўша даврда мавжуд бўлганлигидир.

А.Набиев ўзининг “Тарихий ўлкашунослик” асарида антик дунё тарихчиларининг маълумотини келтиради. Унга кўра парфияликлар бир пайтлар скиф қабилалари орасидан қувилган қабила эдилар., “парф” сўзи скифча “қувилган кишилар” деган маънони англатади. Уларнинг кийиниши,

тиллари бир-бирига жуда яқин. Парфияликлар ҳам, Марғилонликлар ҳам моҳир чавандоз бўлганлар. Улар гаплашганда бир-бирларини тушунганлар. Шундан келиб чиқиб муаллиф “Фарғона” номи Парфиёна – Парфона – Фарғона бўлмаганмикан, деган фикрни беради.

Ибрат келтирган далилларга асосланиб, Фарғона ва Марғилон шаҳарларининг бино бўлган вақти деярли бир хил эканлигини инобатга олсак, юқорида келтирилган маълумотларимиз Марғилонни милиоддан олдинги давридаёқ пайдо бўлган деган фикрни тасдиқлайди.

Қадимги Хитой манбаларида Даван давлати ҳақида кўплаб маълумотлар учрайди. Уларда Даван давлатида 70 дан ортиқ шаҳарлар мавжуд бўлгани ҳақида маълумот бор.

Марғилон шаҳри ҳақидаги аниқ маълумотлар X асрдан бошлаб ёзма манбаларда ёзилган бўлса-да, бу шаҳарнинг биносини юқоридаги далилларга асосланиб 2000 йилдан ошиқроқ деб айта оламиз.

## МАРЬИЛОН ТОПОНИМИКАСИГА ОИД МАНБАЛАР

О.Ш.Хакимова, П.Парпиев-ФарДУ, Р.Ходжаев-ФарПИ

Щзбекистон тарихи, этнографияси учун муъим аъамиятга эга бщлган топонимик материалларни щрганишда Жаъонгир Латиповнинг «Марьилон ва унинг атрофлари топонимикаси» мавзусидаги номзодлик диссертациясидаги маолумотлар ыимматли бщлиб, Марьилон шаъри топонимикасини щрганишда катта аъамиятга эгадир.

Асли марьилонлик ажойиб инсон Ж.Латипов Фарьона водийсининг ыадимий ва тарихий шаъарларидан бири бщлмиш Марьилон ва унинг атрофи районлари (Олтиарикы, Охунбобоев, Тошлоы, Ыува, Водил) топонимларини щрганиш бщйича илмий иш олиб боради. Бу ишда у мавжуд топонимик тадыиыотлар тажрибасидан, жойларда шахсий суъбатлар, тегишли ташкилотлардаги жой рщйхатлари, Фарьона вилоят архиви материалларидан фойдаланади.

Биз ушбу маыолада олимнинг Марьилон шаъри ва унинг атроф районлари топонимияси тарихига оид айрим маолумотларни щыувчиларга хавола этмоыдамиз. Бугунги кунда тарихимизни чуыур щрганишда топонимик ва антротопонимик материалларни щрни алоъида аъамиятга эгадир.

Топонимика ва антротопонимика халынинг ижтимоий-сиёсий ыарашлари, маонавий дунёси билан чамбарчас боьланиб кетувчи характерли лингвистик материалдир. Бу жиъатдан, айниыса топонимиклар щзига хос хусусиятларга эга. Топонимларнинг пайдо бщлишини топонимист В.А.Никонов щринли таокидлаганидек, у халы тарихи билан узвий боьлиыдир. Шу сабабли ъам маолум халы тилидаги топонимларни щрганиш кщп ъолда бу материалдан тарихий маолумотлар ахтаришдан бошлангандир. (А.И.Попов. Объект исторический методе в топонимических исследованиях. «Развитие методов топонимических исследований».М.1979г 25-28 ст.)

Шунингдек, географик номларнинг халы тарихи ва турмуши билан яыиндан боьлиы эканини, Марьилон шаъри ва унинг атрофлари топонимияси

материаллари ъам тасдиылайди. Бу жиъатдан Ж.Латиповнинг «Марьилон ва унинг атрофлари топонимияси» номли илмий иши диыыатга сазовордир. У баози топонимлар маолум жойнинг щтмишида у ёки бу ҳукумрон шахсга тегишли бщлганлигини таокидлаб щтади. Масалан, Хожали чщли, Чопыибой ака ери, Бойтщри ариьи, Тщратщпи, Жуворихон ариьи каби. Марьилон топонимикасида шундай атоыли отлар ъам учрайдики, уларда диний эотиыод ва одат, аноаналари ёрыин ифодаланганини кщрсатади. Чунончи ыабристонлар, мозорлар, ыабрлар номи: Убайдуллахожи мозори, Хщжа ыабристони, Хазрат Мовлон мозори; масжидлар; Дщстихудо масжиди, Тщйчи ыщрбоши масжиди, Бобо-и-оппоы мозори, Эшон-и-азиз масжиди ва бошыалар.

Щтмишда бутун-бутун территорияларнинг йирик ерлари, шунингдек маъалла ва гузарларнинг бирор йирик ер эгасининг ёки муыаддас шахслар, авлиёлар, мусулмон дин пешволарининг номи билан аталганини Марьилон ва унинг атрофлари топонимикасида яхши саыланиб ыолган.

Жаҳонгирхон Латипов буни Ёыуббек гузари, Отажон бой ери, Ботирбоши, шунингдек, Эшон гузар, Эшон маъалла, Хщжа маъалла каби номларни мисол келтиради.

Марьилон халыининг щтмиш тарихини яхшироы щрганишда ыишлоы ва посёлкалар номи ва унинг номланиш сабабларини щрганиш катта аъамиятга эгадир. Жаъонгирхон Латипов щз тадыиыотида мингга яыин ыишлоы ва посёлкалар 800дан ортиы маъалла номини щрганган. Масалан, киши номлари лаыаб ва титуллари билан аталган ыишлоылар: Тщратщпи, Нормуҳаммадҳожи тщпи, Бектщпи, Эрмат махсум тщпи ва бошыалар.

Топонимиканинг халы щтмиши, ижтимоий ъаёти ва тарихидан дарак берувчи муъим фактлар эканини Марьилон топонимияси материаллари ъам тасдиылайди. Чунончи олим тщплаган материаллар орасида ҳудуд аъолисининг щтмиши касб-кори ва хщжалигидан дарак берувчи топонимлар учрайди. Масалан: эскифуруш, кигизчилик, тандирчилик, таыачилик, сандиычи, товоычи, темирчи, узумчи, щычи, пичоычи, ыошиычи ва бошыалар.

Ыишлоы ва посёлка номи географик жойлашиши щрни ва ундаги табиий ъолатга кщра ъам аталган. Масалан: Боьчилик, Жийдазор, Узумзор, Шувоызор, Ыора жийда ва бошыалар.

Социл-иытисодий ыарашлар тарихий воыеалар билан боьлиы бщлган топонимлар. Баози диний расм-русумлар билан боьлиы ыишлоы номлари Мирбобо мозори, Сирош масжид, Ыорихона ёки Эшонтщпи, Хщжатщпи, Сщфилар сингари тушунчалар билан боьлиы бщлган.

Маъаллаларнинг номланиши кщп жиъатдан ыишлоы ва посёлкаларнинг номланиши хусусиятларига яыиндир. Улар ичида энг характерлиси сифатида ыуйидагиларни кщрсатади:

1) Маъалла жойнинг территориясининг физик-географик ҳолатига кщра номланади: Юыоригузар, Юыоримаъалла, Пастмаъалла, Баландмаъалла каби.
2) Маъалла шу ҳудуднинг жойлашиш щрнига кщра номланади: Щрдатаги, Ыщрьонтаги, Ыудуыбоши, Кщчаоьзи, Сойбщйи, Дарвозатаги ва бошыалар.

3) Маъалла ушбу ҳудуддаги муъим табиий-географик хусусият, белгига кщра номланади: Щриксзор, Ёньоызор, Янгибоь, Чорбоь, Чорчинор, Мажнунтол, Узунховуз, Хщжакщприк, Тахтакщприк.
4) Этнонимлар билан ифодаланган маъалла номлари. Чунончи: Юыорибахрин, Пасткибахрин, Оралбой, Талабой, Арабгузар, Ыиёт, Ыатаьон, Ёв, Оысари, Оталиы, Тщдалик, Щзбекмаъалла, Тожикмаъалла, Лщлимаъалла ва бошыалар.

Масжидлар номи учун характерли хусусиятлар уларнинг кщпчилигини киши номи билан ифодаланишидир. Чунончи: Тщйчиыщрбоши масжиди, Момозебо масжиди, Болалатиф, Шойбой, Эшони Азизон масжиди ва бошыалар.

Шунингдек, Марьилон топонимикасини щрганишда этнотопонимларни щрганиш ъам катта аъамиятга эга эканлигини таокидлаб щтади. Туркий халылар, жумладан щзбек халыининг уруь ва ыабилалари, уларнинг шахобчаларини илмий текширишда машъур тарихчи ва тилшунослар В.В.Бартолрд, В.В.Радлов, В.В.Григоррев, А.Ю.Якубовский, Н.В.Ханыков, А.П.Хорошкин, В.М.Вяткин асарларидаги фикрлар ыимматлидир. Фарьона воъаси топономиядаги этнонимик системани тадыиы этган С.С.Тубаеванинг иши алоъида аъамиятга эгадир (С.С. Тубаева. Этнонимы в топономии Ферганский долины 17кд.М., 1973г).

С.С.Тубаева Фарьона водийси этнотопонимларини тадыиы этар экан, шундай фикрларни баён ыилади: «Фарьона водийси томонларини тадыиы этиш шуни кщрсатадики, бу водийда умумтуркий тилларда сщзлашувчи аъоли щрта Осиёнинг барча районларида ва ундан ташыарида кщпи 30-50%ни ташкил этади. Баози жойларда 10-11%дир. Этнонимларнинг бундай нотенг бщлиши тадыиыот олиб борилаётган районларнинг аъоли составига боьлиыдир» (С.С.Тубаева).

Марьилон топонимиясида ъам этнотопонимлар анча салмоыли щрин тутади.

Ж.Латипов тадыиыотида 100дан ортиы этнотопонимлар мавжудлигини ыайд этади (Ж.Латипов. Марьилон ва унинг атрофлари топонимияси. Канд. диссертация 1975 й). Жумладан: маолум миллат, халы номидан ясалган этнотопонимлар. Масалан: Арабгузар (маъалла), Арабмозор (ыишлоы), Тожиккщча (ыишлоы), Щзбекмаъалла, Эскиараб (ыишлоы), Янгиараб (ыишлоы).

Шунингдек, маолум туркий уруь ва ыабилалар номи билан ифодаланган этнотопонимлар. Масалан: Ыипчоы ариы (ариы), Ыорасийроы (ыишлоы), Ыиёт (маъалла), Найман (квартал), Ёву, Ёбу (маъалла), Канжирьа, Ыонжиьали (ыишлоы).

Хуллас, Марьилон топонимикасида уруь ва ыабилалар турли халы ъамда миллатлар бошыа хил этник гуруъларнинг номидан ясалган топонимлар сезиларли щрин тутади. Этнотопонимлар Марьилон шаъри атрофидаги ҳудудда щтмиш даврларда яшаган аҳолининг тарихи, ижтимоий-сиёсий аъволи, хщжалиги ъамда диний-маонавий ыарашлари ъаыида ыимматли маолумотлар бера олади.

Шундай ыилиб, жойларнинг номланиши тарихини аниылаш, номнинг этимологик маоносини тиклаш, лингвистикада тарихий лексикология, тарихий фонетика манфаатлари учун тарих ва этнография, археология ъамда география фанларида щша жойнинг ижтимоий-ытисодий тарихини, маданий-диний аъволини, физик-географик ҳолатини тиклаш, щрганиш маысадларида амалга оширилиши мумкин. Кейинги ваытларда топонимиканинг тарих, география, археология ва ҳаттоки геология фанлари билан алоыадор томонлари ъаыида бир ыадар ишлар ёзилди. Щзбек топонимиясининг баози унутилган ва ыадимий фактлари щзбек ва Щрта Осиё халыларининг щтмиш тарихини ёритишда щринли фойдаланилди. Кщп жиъатдан шарышунослардан В.Л.Вяткин, Н.Ф.Ситняковский, Л.Н.Соболев, М.М.Вирский, В.В.Бартолрд, С.П.Толстов, А.А.Семёнов, О.А.Сухарева, О.Д.Чеховичларнинг ишлари характерлидир.

Демак, топонимларнинг лингвистик режадагина эмас, балки тарихий-этнографик, географик-геологик режада ъам щрганиш жуда муъимдир. Таниыли топонимист В.А.Никонов таокидлаганидек: «Тарихийлик барча номлар асосидир. Улар ыандайдир ъодиса ва ном ъаыида маолумот берувчи тор доирада эмас, ъамма ваыт тарихийдир» (В.А.Никонов. Пути топонимического исследования. Сб. «Принципы топонимики», М.1964 г).

## МАРЬИЛОН ТОПОНИМИКАСИ ЪАЫИДА АЙРИМ МУЛОЪАЗАЛАР

О.Ъакимова, Х.Эркинова, И.Сиддиыов ФарДУ

Мамлакатимиз жуда узоы тарихга эга эканлиги ъеч кимга сир эмас. Буни ъеч ким инкор эта олмайди. Юртимизнинг узоы ва шонли тарихини щз гарданида кщтариб келаётган Бухоро, Самарыанд, Хива каби шаъарларимиздаги киши ыалбини ьурурга тщлдирадиган осори атиыалар ъамон дунё афкор оммасини лол ыолдириб келаётганлиги ва ушбу шаъарларнинг 2700 йиллик юбилейларининг бутун дунёда кенг нишонланганлиги фикримиз далилидир. Ёши 2000 йилдан кам бщлмаган шаъарлар Щзбекистон ҳудудида жуда кщплаб топилади. Бундай шаъарлар ыаторига Марьилон шаърини ъам киритишимиз мумкин. Айниыса бу шаъар ЮНЕСКО эотиборига тушиб, унинг 2000 йиллик юбилейини нишонлашга ыарор ыилинганлиги юртимиз аълини руълантириб юборди. Бу ыарор кенг жамоатчилик эотиборини Марьилон шаърига, унинг тарихи, аъолиси ва маданиятига нисбатан бошыача нигоъ билан ыарашга ундади. Лекин Марьилон шаърининг ъали очилмаган ыирралари бисёр. Шулардан бири Марьилон топонимикасидир. Биз ыуйида ушбу мавзуда фикр юритмоычимиз.

Марьилон Фарьона водийси шарыий ярмининг жанубий ыисмида жойлашган. Марьилон ва унинг щтмиш тарихига оид маолумотлар жуда кам. Марьилон номининг этимологияси ҳозиргача аниыланган эмас. Марьилоннинг ыадимий щтмишга эгалиги, унинг номи Марьилоннинг ъам эски топонимик номлиги шубҳасиз. Марьилон шаъри ъаыидаги справочник китобда шундай

ёзилади: «Даръаыиыат, Марьилон Щрта Осиёнинг энг ыадимги шаъарларидан бири бщлиб, у минг йиллик тарихга эгадир. X асрдаёы Марьилон Фарьонанинг машъур шаъарларидан бири ва ъатто округ маркази ъам бщлган».

Бу даврда, яони IX асрдан то XI асрнинг бошигача Щрта Осиёда самонийлар ҳукмронлик ыилган эди. Самонийлар асли форс амалдорлари орасидан чиыыан бщлиб, уларнинг асосий пойтахти Бухоро шаъри бщлган.

Марьилон шаъри ыорахонийлар даврида ъам машъур ва маолум шаъар бщлган. Чунончи машъур тарихчи В.В.Бартолрднинг «Мщьуллар даврида Туркистон» номли асарида ыуйидаги фикрлар баён этилган: «Тубан Насия вилоятида шаъар яна кщпроы бщлган, бунда Зандармиш (Зарафшон)дан бошыа яна Марьинон (Марьилон), Баранг, Щтиконлар орасида Тубан Насия вилоятининг бош шаъри Марьинон (Марьилон) бщлган бщлса керак».

Таниыли географ ва топонимист олим Ъ.Ъасанов Шайх Сулаймон Бухорийнинг «Луьати чиьатой ва турки Усмоний» (Истамбул, 1298 ъижрий-1880 йил) асаридан олинган шундай фикрни келтиради: «Фарьона – Туркистонда машъур ва азим бир шаъар номидир. Ъщыанд ъам дерлар. Андижон, Марьилон, Наманган у ердадир». Тарихий асарларда Фарьона шаъарларидан Фарьона, Ыубо (Ыува), Ъуыад (Ъщыанд), (Ыщыон), Наманган ва бошыа шаъарлар тщьрисида анчагина маолумотлар учрайди. Аммо Марьинон (Марьилон) ъаыида бундай дараклар кам.

Ъ. Ъасанов щзининг «Тарихий – географик номлар изоъоти» номли асарида «Марьилон» сщзини Мари, Марьилон, Мурьоб топонимлари системасида изоълайди ва китоб муаллифи шундай ёзади: «Мурь – об» ни «Ыщш – сув» деб изоълаш мумкин. Аслида ундай эмас. Мурьоб, Мари, шунингдек Марьилон номларининг асоси ыадимий «марь» сщзидан ясалган.

Тарихда марьи ыабиласи ъам бщлган. Улар щтлоы, сувлик ерларда яшаганлар, Марьзор деганда щрмонча, яшил ер, щтлоы жой тушунилади». Марьилон номи тарихда кщп шаклларга эга бщлган. Масалан: Марьинон, Марьилон, Мурьинон кабилар шулар жумласидандир. З. М. Бобур щзининг «Бобурнома» асарида Марьилон шаъри ъаыида шундай ёзади: «Яна бири Марьинондур, Андижоннинг ьарбидадур, Андижондин етти йиьоч йщлдур… Эли сорттур ва муштазан ва пуршару шщр элдур. Жангарилик расми Моварауннаърда шойидур, Самарыанд ва Бухорода номдор жангарилар аксар Марьинонийдур. Соъиби «Ъидоя» Марьиноннинг Рушдон отлиы кентидундур». Демак, «Бобурнома»да Марьилон шаъри номи кщп марта тилга олинган ва бу Марьинон кщринишида бщлган.

XVI асрда ёзилган Муъаммад Солиънинг «Шайбонийнома» асарида Марьилон номи Мурьинон ва Мщрьинон кщринишларига эга.

Чунончи:

Мурьинон ъаддиьа етьоч элчи,
Ыиссанинг шаръини ыильоч элчи.

Яна:

Мщрьинон шаърига етди андин,
Хасм кщнглини эритти андин.

Мщрьинон, Щшьа эрди сони
Маъкам айлаб эди Танбал они.

Яна:

Хон бу сщз бирла таваккуф ыилди,
Мщрьинонда черикини билди

Топонимист Э.М.Мурзаевнинг маолумотига ыараганда, Марьилон «Марьиноб» шаклига ъам эга бщлган. Э.М.Мурзаев Марьилон номини тожикча «марь» яони «щтлоы» сщзидан олинган деган фикрни билдиради ва уни Марь, Мурьоб,Марьон, Марьитта, Марьуб сингари топонимлар билан щзакдош деб ъисоблаган.

Суюн Ыораевнинг фикрича, Марьинон номининг Марьилон шакли щзбеклар талаффўзи натижасида кейинчалик вужудга келган. Самарыанд яыинида ъам Марьилонтепа деб юритувчи топоним бщлган. Марь сщзи ыадимги сщьд тилида «булоы» маоносини ъам англатади. Тожик мумтоз адабиёти тилида ыадимдан мавжуд бщлган мурь сщзи: щт, майса, алаф, майсазор, яони марьзор, чаманзор маоноларини англатган. Шунингдек, мурь щша шаклда Мурьоб шаърининг номини ъам ифодалаган. Марь, марьзор сщзи эски щзбек тилида, жумладан Алишер Навоий асарларида ъам учрайди: марь – щт, ъайвонлар ейдиган щсимлик, марьзор – щтлоы, ъайвонлар щтлайдиган жой. «Навоий асарлари луьати»да марь, марьзор сщзларининг арабча деб белгиланишига ыщшилиб бщлмайди.

Марьилон, Марьинон топонимларини марь – щтлоы сщзига боьлаш баози шубъали томонларга ъам эга. Нега щша жой Марь – щтлоы деб номланган бщлса, унинг атрофларида бошыа марь – щтлоылар бщлмаганми? Шунингдек Марь – щт, щтлоы бщлса, Марьинондаги Марь-и-нон, Марьи-нон, Марь-инон – нон компонентлари нимани англатади?

Борди-ю, Марьилон, Марьинон, марь номли ыабила номи билан алоыадор бщлса, унда топонимнинг иккинчи компоненти форс – тожикча –он (ён) кщплик ыщшимчасига алоыадор деб тахмин ыилиниши мумкин. Бу ъолда Марьинон – Марьиён – Марьон – Марьион – Марьинон – Марьилон , яони марьлар яшовчи жой , марьлар шаъри маоносини англатган бщлиши эътимол.

Баози ривоятларга кщра, Марьилонда гщё Искандар Зулыарнайн ыабри бщлиб, унинг байроьи масжидда саыланган эмиш. Шу пайтгача бир кщчанинг подшои Искандар деган номи саыланиб ыолган. Айрим кишилар «Марьилон» сщзи Македонский (Македониялик Искандар) номидан келиб чиыыан деб тахмин ыилишади: Македон – Макенон – Маргинон – Марьилон.

Хулоса ыилиб шуни айтиш мумкинки, Марьилон топониминнинг этимологияси ъозирча номаолум ва яна ыщшимча илмий текширишларни талаб ыилади.

## МАРҒИЛОН ШАҲРИДА ИСЛОМГАЧА БЎЛГАН ДИНИЙ ҚАРАШЛАРГА ДОИР

Ватанимиз дунё цивилизациясининг ўчоғларидан биридир. У жаҳон маданияти ва маънавияти ривожига улкан ҳисса қўшиб келмоқда. Ўзбек моддий ва маънавий маданиятининг равнақи ва бойишида Марғилон шаҳрининг ўзига хос ўрни ва аҳамияти бор. Чунки бу кўхна замин жуда кўп шоира, аллома, мутафаккир, жамоат, санъат, давлат арбобларини етказиб берган. Улар табиийки, ижтимоий равнаққа ўз фаолиятлари билан баракали таъсир этганлар. Шунинг учун ҳам ЮНЕСКО қарори билан Марғилоннинг икки минг йиллигини халқаро миқёсида тантанали равишда нишонланмоқда. Бу Ўзбекистонимиз учун жаҳон ҳамжамиятида катта фахр ва обрўдир.

Истиқлол туфайли миллий мерос ва миллий маданиятга нисбатан бўлган муносабатлар тубдан ўзгарди, уларнинг миллий истиқлол мафкураси нуқтаи назаридан қайтадан ўрганилмоқда, илмий таҳлил қилинмоқда, уларни мустақиллик маънавиятининг асосларини яратишда ва мустаҳкамлашда ижобийларидан ўринли фойдаланилмоқда. Шуниси қувончлики, маданият ва маънавиятга бўлган сиёсат давлат ички сиёсатиниг устивор йўналишларидан бирига айланди. Асрлар мобайнида яратилган миллий қадриятларимиз қайтадан тикланмоқда, ҳозирги турмуш тарзимизда ўзининг муносиб ўрнини эгалламоқда, ўзлигимизни англашга катта хизмат қилмоқда.

Юртбошимиз И. А. Каримов таъкидлаганидек, “Ўзликни англаш тарихни билишдан бошланади”. Шунинг учун ҳам ўз жонажон тарихимизни яхши билиши ва уни пухта ўрганишимиз керак. Бу мустақиллик ва давр талабидир. Зеро, дин тарихи – жаҳон тарихининг ажралмас қисмидир.

Улар бир-бирини тўлдиради ва диалектик алоқада. Маълумки, дин-ижтимоий, тарихий ҳодиса бўлиб, у маданиятнинг ўзига хос бир тури. Ўз функциясига кўра халқимиз маданияти маънавияти, тарихида муҳим роль ўйнаб келмоқда. Шу сабабли динлар тарихи ва моҳиятини ўрганиш ва билиш ҳамма учун зарурдир.

Жаҳон халқлари ва элатлари сингари Марғилон аҳолиси ҳам узоқ давом этган тарихий тараққиёт йўлини ўз бошидан кечирган. Қадимда барча халқларда ва турк халқларида бўлганидек, бу минтақада ҳам динларнинг дастлабки шакллари - ота-оналар руҳига сиғиниш, фетишизм, анимизм сеҳргарлик (магия), шомонийлик ҳамда зардуштийлик қолдиқлари, аҳоли ўртасида ҳамон сақланиб қолмоқда ва уларга миллий анъаналар деб қаралмоқда. Қуйида юқоридаги динларнинг айримлари тўғрисида қисқача тўхталамиз.

Ота-оналар руҳига сиғиниш, улардан мадад кутиш ҳозир ҳам давом этмоқда. Масалан, марҳумларнинг вафот этганлигини 3, 7, 20, 40 кунлиги, йили каби маросимлар ҳамма жойда диний урф-одат сифатида, бажарилиб келинмоқда. Аслида эса буларнинг исломга сира алоқаси йўқ, аммо бу маросимларга ислом руҳи сингдирилган, холос. Тотемизм – унинг уруғи деган маънони англатади. Ҳайвонларни илоҳийлаштириш ва уларни муайян уруғ, қабилаларнинг асосчиси деб тушуниш барча халқлар каби турк қабилаларида

ҳам бўлган. Табиийки, бундан Марғилон аҳолиси мустасно эмас. Масалан, бўри, кийик, буғи, сигир, ҳўкиз, эчки, от, ит туркий халқларнинг асосий тотемлари – худолари бўлган, ҳомийлари ҳисобланган.

Шуни таъкидлаш жоизки, ҳозирги даврда халқ орасида қурбонлик қилиш, ҳайвон шохларини уйда, “муқаддас” жойларда ва қабристонда, қабр устига осиб қўйиш кабилар, ёки туркий халқлардаги мучал хайвонлар муқаддаслаштирилиши билан бевосита боғлиқ. Улар айни пайтда сақланиб қолмоқда. Диннинг кейинги шакли фетишизм бўлиб, унинг моҳияти шундаки, жонсиз нарсаларни қандайдир мўъжизавий, ғайритабиий ҳусусиятга эга деб тушинилади ва сиғинилади. Масалан, тош, дарахт, турли хил нарсаларга сиғиниш, авлиё-анбиёлар, “муқаддас” жойлардан мадад сўраш ва кутиш. Ундан ташқари, тумор,  кўзмунчоқ,  дўлана, кўзтикан, бургут тирноғи, айиқ жуни ва бошқалар. Юқоридагиларни аҳоли орасида истаганча учратиш ва топиш мумкин. Шомонизм – тунгусча сўз бўлиб, “жазавали”, “ўта хаяжонланадиган” маъноларни билдиради. Унинг моҳияти шундаки, айрим одамлар гўё турли руҳлар билан муносабатда бўладилар, таъсир эта оладилар деб тушинилади. Одамлар шомонларни беморни даволаш, табиатга таъсир этиш ҳамма нарсани олдиндан кўра билиш қобилятига эга деб ўйлаганлар.

Шомонизмда одам-одамга сиғинади. Биздаги бахшиларни кучига сиғиниш, фолбинларга ишониш тарзида ҳозирда ҳам сақланиб турибди. Сеҳргарлик (магия) – диннинг бир тури бўлиб, одамлар инсон ва руҳ ўртасидаги муносабатларда воситачилик қила олиш кучига эга, деб ишонишдир. Бунга арвоҳлар,дев, пари, алвасти(ажина), каромат қилиш, ис чиқариш, қурбонлик қилиш, “муқаддас” сувлар, кинна йўйиш (солдириш), иссиқ-совуқ ва бошқалар киради. Юқоридагилар шаҳар аҳолисининг муайян қисми ўртасида ҳозир ҳам сақланиб қолаётганлиги ҳеч кимга сир эмас.

Диннинг анча мураккаб тури бу – анимизмдир. Унинг моҳияти шундаки, жон ва тана мустақил, жон ўлмайди. У мустақил равишда мавжуд бўла олади. Руҳлар икки турга- яхши ва ёмонга бўлинади деб тушинилади. Гўёки улар одамга ижобий ва салбий таъсир кўрсатар эмиш. Бунга мисол, турмушда сақланиб келаётган турли ирим-сиримлар, хурофий расм-русмлар  руҳларга сиғиниш кабилар. Ўлкамизда, хусусан Марғилонда исломгача бўлган динлардан бири зардуштийликдир. Бу дин Хоразмда пайдо бўлган. Шуниси аҳамиятлики, мазкур дин инсоният тарихида биринчи бўлиб якка  худоликни тарғиб қилди. Унинг моҳияти яхшилик ёмонлик устидан ғалаба қилади.

Зардуштийлик дини фалсафасининг мазмуни қуйидаги тамойил “эзгусўз, эзгу фикр, эзгу амал” да ифодаланган. Ундан ташқари олов, сув, ер, хаво муқаддас ҳисобланган. Ҳозирги пайтда олов ва сувга сиғинишни аҳоли ўртасида сақланиб қолиши ёки вафот этган уйда хар пайшанба куни чироқ қўйиш, қабристонда шам ёқиш, келинни куёвникига олиб кираётганда олов атрофида айлантириш, эрталаб ювинмасдан бировга кўринмаслик, мангу олов кабилар. Зардуштийлик мавжуд динлар ичида дунёвийлик жиҳатларининг кўплиги ва турмушга, оддий инсон ҳаётига ниҳоятда яқинлиги билан ажралиб

туради. Шуни таъкидлаш жоизки, зардуштийлик, буддавийлик, христианлик, ислом динларининг асосий таълимотларини шаклланишига катта таъсир кўрсатган диндир. Бу мутахассислар томонидан эътироф этилган. Кейинги тадқиқотларга суяниб, Марғилонда ҳам буддавийлик тарқалган деб айтиш мумкин. Чунки шаҳар ҳудуди ва будда динига оид асору-атиқалар мутахассислар томонидан топилди. Бунга яна бошқа бир далил бор. Қува марказида топилган будда ҳайкалидир. Агар ён қўшни қуваликлар буддавийликка сиғинган бўлса, нега марғилонликлар унга эътиқод қилмаган бўлсин. Шуларга асосланиб туриб, Марғилон шаҳрида ҳам исломгача буддавийлик тарқалган деб айтиш мумкин. Шуни таъкидлаш жоизки, юқоридаги барча динларнинг қолдиқлари миллий анъанлар қаторига аҳоли томонидан асрлар мобайнида киритилиб, қўшиб юборилган, уларнинг кўпчилик қисми ислом руҳи билан суғортирилган, давр ва дунёқарашлар мазмуни сингдирилган. Шу сабабли жуда кўп ҳолларда уларни бир-биридан фарқлаш ва ажиратишда анча қийинчиликларга дуч келинмоқда. Уни мутахассисларгина фарқлай олиши мумкин. Ҳуллас, Марғилон ҳудудида бутун Ўзбекистон, Марказий Осиёда бўлганидек, ота-оналар руҳига сиғиниш, тотемизм, фетишизм, анимизм, сеҳргарлик (магия), шомонийлик, буддавийлик, зардуштийлик динлари тарқалган, буни эса уларнинг ҳозирги қолдиқлари исботлаб турибди.

## “БУЮК ИПАК ЙЎЛИ” АТРОФИДА ЯШАГАН ХАЛҚЛАР БИЛАН ФАРҒОНА ЎРТАСИДАГИ ИҚТИСОДИЙ, МАДАНИЙ АЛОҚАЛАР

Қ.Тўйчиев, Т.Қўчқоров,О.Ғофуров - ФарДУ

Кишилик жамияти вужудга келганидан бошлаб турли ўлкаларда яшаган халқлар ўртасида иқтисодий ва маданий алоқалар ўрнатилиб борилган. Одамлар, уруғ-жамоалари қабилалар, элатлар, халқлар ва ниҳояси ҳудудий, иқтисодий ва сиёсий бирлаштирилган мамлакатлараро доимо алоқалар бўлган. Бу эса улар ўртасида алоқа йўлларини вужудга келишига асос бўлади.

Милоддан аввалги бир мингинчи йилларни бошларида яқин ва Ўрта шарқ оралиғида “Шоҳ йўли” таркиб топган бўлса, Ўрта Осиё ва яқин Шарқда Бадахшон лазуритига (Лаъли Бадахшон) га бўлга эҳтиёж “Лазурит йўли”нинг пайдо бўлишига олиб келган. Бу Лазуритдан Мессопотамия ва Миср хукумдорларнинг саройларни, ибодатхоналарни безашда ҳамда, аёлларга зебу-зийнат тайёрлашда фойдаланилган.

Ана шу йўллар тарихида “ипак йўли” деб ном олган алоқа йўли кунчиқар халқларни ғарб билан боғлаб турган. XIX асрнинг 70-йилларигача “Ғарбий Меридионал йўл” деб аталган бўлса немис олими К.Рихгофен томонидан “ипак йўли” деб аталган.

Фанда ипакнинг ватани Хитой деб тан олиниб уни пайдо бўлиши милоддан аввалги III –мингинчи йилликларга боради деб кўрсатилади. Буни тасдиқловчи материаллар археологик тадқиқотлар даврида топилган “ипак”, “тут дарахти” Хитой ёзувларида учрайди.

Аммо кейинчалик Ўзбекистоннинг Жанубидаги Сурхандарёнинг Сополли тепа ёдгорлигида олиб борилган археологик тадқиқотларида топилган тут дархтидан ясалган буюмлар бу жойларда ҳам пилла етиштириш милоддан аввалги III-II минг йилликларда бўлганлигига хеч шубҳа туғдирмайди.

Фарғона водийсидаги аҳоли Хитой билан олиб борилган алоқаси милоддан аввалги III-асрлардан бошланиб водийга 3 та йўл орқали яъни ҳозирги Қирғизистоннинг Ўзган шаҳри тепасидаги Советский қишлоғига, Янги Новқат қишлоғига, ҳамда Ўзбекистоннинг Фарғона туманига қарашли Ёрдон қишлоғига кириб келган. Бунга сабаб Марказий Осиёдан ўтган ипак йўллари устидан Сўғдилар тўлиқ назорат олиб борганлар. Ҳар қандай карвонлардан белгиланган миқдорда бож олиниши катта чиқимга олиб келганлигидир.

“Ипак йўли”нинг пайдо бўлишдан бошлаб Фарғона водийси шаҳарлари, шу жумладан Маарғилон иқтисодий-маданий алоқаларининг ўзига хос марказига айланиб, бу шаҳарларда, бозорлар, карвонсаройлар кўплаб қурилган. Бу тўғрисида келган Хитой сайёҳлари ўз эсдаликларида ёзиб қолдирганлар. Эрамиздан аввалги I-асрнинг 50-40 йилларида Шарқий Туркистон ҳудудлари Хитойликлар томонидан босиб олингач, Фарғона водийси билан иқтисодий ва савдо алоқалари янги босқичга кўтарилди. Фарғонадан машҳур самовий отлар, беда уруғи, пахта, Қубодан анор, узум олиб кетилган. Водийга эса фарфор идишлар, шойи газламалар, ипак, ойна ва тиббий дори-дармонлар келтирилган.

“Ипак йўли” Шарқий Туркистон ва Фарғона водийси халқларининг сиёсий, иқтисодий, маданий ҳаётида муҳим роль ўйнаш билан этник жиҳатдан яқинлашувига ҳам сабаб бўлган. Бизга маълумки милоддан аввалги III асрда Марказий Осиёдан ғарбга қараб силжиган ЮЕИЧЖИ қабилалари гарчи Водийга кириб келмаган бўлсада аммо уларни урф-одатлари ва турмуш тарзи маълум даражада бу жойга тарқалган деб фикр билдириш мумкин. Чунки кейинчалик ЮЕИЧЖИларнинг ўлкан давлати бўлиши Қушон давлатига қарашли халқлар билан Водий халқлари кенг доирада алоқалар олиб борган.

Алоқа йўли атрофида бўлган алоқаларни тасдиқловчи Фарғонадаги 900 дан ортиқ мозор қўрғонлардан топилган ашёвий топилмалардир.Қизлартепа, Машад, Шаҳартепа Фарғонанинг ғарбидаги Қорабулоқ мозоридан топилган ашёлар ичида жангчи куруғллари, безак буюмлар, мато қолдиқлар, меҳнат қуроллари бўлиб милоднинг II-III асрларга тўғри келади. Топилган матолар ва уларнинг безаклари Осиёнинг ғарби, Ўрта Ер денгизи бўйидаги халқларга тааллуқли бўлиб, Хитой тўқимачилари томонидан ташкиллаштирилган ҳолда яратилганлиги маълум бўлди. Қорабулоқ топилмалари Хитой, Шарқий Туркамнистон, Сўғд, Эрон билан ҳар томонлама алоқалар ривожланганлигини тасдиқлайди.

Ўрта Осиёдаги халқлар қатори Фарғона водийси халқларининг маданий ҳаётига милоддан аввалги II асрлардан бошлаб Ҳиндистонда буддавийликни кириб келиши билан бирга уларга таълуқли шаҳар қурилиши, тасвирий санъат, урф-одатларни кириб келишига оид қатор ёдгорликлар аниқланиб археологик жиҳатдан ўрганилган.

Буларга Сурхандарёда Халчаён, Фаёзтепа, Қизлартепа, Болаликтепа, Фарғонада Қува будда ибодатхоналари Варахша, Панжакент ва бошқа ёдгорликлар шулар жумласидандир.

Милоднинг III-VI асрларда бўлиб ўтган сиёсий воқиеалар иқтисодий-маданий алоқаларга нисбатан ўз таъсирини кўрсатган. Бу воқиеада шаклланган Эрон сосонийлар давлати ўзининг шарқий чегарасини то Хитойгача кенгайтирган. Кейинчалик Эфталитлар хукумронлиги вужудга келиши ва Ўрта Осиёга ҳарбий юриши натижасида бу жойларда сосонийлар ҳукмронлигига барҳам берилди. Бу эса маҳаллий аҳоли билан Ҳиндистон ва Эрон билан алоқалари янада кучайган. Буни тасдиқловчи ашёвий манбалар Шарқий Туркистондан Канха, Чач ва Қува харобаларидан топилган. Фарғона халқларининг қадимги турклар билан алоқаси тўғрисидаги маълумотлар муҳимдир.

627 йилда турк ҳукмдори Ашин Фарғона хукумдорини мағлубиятга учратиб бу жойларни ўз тасарруфига олади. Арабларга қарши курашда қўшни халқларга қўшилишади. VII-VIII асрларнинг биринчи ярмида Фарғона турк ҳукмдорлари ўзининг танга-пулларини зарб этадилар. Қува харобасини қазиш даврида “номсиз ҳукмдор”лар томонидан зарб этилган турк танга-пуллар топилган.

Фарғонанинг қадимги туркалар билан алоқасини тасдиқловчи Арсиф ва Далварзиндаги от билан дафн этилган жасадлар, Мунчоқтепа Суфон қабристонлари, Шимолий Фарғона ва Олойда мозор ва тош қўрғонлар аниқланган.

“Буюк ипак йўли” тараққиётида уйғур халқи катта роль ўйнаган. IV асрдан бошлаб Шарқий Туркистондан Карвон савдо йўлларининг бутун бир тизими юзага келади. Ёркент, Хўжанд, Қошғар каби уйғур шаҳарларида Фарғона водийсидан борган савдогарларнинг карвонсаройлари ҳунармандларининг махсус маҳаллалари пайдо бўлган. Барча ўзбеклар Шарқий Туркистонда фақат бир ном яъни “анжанлиқ” деб аталган. Кўриниб турибдики, водий шаҳарлари уйғурлар юртида жуда машҳур бўлган.

Ўрта Осиё билан Хитойнинг иқтисодий савдо алоқаларининг энг кучайган даври IX-XII асрлардир. Бу вақтда Фарғонада-70, Чочда-50, Қозоғистонда 70 дан ортиқ шаҳарлар бўлиб, улар савдо йўли трассаси ёнида жойлашган эди. Уларнинг тараққиётида савдо-сотиқ асосий роль ўйнаган. Шаҳарларда ҳунармандчиликнинг барча соҳалари мавжуд бўлиб ўз маҳсулотларини четга чиқарган.

Буюк ипак йўлининг халқлар ҳаётига кўрсатган ижобий таъсири тўғрисида хулоса.

1. Ипак йўли Ўрта Осиё халқларининг шу жумладан Марғилонда сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётида жуда катта роль ўйнайди. Шу билан бирга Ўрта Осиё халқлари Ғарб ва Шарқ дунёси ва уларнинг хўжалик ихтироларидан бахраманд бўлди.
2. Ипак йўли Ғарб билан Шарқ ўртасида воситачилик ролини ўйнайди. Натижада, Ўрта Осиёда миграция жараёни кучаяди. Бу эса туркийзабон халқларнинг кенг тарқалишига олиб келди.

3. Ипакчилик маркази Хитойдаги Шандун вилоятида таркиб топиб кейинчалик бутун Марказий Осиё, Марғилонга Яқин ва Ўрта Шарққа тарқади.
4. VI асрнинг иккинчи ярмидан турк салтанати VIII асрдан араблар, IX-X асрларда сомонийлар, XI-XII асрларда қорахонийлар, салжуқийлар, XIII асрдан мўғуллар, XIV аср 70 йилларидан Темурийлар ипак йўли устидан назорат олиб борганлар.
5. Савдо йўллари турли халқлар ўртасидаги муносабатларни янада ривожлантирган.

## МАРҒИЛОН УЛАМОЛАР ШАҲРИ

Ў.Эшонбобоев, Т.Усмонов, .О.Эргашев, Ф.Юлдашев - ФарДУ

Тарихнинг гувоҳлик беришича, қадим-қадимдан Марғилон ўзининг юксак илмий ва маданий салоҳияти билан шухрат топган шаҳар бўлган. Ислом динининг бу ўлкага кириб келиши билан бу ердан исломий билимлар ва маданиятнинг ривожланишига катта ҳисса қўшган кўплаб забардаст олимлар етишиб чиқди. Бу ҳеч мавжуд ўз навбатида жаҳон маданиятининг ривожланишига ўзининг салмоқли таъсирини кўрсатди.

Маҳмуд ибн Тож ад-Дин Аҳмаднинг “Ал-Муҳийт ал- Бурхоний фи фиқҳи ан-Нўъмоний” номли асарида: “ ... бу шаҳарда жуда кўп фозил одамлар таваллуд топганлар” дейилган. Абу Райхон беруний номидаги шарқшунослик қўлёзмалар институтида сақланаётган биографик асарлар ичида ўттиздан ошиқ ал-Марғиноний нгми остидаги алломаларнинг номлари келтирилган.

Хабарларда нақл қилинишича бу шаҳарда бир даврнинг ўзида етмишдан ортиқ “Мавлоно” рутбасини олган алломалар яшаб ўтганлар. Шунинг учун ҳам Марғилонни ”Сундуқулорифийн” – Аллоҳ таолони дили билан таниган – орифзотлар макони деб таърифлаганлар.

Тарихий манбаларда кўрсатилишича, X асрдаёқ Марғилон Фарғона водийсининг савдо ва маданият марказларидан бири бўлган. Марғилонийлар номи билан танилган олимлар, фақиҳлар сулоласи нафақат Мовароуннаҳрда, балки бутун ислом оламида илм тараққиётига ўлкан ҳисса қўшганлар. Шаҳримиздан етишиб чиққан фиқх олимлар сулоласи намоёндаларидан Абдул-азиз ибн Абдураззоқ ибн Абу Наср ибн Жаъфар ибн Сулаймон Марғиноний (вафоти 1084 йил), Али ибн Абу Бакр Марғиноний (вафоти 1197 йил), Абу Ҳафс Низомиддин Умар Марғиноний (вафоти 12033 йил), Абул Маҳосан Заҳриддин ал-Хасан ибн Али ибн Абдулазиз Марғиноний (вафоти 1203 йил) номларини эслаб ўтиш мумкин. Улар ичида Абдулазиз Марғинонийнинг муфтий бўлиб танилган олтита ўғиллари манбаларда Абул Хасан Заҳириддин Али ибн Абдул–азиз ва Шамсул аимма Маҳмуд Абу Шандий (вафоти 1112 йил) номлари зикр этилган. Унинг ўғли ва шогирди Хасан ибн Али Заҳириддин ал-Кабир лақаби Абул Махосиндир. У зотнинг асари Машҳурдир. Улар: “Ақзия”

(“Масалалар”), “Фатво”, “Фавоит” (“Фойдалар”) ва “Шурут” (“Шартлар”), охиргисининг қўлёзма нусхалари сақланган. Шуниси диққатга сазоворки, Абдул-азиз Марғиноний “Ҳидоя” муаллифи – Бурҳониддин ал-Марғинонийнинг устозларидан бири бўлганлар.

Ана шундай фиқҳ-аллома юртдошларимиздан яна бири Бурҳониддин Маҳмуд ибн ас-Садр ас-Саъид Тож ад-Дин Аҳмад ибн ас-Садр ал- Кабир Абдал-азиз ибн Умар ибн Муаз ал-Бухори ал-Марғинонийдир. У Ҳанафия мазхабига доир фиқхий асарларда. “Бурҳон ад-Дин”, “Бурҳон ал-Ислом”, “Садр ал-Ислом”, “Садр ад-Дин”, “Абуал-Маъолий” номлари остида зикр қилинади. Туғилган санаси 1156 йил. Унинг “Ал-Муҳийт ал-Бурҳоний”, (“Далиллар қўрғони”) номли 11 жилдли асарлари мавжуд. Бу асар ҳозирги кунимизга қадар Ҳиндистондаги Девбону мадрасасида, Мисрдаги мадрасада, Мисрдаги “ал-Азчор” университетида, Истанбулдаги ҳуқуқшунослик, фиқхшунослик олий ўқув муассасаларида дарслик сифатида фойдаланилади.

Бурҳониддин Маҳмуд ибн ал-Садр ас-Саъид оиласи “Бани Маоз”, “Бани Умар ибн Марвон” номлари билан танилган. Яъни бу силсила V халифа деб эътироф этилган. Умавий халифаларидан энг адолатлиси бўлган Умар ибн Абу ал-Азиз ибн Марвондир. У машҳур “ал-Ҳидоя” асарининг муаллифи – Бурҳониддин ал-Марғинонийга устозлик қилган.

Бурҳон ад-Дин Маҳмуд ибн Садр ибн ал- Саъиднинг оиласи иккинчи томондан машҳур Солжун султонларидан бири саналган, Хуросон ҳокими бўлган Султон Санжарга яқин бўлган. Бу оила “Садр“ унвонига эга бўлиб, Бухорода ҳокимлик даражасигача етган. Машҳур олимлардан яна бири Абу ар-Раҳим ибн Имомиддин ал-Марғиноний бўлиб “Китоб усул ал-ислом фи ал-аҳком” номли асар муаллифи сифатида кўрсатилади. Олимга замондош бўлган Ҳожа Исомиддин ал-Марғиноний ас-Самарқандий ҳам ўзининг ахлоқ-одобга доир асарлари билан шуҳрат қозонган.

Кейинги икки аср (XIX – XX асрлар) мобайнида Марғилонда яшаб ўтган, ислом дини тараққиёти учун ўлкан ҳисса қўшган олимлар сафига қуйидаги муборак номларни қўшиш мумкин:

**Муҳаммад Юсуфхон Марғиноний –** “Хонимойи Ҳазрат домла” (1836-1914). Улуғ мутасаввуф, шариат ва тариқат илмларининг билимдони сифатида танилган. Баъзи қўлёзмаларда “Мавлоно”, “Ориф Раббоний”, Устди Кулл”, “Қутб”, “Соҳиби илми Ларун” дея таърифланган. У киши Марғилондаги “Хонамон” мадрасасида мударрислик қилиб, кўплаб шогирдлар ва муридларни тарбиялаб чиқарганлар. Бу зот ўз навбатида шаҳардаги мусаффодиний муҳитни тадрижий суъратда ўз маромида давом этиши учун беқиёс хизмат қилганлар.

**Мирҳайчир** Домла Марғиноний. Тасаввуф тариқатининг кўзга кўринган йирик фазилатли Шайхи. “Хожа Фарсо” мадрасасининг мударриси, бўлиб муридлар тарбиялаганлар. Уларни маънавий камолот сари етаклаганлар. “Томей” тахаллуси билан бир қанча аҳлоқий, ирфоний мазмундаги ғазаллар ёзганлар. 1911 йилда “Хожа Фарсо” қабристонида вафот этган.

**Мирхалил Марғиноний.** – “Хазрат Бурхоний Домла”, “Бузо Домла” номлари билан машҳур бўлган бу зот марғилондаги “Чуқур мадраса”да мударрислик қилганлар. Манбаларда кўрсатилишича, бу мадрасада юзта хужра

бўлган. Шариъат илмининг беназир олими бўлган бу аллома узоқ вақт Бухоройи шарифда таълим олганлар. Хабарларда айтилишича, мадрасадаги таҳсилларини тамомлаб Марғилонга қайтаётганларида, Бухоро мударрислари "Бу йигит бухоронинг ярим илмини ўзи билан Марғилонга олиб кетди", — деб баҳо беришган. Сўнгги даврда шаҳримизда муқтадолик қилган кўплаб уламоларнинг устози ҳисобланадилар (вафотлари 1921 йил).

**Хўжажон қози Домла – Рожий Марғиноний.** (1834-1918). Марғилоннинг қози калони, Фарғона водийси Бош қозиси – Қозиюл Қузот. Қирқ йил қозилик мансабида турганлар. Тасаввуфнинг маломатия мазҳабига мансуб бўлганлар. Ўн минг мисрадан ортиқ назмий асарлари мавжуд. Ҳаёт ва фаолиятларига доир бир қанча илмий ишлар ва тадбирлар қилинган.

**Абдулҳамид Махдум Марғиноний.** (1887-1950) Буюк олим, муфассир шариатининг толмас ходими. Дин равнақи учун беқиёс хизматлар қилганлар. Қатағон йилларида ёпилиб қолган "Ҳанақох" масжидининг 1943 йили қайта очилишида шижоат кўрсатганлар. Ўшандай қийин, нозик даврда "Ҳонақох" масжидида Имом Хотиб вазифасида туриб, дин учун кўп хизмат қилган зотлардан ҳисобланадилар. Шоҳимардон қишлоғида "Хазрат Али"масжиди ва мозорини қайта тиклашга катта ҳисса қўшганлар. Устозлари Хонақойи Хазрат Домланинг қабрлари Оқмасжид қабристонида.

**Фозилжон Махдум Марғиноний Сулаймонхўжа Эшон ўғиллари.** 1878 йилда туғилганлар. Беназир фиқҳ, маҳаддис. Баён илмида ўз даврида тенги йўқ бўлган бу олим бухоро Амири томонидан таъсис этилган. "Дахан" (Ўндан бир) мукофотини олишга мувоффиқ бўлган. Пайғамбаримиз Муҳаммад С.А.В. туғилишларига бағишлаб ёзилган Имом жаъфар ал-Бадзангиийнинг "мавлудин наби" китобини ўзбек тилида шарҳлаб "Фатҳул видуд ала шарҳал Мавлуд" деган китоб ёзганлар. Шунингдек "Қуръон бир шинегил " деган рисола тасниф қилинган.

Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний назоратида маслаҳатчи бўлиб ишлаганлар.

**Холмуҳаммад қори Мулла Соҳиб ўғиллари (1856-1939).** Шариъат илмининг етук билимдони. Тасаввуф тариқатининг кўзга кўринган вакили сўзлари аъло бўлишига қарамай йирик олим даражасига етишдилар. Қайси чигал масалаларнинг жавобини, ҳал қилиш йўлини кўриб у кишига мурожаат этишганда, каромат билан уларнинг тўғри жавобларини қайси китобнинг қайси саҳифасида эканлигини айтиб берар эдилар. Кишининг кўнглидаги гапини билиб турганлар. Шаҳардаги "Чуқур мадраса"да мударрислик қилганлар. Халқ орасида "Қори домла" номи билан машҳур эдилар. Кўплаб шогирдлар тайёрлаганлар. Уларнинг кўплари йирик олим бўлиб етишдилар.

**Абдусамад Охунд Марғиноний.** Етук олим, ирфон соҳиби, "Қалл" тахаллуси билан ўнлаб насиҳат мазмунидаги ғазаллар, муҳаммаслар ёзганлар. У киши таърифларида "Ҳақиқатдан баҳра олган зот эдилар",– дейилади.

**Абдулазиз қори Болтабой ўғиллари.** Тараққийпарвар олим, диний ва дунёвий илмларнинг етук билимдони. "Ғолиб" тахаллуси билан ахлоқий ва диний мазмундаги кўплаб шеърлар ёзганлар. Ўз авлодлари, Марғилондан ўтган айрим уламолар ҳақида қимматли маълумотларни ўзида мужассам этган

“Насаб” номли китоб таъмир этганлар. Аллоҳ таолонинг гўзал сифатларига бағишланган ”Асмон хусно” номли китоб ёзганлар.

Булардан ташқари яна шаҳримиздаги кўплаб илм аҳллари етишиб чиқдилар. Улар сафига қуйидаги номларни қўшиш мумкин.

**Мадаминжон Охунд.** Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний идорасида масъул вазифада ишлаганлар.

**Умрзоқ қори.** Қирғизистон республикаси мусулмонлари диний идораси раиси бўлиб ишлаган.

**Аҳмаджон Охунд.** Шариъат илмларининг пухта билимдони, кўплаб уламолар остози.

**Мушаррафхон Охунд**. Етук уламо, фиқҳ, кўп йиллар давомида шаҳардаги “Холиқон” масжидида имом хатиб вазифасида ишлаганлар.

**Нуриддин Махдум.** Маҳаллий билимларнинг беназир олими, билим тарғиботчиси. Кўп етук олимларга устозлик қилганлар.

**Ҳошимжон Махдум.** Ўз даврларининг мўътабар уламоларига устозлик қилган зотдирлар. Шаъриат хукмлари, исломий билимларининг толмас тарғиботчиси бўлиб келганлар. “Тут-таги”толи масжидида имом-хатиб вазифасида, мусулмонлар диний ахкомларни тушунтиришда кўп жонбозлик кўрсатганлар.

**Абдуллажон Махдум.** Халқ орасида “Махдумдара” номи билан шуҳрат қозонганлар. Улуғ олим, фиқҳ, ҳадис илмининг пухта билимдони бўлганлар. Исломий билмилар ва шаръий ҳукмларининг, жонкуяр тарғиботчиси бўлган бу зот “Тут-таги” масжидида имом-хатиблик вазифасида турдилар.

**Хабибулло қори**. Етук олим, шариатнинг толмас тарғиботчиси. Узоқ йиллар давомида шаҳардаги”Хонақох” масжидида имом-хатиб вазифасида ишладилар.

**Орифжон қори.** Шариатнинг толмас ходими, исломий олимларнинг мукаммал эгаллаган зот. Кўплаб олимларга устозлик қилганлар. Шаҳардаги “Хонақох” масжидида узоқ йиллар ноёб-имом вазифасида ишлаганлар.

**Собир қори.** Қирқ йилдан буён шаҳардаги”Хонақох” марказий масжидининг имом-хатби вазифасида ишлаб келганлар. Ислом динини ўз маромида тадрижий суръатда ривожланиб боришида катта ҳисса қўшган шариатнинг таниш ходими. Ўзбекистон мусулмонлари диний идорасининг Фарғона вилоятидаги вакили, вилоят бош имом-хатиби вазифаларида ишладилар.

**Зокиржон қори.** Ўз даврининг энг етук олимларидан бўлганлар. Узоқ йиллар Фарғона шаҳри марказий масжидида имомлик қилганлар.

**Умаржон қори.** Муҳтарам фиқҳ олим, Ўзбекистон мусулмонлари диний идорасининг Фарғона вилоятидаги вакили, вилоят бош имом-хатиби вазифасида ишлаганлар.

**Нурулло қори.** Араб тили грамматикаси, ислом тарихининг мукаммал билимдони. Бухородаги ”Мирараб” мадрасасининг мударриси ўқув ишлари бўйича ўринбосари вазифаларида ишлаганлар. Фарғона шаҳар марказий масжидида, Марғилондаги “Тут-таги” масжидида имом-хатиб вазифасида

ишлаб келдилар. “Ҳаж” ва “Умра” маросимларини адо этиш қоидаларига бағишланган китоб чоп эттирганлар. Шаҳар уламолар кенгаши раиси.

**Рустам қори.** Ўзбекистон мусулмонлари диний идорасининг Фарғона вилоятидаги вакили, вилоят бош имом-хатиби, йирик фиқҳ олим”Ислом дини асослари”, Жавохирот саириғи”, “404 саволга, 404 жавоб”, “Мўминнинг зийнати ва муҳим сабоқлар “, “Мавлудум” ва “Шашкаломаи дин” , “ Сиз намоз ўқишни биласизми? ”каби қатор рисолалар муаллифи.

## МАРЬИЛОНСОЙ ЪАВЗАСИДА ДЕЪЫОНЧИЛИК МАДАНИЯТИНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ МАСАЛАСИГА ДОИР

И.Йўлдошев, Ж.Сатторова - ЫДПИ, А.Мирзаев - АнДУ

Фарьона водийси ыадимда миришкор деъыонлар, ыўлигул ъунармандлар, уста савдогарлар макони ъисобланади. Айниыса ыадимги деъыончилик илдизлари узоы тарихга эга. Илк шаъарсозлик маданияти ва дастлабки давлатчилик муаммолари айнан деъыончилик билан узвий боьланган (Матбобоев Б. 2002. С. 77-78). Маолумки, Фарьонанинг ыадимги деъыончилик маданияти ыадимшуносликда Чуст маданияти деб юритилган. Хусусан, бу маданият мил. авв. XII-VI асрларда водийнинг шарыий районларида Ыорадарё ъавзасида шаклланган деган фикр мавжуд. Водийдаги энг ыадимги шаъар Далварзин ёдгорлиги(Андижон вилояти, Жалолыудуы тумани Ойим ыишлоьи) ъам айнан шу ъудудда пайдо бўлиши бежиз эмас. Кейинги пайтларда Б.Х.Матбобоев томонидан Далварзин шаъар ъаробасини мил.авв. IX(?)-VIII-VI асрларда Фарьона водийси пойтахти вазифасини бажарган деган фикрни ольа сурилмоыда (Машрабов З, Матбобоев Б 2003). Демак, водийдаги деъыончилик маданияти пайдо бўлиши бирданига ва бир хил шароитларда амалга ошган эмас. Улар табиий шароитлари бир-бирларидан фары ыилган. Масалан, ёьингарчилик ьарбдан шарыыа ыараб 3-5 мартагача кўпайиб боради (Горбунова Н.Г. 1977. С. 118). Бу ўтмишда ъам ъозир ъам хўжалик ъаётида айрим жузъий ўзгаришлар бўлишига олиб келган. Водий ъудуди бир текисда ўзлаштирилмаган. Бу жараён водий шарыи, жануби-шарыида эрта бошланади ва жадал суъратлар билан ривожланади. Шунинг учун бўлса керак шаъар маданияти шу ъудудда пайдо бўлади ва кейинги даврлар (Архаик ва Антик) шаъарлар аксарияти ушбу ъудудда аниыланган. Бу тадыиыотчилар томонидан бир неча бор таъкид этилган (Заднепровский Ю.А. 1978. С.12). Табиий савол келиб чиыадики, ушбу жараён водий бошыа ъудудларида ыандай кечган, масалан Шоъимардонсой (Марьилонсой) ъавзаларида. Бу ъудуд деъыонлар томонидан ыачон ва ыандай ўзлаштира бошлангани ъаыида археологик материаллар борми?

Агарда ўтган асрнинг 50-60 йилларида А.Н.Бернштам, Ю.А.Затнепровский ва Н.Г.Горбунова томонларидан тўзилган водий археологик харитасига диыыат билан ыаралса, ўрганилаётган ъавзада

археологик ёдгорликларни сийрак жойлашганини кўрамиз (Бернштам А.Н 1952; Заднепровский Ю.А 1962; Горбунова Н.Г 1977). Симтепа, Япаги, Водил, Оытом, Кунгай, Суфан ёдгорликларини учратамиз (Заднепровский Ю.А 1962.С.249. табл. 1). Асосан тилга олинган ёдгорликларини кўпчилиги кўчманчи чорводорларга тааллуыли мозор-ыўрьонлардир (Горбунова Н.Г 1977. С.119. рис. 4). Кейинги пайтларда Ф.Маысудов Ыизлартепа ва шартли ажратилган Машад ёдгорликларини ўрганиб, янги материалларни милодий эранинг I-IV асрларга оид деб аниыланади (Маысудов Ф. 2002.С.15-18). Археолог Г.П.Ивановнинг хулосасига кўра илк деъыончилик ёдгорликлари бу ъудудда мил.авв. I минг йиллик ўрталаридан пайдо бўлган. Ушбу даврнинг ягона ёдгорлиги ъозирги Фарьона шаърининг истироъат боьида жойлашган ва бўзилиб кетган кичкинагина Симтепа ёдгорлиги мил.авв. III асрнинг охири билан аниыланмоыда (Иванов Г.П 1999.С.15). Ушбулардан Марьилонсой ъавзаси айнан шу даврдан ўзлаштирилган деган хулосага келиш мумкин, буни юыорида келтирилган Ф.Маысудовнинг номзодлик ишидаги хулосалар ъам тасдиылайди (Маысудов Ф.2002).

Нима учун Жанубий Фарьонанинг ушбу ъудудида водий бошыа ерларига нисбатан деъыончилик маконлари кечроы пайдо бўлаяпти? Бунинг икки сабаби бўлиши мумкин. Биринчиси, илк деъыончилик ёдгорликлари археоликлар томонидан ъали топиб ўрганилгани йўыдир, иккинчиси ъаыиыатдан ъам Марьилонсой ъавзаси кенгроы ўзлаштирилганидир. Бизнингча, иккинчи тахмин ъаыиыатга яыинга ўхшайди. Чунки, ъозиргача, бу ъудудда деъыончиликнинг пайдо бўлишини мил.авв. IV- III асрдан олдин бўлганини исбот этувчи маданий ыатлам ёки топилма археологлар томонидан аниылангани йўы. Бу даврдаги ўзгаришлар кейинги пайтларда баъзи тадыиыотчилар (Г.П.Иванов) илгари сураётган айрим ьояга хизмат ыилиши мумкин. Унга кўра водийга мил.авв. VII- VI асрда жанубий-ьарб томонидан аъоли силжиши кузатилади. Булар Сўьд ёки Баытриядан кўчиб келган аъоли бўлиши мумкин деб ыаралади. Унда Марьилонсой ъавзасини мил.авв. I минг ўрталаридан ўзлаштирилганлиги сабаби ойдинлашади (Заднепровский Ю.А. 1991.С.191). Яони ўша четдан кўчиб келган аъоли бу ъавзага ўрнашган ва у ерни ўзлаштирган деб тахмин ыилиш мумкин. Бироы юыорида айтилганидек, жанубдан кўчиб келганларни исбот этувчи фактик далиллар-археологик топилмалар йўы ъисоби. Тўьри, кулолчилик чаръини айнан жанубий-ьарбдан кириб келган деган фикр бу ьоя исботига хизмат ыилади. Бундай идишлар Фарьонада Чуст маданиятидан кейин келувчи Эйлатон маданияти ёдгорликларида учрайди. Бироы кулолчилик чархида ясалган идишлардан бошыа далилий ашё ыадимшуносларда йўы. Айрим бундай идишларни пайдо бўлиши Фарьонага Шарыий Туркистон орыали Хитойдан ўтган бўлиши мумкин. Демак, Марьилонсой ъавзаси мил.авв. I минг йиллик ўрталаридан ўзлаштирилган ва бу ерда шаъарсозлик белгилари пайдо бўлган. Бу хулосалар айниыса Жанубий Фарьонанинг бошыа бир археологик ёдгорлиги Ыува шаъар ъаробасидаги ыазилмаларида ўз тасдиьини топади. Бу шаъарнинг энг ыуйи ыатламларида мил.авв. IV- III асрларга тўьри келадиган ыатлам ва топилмалар аниыланди. Унда сиртига бўяб гул солинган сополлар ъам топилди. Бироы бу

даврда Ыува атрофи мудофаа девори билан ўраб олинганми ёки йўылиги номаолум бўлиб ыолмоыда(Ширинов Т.Ш. Матбобоев Б.Х, Иванов Г.П. 1998.С.34-35). Демак, ъозирча археологик фактлар водийнинг Марьилонсой (Шоъимардонсой) ва умуман водий жанубининг ўзлаштирилиши мил.авв. I минг йиллик ўрталарига тўьри келади.

## МАРҒИЛОННИНГ ҚАДИМГИ ТАРИХИ

А.Акбаров, О.Назарматов - ФарДУ

Буюк алломалар етишиб чиққан Марғилон шаҳрининг 2000 йиллиги нишонланмоқда. Шаҳар тарихига назар ташлар эканмиз, шаҳар тўғрисидаги биринчи маълумотлар X асрга тааллуқлли эканлигини кўрамиз. Ўша даврларда шаҳар “Марғинон” деб аталаган ва кейинчалик ҳар икки ном ҳам ишлатилиб келинган. Марғилон номининг келиб чиқиши ҳақида аниқ бир маълумот йўқ.

Баъзи топоминомислар “Марғ”, “Майсазор”, “Ўтзордан” деб тахмин қиладилар. “Мурғ”, “Юнон” сўзларидан деган маҳаллий тўқима ривоят ҳам бор.

Фарғона қўлёзма асарларда ёзилишича, шаҳарга 883-йилда асос солинган. Археологик топилмалар Марғилон ўрнида милод бошларидан аҳоли яшаб келаётганлиги, X асрда катта қишлоқ бўлганлиги, XI-XII асрларда эса шаҳарга айланганлигини тасдиқламоқда.

В.В.Бартольднинг “Мўғиллар истилоси даврида Туркистон” асарида ёзилишича, Қорахонийлар даврида ҳам Марғилон вилоятнинг бош шаҳри ҳисобланганлигини қайд этади. Бу ерда саноат, ҳунармандчилик, мисгарлик, дўппидўзлик ривожланган, айниқса Буюк ипак йўлида жойлашганлиги шаҳарни марказлашишига олиб келган. Шаҳар аҳолиси асосан қадимдан атлас тўқиш билан шуғулланиб келган ва шу тариқа уни жаҳонга машҳур қилган. Бобурнинг “Бобурнома” асарида Марғилон Фарғонадаги 8 та шаҳардан бири эканлиги, шаҳарнинг ободлиги, ширин мевалари ҳақида сўз юритилиб, унинг “Донои-калон ” деб аталувчи анори ва “субхоний” навли ўриги мақталади. Ўлканинг қадимий қисмида ўтказилган археологик қазилмалар натижасида Марғилонга бундан 2000 йил аввал асос солинганлиги аниқланди. Маҳаллий маълумотларга кўра шаҳарнинг 12 та дарвозаси бўлган.

Марғилон шаҳрида ҳам Республикадаги барча шаҳарларада бўлганидек ғоявий танқид, мафкуравий кураш, анъаналаримизни поймол қилиш ҳоллари бўлган.

Тарихдан маълумки, Марғилонда Оқ подшо маъмурлари зулмига қарши қаратилган қўзғолон (1873-1876) бўлиб ўтган.

1875 йилда рус қўшинлари томонидан шаҳар эгалланиб олинган. Маҳаллий аҳолини Россиядаги фронт орти ишларига зўрлаб олиб кетилишига қарши халқ қўзғолони (1916 йил) ҳам бўлиб ўтган.

Марғилон Чор Россияси ҳукумати даврида муҳим объект сифатида фойдаланилган. 1926 йилларда Фарғона округи миқёсидаги шаҳарга айлантирилган. Аҳолининг ўсиши 1897 йилда 36 минг, 1939 йили 46 минг,

1975 йилда 117 минг, ҳозирда эса 200 мингдан ортиқ кишини ташкил этади, асосан ўзбеклар шунингдек, рус, татар, қирғиз ва бошқа миллат вакиллари истиқомат қилади.

## ЧОР РОССИЯСИ МУСТАМЛАКАЧИЛИГИ ДАВРИДА МАРЬИЛОНДАГИ МАКТАБ ВА МАДРАСАЛАР АЪВОЛИ

А.Салмонов, А.Султонов, Н.Алимова - ФарДУ, Расулов - АнДУ

XIX асрнинг иккинчи ярми XX асрнинг бошларида Марказий Осиёда илм даргоъларини асосини мадрасалар ташкил этган. Шунингдек, эски усул мусулмон мактаблари, ыорихона, отин ойи мактаблари ъам аъоли саводхонлигини чиыаришда муъим рол щйнаган. Чор Россияси Ыщыон хонлигини тугатгандан сщнг мустамлакачилар ташкил этган рус-тузем мактаблари очилган бщлсада, аъолини асосий ыисми юыорида ыайд этилган илм масканларида таъсил олишар эди. Шунингдек, XIX аср охирларида жадид мактабларини пайдо бщлиши ъам муъим аъамият касб эта бошлаган эди.

Туркистон генерал-губернаторилиги ъудудида Фарьона водийсида жойлашган йирик шаъарлар диний муассасаларга ыарашли мадраса ва эски усул мактаблари сони жиъатидан юыори салоъиятга эга бщлди. Ыщыон, Марьилон, Андижон, Наманган, Хщжанд каби йирик шаъарларда диний муассасалар, илм масканлари, XX аср бошларидаги рус-тузем мактаблари янги усул жадид мактабларига нисбатан катта миыдорни ташкил этган.

1908 йил Туркистон генерал губернаторлиги ъудудида жами 268 та мадраса мавжуд бщлган бщлса, шундан 176 таси Фарьона вилояти йирик шаъарларида фаолият юритган. Марьилон шаърида 25 та мадраса бщлиб, Ыщыондан кейин (34) сон жиъатдан иккинчи щринда турган.

Юыорида ыайд этилган мадрасалар сони фаыат шаърда жойлашган йирик мадрасалар миыдоридан келиб чиықан. Шаъар атрофида жойлашган щрта ва кичик мадрасалар сонини ыщшганда кщпни ташкил этади. Марьилон шаъри ва шаъар атрофидаги мадрасалар ва уларда таолим олаётган тингловчилар тарихий маолумотларда ыуйидагича кщрсатилган: 1875 йилда Марьилонда 57 та мадраса бщлиб, 838 та тингловчи щыиган, 1908 йилга келиб эса, уларнинг миыдори 51 тага тушиб ыолган, аммо тингловчилар сони ортиб, 1147 тани ташкил этган.

Мадрасалар сонининг камайиб бориши сабабларидан бири чор Россияси Туркистонни босиб олгандан сщнг мустамлакачилар томонидан мутаваллибоши лавозимини бекор ыилинишидир. Бу билан ваыф устидан назорат тщхтатилади, мутаваллиларни ваыф даромадларини талон-тарож ыилиши кучаяди. Мадрасаларни тугатган муллаларнинг каттароы лавозимга кщтарилиш имкониятлари бекор ыилинади. Деярли барча маомурий лавозмларни рус офицерлари эгаллай бошлади. Ваыф мулклари мадрасаларнинг моддий щзаги бщлганлиги сабабли, улардан тушган даромад тщла сарфланмай ыолиши баози мадрасаларни фаолиятига салбий таосир кщрсатган.

Марьилонда яна бир илм масканларидан бири диний мусулмон мактаблари ъам мавжуд бщлиб, улар аъоли саводхонлигини кщтаришда муъим рол щйнаган. Марьилонда мавжуд бщлган диний мактаблар ислом дини кириб келиши билан дастлаб масжидлар ыошида очила бошлаган, кейинчалик ъам масжидлардаги ҳужраларда фаолиятини давом эттирган. Диний усул мактаблари болаларга ҳарфларни ёзиш, ифодали щыиш, Ҳадисларни ёдлаш, баози бадиий ва фалсафий адабиётларни мутола ыилишга ъам щргатган. Деярли барча диний усул мактаблари болаларни ота-оналаридан олинадиган маблаьлар ъисобига очилиб, улардан тушган пул моддий бюджетни ташкил этган. Домлаларнинг даромади болаларнинг ота-оналаридан келиб турадиган турли-туман совьа-саломлардан иборат бщлган.

Марьилонда 1875 йилда 433 та мусулмон мактаблари бщлиб, уларда 7340 нафар бола таъсил олган бщлса, 1898 йилга келиб, улар сони 324 тани ташкил этган ва 3989 нафар бола билим олишган. Чор Россияси мустамлакачилиги даврида Марьилондаги эски усул мусулмон мактаблари сони ытисодий ва сиёсий вазиятга ыараб щзгариб турган. Айниыса, чор ъукуматининг мусулмон макатбларига нисбатан баози тадбирлари натижасида мактаблар ва болалар сони ХХ аср бошларига келиб камайиб борганлигини кщрамиз.

Шунингдек Марьилонда Туркистон генерал-губернаторлигига ыарашли барча шаъарлар ыатори аёллар саводхонлигини чиыариш учун мщлжалланган мусулмон отин ойи мактаблари ъам мавжуд бщлиб, 1908 йилга келиб улар сони 25 тани ташкил этган. Бу усулдаги мактабларда 330 нафар аёл таъсил олган. Ыиз болаларни щьил болалар каби мактабда щыиши мажбурий бщлмаган. Шунинг учун отин ойи мактаблари масжид ыошидаги мусулмон диний усул мактабларига нисбатан сон жиъатдан кам бщлган. Отин ойи мактаблари асосан кучли илмга эга бщлган отинбибилар уйларида очилган ъамда таолим олаётган отин ойиларни щыишни, ёзишни щргатиш билан бирга ъатто уй ишларини юритишга ъам тарбиялаган.

Юыорида ыайд этилган эски усул мусулмон мактабларида болалар соводхонлигини чиыариш билан чекланиб ыолмай, «Хафтияк», «Чоркитоб», «Каломи шариф», «Маслакун муттаыин», Сщфи Оллаёр, Хщжа Хофиз, Навоий, Фузулий, Бедил каби буюк алломаларнинг фалсафий ва бадиий асарлари ъам щыитилган.

Марьилонда шунингдек ваыф ъисобига очилган ыорихоналар ъам мавжуд бщлган. Ыорихоналар алоъида биноларига ъам эга бщлиб, ваыф даромадидан ыурилган, баозилари эса масжид ва мозорлар ыошида фаолият юритган. Марьилонда XIX аср иккинчи ярмида жами 21 та ыорихона бщлиб, унда 395 нафар ыори таъсил олган. Ыорихоналарда асосан Ыуроони Каримни ыироат билан щыиш, тщлиы ёдлаш маысад ыилиб ыщйилган.

Марьилон XIX аср охири XX аср бошларида ъам йирик илм марказларидан бири эканлиги юыоридаги фактлардан хулоса ыилиш мумкин. Чор Россияси мустамлакичилиги диний муассасалар фаолиятига очиыдан-очиы тазйиы ыилган бщлмасада, аммо бу илм масканлари ривожланишига тщсиы бщлувчи ижтимоий-ытисодий чора-тадбирларни ыщллаб бораверган. Натижада Туркистондаги барча диний муассасалар ыатори Марьилондаги

мадраса, эски усул мусулмон мактаблари ва ыорихоналар 1917 йил феврал иныилоби арафасида ислоъ талаб бщлиб ыолганлигини кейинги воыеалар ривожида кщришимиз мумкин.

## МАРҒИЛОНДА МИЛЛИЙ ОЗОДЛИК ҲАРАКАТИ

С.Мирсоатова, М.Онорқулова, Г.Жамолова - ФарДУ

XIX асрнинг 2-ярмида Ўрта Осиё чор Россияси томонидан босиб олингандан сўнг меҳнаткаш халқ оммаси икки томонлама зулм – маҳаллий амалдорлар ва чор мустамлакачилари зулми остига тушиб қолдилар. Меҳнаткаш омманинг аҳволи кундан-кунга оғирлашиб борар эди. XIX асрнинг охирларида ҳам Туркистон ҳали аграр мамлакат ҳисобланар эди. Саноат ва техника ҳали ривожланмаган эди. Шу боис Туркистон аҳолисининг 80 фоизига яқини қишлоқ хўжалиги билан банд эди. Деҳқонлар ҳаётида XIX асрнинг 80 йилларидан бошлаб сезиларли суъратда қашшоқланиш бошланди.

Фарғона вилояти шу даврда чор мустамлакачиларининг хоҳиш иродасига кўра қишлоқ хўжалиги фақат бир томонлама ривожланган пахтачилик районига айлантирилди. Бунинг натижасида эса қишлоққа товар-пул муносабатлари кириб келди. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг қиймати ортиб борди. Камбағал деҳқон хўжалиги бозор таъсир доирасига тортила бошлади. Чунки фақат пахта етиштириш билан шуғулланган деҳқон турмуш кечириши учун зарур маҳсулотларини бозордан сотиб олишга мажбур эди.

Деҳқон хўжалигини товар-пул муносабатларига янада чуқуррок тортишга яна бир туртки, бу чор мустамлакачилари томонидан жорий этилган ер солиғи эди. Ер солиғи фақат пул билан тўланар эди. Демак, деҳқон ер солиғидан қутилиши учун пул топиши керак. Бунинг учун эса ўзи етиштирган маҳсулотларни бозорга олиб чиқиб сотишга мажбур эди.

Товар-пул муносабатларини қишлоқ хўжалигига кириб келиши билан қишлоқларда деҳқонларнинг табақаланиши кучайиб борди. Натижада, мулкдор деҳқон оммаси ва кундан кун ночорлашиб бораётган деҳқонлар оммаси вужудга келди.

Фарғона вилоятининг пахтачилик районига айлантирилиши ҳам ҳудуддаги деҳқонларнинг қашшоқланишига, ерсиз деҳқонларнинг сонини ортиб боришига олиб келди. Пахта етиштириш катта маблағ талаб этар эди. Пахта етиштириш учун бир таноб ерга 19 сўм 240 тийин, 1 десятина пахта майдонига 115 сўм 44 тийин сарф қилиш шарт эди. Лекин деҳқонларнинг кўпчилигида пул бўлмаслиги сабабли қарз олишга мажбур эди. Қарзларни асосан турли нарсаларни, ерни, ҳайвон ва ҳоказоларни гаровга қўйиш ҳисобига олинар эди. Агар қарз ўз вақтида тўламаса деҳқон гаровга қўйган нарсасини сотиб, қарзини тўлар эди. Бу эса деҳқонларнинг ерсизланишига олиб келар эди.

Деҳқонларнинг ҳонавайрон бўлиши айниқса, холсизлик ва очарчилик-1878 йил, 1880 йил ,1892 йил, 1893 йил ва 1896 йилларда тезлашиб борди.

А.Миддендорф Фарғонадаги деҳқонлар қашшоқлигини кўриб: “бу ердаги очлик, қашшоқлик деҳқонларнинг аянчли аҳволига назар ташлаганда, европадаги очликни очлик қаторига қўшмаса ҳам бўларкан» деган хулосага келган эди.

Қишлоқларда ерсизлар сони йилдан-йилга ортиб борди, ерсиз деҳқонлар мардикорликка ёлланар ёки шаҳарларга иш қидириб бориб, завод ва фабрика ишчилари сафига қўшилар эди.

1880-1900 йиллар оралиғида Марғилон уездида бутун аҳолининг 62.3 фоизини чорикорлар ,25.9%ини мардикорлар ташкил қилар эди. Шу даврда эндигина шаклланиб келаётган ишчилар синфининг аҳволи ҳам жуда ёмон эди. Иш соатларининг кўплиги (14-16 соат, баъзи корхоналарда 17-18 соат), иш ҳақининг жуда камлигидан ҳам ишчилар аҳволининг оғирлигини билиб олиш мумкин.

…Ишчилар корхоналарда оғир шароитда 17-18 соатлаб ишлаб, кам иш ҳақи олар эдилар. Ўртача ҳисоб билан бир йиллик иш ҳақи 179 сўм 69 тийинга яқин бўлиб, ойига 15 сўмга тўғри келар эди. Лекин эркак ишчиларга нисбатан хотин-қиз ишчиларнинг ойлиги 40-50 %, ёш болаларники эса 60 % кам эди.

Ишчиларга яратилган меҳнат шароитлари корхоналарда ачинарли ҳолатда эди. Техника хавфсизлиги қоидаларига умуман риоя этилмаслиги ишчилар ўртасида тез-тез бахтсиз ҳодисаларнинг келиб чиқишига сабаб бўлар эди. Лекин деҳқонлар орасидаги ерсизликнинг кўпайиши ва деҳқонларнинг шаҳарларга келиб саноат корхоналарига ишга жойлашиши Туркистонда ишчилар синфининг кенгайишига олиб келди. Ишчилар сафининг тобора ўсиб бориши билан бирга уларнинг миллий таркиби турли жойларда турлича эди. Масалан, Марғилон уездига қарашли «Жинжиган» кўмир конида жами ишчиларнинг 84 %ни ерли аҳоли вакиллари ташкил этарди. Шу уезддаги «Чимён» нефт конида эса маҳаллий ишчилар сони 30 % дан ошмас эди.

Ўлкада тоғ-кон саноатининг малакали ишчилари етишмас эди. Шу сабабли ишчилар шартнома асосида бир неча йилга Урал ва Сибирдан олиб келинган. Масалан, тоғ-кон саноати хўжайинларидан бири Батюшков каттароқ иш бошлаш ниятида Донбасдан 80 та малакали ишчи олиб келган.

Ўлкага шу тариқа рус ишчилари кириб кела бошлади. Шунингдек чор ҳукумати ревалюцион кайфиятдаги ишчиларнинг кўп қисмини Ўрта Осиёга сургун қила бошлади. 1890 йилда революцион кайфиятдаги чиқишлари учун В.Т.Голубков Қозон университетидан Фарғонага сургун қилинади.

Рус ишчиларининг Ўрта Осиёга кириб келиши маҳаллий ишчиларнинг революцион кўтарилишларига ўзининг ижобий таъсирини кўрсата бошлади.

Ишчилар ва деҳқонларнинг ана шундай оғир ҳаёти, мустамлакачилик зулмини кун сайин ортиб бориши халқни курашга отлантирди.

Дастлабки чиқишлар XX асрнинг 70 йиллар охирларидаёқ бошланган эди. Бу курашлар йиллар ўтиши билан шаклланиб, ривожланиб борди.

1879 йил ноябр ойида Фарғона вилояти бошқармаси биноси олдига Марғилон уездидан 570 киши Марғилон уезди бошлиғининг катта ёрдамчиси штаб-капитани Алексеев ва унинг ёрдамчиси Забусовлар устидан шикоят қилиб

келишди. Шикоятда ушбу кимсалар ўз хизмат вазифасини суиистеъмол қилаётганлиги, халқни хўрлаётганлиги айтилади.

1891 йилда Марғилон станцияси аҳолиси маҳаллий бошқарувчилардан шикоят қилишлари кўрсатилади.

Халқнинг мана шундай шикоятлари вақтида текширилмаслиги, халқ талабини қондирилмаслиги халқнинг мустамлакачиларга қарши ғазабини оширади.

…Бошқа жойларда бўлгани каби Фарғона вилоятида ҳам чор маъмурияти амалдорлари ўртасида ўзи эгаллаб турган мансабларни суиистеъмол қилиш, порахўрлик ва турли йўллар билан халқ оммасини талаш кучийиб кетган эди. Марғилон уезди бошлиғи Домьбровский 1903-1904 йилларда ўзбошимчалик билан маҳалий аҳолидан “хизмат коғозлари юритиш ҳаражатлари” га деб алоҳида пул солиғи жорий этган. Натижада 7000 сўмга яқин маблағ ўзлаштириб юборилган.

Мана бундай ҳолатлар халқнинг сабр косасини тўлдириб юборди. Ишчилар орасида энди сиёсий иш ташлашлар бошланган бўлса, деҳқонлар ўртасида чор мустамлакачилари ва маҳаллий амалдорларга қарши ғалаёнлар бошланиб кетди

XX асрнинг бошлари подшо Россияси учун жуда қалтис келди. 1900-1903 йиллардаги иқтисодий танглик Россияни бутун хўжалигини издан чиқариб юборди. 1901 йилда Россияда ҳосилсизлик натижасида очарчилик бошланди. Сабр косаси тўлиб турган меҳнаткаш халқ оммаси учун 1904-1905 йиллардаги империалистик босқинчилик кайфиятдаги рус-япон уруши сўнгги томчи бўлди. Бу урушда чор Россияси шармандаларча мағлубиятга учради. Чоризмнинг бу урушда енгилиши халқнинг катта норозилигига сабаб бўлди. Бу курашлар тўлқини Ўрта Осиё-Марғилонга ҳам етиб келди. Урушда кўрилган зарарни қоплаш учун чор ҳукумати мустамлака халқларни аёвсиз талай бошлади.

1903 йил январ-апрел ойларида Марғилон уездига қарашли Аввал ва Чимён волостларида камбағал меҳнаткаш аҳолининг чор маъмурларига қарши норозилик харакатлари бўлиб ўтди.

1903 йили 9 декабрдан 10 декабрга ўтар кечаси Марғилон уездида Халмиён қишлоғида куролланган қишлоқ аҳолиси «ҳарбий бошлиқ» уйига ҳужум қилдилар.

1905 йил 21 июлда Туркистон генерал-губернаторлиги Фарғона область генерел-губернаторлигига № 224 «Маҳфий» телеграмма йўллаб, «Чимён» -нефт конида маҳаллий ва рус ишчилари баробар кўрилаётганлигини ҳабар қилиб, дарҳол чора кўришни талаб қилади. Фарғона области губернатори юқоридаги кўрсатмага 1905 йил 27 июнда ёзган жавобида қуйидагиларни ёзади: «Кўрсатма бажарилди, лекин жуда оз миқдорда қурол топилди, холос. Қуролларнинг асосий қисми яширилган». Кундалик вазият жиддийлашганини ҳисобга олиб Марғилон уезди бошлиғи 1905- йил 21 сентябрда Фарғона область губернаторига хат йўллаб, «ушбу конда 600 дан ортиқ турли миллатларга мансуб ишчи хизматчилар мавжудлигини, уларни хатти-харакатини назорат қилиб туриш учун эса кон қошида алоҳида полиция штати ажратиш зарурлиги» ни таъкидлайди.

Шунга биноан 1905 йил 8-майда Чимён нефт кони қошида отлиқ полицияси штати жорий қилинди.

1905 йил октябрида Ўрта Осиё темир йулчиларининг иш ташлаши бошланди. Бу иш ташлашга Марғилон станцияси ходимлари ҳам қўшилди.

1906 йил 24 январдан 6 февралгача «Чимён» нефт кони ишчиларининг қайтадан иш ташлашлари бўлиб ўтди. Ишчилар механикни ишдаш бўшатишни ва иш ҳаққини вақтида тўлаб боришни талаб қилиб чиқдилар. Талаблар бажарилмагач, кон ишчилари ишни тўхтатдилар. Вазият шу даражага бориб етдики, конда иш тўхтаб қолди.

Ўлкада полиция режими кучайтирилган бўлсада, лекин у ишчи ва деҳқонларни чор мустамлакачиларига қарши курашига тўсиқ бўла олмади. Озгина нафас ростлашдан сўнг 1911 йилдан ўлкада мустамлакачиларга қарши кураш яна қайтадан бошланиб кетди.

Қайтадан бошланаётган курашларга маҳаллий ишчилар раҳнамолик қила бошладилар. 1912 йил 6 февралда Марғилон уездидаги Батюшковга қарашли кўмир конида ишчиларнинг иш ташлаши бошланди.

Иш ташлашда кондаги мавжуд 220 та ишчидан 150 таси иштирок этди. Иш ташловчилар кон бошлиғи олдига 12 моддадан иборат ўз талабномаларини қўйдилар. Талабномада: иш хаққини хар ойда мунтазам бериб бориш, кон дўконларидаги нарх-наволарни шаҳарлардагидек бўлишини таъминлаш, янги ҳаммом қуриб бериш, ишчилар яшайдиган казармани таъмирлаш каби талаблар бор эди.

Иш ташлашни ташкил этишда ва талабномани тайёрлашда маҳаллий ишчилардан Сайфуддинов, Исломов, Назаров, Зокиров, Сатторов ва бошқалар фаол иштирок этдилар.

1912 йил 9 апрелда Марғилон уездидаги Қизил-Қия конида essential кончиларнинг қайтадан иш ташлашлари бошланиб кетди. Шахтиёрлар меҳнат шароитларини яхшилаш, иш ҳаққини ошириш, иш соатларини қисқартириш каби талаблар билан чиқдилар.

XX аср бошларидаги кураш иштирокчилари дастлаб иқтисодий талаблар билан чиққан бўлсалар, улар кейинчалик сиёсий талаблар билан чиқа бошладилар. Бу эса озодликка томон қўйилган қадам эди.

## МАРЬИЛОНДА ЧОРИЗМ ЗУЛМИГА ЫАРШИ ХАЛҚ ҚЎЗҒОЛОНЛАРИ

М.А.Маманазарова - ФарДУ

Туркистон халыларига щзларининг озодликлари учун турли даврларда босыинчиларга ыарши кураш олиб боришга тщьри келган. Бундай курашлар XIX асрнинг II ярмида Чор Россияси Туркистонни босиб олганда ъам давом этди. Туркистондаги миллий-озодлик ъаракатлари бир ыанча асарларда таълил ыилинган.

1876 йилда Чор Россияси Ыщыон хонлигини тугатиб, Фарьона вилоятини ташкил ыилганда Марьилон унинг таркибига уоезд сифатида киритилди. Марьилон уоезди 4 участкага бщлинган:

1. Шаъар атрофи участкаси: Файзиобод, Ёзёвон, Олтиариы, Яккатут, Марьилон волостлари;

2. Кува учаскаси: Кува, Ыщыон ыишлоы, Ыоратепа, Шаҳристон, Сегазин, Асака волостлари;

3. Водил участкаси: Чимён, Аввал, Найман волостлари;

4.Аравон участкаси: Кулин, Аравон, Марҳамат, Ичкилик волостлари.

1900 йилда Марьилон уоездида 2та шаъар,19 волост,129 ыишлоы бщлган. Руслар билан бирга Туркистонга саноат ъам кириб келди. Руслар буржуазияси билан бир ыаторда маъаллий буржуазия ъам шакллана бошлади.Саноат корхоналари ташкил топа бошлади. Биринчи пахта тозалаш заводи Марьилонда 1888 йилда ыурилган бщлиб, у Мирмахмуд Мирсаидбоевга тегишли бщлган. Заводда пахтани чигитдан ажратиб берувчи 4 та станок мавжуд бщлган. 1913 йилда Марьилон уоездида 52 та пахта заводи, 5 та ёь-мой заводи, 4 та тегирмон бир неча тоь-кон саноати корхоналари бщлган. XIX аср охири XX аср бошларида Марьилон уоездидаги саноат корхоналарининг барчасида меънат шароити оьирлигига ыарамай, иш ъаыи ъам 16-18 сщмдан ошмас эди. XX аср бошларидаги ытисодий танглик, рус-япон уруши натижасида халынинг аъволи янада оьирлашди. Ишчиларнинг норозиликлари кучайиб, ытисодий чиыишлар бошланди. Ишчилар чиыишини Марьилон уоездига ыарашли тоь-кон саноати корхоналарида кузатиш мумкин. 1906 йил 26 январдан 6 февралгача Чимён нефть кони ишчилари иш ташлаб, механикни ишдан бщшатиш, иш ъаыини оширишни талаб ыилдилар. Конда иш тщхтаб ыолди. Фарьона вилояти ҳарбий-губернатори ъаракати билан иш ташлаш бостирилди. Ишчилар ъаракатининг айримларига маъаллий ишчилар ъам бошчилик ыила бошладилар. 1912 йилда Марьилон уоездидаги Батюшковга ыарашли кщмир конида ишчиларнинг иш ташлашлари бошланди. Унда 220 ишчидан 150 таси ыатнашди. Ишчилар 12 моддадан иборат талабларини ыщйдилар. Иш ташлашни ташкил ыилишда маъаллий ишчилардан Сайфиддинов, Исломов, Назаров, Зокиров, Сатторов ва бошыалар фаол ыатнашдилар. 1912 йил 9 апрелда Ыизил ыил кони шахтёрлари иш ташладилар. Улар меънат шароитини яхшилаш, иш кунини ыисыартириш, иш ъаыини ошириш талаблари билан чиыдилар. Бундай чиыишлар Марьилон уоездидаги бошыа корхоналарда ъам бщлган. XX аср бошларидаги чиыишларда ишчилар дастлаб ытисодий талаблар билан чиыа бошлаган бщлсалар, аста-секин сиёсий талаблар билан чиыиб, озодлик сари ыадам ташлай бошладилар.

Чор амалдорлари ва маъаллий ҳукмдорларга нисбатан норозилик ъаракатини ыишлоыларда ъам кузатиш мумкин. 1903 йил январр-апрелр ойларида Аввал, Чимён волостлари камбаьал-меънаткаш аъолисини чор маомурларига ыарши норозилик ъаракати бщлиб щтди. 1903 йил 9 декабрдан 10 декабрга щтар кечаси Халмиён ыишлоьида ыуролланган ыишлоы аъолиси старшина (ҳарбий бошлиы) уйига ҳужум ыилди. 1905 йил сентябрр ойида

Марьилон уезди Бувайда ыишлоьида деъыонлар ыщзьолон кщтариб, маъаллий руъонийларнинг ваыф ерларини эгаллаб олдилар. 1906 йилда Акбарobod ва хонарийы ыишлоыларида ъам деъыонлар ьалаёнлари бщлиб щтди. XX аср I-чорагида бутун Щрта Осиёни ларзага солган воыеалардан бири бу 1916 йилги ыщзьолонлардир. Ыщзьолон чор хукуматининг 1916 йил 25 июндаги Туркистоннинг Сирдарё, Самарыанд, Фарьона, Еттисув ва каспийорти вилоятларидан 19-43 ёшли эркакларни фронт орыасидаги ишларни бажариш учун мардикорликка олиш ъаыидаги фармонига ыарши кщтарилган эди. Ыщзьолон дастлаб 1916 йил 4 июлда Хщжандда бошланиб сщнг бутун Туркистонни ыамраб олди. Фарьона вилоятидаги энг йирик ыщзьолонлардан бири Марьилон шаърида бщлиб щтди. 10 июлда 20-25 минг кишидан иборат шаъар аъолиси Щрдатаги майдонига тщпланди. Эски Марьилон полицмейстри подполковник Пахотин майдонга тщпланганларга чор хукумати фармонини тушунтирмоычи бщлганда, Нурмуъаммад Рахматулла Маозумов бошчилигида аъоли унга ва маъаллий маомурият вакилларига хужум ыилдилар. Подполковник Похотин зщрьа ыочиб ыутилди. Оломон полициячи Павло-Сузов, оысоыоллардан Махмудбек Шаҳрихонов, Мавлонбек Бадалбоев, миршаблардан Ҳамид Мадкаримив, Ахмад Хасанбоев, Ыщриычилардан Хусанбой Исхоыбеков, Сохибназар Алиевларни тошбщрон ыилиб щлдирдилар. С.Насародзе, Жозеф Дарсен маъаллий савдогарлардан Хусайн хожи Насруллахщжаев, Йщлдош хожи Саидбобоевларнинг уйларига бостириб кириб, вайрон ыилдилар. Шаъар ыщзьолончилар ыщлига щтди. Бундай ъаракатдан ваъимага тушган Марьилон шаъри маомуриятининг сщраган ёрдамига жавобан Скобеловдан 100 дан ортиқ солдат билан 6-оренбург казак полки етиб келиб, ыщзьолончилардан щч ола бошлади. Ыщзьолон ыатнашчиларидан 63 киши ыамоыыа олинди. 12 июл куни Марьилон уездининг Файзиобод волостида ыщзьолон бошланиб кетди. Марьилон уезди бошлиьи вилоят генерал-губернаторига ёзган 4414 раыамли рапортида Файзиобод волости Эшонгузар ыишлоьида 100 дан ошиы киши ыщзьолонда иштирок этгани, 3 киши щлдирилиб, 4 киши ярадор ыилинганини кщрсатган. Ыщзьолон ъаракатлари Марьилон уездини бошыа ерларида: Яккатут, Шаҳрихон, Ёзёвон волостларида ъам бщлиб щтди. Шаҳрихонда 16 киши щлдирилди, 1 киши ярадор бщлди. Шаҳрихонда ыщзьолон кенгайиб кетишидан хавфсираган маомурият Туркистон генерал-губернаторига телеграмма жщнатиб, кщприк, темир йщл ва станцияларни ыщриылаш учун ыщриычилар жщнатишни сщраган. Ёзёвон волостини Чорчинор ыишлоьида кщтарилган ыщзьолон ыатнашчилари С.Алиев раъбарлигида маъаллий маомурият вакилларига ыарши хужум ыилиб, уларнинг уйларига ва волост идорасига щт ыщйиб, ъужжатларни ёыиб юбордилар. Шу волостнинг Хонарийы, Ыщшкщприк ыишлоыларида эса элликбошилар калтаклаб щлдирилдилар. Ёзёвон волостида бщлиб щтган ыщзьолон бошыа жойлардаги ыщзьолондан шуниси билан фарыы ыиладики, унда аёллар ҳам катнашган. Ёзёвон волостидан 36 киши суд жавобгарлигига тортилди. Ыщзьолонда иштирок этган аёллардан Ч.Мадалибоева, Ч.Бадалбоева, У.Норматова, М.Охунова, М.Пщлатхщжаева, М.Умаралиева, К.Исмоилова, Б.Зияева ва бошыалар устидан тергов ишлари ыщзьатилган. Бирои чор

маомурияти жамоатчилик тазйиыидан ыщрыиб, тергов ъаракатларини тщхтатди. 1916 йил халы ыщзьолонлари маьлубиятга учради. Чор хукумати мардикорликка олишни тщхтатмаган бщлса ъам, рщйхатни ыисыартиришга мажбур бщлди.

Щрта Осиё чор ҳукумати томонидан босиб олингандан сщнг барча ердаги каби Марьилонда ъам янги бошыарув тизими шаклланди. Ыщзьолонлар натижаси шу бщлдики, руслар билан саноатни кириб келиши маъаллий буржуазия ва ишчиларни шаклланишига туртки бщлди. XIX аср охири XX аср бошларидаги озодлик ъаракатларида саноат корхоналарида ишловчи маъаллий ишчилар ъам ыатнашдилар. Бу даврда рус хукумати ва маъаллий амалдорларга ыарши деъыонлар ъаракати ъам авж ола бошлади.

Туркистондаги 1916 йил халы ыщзьолони Марьилон уоездида ъам шиддатли тус олди. Ыщзьолоннинг щзига хос хусусияти унда аёлларнинг ъам иштирок этганлиги эди.

Хулоса ыилиб шуни айтиш мумкинки, Марьилон уоездида XIX аср охири XX аср бошларида олиб борилган озодлик, мустаыиллик учун курашлар шаъар тарихида щзига хос щчмас из ыолдирган.

## МАРҒИЛОНДА 1916 ЙИЛГИ ҚЎЗҒОЛОН

А.Исроилов, А.Эргашев, Т.Нуриддинов – ҚДПИ

1916 йил 25 июнда Николай II томонидан ҳарбий мажбуриятни ўтамаган “Ғайри миллат” кишиларни фронт орқаси ишларига чақириш тўғрисидаги подшо фармони эълон қилинди. 19 ёшдан 31 ёшгача бўлган 250 минг ёш эркакни фронт яқинида ер ишларини олиб бориш учун сафарбар этиш керак эди. Бу хабар оловга мой сепгандек бўлди. Ана шундай қўзғолонларнинг энг йириги Марғилонда содир бўлди.

Марғилондаги қўзғолондан олдин ҳам дастлаб маҳаллий мингбоши элликбоши судхўр ва руҳонийларни халққа қилган зулмидан безор халқ бош кўтарган эди. Марғилон аҳолиси жуда қийин аҳволда эди. Марғилонда бир чорикорнинг (мардикор) бир йиллик иш ҳақи беш тиллодан ошмас эди. Бунинг натижасида аҳоли оғир ҳаётга мубтало бўларди. Чорикорлар ер эгасига қарз бўлишар, оилани боқиш учун эса тинмай ишлашлари шарт эди. 1916 йилги қўзғолон қатнашчиси Тожибой Мадалиевнинг сўзларига эътибор берайлик “Мен ва отам туну-кун ишлаб олган ҳосилимизни кўп қисмини солиқларга тўлардик ва қарзларимиз учун сарфлардик. Бойлар камбағал деҳқонларни хўрлар ва уларни «Ҳашакфурушлар” деб камситар эдилар. 1916 йилги мардикорликка олиш ҳақидаги қонун Марғилон аҳолисини ғазабини қўзғатди. 1916 йил рўза ойида ўн беш минг Марғилонлик ўрдадаги майдонга тўпланиб «Мардикорликка бормаймиз мардикорликка бойлар борсин» деб амалдорларга

қарши ҳужум бошлашди. Ўша пайтдаги Марғилон мингбошилари Мовлонбек ва Маҳмудбеклар оломон орасида қолиб кетди. Қўзғолончилар деворда осилиб турган Николай II суратини йиртиб, тепкилашдилар. Ўша оқшом Фарғонадан келган казак солдатлари қўзғолончиларни ҳибсга олишди. Икки уч ойдан сўнг 13 кишини суд қилиб осишга буюришди. Улар орасида Мукаррамхон Юсупалихўжаев, Мамақосим Охунжонов, Мўмин Абдумуталов ва Тожибой Мадалиев ҳам бор эди. 1916 йилги халқ қўзғолонида камбағал ва қашшоқ аҳоли фаол қатнашган, аммо рус ҳукумати тазйиқи остида мардикорликка олинган кўпчилик марғилонликлар Россиянинг Пенза, Серант, Минск губернияларига бориб ишлатдилар. Қўзғолонда фаол иштирок этган завод ва темир йўл ишчилари мингбоши ва чор амалдорларини ўлдирганликда айбландилар. Қўзғолон қатнашчиларининг устидан олиб борилган суд ҳам ғайриқонуний тарзда кечган. Улар рус тилини билмасликларига қарамай жиноий иш ўша тилда олиб борилган. Умуман суд номигагина ўтказилиб, кўплаб бегуноҳ кишилар жазога тортилган. Чор маъмуриятининг бу сиёсати туфайли қамалганларнинг оилалари боқувсиз қолиб хонавайрон бўлдилар. Чор ҳукумати даврида Марғилон шаҳрида бойлар ва камбағаллар ўртасида зиддият янада чуқур илдиз отди. Маҳаллий бойлар ва чор ҳукумати фуқароларни ҳар вақтдагидан кўра қаттиқроқ хўрладилар ва эздилар. Маҳмудбек ва Мавлонбек мингбошилар оддий халқ кўзига азроилдек кўринарди. Улар бегуноҳ камбағалларни оёқ остига олиб тепар ёки қамчи билан урар эдилар. Мингбошилар ва бошқа бойлар ўзларининг қилган адолатсизликлари учун мутлақо жазога тортилмас, чунки чор ҳукуматининг амалдорлари ва бошқа давлат кишилари бойларнинг тарафида туриб камбағалларни қоралар эдилар. 1916 йилги қўзғолон қатнашчиларининг баъзи бирлари 1917 йили чор ҳукумати ағдарилгандан кейин ватанига қайтиб келди, аммо кўпчилик қисми сургунда қолиб кетишди.

---

Рус ҳукумати ўзбек миллатини топтаб халққа жабр зулм кўрсатиб нимага эришдилар. Миллатни йўқ қилган билан унинг тили, дини, маданиятини йўқ қилиб бўлармиди. Чор ҳукумати ва унинг амалдорлари бу сиёсатлари билан ўзбек миллатини камситиб унинг устидан ҳукмрон бўлиб ҳеч нарсага эришмадилар. Ўзбек миллати азал-азалдан босқинчиларга тиш-тирноғи билан қарши курашганлигига мозий гувоҳ. Зеро президентимиз айтганидек, “Ўзбек халқининг тарихий ўтмиши, ўзлиги, маънавияти ҳақида гапираётганда илмий асосга таянган ҳолда гапирган мақул”.

## МАРЬИЛОН ШАЪРИНИНГ МАДАНИЙ ЪАЁТИ ТАРИХИДАН
**(XIX аср охири-XX аср бошлари)**

И.Холбеков, Т.Қосимова, О.Хайдаров - ФарДУ

Маонавий маданият негизини ташкил этувчи илм, маорифат, унинг даражаси, таосири ъар бир даврнинг ижтимоий-ытисодий тузуми билан белгиланади. Щрта **Îñè¸** чор Россияси томонидан босиб олингунча ёки

Туркистон халылари капиталистик муносабатлар гирдобига тортилгунча, щртада феодал-патриархал тузум тщла ҳукмрон бщлган. Унга хизмат ыилувчи усыуртма бутун маонвий ва маданий ъаётни белгилаган. Щлкамизнинг яыин щтмишида ъукм сурган ижтимоий тузум щзига хос маориф тизимини яратди. Мазкур тизим бир неча хилдаги диний таолим ва араб ёзувини щрганувчи бошланьич мактаблар. Ыуроон сураларини ёдлаб, овоз чиыаришга щргатадиган ыорихоналар, щрта ва олий типдаги мадрасалардан иборат бщлган. Чор Россияси босыинидан кейин ъам щлкада ушбу тизим щз мавыеини амалда саылаб ыолди.

Марьилон шаърида ъам маорифни ушбу тизимини барча тармоылари мавжуд бщлган. Шаърдаги масжидларда бошланьич диний мактаблар мавжуд бщлган. Уларда щьил болаларни щыитиш мажбурий ъисобланган. Бундай мактаблар масжидлар ыошида очилганлиги учун щыитувчилар ёки устозлик вазифасини масжид имоми, сщфиси бажарган. Бошланьич мактаблар яони ыорихоналар, мадрасалар ыошида ъам очилган. Шунингдек бой бадавлат кишилар щз фарзандларини щыитиш учун бундай мактабларни щз уйларида ташкил этган. Улар щз мактабида тажрибали щыитувчи-мударрисларни таклиф этганлар.

Бошланьич мактабларда щыитиш услуби щыитувчи (имом ёки сщфига) боьлиы бщлган. Мактабга ыабул ыилиш ъам щзига хос хусусиятларга эга бщлган. Яони мактабга янги келган щыувчи (муллавачча) аввал домла, сщнгра катта, ильор щыувчилар (халфалар) ыисыа-ыисыа сщзларни щыиб бериш билан унинг эслаб ыолиш ыобилиятини синаб кщрганлар. Бундай мактаблар оддий уй шаклида бщлиб, щыувчилар (муллаваччалар) ерда бўйра устида щтириб мутолаа ыилишган. Бошланьич диний мактабларда алоъида синф системаси мавжуд бщлмаган. Машьулотлар доимо индивидул тартибда олиб борилган. Щыувчилар йилнинг исталган пайтида ыабул ыилинган. Щыишнинг дастлабки босыичи араб «Алифбо»си ёки “Устози аввал” китобларидаги араб имлосидаги ъарфларни щрганиш билан белгиланган. Щыувчилар «Алифбо»ни якунлагач, «Хафтияк» ни щыиганлар.

«Хафтияк» Ыуроннинг еттидан бир ыисмидан иборат арабча китобларни щрганиш, Ыуроон китобини щрганишга тайёргарлик вазифасини бажарган. «Хафтияк» якунлангач, яна бир иккита унча катта бщлмаган, мусулмончилик асосларини щргатувчи, форс-тожик ва турк тилларидаги «Чор китоб» ва «Сщфи Оллоёр» каби китоблар щыитилган. Сщнгра «Ыуроон»ни щргатиш бошланган... бундай мактабларда фаыат щьил болаларгина щыишган. Ыизлар учун эса алоъида «Отинбуви мактаблари» мавжуд бщлган.

«Отинбуви мактаблари» щыитувчи аёл отинбувиларнинг уйларида очилган. Отинбувиларнинг асосий ыисмини имом ва мактабдор кишиларнинг билимли хотинлари ташкил этган. Бу мактабларда ыизлар ота-онасининг розилиги билан таолим олишган. «Отинбуви мактаблари» щьил-болалар мактабларидан фары ыилиб, «Ыуроон» камроы, форс-тожик ва турк тилидаги асарлар кщпроы щыитилган.

Бошланьич мактаблар сони Марьилон шаъри ва уездида йилдан-йилга ортиб борган. 1984 йилда Ôàðüîíà вилоятида 1347 та бошланьич диний мактаб

мавжуд бщлса, Марьилон уездида шу йили 345 та шундай мактаб мавжуд бщлган. Ёки вилоят бщйича шундай мактабларни 28%и Марьилон уезди ъисобига тщьри келган.

Олий ва щрта таолим щчоьи ъисобланган мадрасалар асосан руъонийларни, щыув юртлари учун домлаларни, ыозиларни, идора ишлари учун мирзаларни тайёрлаб берган. Мадраса бинолари анча ъашаматли бщлиб, пишган ьиштлардан ыурилган. Кщпчилиги турли безаклар билан безатилган.

Мадрасалар одатда икки ыаватли бщлиб, кичкина ъужра ва дарсхоналардан иборат бщлган, ъар бир мадраса щзининг масжиди ва тахоратхонасига эга бщлган, кичик мадрасаларда битта, катта мадрасаларда эса бир нечта мударрислар бщлган. Мактаблар билан мадрасалар щртасидаги фары шундаки, мактабларда араб тили грамматикасидаги китоблар билан бирга форс-тожик ва турк тилларидаги китоблар щыитилган. Мадрасаларда эса асосан араб тиллардаги билимлар ъам берилган. Бу илм даргоъларида илм толиблари алоъида ётоыхоналар, яони ъужралар билан таоминланганлар. Мадрасаларни тамомлаган илм толиблари турли амалдорлик лавозимларини-ыозилик, имомлик, сщфилик, мударрислик ва бошыаларни эгаллаганлар. XIX асрнинг 90 йиллари бошларида Туркистон щлкасининг маориф ишлари бщйича инспектори сифатида В.П.Наливкин щлкадаги мусулмон мактабларнинг тармоыларини текшириб кщради. Наливкин 1891-1892 йиллари Ôàðüîíà вилояти мусулмон мактаблари тармоыларини щрганади. Шу даврлар Туркистон щлкасида 189 та мадраса бщлган, шулардан 118 таси Ôàðüîíà вилояти ъисобига тщьри келган. Марьилон шаърида эса 25 та мадраса бщлган. Бу мадрасаларнинг асосий ыисми чор Россияси томонидан Щрта Îñè¸ босиб олингунча, ундан кейин ъам ташкил этилган. Хусусан, Марьилон уездининг щзида, Водилда, Ыувада, Яккатутда, Аравонда, Асакада, Чимёнда, Шаърихонда мадрасалар ташкил топган.

Мадрасалар щз даврининг олий щыув юртлари сифатида шуърат топган. Шу маонода Щрта Осиёнинг ривожланган шаъарларида кщплаб мадрасалар ташкил этилган. Мадрасалар асосан икки тоифага бщлинган бщлиб, катта ва кичик мадрасалар мавжуд бщлган. Катта мадрасалар асосан XIX аср давомида Èñëîì дини ривожланган йирик-йирик шаъапрларда ташкил этилган бщлиб, улар ыаторига Бухоро, Самарыанд, Хива ва Ыщыон шаъарларини киритиш мумкин. Кичик типдаги мадрасалар эса щлканинг барча шаъар ва волостларида мавжуд бщлган. 1891 йилда Марьилон уездида 76 та мадраса мавжуд бщлиб, уларда 833 та илм толиблари таолим олган. Худди шу йили Марьилон шаърида 25 та катта-кичик мадрасалар мавжуд бщлган.

1897 йилда марьилон уездида 70 та мадраса бщлиб, бу мадрасаларда 824 та илм толиби илм ўрганган.

Мадрасаларни мактаблардан яна бир фарыи шунда эдики, мадрасаларда щыув режалари мавжуд бщлган.

Вилоят бщйича мактабларда 18742 (шундан 2409 та ыизлар) щыувчи щыиган бщлса, бу кщрсаткич Марьилон уездида 4335 тани (шундан 684 таси ыизлар) ёки вилоятдаги барча щыувчиларни 24%ни ташкил ыилган.

1897 йилда Марьилонда 434 та бошланьич мактаблар мавжуд бщлиб, уларда 7344 та щыувчи таолим олган.

1914 йилда эса Марьилон уездида 578 та бошланьич мактабларда 9634 та щыувчи бошланьич диний таолим олишган.

Шундай щыув масканлари ыаторига «Ыорихоналар» ъам киритилади. Ыорихоналар бошланьич диний мактаблардан турли томонлари билан фары ыилган. Ыорихоналар ъам асосан масжидлар ва мадрасалар ыошида ташкил ыилинган. Лекин ыорихоналарда щыиш ихтиёрий бщлган. Марьилон уездида ъам бундай ыорихоналар мавжуд бщлган. 1897 йилда Марьилонда 19 та ыорихона бщлиб, уларда 380 та ыори «Ыуроон» сураларини ёд олиш билан шуьулланган.

Марьилон шаърида ъам бошланьич диний мактаблар ва ыорихоналар салмоьи сезиларли даражада бщлган. 1913 йилги маолумотларга мурожаат ыилсак, шу йили шаър масжидлари ыошида 38 та ыорихона, 72 та диний мактаб бщлиб, буларда 1958 та бола диний китобларни щыир ва ёд олар эдилар.

Маъаллий мактабларда диний китоблардан ташыари хаттотлик (каллиграфия). Арифметикадан ъам билим берилган. Щыиш муддати щртача 7-8 йилгача етган. Умуман Туркистон щлкасида (хонликлардан ташыари) XIX аср охирларида статистик маолумотларга ыараганда, 5000 дан ортиы бошланьич диний мактаблар ыайд этилган. Истеододли болалар щыиш ва ёзишни билгач, билим доираларини кенгайтириш маысадида щыишни мадрасаларда давом эттирганлар. Баозилар эса Ажнабий мамлакатларга бориб таолим-тарбия олиб келганлар...

Атоыли щзбек олими Т.Ыори Ниёзий хотираларида таорифлаганидек, мактабда щыиш муддати таыиыланмаган, ъар бир бола щз лаёыатига ыараб таолим олган. Мактабда щтилган сабоыларни жойларида щтирган болалар овоз билан ыичыириб такрорлар, шунинг учун ъам мактаб доимо шовыин бщлар эди. Домла эса буни кузатиб борар, бола шщхлик ыилса уни баыириб огоълантирар ва бунинг билан тийилмаса ыаттиы танбеъ берар эди. Фалок таырибан 1 м узунликдаги ёьоч бщлиб, унда иккита халыа бщлган. Боланинг оёьи халыага солиб бураб осмонга кщтарилган. Домланинг амри билан икки халифа (катта пешыадам шогирдлари) гуноъкор бщлган боланинг оёьини халыадан щтказиб кщтариб туради. Шу ъолда домла боланинг оёыларини калтаклай бошлайди...

1913 йилда Марьилон шаърида 38 та мадраса мавжуд бщлган. 1914 йилда Ôàðüîíà вилоятида 368 та мадраса бщлган. Бу мадрасаларда 11056 та илм толиби илм олган. Шу йили Марьилон уездида жами 49 та мадраса бщлиб, бу мадрасаларда 1722 та илм толиби илм олишган.

Умуман олганда XIX аср охири XX аср бошларида бутун Туркистонда бщлгани каби Марьилон шаърида ъам мусулмончилик, маориф шаъобчаларининг юыорида номлари зикр этилган турлари мавжуд бщлган. Буларнинг ичида асосан бошланьич диний мактаблар алоъида щрин тутиб, уларда таолим олувчилар сони ъам кщпчиликни ташкил ыилган. Маориф шаъобчалари ичида эса щзининг салобати, илм бериш даражаси жиъатидан мадрасалар юыори щрин тутган. Мусулмон маориф шаъобчаларига 1917 йил

Октябр иныилобидан сщнг алоъида «эотибор» берилди. Собиы «Ыизил империя» давлатининг дастлабки йилларидаёы мусулмон мактаблари ва мадрасаларга ыаышатыич зарба берилди. 30-йилларга келиб бундай илм даргоълари тугатилди.

## МАРЬИЛОН ЪУНАРМАНД**ЧИ**ЛИГИ ТАРИХИДАН

У.Ъошимов, Н.Алимова - ФарДУ

Ôàðüîíà Щрта Осиёдаги маданияти гуллаб-яшнаган энг ыадимги воъалардан бири ъисобланади. Бу ъудудда азалдан кщплаб халы амалий саноати турлари ривож топган. Ôàðüîíà ёьоч щймакорлиги, ноёб гумбазлар ижодкорлари, наыюшлар, ъамда ноёб халы ъунармандчилиг-атлас тщыишнинг машъур усталари ватанидир. Бу жиъатдан Марьилон шаъри водийда щзига хос щринга эгадир. Марьилон – водийдаги ыадимги шаъарлардан бири. Унинг халыи щз меънатсеварлиги, ишбилармонлиги ъамда меъмондщстлиги билан тарихий тараыыиётимизнинг ъар бир даврида чуыур из ыолдириб келмоыда.

Биз аввало шаъар халыининг азалий машьулоти бщлган атлас тщыиш тарихига тщхталамиз. Маолумки, ипакчилик Марьилон шаърида ыадимдан ривожланган. Бу тщьрисида номаолум тарихчи шундай деб ёзиб ыолдирган: «Х асрда Марьилонда тщыилган бир дарпарда учун Бухоронинг бутун ер хирожини берса арзийди». Марьилонлик ипакчилар щз маъсулотларини ыадимдан дунё бщйлаб намойиш этганлар. XIX аср охирларида Россиянинг кщплаб шаъарларида бщлиб щтган саноат ва ыишлоы хщжалиги кщргазмаларида Марьилонлик нафис матолар устаси Муъаммад Сидиы Аъмедов кичик кумуш медал билан, усталар эса бронза медаллари билан таыдирланганлар.

Ипакдан тайёрланган тайёр маъсулотнинг энг жозибали, энг мафтункор матоси атлас.

Атлас - арабчасига туксиз, силлий-щриши ъам, арыоьи ъам табиий ипакдан тщыилган, зриши абр усулида рангбаранг наышлар билан безатиладиган бир юзлама майин мато.

Атласнинг табиий ипакдан тщыилган энг аоло нави “Саккизтепки” атлас ёки “Хонатлас” деб юритилади. “Хонатлас”нинг барча сири унинг тщыилишида бўлиб у саккиз тепкили дастгоъда тщыилади.

Атласни дастлаб тщыиб чиыарган уста, ундаги наышларни ыуёш ботиши пайтида уфыдаги тарам-тарам булутларнинг турлича товланишидан олган, деган ривоят бор. Зеро «Абр» сщзи форсча бщлиб, булут деган маонони англатади. Атлас тщыиш, ундан фойдаланиш тарихи милоддан аввалги I-минг йилликнинг иккинчи ярмига тщьри келсада, халы амалий саноати бу турининг ривожланиши ва оммалашуви щрта асрларнинг ривожланган давридир. Бу даврда Марьилон атласининг номи ва турлари етти иылимга машъур бщлиб кетди. Шаъар-ипак шаъри деб ном олди.

Адрас - ярим ипак газлама ва шойи тщыишда Марьилон юртимизнинг йирик шаъарлари Бухоро ва Самарыанд сингари дунёга танилди. Соъанинг энг

ривожланган даври XVIII аср охири XIX аср бошларига тщьри келади. Шу даврлардан ъозирги кунимизгача саыланиб келинаётган «Сирьа», «Томчи», «Сайыал», «Гулномозшом», «Яҳудий», «Хосиятхон» каби атлас матоларининг тщыилиши жиъатидан бир-бирларини такрорламайдиган ранг-баранг турлари яратилди.

Мустаыиллик йилларида ъунармандчиликнинг бу турига катта эотибор ыаратилиб, атласнинг «Марьилон», «Наврщз», «Пахта-ой», «Расадхона» каби янги-янги турлари яратилди. Ъозирда Марьилондаги номи дунёга машъур «Атлас» ъиссадорлик жамиятида 200 дан ортиы гщзал нусхалар ишлаб чиыарилмоыда. Корхона 1962 йили ташкил ыилинган бщлиб, щз ишлаб чиыариш тарихида кщплаб ютуыларни ыщлга киритган. Шулардан 1967 йили корхона щзининг «2-Щз» ва «174» артикулли атласлари билан Канаданинг Монфеалр шаърида щтказилган халыаро кщргазмада олтин медал билан мукофотланган.

Шаърда ъунармандчиликнинг ривожига муносиб ъиссасини ыщшиб келаётган «Ёдгорлик» жамоасидир. Щз сафларида моъир, ыщли гул атлас тщыувчиларни жамлаган жамоа щтмишимизда яратилган атлас турларига замон руъини сингдириб, янги-янги атлас нусхаларини ишлаб чиыармоыда. Ана шундай жамоанинг уста атлас тщыувчилари, устоз абр андлари М.Мамадалиев, Т.Мирзамаъмедовлар томонидан «Олтин тери», «Бодом нусха» каби атлас ва адраслар яратилган.

Марьилон ъунармандчилик соъасини яна бир ривожланган тури бу бадиий ёьоч ўймакорлигидир. Ушбу соъа билан шуьулланган усталар маъаллий дарахт турлари – чинор, ыайраьоч, ёньоы, арча, тут, тол, олма, жийда, беъидан ъам  фойдаланганлар.

Республикамиз шаъарларида, жумладан Марьилон шаърида ъам ёьоч ўймакорлигида уч хил ныш усули мавжуд бщлган: Ислимий, Боьдодий, Паргорий.

Ислимий-щсимликсимон ныш тури. Бу ныщда таноб, банд баргли, кЎртакли буталар бир-бири билан чирмашиб кетиб, щсимликларнинг щхшашлик тасвирини беради.

Боьдодий – доира, учбурчак, ыирралик, юлдузсимон шакллардаги ныш ишлаш усули бўлиб,  эшик, жавон, сандиыларни безашда ишлатилган.

Паргорий – циркул (айлана) ёрдамида ишланган ныш. Марьилон ёьоч щймакорлигида  щзига хос миллий кщринишга эга бщлган заминли услуб ъам мавжуд, бу услубдан асосан ноёб буюмларни, жумладан, ыутичалар, китоблар учун муыовалар, хонтахта, курсилар, лавхаларни безатишда фойдаланилади. Марьилон ёьоч щймакорлигининг  энг ноёб ва  жозибали маъсулотларидан бири мусиыа асбобларини ясаш саноатидир. Марьилон азалдан саноаткорлар, ъофизлар ва мусиыачилар юрти бщлганлигини инобатга олсак, бу маъсулотларга талаб юксак даражада бщлган. Бундай маъсулотлар асосан тут ва ёньоы дарахти ёьочидан ишланиб,  тайёр  бўлган буюмга безак берилган.

Марьилон ъунармандчилигида ижтимоий ъаётимизда муъим бщлган тандирчилик ъам алоъида щрин тутган.

Марьилон тандирчилик мактабининг щзига хос хусусиятлари бщлиб, улар асосан устоз-шогирд тизимига риоя ыилишган. Марьилон тандирчилик мактабининг отахонларидан бири Фозилжон уста Мадраъим щьли (1889-1963й) ъисобланади. Унинг устози отаси бщлиб, у киши ъам тандирчилик ъунарини щз бобокалонларидан мерос ыилиб олган эканлар.

Тандир ясаш технологияси анча мураккаб жараён ъисобланган. Аввало тандир ясаш учун махсус тупроы, лой зарур бщлган. Марьилонлик усталар бундай маъсулотларни шаъарга яыин Заркент, Хонобод деган ыишлоылардан олиб келишган. Олиб келинган тупроы бир неча бор элакдан щтказилган. Бу маъсулотнинг тиниылик ва пишшиылигини таоминлаган. Ыоришган лойга яхшилаб тозаланган, сщнгра савалаб хурпайтирилган ыщй, эчки ёки туя жуни солинган. Шуни таокидлаш жоизки, республикамизнинг айрим ъудудларида тандир ясашда от ыили, сомон ёки бошқа щсимлик толаларидан ъам фойдаланишади.

Марьилон усталари эса щз аноанавий услубларидан воз кечмаган ъолда жун хом ашёсини маоыул деб топганлар. Жун ыщшилган лой янада пиширилгач, унга туз эритмаси – намакоб сепиб устини эски тщшак ёки шолча билан щраб ыщйишган. Тайёр бщлган хом ашё тандирчилар тили билан айтганда турли щлчамдаги «пеш» бщлакларга ажратилган. Икки пешли тандирлар кщпинча сомсапазлар учун, уч пешлиси якка хщжаликлар учун, уч-тщрт ва ундан ортиылари тщй-маросимлар учун ишлатилган. Тайёр бщлган маъсулотлар 7-12 кунгача офтобда ыуритилган.

Марьилон ъунармандчилигининг яна бир сержило тармоьи заргарликдир. Марьилон заргарлари ыадимдан асосан ыимматбаъо металлардан аёллар учун зеб-зийнат буюмлари: тиллаыош, узук, билакузук, сирьалар, турли ъажмдаги мунчоылар тайёрлашган. Заргарларнинг тайёрлаган зеб-зийнат буюмлари щзининг нафислиги, жозибадорлиги билан ажралиб турган.

1890 йилги Туркистон саноат ва ыишлоы хщжалиги кщргазмасида марьилонлик заргар асыарали Мамадалиев ажойиб заргарлик иши учун кщргазманинг бронза медали билан таыдирланган. Марьилонда ъунармандчиликнинг ривожланиши ъаыида гапирганда яна шуни алоъида таокидлаш лозимки, XIX аср охири XX аср бошларида Россия босыинидан кщплаб марьилонлик ъунармандлар ва косиблар оьир солиылар натижасида хонавайрон бщла бошлаган. Шунингдек Россия завод ва фабрикаларида ишлаб чиыарилган турли хилдаги арзон маъсулотларни Щрта Îñè¸ бозорларига кириб келиши Туркистон ъунармандлари ыатори марьилонлик ъунармандларнинг аъволини ъам оьирлаштирган. Бироы щлкада пахтачилик ривожланиши натижасида ъунармандларга ва уларнинг маъсулотларига бщлган эътиёж ортади. Темирчилик, этикдщзлик, тикувчилик каби ъунармандчилик турларига алоъида эотибор берила бошланди.

XIX аср охирларига келиб кундалик эътиёжларнинг ортиши, ъунармандчилик корхоналарининг кенгайиши туфайли Марьилонда ъам дастлабки марказлашган ъунармандчилик мануфактуралари вужудга келган. Марьилонда асосан ипакчилик тармоьи ривож топгани боис дастлабки мануфактуралар шу соъада ташкил топди.

ХХ аср бошларига келиб Марьилон ъунармандчилигида ъам янги касблар: соатсозлик, фотография, типолитография, муыова устахоналари пайдо бщлди. Лекин ъунармандчиликнинг бу янги соъалари билан дастлаб бошыа миллат вакиллари фаолият кщрсатишган.

Шундай ыилиб Марьилон шаърида щтмишнинг барча даврларида, айниыса XVIII-ХХ аср бошларида ъунармандчиликнинг барча турлари ривожланганлигини кщрамиз. Зеро Марьилон шаърида ъунар турларини ардоылаб келаётган бутун бир маъаллалар борки, уларнинг ижодий фаолиятлари мустаыиллик йилларида яратиб берилаётган шарт-шароитлар туфайли янада ривож топмоыдадир.

## ҒОЛИБ МАРҒИЛОНИЙ ИЖОДИГА БИР НАЗАР

Т.Рўзибоев - ФарДУ

Фарғона водийси, шу жумладан, Марғилон аҳли азал-азалдан ўзининг оқилу фозиллари, адабиёт ва санъатга шайдолиги билан маълум ва машҳур бўлиб келган. Биз бугун тилга олмоқчи бўлган Ғолиб Марғилоний (Абдулазиз қори Болтабоев) ҳам Марғилон фузалоларидан биридир. Бу зот 1900 йилда дунёга келган бўлиб, 1982 йилда саксон икки ёшларида оламдан ўтган. У кишидан анчагина бой адабий ва илмий мерос қолган, лекин замона зайли билан бу хазина халқимизга етиб бормаган. Мустақиллик шарофати туфайли ўзлигимизни таниш, юртимизнинг олиму фозиллари яратган ўлкан маънавий бойликни элга тортиқ қилиш имкони очилди. Қолаверса, Марғилон шаҳрининг 2000 йиллик тўйи арафасида, унинг маънавий-маърифий юксалишига ўзининг озми-кўпми ҳиссасини қўшган улуғ зотлар қатори Ғолиб Марғилонийни ҳам эслаб ўтиш, у киши тафаккурининг ноёб дурдоналарини халқимизга етказиш зиммамизда турган ўлкан бурчдир.

Ғолиб Марғилонийнинг болалик йиллари чор ҳукумати мустамлакаси даврига тўғри келган бўлса, умрининг қолган қисмини Шўро даврида кечирди. У олти ёшидан эски мактабда савод чиқарган бўлиб, кейинчалик 15 – 18 ёшида гимназияда таҳсил олди. Ўз она тилидан ташқари араб, форс, рус тилларини мукаммал ўрганди. Таржимонлик, ҳисобчилик касбларида меҳнат қилди. Олтмиш етти ёшида нафақага чиққач, умрининг қолган қисмини тўлиқ илмий ва бадиий ижодга сарф қилди. Ислом дини асосларига оид қатор рисолалар ва шарҳлар ҳамда диний тасаввуфий йўналишдаги шеърлар битди. Турган гапки, Шўро даврида бундай йўналишдаги ижод маҳсуллари кенг халқ оммасига етиб бориши мумкин бўлмаган. Шунинг учун Ғолиб Марғилонийнинг асарлари фақат қўлёзма ҳолида фарзандлари қўлида сақланиб қолди.

Биргина мақолада Ғолиб Марғилонийнинг ҳаёти ва фаолиятига тўлиқ тўхталиб ўтиш имкони йўқ. Биз бугун ушбу мақолада шоир қаламига мансуб шеърлардан айримларининг бадиий хусусиятлари ҳақида фикр юритмоқчимиз.

Ғолиб Марғилоний шеърияти асосан арузда ёзилган бўлиб, унинг каттагина қисмини ғазал ва мухаммаслар ташкил этади. Шунингдек, улар орасида мусаддас, таркиббанд, рубоийлар ҳам мавжуд. Мухаммасларининг бир қисми Навоий ва Фузулий ғазалига боғланган тахмислардир. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Ғолиб Марғилоний тахмиснинг янги бир турини ҳам қўллаган. Тахмислар одатда ғазалга боғланади, лекин Ғолиб қўлёзмасини кўздан кечирар эканмиз, унинг Фузулий қаламига мансуб ўн етти байтдан иборат:

Офарин, эй сониъи танпарвари жон, офарин,
Холиқул ашё илаҳил халқ роббил аъламийн.

матлаъли қасидасига ҳам мухаммас боғлаганлигининг гувоҳи бўлдик.

Шоир ғазаллари ҳам, мухаммаслари ҳам бадиияти ҳамда вазн жиҳатидан пухталиги унинг юксак иқтидор эгаси бўлганлигидан далолат беради. Юқорида таъкидлаганимиздек, шеъриятининг асосий мавзуси диний-тасаввуфий йўналишда, аммо улар орасида дунёвий ишқ ҳамда ижтимоий-фалсафий мавзулардаги шеърлар ҳам учраб туради.

Ғолиб Марғилоний ижодида анъанавийлик билан бир қаторда ўзига хосликни ҳам кузатиш мумкин. Маълумки, Шарқ адабиётида сарв азал-азалдан маъшуқанинг тик қоматига ташбеҳ қилиб келинган, шунингдек, тўғрилик тимсоли сифатида ҳам ишлатилган. Ғолиб эса ўз ғазалларидан бирида Навоий изидан бориб бу тимсолни янгича талқин этган ва жуда гўзал бадиий образ ярата олган. Навоий сарв ҳақида шундай ёзади:

Сарв уза гул бутмади ҳаргиз, қани ул шўхким,
Сарви раънодек қад узра орази гулфоми бор.

Юқоридаги байтда Навоий сарвнинг гўзалликда ўз суюклиси билан тенглаша олмаслигига сабаб у ҳар қанча кўркам қоматли бўлмасин гулсиздир, маъшуқанинг эса сарвдек қомати билан гулдек юзи борлиги деса, Ғолиб бу фикрни янада ривожлантириб ёзади:

Кибрланма боғ аро, эй сарв, кўп, беишқсан,

Мавсумида ҳар тиканни бир гули раъноси бор.

Эътибор беринг-а, шеъриятда ҳамиша гўзаллик тимсоли сифатида эъзозланиб келинган дарахтни шоир кибру ҳавода, ишқсизликда айблаяпти. Мавсумида, яъни муайян бир пайтда ҳатто тиканлар ҳам гуллайди, сарв эса бундан маҳрум. Байтни ўқигач, кўз олдимизда ўз чиройига ишониб, кибру ҳавога берилган ва натижада ишқсиз қолиб, бир гули раъносидан ҳам мосуво бўлган худбин кимса гавдаланади.

Шоир бундай худбин кимсаларга ҳақиқатгўй, софдил ва ҳақ йўлида собит кишиларни қарши қўяди ва ёзади:

Сен агар ҳаққониятни хушласанг, ҳақликни бил,

Ҳақни ўйла, ҳақни сўйла, ҳақни қил: фардоси бор.

Шоир шеъриятида бундай ўзига хос талқин ва ташбеҳларни кўплаб учратиш мумкин. Муҳаббат мавзусида битилган ғазалларининг биридан олинган қуйидаги байтда лирик қаҳрамоннинг ўз маҳбубасига бўлган ишқи ўзининг янгича бир талқинини топган:

Севдигим, жоним, йўлингда термулурман, бир қара,

Кўзларингдек порлаган бахтим қошингдек қоп-қора.

Юқоридаги байтда лирик қаҳрамон айрилиқ туфайли маъшуқанинг кўзларидек порлаган бахти, қошларидек қоп-қора бўлганлигидан фиғон чекади. Ёрнинг кўзу қошини бир-бирига зид қўйиш санъати ҳам Ғолибнинг ўзига хос бадиий маҳоратидан бири десак хато бўлмайди. Чунки бунда ишлатилган тазод унсурлари – кўз ва қош ҳеч қачон бир-бирига зид қўйилмаган. Шу ғазалнинг яна бир байтида бундан-да гўзал манзарага дуч келамизки, бу ҳақиқатдан ҳам бадиий топилдиқ деса арзийдиган ҳодисадир:

Гар узун бўлсин десанг, сочинг учи ҳам қўнғироқ,

Кўзларим ёши билан юв, кипригим бирла тара.

Бу байтда лирик қаҳрамоннинг ўз маъшуқасига бўлган чексиз муҳаббатининг бетакрор ифодаси – кўз ёшлари билан маъшуқа сочларини ювиш ва киприклари билан тараш фақат Ғолиб лирик қаҳрамонига хос хусусиятдир десак, хато бўлмайди.

Ой-ю йил, кунлар ўтиб, ҳуснинг заволи бўлмагай,

Ой сенга балдоқ, қуёш, юлдуз бошингда қарқара.

Энди ошиқ ўз маъшуқасини шунчалар улуғлаяптики, ойни унинг қулоқларига балдоқ (сирға), қуёш ва юлдузларни бошига қарқара (бошга тож каби қўйиладиган зийнат) қилиб тақиб қўйган. Бу муболаға маъшуқанинг ҳуснига ҳусн қўшиб кўз олдимизда гўзал бир маҳбуба тимсолини гавдалантирмоқда.

Ўйлаймизки, Ғолиб Марғилоний ижодини ўрганиш, унинг илмий-маърифий ва бадиий меросини халққа етказиш маънавиятимиз хазинасини яна бир дурри ноёб билан тўлдириш бўлади.

## МАРҒИЛОНДА РУС-ТУЗЕМ ВА ЯНГИ УСУЛ МАКТАБЛАРИ

С.Мирсоатова, Ы.Пщлатов, Х.Бурхонов - ФарДУ

**Р**оссия ҳукумати Ўрта Осиёни босиб олгандан сунг маҳаллий аҳолини рус муҳитида тарбиялашга, сўнгра эса Россиядан кўчириб келтирилган руслар билан маҳаллий аҳолини аралаштириб юбориб, Туркистонда Европача турмушни шакллантиришга ҳаракат қилди. Шунинг натижасида 1880-йил империя Давлат Кенгашида “Туркистондаги маҳаллий аҳоли болаларини руслар билан биргаликда ўқитиш” масаласи кўтарилди. Бу масалага Россия ҳарбий вазири Д.Милютин ҳамда маориф вазири граф Толстойлар розилик беришди.

Бу ўтказилажак тадбир Туркистонда руслаштириш сиёсатига катта ёрдам беришини ҳисобга олиб, ўлкада 80-йилларнинг бошлариданоқ рус-тузем мактаблари ташкил этила бошланди. Туркистонда бошланғич мактаблар яъни “рус-тузем мактаблари” тармоғини яратиш лойҳасини генерал-лейтенант Г. О.Розенбах ишлаб чиқди.

Туркистонда руслаштириш сиёсатини амалга оширишда мактабнинг муҳим аҳамиятга эга эканлиги ҳақида Розинбах шундай деган эди. “Ўлкани руслаштириш режасини амалга оширишда мактаб (рус-тузем мактаблари дамоқчи –Ш.И) катта аҳамият касб этиши лозим”.

1884-йилда Тошкентда биринчи рус-тузем мактаби очилди. XlX асрнинг охирларига келиб Туркистонда рус-тузем мактаблари юздан ортиб кетди. Бундай мактаблар Туркистоннинг кўплаб шаҳарларида, волостларда ва катта кичик қишлоқларда ташкил этила бошланди. Рус-тузем мактабларида ўқув куни икки қисимдан иборат бўлиб, куннинг биринчи ярмида рус ўқитувчиси ўқувчилар билан ўқиш, ёзиш, ҳисоб-китоб дарсларини олиб борган, иккинчи ярмида эса ўқувчилар билан ўзбек домласи машғ улотлар олиб борган.

1886-йилда Туркистон ўлкасида 14та рус-тузем мактаблари мавжут бўлган. Шу мактаблардан 5 таси Фарғона области шаҳарларида очилган. Марғилон шаҳрида ҳам шу йили рус-тузем мактаби очилган. Бу мактабда асосан маҳаллий миллат болалари таълим олишган.

Рус муаллимлари рус-тузем мактаблари учун ўзига хос бўлган ўқиш плани ва программасини тўзиб, шу асосда таълим-тарбия ишларини олиб бордилар. Янги мактаб (рус-тузем мактаби) муаллимларининг бир қисми ўлкани ўрганишлари натижасида тўплаган материаллари асосида ўқиш китоблари ёза бошладилар. Масалан: ўқитувчи Остроумов Н.В. “Туркистон ўлкасининг географияси” номли китоб ёзади. Бу китоб тезда ўзбек, қозоқ, қирғиз тилларига таржима қилиниб ўлка мактабларида дарслик сифатида ўқитила бошланди. Ўқитувчи Г.С.Ячник ўлкада биринчи бўлиб “Азбукадан сўнг биринчи китоб” номли маҳаллий аҳоли болалари учун рус тилини ўрганиш қўлланмасини ёзиб чикарди... 1884-йилда шарқшунос В.П Наливкин ўзбек-рус ва рус-ўзбек луғатини ёзиб, уни Қозон шаҳрида босмадан чиқарди.

Ўлкада рус-тузем мактабларини нуфузини ошириш ва “Буюк Россия давлатининг” улуғворлиги ва қудратини кўрсатиш мақсадида рус-тузем мактаби ўқувчиларидан Россия шаҳарларига саёҳатлар уюштирилди. Ана шундай саёҳатлардан биринчиси 1899-йил ёзида ташкил этилди. Бу саёҳатда 18 та ерли миллат вакиллари рус-тузем мактаблари ўқувчилари иштирок этиб, икки ҳафта мобайнида Россиянинг турли шаҳарларини диққатга сазовор жойларини томоша қилдилар. Саёҳатчилар орасида Марғилон рус-тузем мактаби ўқувчилари ҳам бўлган. Шундай саёҳатлар 1900 ва 1902-йилларда ҳам ташкил этилган. 1902-йилда уюштирилган саёҳатда қатнашган 20 ўқувчидан 11 таси Фарғона областининг Марғилон, Андижон ва Ўш шаҳарларидан эди.

Руслаштириш сиёсатининг ўлкада кенгроқ ёйиш мақсадида рус-тузем мактаблари қошида махсус курслар ташкил этила бошланди. Бу курсларда катта ёшдаги маҳаллий миллат вакилларига рус тили ўргатила бошланди.

1897-йилда Марғилон шаҳридаги рус-тузем мактабида ҳам катта ёшдаги маҳаллий миллат учун курс очилди. Ушбу курсда шу йили 37 киши ўқиган.

Ўлкада ташкил этилган рус-тузем мактаблари руслар томонидан мунтазам тарзда текширилиб турилган. 1912 йилда Туркистондаги рус-тузем мактаблари ишини Қозондаги ўқитувчилар семинариясининг директори Боброников текшириб кўради. 1913 йилда Марғилон шаҳрида битта рус-тузем мактаби мавжуд бўлиб, ушбу мактабда 53 та ўқувчи таълим олган.

Рус мактаблари билан бир қаторда Туркистонда XlX-асрнинг 90-йилларидан бошлаб "Янги усул" мактаблари ташкил этила бошланди. Шуни алохида қайд этиш жоизки, ўзбек маърифатчилигининг ривожида жадидлар алоҳида ўрин эгаллайди. Улар ўлкада эски мактабларни ислоҳ қилиш, маиший турмушни яхшилаш ва бошқа муҳим ташаббуслар билан XlX-аср оҳирларидаёқ чиқа бошлаганлар. Бундай янгиликлар асосан ўқитиш усулига тааллуқли бўлсада, асил моҳияти билан маҳаллий аҳолини маданият турмуш соҳасидаги узгаришларга муҳтож эканини ифодалайдиган муҳим тадбирлар эди. Туркистондаги жадидчилик оқимининг кўзга кўринган раҳбарларидан бири М.Беҳбудий шундай деган эди: "Бизлар ҳозирги маданият асосида мактаблар, устахоналарни ва бошка эски турмуш билан боғлиқ соҳаларни ислох килишимиз зарур".

Беҳбудийнинг фикрича, маориф соҳасидаги ислоҳ феодал маиший турмушни тубдан ўзгартириб, маҳаллий буржуазияни ўсишига имконият беради. Ўша даврнинг маҳаллий буржуазия вакиллари ўзларини янгилик тарафдорлари сифатида кўрсатиб жадидларни қўллаб-кувватлаганлар.

Янги усул мактабларининг асосчиси Исмоил Гаспиренский (1851-1914 й.й) бўлиб, биринчи марта 1884 йилда Боғчасаройда янги усул мактаби ташкил этади. 40 кун ичида мактабдаги 12 та болани саводини чиқаради... Ёки эски мактабда беш йилда оладиган таҳсилни икки йилда ўргатишга муваффақ бўлади. Сўнг ўқувчилар учун "Хужа-Сибен" (болалар муаллими) биринчи дарслигини тузади. Дарслик 4 қисмдан иборат бўлган. Биринчи қисмида "Алифбе" га 27 дарс ажратилган; қолган қисмларида турли хил фойдали маълумотлар ва ҳикоялар берилган. Улар орасида "Икки улуғ шоир" сарлавҳаси остида Навоий ва Пушкин ҳақида маълумотлар берилган.

И.Гаспиренскийнинг фикрича, янги усул мактабларида қуйидагиларга риоя қилиниши зарур ҳисобланади.

1. Синфда болалар сони 30 тадан ошмасин.
2. Болаларни фақат икки даъфа - ёз ва қиш ойларида қабул қилиш мумкин.
3. Ҳар қабул нечта бўлишидан қатъий назар бир синф бўлсин.
4. Ҳар бир муаллимда кўп билан 3-4синф бўлсин.
5. Агар мактаб 3 синфдан иборат бўлса дарслар кетма-кет, маълум уйғунликда қўйилмоғи лозим.
6. 7-8 ёшдаги бола 7-8 соат узлуксиз ўқий олмайди. Унинг учун 5 соат кифоя. Ҳар дарсдан сўнг 10 дақиқа танаффус лозим.
7. Жума ва байрам кунлари дам олинади.

8. Ўн ой ўқишдан сўнг ёзнинг иссиқ кунларида таътил бўлиши мақсадга мувофиқ.
9. Дарс зериктирмаслиги лозим. Беш соатда беш турли фандан дарс бермоқ лозим. Беш соатда ёлғиз бир дарс билан учрашмоқ зеҳинни бузар.
10. Шогирдларни урмия,сукмия (уришга, сўкмоққа) хожат йўқдир.
11. Ҳар ҳафта охирида ҳафталик якун қилиб, дарсларда яхши иштирок этган ўқувчиларни тақдирламоқ лозим.
12. Мактаб деразалари кенг ва катта, хонанинг ичи йирик бўлиши мақсадга мувофиқдир. Совуқ хонада дарс ўтиш, ўқувчиларга илм ўргатиш эмас балки бегуноҳ жазолашдир.

Янги усул мактаблари ўз олдига қуйидаги вазифаларни қўйган.

1. Ёш авлодга ҳозирги замонда керак бўладиган билимларни бериш.
2. Эски усул таълимига ёпишиб олмасдан, замонавий таълим усулларини қўллаш.

Янги усул мактабининг бошқа мактаблардан фарқи ва ютуқлари шундаки, бу мактабларда синф дарс тизимига ўтилди. Дарсларда кўргазмали материаллардан фойдаланиш яхши натижалар бера бошлади. Синф хоналарининг тоза ва ёруғлиги, парталарда ўтириб ўқитилиши дарс танаффуслари жорий этилиши муҳим аҳамиятга эга бўлди.

XlX асрнинг 90-йиллари охирларида Фарғона областида ҳам янги усул мактаблари пайдо бўла бошлади. Областда янги усул мактаби 1897-йилда Андижонда очилган. Ундан сунг областнинг бошқа шаҳарлари қатори Марғилон шаҳрида ҳам шундай мактаблар вужудга кела бошлади. Фарғона областидаги янги усул мактабларида ўқувчилар сони 20 кишидан 100 кишигача, баъзан эса 125 кишигача булган.

Марғилонда 5 та янги усул мактаби бўлиб, 247 ўқувчи таълим олган.

## МАРҒИЛОНДА XIX АСР ОХИРИ XX АСР БОШЛАРИДА ТАРИХ ВА АДАБИЁТ

С.Мирсоатова,С.Ғофурова- ФарДУ, М.Мамажонова -ФарПИ

XlX асрнинг 2-ярмида Ўрта Осиё маданий ҳаётида Хоразимшоҳлар, темурийлар даври маданиятига нисбатан кескин инқироз яққол сезилди. Айниқса, бу даврда халқнинг икки томонлама зулм остига тушиб қолиши маданият ривожига ҳам ўзининг салбий таъсирини кўрсатди. Бу даврда дунёвий фанларни ўқитиш давлат назоратидан четда қолиб кетди. Ўрта Осиёдаги мавжуд хонликлар ўртасидаги ўзаро феодал урушлар, русларнинг саралаган ҳарбий кучларининг Ўрта Осиёга бостириб кириши, буларнинг барчаси Ўрта Осиё маданиятига ўзининг салбий таъсирини кўрсатди.

Юқорида кўрсатилган барча салбий ҳодисалар маданият ривожига қанчалик тўсқинлик қилмасин, маънавий ҳаётни бутунлай тўхтатиб қўя олмади.

Хонликларнинг йирик-йирик шаҳарларидаги ва масжидлар илм-фан, ахлоқ, одоб ва маънавият тарқатувчи масканлар эди. Мадраса, мактаб масжид ва қорихоналарда ислом таълимоти биринчи ўринда турар эди. Аммо мадрасаларда диний, ахлоқий китоблардан ташқари тил, адабиёт, математика, мантиқ, тарих, география, фалакиёт каби фанлар ҳам ўргатилар эди. Шу

сабабли ўлкада маданий ҳаёт, илм-фандаги изланишлар тўхтаб қолмади. Маданиятнинг бошқа соҳалари котри тарих фан соҳасида ҳам бу даврда кўплаб ишлар қилинади.

Фарғона областида ҳам XlX асрнинг 2-ярми ва XX аср бошларида кўплаб тарихчилар яшаб ижод этишди. Ўз ўтмишини билишни хоҳлаган кишилар доим тарих ва ўтмиш илмини урганиб, унга мурожаат қилиб борганлар.

Ўз даврида ўтмишда бўлиб ўтган воқеа ҳодисаларни халққа етказишда тарихчиларни роли жуда катта булган. Ҳукмдорлар ўз тарихини ёзиш учун махсус тарихчилар тайинлаган. Баъзи тарихчилар эса ўзлари мустақил тарихий асарлар яратганлар.

Фарғона областида ҳам ана шундай тарихчилардан Рожий Қуқондий, Исхоқхон Жунайдуллахон ўғли Ибрат (Туракурғоний), Муҳаммадниёз Қўқондий, Миразиз бин Муҳаммадризо Марғилонийлар XIX асрнинг охири XX аср бошларида яшаб, ижод этганлар. Ўтмиш тарихчилари исму шарифига назар ташласак у қаерлик экани маълум бўлади. Масалан, Рожий Қўқондий Қўқонда яшаб, ижод этган моҳир хаттот ва тарихчи бўлган.

XlX асрнинг 2-ярмида ва XX аср бошларида Марғилонда ҳам Миразиз Бин Муҳаммадризо Марғилоний деган тарихчи яшаб ўтган. Бу тарихчини марғилонлик дейишимизнинг сабаби, Марғилоний номи марғилонлик деган маънони беради. Муҳаммадризо Марғилоний шу даврда ўзининг “Тарихи Азиз” деб номланган машҳур асарини ёзиб тугатди.

Шу даврда Ўрта Осиёда Чоризм мустамлакачиларининг зулми кучайиб кетди. Бу эса кенг меҳнаткашлар оммаси норозилигига сабаб булди. Мустамлакачилик сиёсатига, қашшоқлик ва тенгсизликка қарши кенг халқ оммаси озодлик курашини бошлаб юборди. Шу даврда яшаган адабиёт намоёндалари, улуғ мутаффакир шоирлар Муқимий, Фитрат, Завқий ва бошқалар озодлик, тенглик, эркинлик ғояларини иллгари сурдилар. Мавжуд сиёсий тартибни, иймонсиз ва диёнатсиз мустамлакачилар ва бойларни аёвсиз танқид қилдилар.

XlX аср охири XX аср бошларида Марғилон шаҳрида Тошболта деган шоир ижот этгани ҳақида маълумотлар мавжуд. Тошболта маърифатпарвар шоир Зокиржон Фурқатнинг замондоши ва қалин дўсти бўлган.

Фурқат ўзининг марғилонлик дўсти шоир Тошболтуга ёзган мактубида ўзининг аччиқ қисматидан шикоят қилиб:

Қилурман дўстликдан бир насиҳат санга Тошболту,
Булурсан нор қабул этсанг, ахли сафолардан.
Расоллик орзу айблаб камол гар етай десанг,
Тааруз айлама ҳам шиква қилма наросалардин

деб ёзган эди.

Шоир Тошболту хақида фикр юритсак, Тошболту бу шоирнинг тахаллуси бўлса ажаб эмас. Чунки Тошболту исми ўзбек исмлари ичида учрамайди. Агар бу шоирнинг исми бўлса, у ҳолда Тошболта бўлиши керак.

Шундай қилиб биз ушбу ишимиз орқали Марғилонда яшаб, ижод этган тарихчи Муҳаммад Ризо Марғилоний ва шоир Тошболту хақида фикрлар

келтирдик. Уларнинг ҳаёт йўли изланишлар натижасида рўёбга чиқса ажаб эмас.

## XIX-XX АСРЛАРДА ФАРҒОНА ВОДИЙСИДА ЯШАГАН ХАЛҚЛАРНИНГ ПОЛИЭТНИК ХУСУСИЯТЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЙ-МАДАНИЙ ҲАЁТИ

О.Ғофуров, Т.Қўчқоров, А.Юсупов - ФарДУ

Халқларнинг тарихий алоқалари масалаларини ўрганиш ва ёритиш ҳар бир мутахассис учун муҳим вазифалардан бири бўлиб келган ва бўлиб қолади. Уни ёритишда эса бошқа соҳалар қаторида этнографиянинг ҳам ўрни катта.

Этнография фанида шу нарса маълумки, барча этнослар ўз ҳолича ривожланмай балки ўзга этник гуруҳлар билан алоқада бўлган. Айниқса, этносллараро бундай муносабатлар маълум бир этномаданий муҳитда, ёнма-ён яшаётган турли этник бирликларга мансуб халқлар ўртасида нисбатан қизиқроқ кечади.

Фарғона водийси қадимдан буён шундай этномулоқотга эга бўлган ўлка бўлиб, у жойларда ва унга қўши ерларда “сак”, “эгли”, “парикан”, “обий скифлари”, “усун” каби халқлар яшаган.

Қадим даврларда водий ҳудудида хўжалик йўналиши ва турмуш тарзи ҳар-хил бўлган халқлар орасида ҳам ўзаро мулоқот жадал суръатда ривожланиб борган. Яъни водийнинг текислик қисмида – сой, дарё ўзанларидаги кичик воҳаларда яшаган аҳоли билан тоғ ва тоғолди ҳамда дашт зоналарида жойлашган чорвадорлар ўртасида ўзаро хўжалик савдо ва маданий алоқалар узлуксиз давом этганлиги сир эмас.

Фарғона водийсида деҳқончилик учун яроқли бўлган ер майдонлари икки турга: яъни суғориладиган “сувли ерлар”, суғорилмайдиган “лалми” ёки “баҳори” каби турларга ажратилган. Суғориб деҳқончилик қилинадиган экин майдонлари асосан Хўжабақирғон, Исфара, Сўх, Шоҳимардон, Исфайрамсой, Аравон, Оқбўйра, Куршоб, Қорадарё, Норин дарёси, Косонсой, Ашт, Андижонсой каби дарё ва сойлар атрофидаги воҳаларда жойлашган эди. Бу воҳаларда яшаган этнослар полизчилик ва боғдорчилик каби соҳалар билан шуғулланганлар.

Водийнинг тоғолди ва адрлик этакларида яшаган чорвадор халқлар ўтроқлашиб бориб деҳқончиликда лалмикорлик билан машғул бўла бошладилар. Айрим жойларда: яъни Марҳамат, Жалолкудуқ, Қўрғонтепа ҳудудларида яшаган чорвадор қирғизлар суғориб деҳқончилик қилишга ўтдилар. XIX асрнинг 90-йилларида истиқомад қилаётган қирғизларнинг 200 минг нафари ёки 65% и ўтроқлашиб, деҳқончилик билан машғул бўлдилар. Қирғизлардан ташқари қипчоқ, турк, юз каби этник томонлар ҳамда Норин ва Қорадарё оралиғида яшаган қипчоқларнинг яшиқ, ўлмас, кулон, еттиқашқа каби уруғлари ҳам деҳқончиликка ўтдилар.

Аммо қирғиз, қипчоқ, турк, қурама, юз каби этник жамоаларда деҳқончилик тез ривожланиб борсада уларнинг хўжалигида чорвачилик ҳамон муҳим аҳамият касб этарди.

Фарғона водийсидаги юқорида кўрсатиб ўтилган аҳолининг хўжалигида деҳқончилик ва чорвачиликнинг ўзаро муносабати бир ҳилда блмай, балки улар жойлашган ҳудуднинг табиий-географик шароитига, аҳолисининг этник таркибига, ҳамда маҳаллий ўтроқ аҳоли билан ижтимоий-иқтисодий алоқаларинг кўламига боғлиқ ҳолда таркиб топган.

Чорвачилик хўжаликнинг асосий қисмини ташкил этган халқлар водий атрофидаги тоғ-яйловларида ўз чорваларини боққан бўлса, ўтроқ аҳоли эса уй чорвасини ривожлантирганлар. Ҳўкиз, от сингари ишчи ҳайвонлар ўтроқ аҳоли хўжалик фаолиятида, айниқса деҳқончилик хўжалигини юритишда муҳим аҳамият касб этган.

Водийдаги ўтроқ аҳоли азалдан ҳунармандчиликнинг барча соҳалари билан машғул бўлиб, айниқса, тўқимачилик, кулолчилик, темирчилик, кўнчилик, ёғочга ишолв бериш каби ҳунар турлари яхши тараққий этган.

Ҳунармандчиликнинг айрим турлари билан ўтроқ аҳоли ва чорвадорлар биргаликда шуғулланишган. Масалан: ўтроқ аҳоли пилла ва пахта толасидан, чорвадорлар эса жундан мато тўқиган. Гилам, кигиз тўқиш ва босиш билан қирғиз, қипчоқ, турк, юз, қурамалар машғул бўлганлар.

Деҳқончилик билан қадим даврдан бошлаб шуғулланиб келган ўтроқ ўзбек, тожик, уйғурлардан ўтроқлашиб борган қирғиз, қипчоқ, қурама, юз ва қорақалпоқлар деҳқончиликда етиштириладиган турли экинларни етиштириш сирларини ўрганиб борганлар. Шу билан бирга ўтроқ аҳолига чорва молларини боқишнинг қулай усулларини ўргатганлар.

Турли этник гуруҳлар ўртасидаги савдо-сотиқ алоқалари ҳам этнослараро муносабатларнинг қарор топиб, ривожланиб боришда катта аҳамият касб этган.

Водий аҳолиси қадимдан бошқа ўлкаларда яшаган халқлар билан ҳар соҳада алоқа олиб борганлар. Ушбу алоқаларда савдо-сотиқ энг ривожланган соҳа бўлиб, унинг уч ҳил шаклини кўришимиз мумкин. Яъни: 1.Сайёр ҳолда мол айирбошлашга асосланган савдо; 2.Вақти - вақти билан ташкил қилинадиган ярмарка савдоси; 3.Стационар (доимий) тарздаги савдо. Ўтроқ аҳоли чорвадорлари билан мол айирбошлаш шаклида алоқа қилиб, бунда қўй асосий ўлчов, мезон вазифасини ўтаган.

Водий аҳолиси савдо ярмаркаларида ўзи ишлаб чиқарган ҳунармандчилик билан қатнашганлар. Бундай ярмаркалар Ўрта, Яқин Шарқ ва Россияда ташкил топиб, йилнинг бир неча фаслларида ўтказилган. Четдан эса, асосан хўжаликка зарур бўлган товарлар билан бирга кўпроқ чорва моллари келтирилган. Маълумотларга қараганда XX аср бошида Фарғона водийсига ҳар йили 3500000 бошга қадар чорва моллари олиб келинган.

Фарғона водийсидаги савдо муносабатларида ўзбеклар билан бирга тожик, уйғур, татар, рус, арман, жуҳуд каби халқларнинг вакиллари ҳам фаол қатнашганлар.

## МАРҒИЛОНДА ТИББИЁТ МУАССАСАЛАРИНИНГ

**ВУЖУДГА КЕЛИШИ**

И.Тошпўлатова, М.Акбарова, Н.Абдукаримова - ФарДУ

Замонавий тиббиётнинг пайдо бўлишига милоддан аввалги III ва милоднинг II асрларида яшаб ижод қилган тиббиёт отаси Буқрот (Гиппократ) ҳамда Арасту, Жолинус каби юнон алломалари колдирган илмий мерослар асос бўлди.

IX-XVI асрга келиб илмий тиббиётнинг маркази Турон заминига кўчди. Шу даврда бу ерда 60 дан ортиқ машҳур табиблар етишиб чикди. Шарқ табобати бобокалони бўлмиш Ибн Сино асарлари, жумладан “Тиб қонунлари” Европа давлатлари тиббий олийгоҳларида 500 йилдан ортиқ вақт мобайнида асосий қўлланма сифатида фойдаланилди.

XVII асрга келиб Ўрта Осиё жаҳон илм-фанида Европадан орқада қола бошлади. Шу пайтдан бошлаб илмий тиббиётни ривожлантиришда Европа олимларининг ҳиссаси орта бошлади.

Ўрта Осиё Россия томонидан босиб олингандан сўнг, кўчириб келтирилган рус, украин кишилари орасида зиёлилар, шу жумладан врачлар ва фельдшерлар ҳам бор эди. А.Б.Шишов, М.И.Шишова, А.И.Алексеев, К.И.Архангельский, Ф.С.Петров каби рус врачлари ва фельдшерлари биринчилардан бўлиб Туркистон ўлкасига келишган ва бу ерда фаолият олиб боришган эди.

Чор ҳукмронлиги даврида Туркистон ўлкасида дастлабки тиббий муассасалар очила бошлади. Бундай шифо масканлари Марғилон шаҳрида ҳам ташкил этилган.

Масалан, 1886 йили Янги Марғилон шаҳрида эркакларни даволаш учун 20 ўринли, аёлларни даволаш учун 15 ўринли шаҳар шифохонаси ишга тушади. 1892 йили эса 5 ўринли беморларни даволаш пункти иш бошлаган.

Бутун Туркистон ўлкасида бўлгани каби Марғилон шаҳрида соғлиқни сақлаш, турли юқумли касалликларни тарқалишини олдини олиш ёмон аҳволда эди. Шу сабабли шаҳарда тез-тез вабо, чечак каби ўта хавфли юқумли кассаликлар тарқалиб турган.

1892 йили ёз ойларида Фарғона вилоятида ўша давр учун энг дахшатли касаллик ҳисобланган вабо эпидемияси тарқалган. Вабо билан касалланганларнинг 80-85 фоизи тиббий ёрдам ололмай вафот этган. Марғилон уездида 2668 киши вабо билан касалланиб, шулардан 1625 нафари вафот этган. Марғилон шаҳриниг ўзида 535 киши касалланиб, улардан 483 нафари вафот этган.

Бутун Туркисон ўлкасида бўлгани каби, Марғилонда ҳам тиббий ходимлар етишмас эди. Шу сабабли тез-тез тарқалиб турадиган турли юқумли касалликларга қарши курашда катта қийинчиликларга дуч келинар эди.

1896 йилда Фарғона областида тиббий ходимлар 68 кишини ташкил қилар эди. Улар 1 нафар область, 5 нафар уезд, 4 нафар шаҳар, 4 нафар аёл врачи, 22 та фельдшер, 4 та аёл фельдшери, 21 нафар эпидемияга қарши эмловчилар ва 7 нафар санитаркадан иборат эди.

1890 йилда Марғилон шаҳрида 5 ўринли даволаш пункти, битта амбулатория, битта дорихона, 1913 йилга келиб 15 ўринли шифохона, битта дорихона бўлиб, 2 та врач 4 та фельдшер ва 2 та фармацевт хизмат қилган.

Соғлиқни сақлаш ишларига чор амалдорлари томонидан унчалик эътибор берилмаганини қуйидаги факт мисолида кўришимиз мумкин. Марғилон шаҳрида 49406 кишилик аҳолисини соғлигини сақлаш ва санитария ишлари учун шаҳар бюджетидан 15632 сўм сарфлангани ҳолда 53 кишилик шаҳар полициясини сақлашга 28271 сўм маблағ сарфланган.

1924 йилда Марғилон уездида 51 та тиббиёт ходими бўлиб, 29 таси уезд шаҳарларида ишлаган. Шу йили Марғилон уездида 125 ўринли 5 та шифохона бўлиб, 55 ўрин шаҳар касалхоналари ҳисобига тўғри келади. Марғилон шаҳрида 30 ўринли Хидир Алиев номли хайрия даволаш уйи фаолияти кўрсатади.

Умуман олганда Х1Х аср охири - ХХ аср бошларида Марғилон шаҳар аҳолисига тиббий хизмат кўрсатиш ишларини қониқарли деб баҳолаб бўлмайди. Рус маъмурияти юқумли касалликларни олдини олиш, уларни даволаш учун етарли маблағ ажратмаган. Масалан, 1892 йил ёзда Тошкент шаҳридаги “Вабо исёни” бунинг ёрқин далилидир. Лекин маҳаллий халқ орасида қадимдан турли касалликларни даволаш борасида катта тажриба тўплаган табиблар, тажрибали синиқчилар (ҳозирги ортопед-травматолог шифокорлар) бўлсада, манбалар улар ҳақида ҳеч қандай маълумот бермайди. Бизнинг фикримизча, ўшандай бир оғир шароитда маҳаллий табиблар, синиқчилар билан рус медицинаси ҳамкорликда иш олиб борганда туб аҳоли соғлигини сақлашда ижобий натижаларга эришилган бўлур эди.

## БУРХОНИДДИН АЛ-МАРҒИНОНИЙ ҲУҚУҚИЙ МЕРОСИ ВА УНИНГ ЁШЛАР ТАРБИЯСИДАГИ РОЛИ

Р.Ходжаев, К. Р.Химматқулова,. М.Нишонбоев, ФарПИ

Маълумки, истиқлол йилларида мамлакатимизда юксак маърифий-маданий жамият қуриш, ҳар томонлама баркамол ёш авлодни шакллантириш асосий вазифа қилиб қўйилди. “Қайси ерда маънавий камолот юксак бўлса, ўша мамлакатда жамият ижтимоий мезонлари асосида ривожланганлиги маълум”– дея таъкидлаган эди Президент И.Каримов.

Дарҳақиқат, Бурҳониддин ал-Марғиноний маънавий меросини ўрганиш, уни талаба-ёшлар онгига сингдириш таълим -тарбия соҳасидаги энг муҳим вазифалардан биридир.

Буюк бобокалонимиз оламга машҳур фиқҳшунос олим Бурхониддин Ал-Марғилонийнинг ҳуқуқий тафаккур тараққиётига қўшган ҳиссаси беқиёсдир.

Бурҳониддин ал-Марғинонийнинг бутун ислом оламида машҳур бхлган “Хидоя” асари 1178 йили Самарқандда ёзилди. Махмуд ибн Сулаймон ал-Кафавийнинг “Катоиб ул- аълом ал-ахёр фи табокот фукахо ва машойих мазхаб ан-Нуъмон” “Нуъмон мазхабига мансуб бўлган таниқли аллома факихлар ва шайхлар ҳақидаги китоб” номли асарида келтирилишича, Бурҳониддин ал-

Марғиноний “Хидоя” нинг яратилиши хусусида шундай ёзган: "“Абул-Хасан Али ибн Бакр Абд ул-Жалил бир куни фиқҳ масалаларига бағишланган ҳажми унча катта бўлмаган, лекин мазмуни тўлиқ бўлган бир яхлит китоб зарур эканлиги ҳақида фикр билдирди”. Ироққа сафар қилганимда у ерда “ал-Мухтасар ал-Қудурий” (“Қудурий қисқартмаси”) ни кўрдим. Фиқҳ бобида ажойиб асар эди. Бу пайтгача каттаю-кичик барча “Жомеъ ус-Сагир” (“Кичик тўплам”) дан фойдаланган эди. Шунда фиқҳга оид барча асарларни асарга “Бидоят ал-мунтахий” деб ном бердим.

Кейинчалик бу асарга шарҳ ёзиб, уни “Кифоят ул-мунтахий” деб номладим”.

Кейинчалик бу асарларнинг ҳам хажми катталик қилиб, янада мўъжаз бўлган, бутун ислом оламида ханафия мазхабининг фақҳ масалаларида асосий қўлланмасига айланган Бурҳониддин ал-Марғинонийнинг “ал-Хидоя” асари яратилди. Бу асар бутун мусулмон оламида машҳур бўлиб кетди, мусулмон ҳуқуқи - фиқҳ бўйича энг аниқ, изчил, мукаммал асар сифатида тан олинди.

“Хидоя” да ҳуқуқий масалаларнинг ечими дастлаб йирик фиқҳ олимлари фикрларининг баёни ва унга бошқа муаллифлар эътирозлари ёки қўшилишларини изҳор этиш йўли билан берилган. Ана шу обрўли муаллифлар эътирозлари ёки қўшилишларини изҳор этиш йўли билан берилган. Ана шу обрўли муаллифлар фикрларидан келиб чиқиб, муайян масалада энг маъқул ечими танлаб олиш йўлига амал қилинган. Шу тариқа унда қонунинг айнан ифодасигина эмас, балки унинг мукаммал шархи хам асослаб келтирилди.

“Хидоя” тўрт жуздан иборат бўлиб, биринчи жузга ибодат масалалари киритилган, булар: тахорат, намоз, рўза, закот ва хаж китобларидир. Иккинчи жузга никох, эмизиш, талоқ, қулларни озод қилиш, топиб олинган боланинг насибини аниқлаш, топиб олинган нарса, қочиб кетган қуллар, бедарак йўқолганлар, шерикчилик ва вақф мулки каби масалалар киритилган.

Учинчи жузда эса; олди –сотди, пул муаммолари, кафолат, пулни бировга ўтказиш, қозиларнинг вазифалари, гувохлик, берилган гувохликдан қайтиш, ваколат, даъво, иқрор бўлиш, сулх, бир ишда пул билан шерик бўлиш, пулни сақлашга бериш, қарз бериш, совға, ижара, муайан шарт асосида чекланган озодлик берилган қуллар, волийлик (патронат), мажбур қилиш, хомийлик, қисман озод бўлган қуллар ва босқинчилик хусусидаги масалалар ўрин олган.

Тўртинчи жузда эса: шафоат, мерос тақсимлаш, дехқончилик хамда боғдорчилик хусусида шартнома, қурбонликка сўйиладиган жонзот хақида, умуман қурбонлик қилиш хақида шароитга зид ёмон нарсалар хақида, ташландиқ ерларни ўзлаштириш хусусида, таъқиқланган ичимликлар хақида, овчилик, гаровга бериш, жиноятлар хусусида, хун хақини тўлаш, васият каби масалалар ёритилган.

Бурхониддин ал-Марғилоний, илмли инсон жамиятнинг халол, пок фуқаросига айланиши хар бир киши устозлар кўмагида таълим тарбия олиб тариқат йўлига кириши кераклиги хақида фикрлар билдиради. Айниқса, Аллома ёшларни илмли кишилар билан мулоқатда бўлишга, фойдали насихатларга амал қилишга ундайди.

Ал-Марғилоний илмни дунёдаги энг буюк неъмат, деб аташ билан толиби илм ахлини илмни қунт билан эгаллашга даъват этди.

Дархақиқат буюк ватандошимиз Бурхониддин ал- Марғилонийнинг хуқуқий – маънавий мероси талаба ёшларда муқаддас она заминни севиш, уни ардоқлаш ва аждодлар меросига садоқат рухида тарбиялашга ўргатади.

## БУРЪОНИДДИН МАРЬИНОНИЙ ВА УНИНГ АВЛОДЛАРИНИНГ ИСЛОМ ДУНЁСИ ЫОНУНШУНОСЛИГИ РИВОЖИГА ЫЩШГАН ЪИССАСИ

О.Раъимов - ФарДУ

VII-VIII асрдан бошлаб Мусулмон Шарыида табиий ва ижтимоий фанлар, шу жумладан Ислом ъуыуыий (фиыъ) билимлари шакллана бошлади. Ислом оламининг ъуыуыий билимларининг маромига етишида Буръониддин Марьиноний ва унинг авлодларининг ъиссалари катта.

Буръониддин Марьиноний (тщлиы исми Абдулъасан Али ибн Абубакр Ибн Абдужалил ал-Фарьоний ал-Риштоний ал-Марьиноний) Риштон туманидаги Даъбет ыишлоьида 1123 йил сентябрр ойининг 23-куни таваллуд топган.

Щзбекситон Республикаси Президенти Муътарам Ислом Каримов Буръониддин Марьиноний таваллудининг 910-йиллигига баьишланган тантанали маросимда сщзлаган нутыида «Буръониддин Марьиноний асарларининг моъияти бщлмиш адолат туйьуси, щз даврининг ъуыуыий мезонлари асосида яшаш, щзганинг мол-мулкига кщз олайтирмаслик, ъаромдан ъазар ыилиш, инсоф ва диёнат, меър-оыибат каби халыимизга хос бщлган эзгу тушунчалар бугунги кунда ъам маонавий ъаётимиз асосларини ташкил этади, десак, ъеч ыандай хато бщлмайди» деган эдилар.

Марғиноний ислом динидаги энг олий диний лавозим «Шайх ул - Ислом» даражасига етишган эди.

Марьинонийнинг фиыъ илмини такомилга етказиш учун ыизиыиши фанга ыизиыишга олиб келади. Шары (мусулмон) Уйьониш даврида Ислом ыонунларининг ишлаб чиыишга ъар ыачонгидан кщра эътиёж ортиб бораётган эди.

Ислом қонуншунослари щртасида учта даража вужудга келган. Улардан биринчиси ыуйи даражадаги фаыълар-мужтаъиди амалиёт, яони иш юритувчи, шариат ыонунларига амал ыилувчи фаыълар. Иккинчи гуруълари щрта даражадаги фаыълар-мужтаъиди муносиб деб юритилиб, улар машъур, лекин фаыат шариат соъаларида фикр юрита оладиган фаыълардир. Учинчилари юыори даражадаги фаыълар мужтаъиди мутлоы деб аталиб, энг обрщли, шариат манбалари соъасида ижтиъод (илоъий билимлар билан шуьулланувчи) ыилувчи фаыълар, асосан шариат мазъаблари асосчилари мавжуд бщлган.

Шайх ул-Ислом Буръониддини Марьиноний Ислом оламида энг кщзга кщринган аллома саналади. Тарихчи Ибн Арабшоъ «…жалолатли шайх, аллома Буръониддин Марьиноний - тангри - таоло у (киши) ни раъмат ыилсин, -

Марьилондан чиыыан», деб ёзади щзининг «Ажоиб ал-Маыдур фи тарихи Таймур» асарида.

Буюк фаыиъ Бурънониддин Марьиноний «Бидоят ул-мубтадиъ» («Бошловчилар учун дастлабки таолим»), «Китобун-фил-фароиз» («Мерос ъуыуыи бщйича китоб»), «Китоб ул-машойих» («Шайхлар ъаыидаги китоб») ва бошыа кщплаб асарлари щз даври мусулмонлари учун дастуриламал бщлиб хизмат ыилган. Кейинчалик 1178 йилда Бурънониддин Марьиноний щзининг «Кифоят ул-Мунтаъий» («Якунловчилар учун тугал таолимот») асари асосида «Китоб ал-Ъидоя» («Ъидоя» - «Тщьри йщл») асарини яратди. Шайх ул-Ислом Бурънониддин Марьиноний бу китобда щша замонларда мщмин мусулмонлар дуч келадиган долзарб ъаётий масалалар, жумладан оилавий ва ижтимоий муносабатлар, мулкчилик, савдо - сотиы, жиноят ва жазо, инсоннинг бурч ва масоулиятларига тааллуыли жуда кщп мураккб муаммоларни исломий ъуыуы нуытаи назаридан ъал этиб берди. Бу китоб нафаыат Мовароуннаърда, балки бутун Ислом Шарыида бир неча тилларга таржима этилиб маолум ва машъур бщлиб кетди.

Бурънониддин Марьиноний даврида унинг щьиллари Имодуддин Муъаммад ибн Али ибн Абу Бакр ибн Абдулжамил ал-Фарьоний ал-Марьиноний, Низомуддин Умар ибн Али ибн Абу Бакр ибн Абдужамил ал-Фарьоний ал-Марьилоний, Жалолуддин Муъаммад ибн Али ибн Абу Бакр ибн Абдужамил ал- Фарьоний ал-Марьиноний фаыиъ илмининг етук олимлари бщлиб етишдилар. Улар Бурхониддин Марьинонийнинг вафоти (1197.29.10) дан кейин оталарини ишини давом эттирадилар. Профессор А.Х.Саидов шундай деб ёзади, «Имодуддин Муъаммад ибн Али «Одоб ул-Ыози» асарини, Низомиддин Умар Али «Жавоъир ул-фиыъ» мин мусаннафоти ибни соъиб ул-Ъидоя» («Ъидоя» муаллифининг щьли ёзган асарлардан «Фиыъ жавоъирлари»), «Ал-Фавонд» ва бошыа бир ыанча асарлар муаллифидир. Жалолиддин Муъаммад Ибн Алининг ёзган асари ъаыида маолумотлар йщы.

Шайх ул-Ислом Бурънониддин Марьинонийнинг уч щьиллари навбатма-навбат шайх ул-Ислом бщлганлар. Бурънониддин Марьиноний авлодлари Амир Темур ва темурийлар даврида ъам энг нуфузли Ислом арконлари ъисобланганлар.

К.Каттаевнинг «Самарыандлик буюк алломалар» рисоласида Амир Темур даврида Абдумалик, Мирзо Улуьбек даврида Исомиддин Абу Саоид Мирзо даврида Бурънониддин ва Низомиддин Масоуд, Бобур Мирзо даврида Абўлкарим шайх ул-Ислом мансабида бщлганлар, деб ёзади.

Ибн Арабшоъ щзининг «Ажойиб ал-Маыдур фи тарихи Таймур» асарида мавлоно Бурънониддин Марьилоний авлодлари ъаыида ыимматли маолумотларни келтиради. Унда Мавлоно Абдумаликнинг амакиваччаси Хожа Абдулаввал» деб берилгани, шунингдек Марьилон шаъри щртасида «Гщри Аввал» маъалласи ва у ерда ыадимий ыабр мавжудлиги, Марьилон шаъридан 20-25 км жанубда Аввал ыишлоьи у ерда табаррук зотларнинг зиёратгоъ мазори мавжудлиги илмий изланишлар заруриятини вужудга келтирмоыда. Профессор А.Х.Саидовнинг ёзишича, Абу ул-Аввал ибн Бурънониддин Али Имодуддин ибн Жалолуддин Бурънониддин Марьинонийнинг набираси бщлган.

Бурънониддин Марьинонийнинг яна бир набираси Абд ур-Раъим Абдул Фатъ Зайнудин ибн Абу Бакр Имодуддин ибн Али ибн Бакрдир. Фиыъ илмининг отаси Имодуддин ва Мажидуддин ал-Уструшнийнинг шогирди Ъисомуддин ал-Улё Бодийдан щрганган. Ал-Фусул ал-Имодия номли фикхий асар ъам ёзган. Айрим манбааларда бу зот Бурънониддини Марьинонийнинг укалари бщлган, деган тахминлар ъам учрайди.

Ибн Арабшоъ Амир «Темур имоми Абулжаббор ибн Нуъмон Муътазимий, мамалакатнинг бош Ыозилари Ыутбуддин ва Хожа Абдумалик, унинг амакисининг щьли Хожа Абдуаввал ва бошыа» Бурънониддин Марьинонийлар авлодлари тщьрисида ыимматли маолумотлар беради.

Таниыли ёзувчи Абдуыаъъор Иброъимовнинг таокидлашича, «бугунги кунда (1999 йил) ер юзидаги 1 миллиард 300 миллиондан ортиы аъоли Ислом динига эотиыод ыилади. Исломда асосан икки йщналиш бор: суннийлик ва шиалик. Барча мусулмонларнинг тахминан 90 фоизчаси суннийлар бщлса, ыолган 10 фоизчаси шиалардир. Бурънониддин Марьинонийнинг «Ъидоя» асари суннийлик оыимида ъанафий мазъаби бщйича энг муъим ва мукаммал ъуыуыий манба бщлиб, турли даврларда Щрта Осиёнинг турли шаъарларида, Афьонистон, Миср, Ыошьар, Ъиндистон ва дунёнинг бошыа мусулмон мамалакатларида кщчирилган, ыадимий нусхалари саыланмоыда. Асар яратилгандан буён фаыиълар, олимлар, тарихчилар, шоълар, ъокимлар диыыат эотиборини тортиб келади. «Ъидоя» рисоласининг тарихий аъамияти яна шундаки, Мовароуннаър фиыъ мактабини яратди, жаъондаги кщпгина олий щыув юртларида мусилмон ъуыуыышунослиги фанлари Бурънониддин Марьиноний таолимоти асосида щрганилади. Асарнинг ыимматлилиги яна шуки, дунё кутубхоналари олтин фондидан щрин олди, Бурънониддин Марьинонийни ва Марьилон шаърини бутун дунёга танитди.

## БУРҲОНИДДИН МАРҒИНОНИЙ ИЖОДИНИНГ ХАЛҚАРО АҲАМИЯТИ

Р.Қудратов, У.Солиев - Тош.АТУ, А.Исроилов -ФарПИ

Илм-фан таҳсилини дастлаб Риштонда, сунгра Марғилон, Бухоро ва Самарқанд каби шаҳарларда олган. Бурҳониддин Марғиноний ўша вактларда илм-фан ва ислом дини марказлари ҳисобланган Боғдод, Дамашқ, Макка, Мадина шаҳарларида бўлиб, у ерда йирик донишмандлар билан учрашган, мулоқотда бўлган, Бурҳониддин Марғиноний тинимсиз ўқиб ўрганиш натижасида Мовароуннаҳр фақҳ (ҳуқуқшунослик) мактабининг буюк намоёндаси даражасига кўтарилган. XII асрда ёзилган ва нафақат Ўрта Осиё мадрасаларида, балки бутун мусулмон шарқи ўқув юртларида Ислом ҳуқуқидан баобрў ўқув қўлланмаси ҳисобланадиган “Ал Ҳидоя фил фуруъи фақҳ” (“Ҳуқуқ тармоклари бўйича қўлланма”) нинг айнан Бурҳониддин Марғиноний яратганлиги ана шундан далолат бериб турибди. Унинг 53 та китобдан ташкил топган тўрт жилдлик “Ҳидоя” асари нафақат Мовароуннаҳрда, балки Шаркда маълум ва машҳур бўлиб, у шариат ҳуқуқшунослиги бўйича асосий қўлланма

бўлиб ҳизмат килган. Бурҳониддин Марғиноний ҳаёти ва ижодий фаолияти, “Ҳидоя” асраининг мазмун ва моҳияти бўйича унинг ўғиллари Шайх-ул Ислом Имодуддин ал-Фарғоний, Шайх ул Ислом Умар Низомиддин ал-Фарғоний, унинг набираси Абул Фатҳ Зайнуддин Абдураҳим ибн Имодуддин ҳам фикҳий асарлар ёзиб, Ўрта Осиёда Ҳуқуқий таълим мазмунини чуқурлаштирганлар.

Ушбу мақолада биз Бурҳониддин Марғинонийнинг “Ҳидоя” асарининг Афғонистон юртида тарқалиши ҳақидаги айрим фикрларни баён қиламиз.

Ислом милодий VII асрда дин сифатида вужудга келиб, аста-секин дунё мусулмонлари эътикоди ва мафкурасига, фалсафаси ва турмуш тарзига айланди. Шариат эса мусулмонларни яшаши, меҳнат фаолияти, ҳаётий турмуш кечиришининг қонун қоидаларига айланди. У бутун мусулмон мамлакатларида ҳаёт кечириш ва давлат бошқарувининг қонуний меъёрларини белгиловчи асосий ҳуқуқий ҳужжат бўлиб колди. Шариат ислом динининг ҳуқуқий фалсафасидир.

Бурҳониддин Марғиноний “Ҳидоя” асарида шариат қонунларини ўқитишда, шунингдек, суд ишларида асосий қўлланма бўлиб қолди. Бунга биз Афғонистон тарихини баъзи саҳифаларига назар ташлаб ишонч ҳосил қиламиз.

Афғон халқининг тарихида Амир Дўст Муҳаммадхон Ҳукмронлиги даври алоҳида аҳамиятга эга. Бу давр Афғон халқининг инглиз босқинчиларига қарши мардона кураш ва марказлашган давлатни қарор топиши билан боғлиқ.

Дўст Муҳаммадхон давлат ишлари ва аҳолини бошқаришда шариат қонунларига асосланган. У Қобул шаҳрида сардор бўлиб турган вақтидаёқ қуръонни, ҳадисларни ва шунга дахлдор бўлган барча асарларни атрофлича ўрганган. Тарихчи олимларнинг ёзишича Дўст Муҳаммадхон “Ҳидоя” асари асосидан мусулмон ҳуқуқини нафақат Мовароуннахрда балки бутун ислом дини мамлакатларида тарқалишини ўрганишида методологик аҳамиятга эга. Шу нуқтаи назардан Афғонистоннинг тарихий маданий ҳаётини ўрганишда ҳам аҳамиятлидир. Дўст Муҳаммадхон давлат ишларини бошқаришда, оилавий ҳамда мулкий низоларни ҳал этишда “Ҳидоя” асарида баён этилган кўрсатмалардан фойдаланган. Қуръон шариат ҳамда “Ҳидоя”ни ўрганиш натижасида у ажойиб нотиқ, зукко, мантиқан фикр юритувчи давлат арбобига айланган*. Масалан: қабилалар йиғилишида жирғаларда ҳуқуқий қоидалардан усталик билан фойдаланар ва масалани ўз фойдасига ҳал бўлишига эриша олар эди. Дўст Муҳаммадхоннинг замондоши Мохон Лални хабар қилишича, амир қадимги ва янги тарихни адабиёт ва халқ оғзаки ижодини шариат қоидаларини ва шунга оид асарларни чуқур ўрганган.

Дўст Муҳаммадхон суд ҳуқуқ тизимини ҳам шариат “Ҳидоя” асари асосида ташкил этган. Бу бежиз эмас албатта. Чунки, Ҳирот, Жалолобод, Қобул ва бошқа шаҳарлар қадимдан Ислом динининг мустахкам таянчларидан бўлиб келган. Дўст Муҳаммадхон ҳам шариат қоидаларига асосланиб, фуқаролик ва диний суд тизимларини ташкил этган. Барча муҳим масалаларни олий даражадаги суд томонидан ҳал этилган. Амир фуқаролик ишлари хақида миршаблар бошлиғининг етказган маълумотларни шариат судига хал қилишлик учун юборган. Шариат суди эса “Ҳидоя” қоидаларига асосланиб муаммони хал этган. Унинг устида амир назорати ўрнатилган.

Бурхониддин Марғинонийнинг “Ҳидоя” асари Афғонистонда кенг тарқалганлиги ҳақида рус тарихчиси В.Виткейивич, инглиз тарихчиси А.Бернс, ўзбек тарихчиси Хакимхон тўралар эсталикларида хабар қилади.

Ушбу мавзуни ўрганиш алохида тадқиқ этишга лойиқ деб ўйлаймиз.

## МАРҒИЛОН ШАҲРИДА ИСЛОМГАЧА БЎЛГАН ДИНИЙ ҚАРАШЛАР

А.Алимуҳаммедов, Ф.Эргашев, З.Исмоилова - Фар ДУ

Ватанимиз дунё цивилизациясининг ўчоғларидан биридир. У жаҳон маданияти ва маънавияти ривожига ўлкан ҳисса қўшиб келмоқда. Ўзбек моддий ва маънавий маданиятининг равнақи ва бойишида Марғилон шаҳрининг ўзига хос ўрни ва аҳамияти бор. Чунки бу кўҳна замин жуда кўп шоира, аллома, мутафаккир, жамоат, санъат, давлат арбобларини етказиб берган. Улар табиийки, ижтимоий равнаққа ўз фаолиятлари билан баракали таъсир этганлар. Шунинг учун ҳам ЮНЕСКО қарори билан Марғилоннинг икки минг йиллигини халқаро миқёсда тантанали равишда нишонланмоқда. Бу Ўзбекистонимиз учун жаҳон ҳамжамиятида катта фаҳр ва обрўдир.

Истиқлол туфайли миллий мерос ва миллий маданиятга нисбатан бўлган муносабатлар тубдан ўзгарди, уларнинг миллий истиқлол мафкураси нуқтаи назаридан қайтадан ўрганилмоқда, илмий таҳлил қилинмоқда, уларни мустақиллик маънавиятининг асосларини яратишда ва мустаҳкамлашда ижобийларидан ўринли фойдаланилмоқда. Шуниси қувончлики, маданият ва маънавиятга бўлган сиёсат давлат ички сиёсатиниг устивор йўналишларидан бирига айланди. Асрлар мобайнида яратилган миллий қадриятларимиз қайтадан тикланмоқда, ҳозирги турмуш тарзимизда ўзининг муносиб ўрнини эгалламоқда, ўзлигимизни англашга катта ҳизмат қилмоқда.

Юртбошимиз И. А. Каримов таъкидлаганидек, “Ўзликни англаш тарихни билишдан бошланади”. Шунинг учун ҳам ўз жона жон тарихимизни яхши билиши ва уни пухта ўрганишимиз керак. Бу мустақиллик ва давр талабидир. Зеро, дин тарихи –жаҳон тарихининг ажралмас қисмидир.

Улар бир-бирини тўлдиради ва диалектик алоқада. Маълумки, дин-ижтимоий, тарихий ҳодиса бўлиб, у маданиятнинг ўзига хос бир тури. Ўз функциясига кўра халқимиз маданияти маънавияти, тарихида муҳим роль ўйнаб келмоқда. Шу сабабли динлар тарихи ва моҳиятини ўрганиш ва билиш ҳамма учун зарурдир.

Жаҳон халқлари ва элатлари сингари Марғилон аҳолиси ҳам узоқ давом этган тарихий тараққиёт йўлини ўз бошидан кечирган. Қадимда барча халқларда ва турк халқларида бўлганидек, бу минтақада ҳам динларнинг дастлабки шакллари бўлган ота-оналар руҳига сиғиниш, фетишизм, анимизм сеҳргарлик (магия), шомонийлик ҳамда зардуштийлик қолдиқлари аҳоли ўртасида ҳамон сақланиб қолмоқда ва уларга миллий анъаналар деб

қаралмоқда. Қуйида юқоридаги динларнинг айримлари тўғрисида қисқача тўхталамиз.

Ота-оналар руҳига сиғиниш, улардан мадад кутиш ҳозир ҳам давом этмоқда. Масалан, марҳумларнинг вафот этганлигини 3, 7, 20, 40 кунлиги, “йили” каби маросимлар ҳамма жойда диний урф-одат сифатида, бажарилиб келинмоқда. Аслида эса буларнинг исломга сира алоқаси йўқ, аммо бу маросимларга ислом руҳи сингдирилган, холос. Тотемизм-унинг уруғи деган маънони англатади. Ҳайвонларни илоҳийлаштириш ва уларни муайян уруғ, қабиларнинг асосчиси деб тушуниш барча халқлар каби турк қабилаларида ҳам бўлган. Табиийки,бундан Марғилон аҳолиси мустасно эмас. Масалан, бўри, кийик, буғи, сигир, ҳўкиз, эчки, от, ит туркий халқларнинг асосий тотемлари - худолари бўлган, ҳомийлари ҳисобланган.

Шуни таъкидлаш жоизки, ҳозирги даврда халқ орасида қурбонлик қилиш, ҳайвон шохларини уйда, “муқаддас” жойларда ва қабристонда, қабр устига осиб қўйиш кабилар, ёки туркий халқлардаги мучал хайвонлар муқаддаслаштирилиши билан бевосита боғлиқ. Улар айни пайтда сақланиб қолмоқда. Диннинг кейинги шакли фетишизм бўлиб, унинг моҳияти шундаки, жонсиз нарсаларни қандайдир мўъжизавий, ғайритабиий хусусиятга эга деб тушинилади ва сиғинилади. Масалан, тош, дарахт, турли хил нарсаларга сиғиниш, авлиё-анбиёлар, “муқаддас” жойлардан мадад сўраш ва кутиш. Ундан ташқари , тумор, кўзмунчоқ, дўлана, кўзтикан, бургут тирноғи, айиқ жуни ва бошқалар. Юқоридагиларни аҳоли орасида истаганча учратиш ва топиш мумкин. Шомонизм-тунгусча сўз бўлиб, “жазавали”, “ўта ҳаяжонланадиган” маъноларни билдиради. Унинг моҳияти шундаки, айрим одамлар гўё турли руҳлар билан муносабатда бўладилар, таъсир эта оладилар деб тушинилади. Одамлар шомонларни беморни даволаш, табиатга таъсир этиш ҳамма нарсани олдиндан кўра билиш қобилятига эга деб ўйлаганлар.

Шомонизмда одам-одамга сиғинади. Биздаги бахшиларни кучига сиғиниш, фолбинларга ишониш тарзида ҳозирда ҳам сақланиб турибди. Сеҳргарлик (магия),-дининиг бир тури бўлиб, одамлар инсон ва руҳ ўртасидаги муносабатларда воситачилик қила олиш кучига эга, деб ишонишдир. Бунга арвоҳлар, дев, пари, алвасти (ажина), каромат қилиш, ис чиқариш, қурбонлик қилиш “муқаддас” сувлар, кинна йўйиш (солдириш), иссиқ-совуқ ва бошқалар киради. Юқоридагилар шаҳар аҳолисининг муайян қисми ўртасида ҳозир ҳам сақланиб қолаётганлиги ҳеч кимга сир эмас.

Диннинг анча мураккаб тури бу - анимизмдир.Унинг моҳияти шундаки, жон ва тана мустақил, жон ўлмайди. У мустақил равишда мавжуд бўла олади. Руҳлар икки турга- яхши ва ёмонга бўлинади деб тушинилади. Гўёки улар одамга ижобий ва салбий таъсир кўрсатар эмиш. Бунга мисол, турмушда сақланиб келаётган турли ирим-сиримлар, хурофий расм-русмлар руҳларга сиғиниш кабилар.Ўлкамизда, хусусан Марғилонда исломгача бўлган динлардан бири зардуштийликдир. Бу дин Хоразмда пайдо бўлган. Шуниси аҳамиятлики,

мазкур дин инсоният тарихида биринчи бўлиб якка худоликни тарғиб қилди. Унинг моҳияти яхшилик ёмонлик устидан ғалаба қилишидир.

Зардуштийлик дини фалсафасининг мазмуни қуйидаги тамойил “эзгусўз, эзгу фикр, эзгу амал” да ифодаланган. Ундан ташқари олов, сув, ер, хаво муқаддас ҳисобланган. Ҳозирги пайтда олов ва сувга сиғинишни аҳоли ўртасида сақланиб қолиши ёки вафот этган уйда хар пайшанба куни чироқ қўйиш, қабристонда шам ёқиш, келинни куёвникига олиб кираётганда олов атрофида айлантириш, эрталаб ювинмасдан бировга кўринмаслик, мангу олов кабилар. Зардуштийлик мавжуд динлар ичида дунёвийлик жиҳатларининг кўплиги ва турмушга, оддий инсон ҳаётига ниҳоятда яқинлиги билан ажралиб туради. Шуни таъкидлаш жоизки, зардуштийлик, буддавийлик, христианлик, ислом динларининг асосий таълимотларини шаклланишига катта таъсир кўрсатган диндир. Бу мутахассислар томонидан эътироф этилган. Кейинги тадқиқотларга суяниб, Марғилонда ҳам буддавийлик тарқалган деб айтиш мумкин. Чунки шаҳар ҳудуди ва будда динига оид асору-аттиқалар мутаҳассислар томонидан топилди. Бунга яна бошқа бир далил бор. У Қува марказида топилган будда ҳайкалидир. Агар ён қўшни қуваликлар буддавийликка сиғинган бўлса, нега марғилонликлар унга эътиқод қилмаган бўлсин. Шуларга асосланиб туриб, Марғилон шаҳрида ҳам исломгача буддавийлик тарқалган деб айтиш мумкин. Шуни таъкидлаш жоизки, юқоридаги барча динларнинг қолдиқлари миллий анъанлар қаторига аҳоли томонидан асрлар мобайнида киритилиб, қўшиб юборилган, уларнинг кўпчилик қисми ислом руҳи билан суғорилган, давр ва дунёқарашлар мазмуни сингдирилган. Шу сабабли жуда кўп ҳолларда уларни бир-биридан фарқлаш ва ажиратишда анча қийинчиликларга дуч келинмоқда. Уни мутаҳассисларгина фарқлай олиши мумкин. Ҳуллас, Марғилон ҳудудида бутун Ўзбекистон, Марказий Осиёда бўлганидек, ота-оналар руҳига сиғиниш, тотемизм, фетишизм, анимизм, сеҳргарлик (магия), шомонийлик, буддавийлик, зардуштийлик динлари тарқалган, буни эса уларнинг ҳозирги қолдиқлари исботлаб турибди.

## БОБУР ВА МАРҒИЛОН

Г.Жамолова – талаба, Ш.Аббосова – ФарПИ

Ҳар бир инсон ўзи туғилиб ўсган жойининг тарихини, маънавиятини, маданиятини, урф-одатлари-ю маросимлари, ўз ўлкаси заминида қарор топган элатларнинг ибтидоси, шаклланиш жараёни қандай кечганлигига жавоб топса, бу жавоблар ҳам бахс ва таҳлил асосида кечса, ўша заминнинг тарихи яратилади.

Мустақил Ўзбекистонда жаҳон цивилизацияси ва маданияти ҳазинасига бебаҳо ҳисса қўшган, ўз қомусий билимлари, юксак илмий салоҳияти билан шарқу Ғарбда маълуму-машҳур бўлган Муҳаммад Мусо-ал Хоразмий, Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Абу Наср Фаробий, Аҳмад ал-Фарғоний,

Бурҳониддин Марғиноний сингари улуғ олимлари орқали дунёга машҳурдир. Фарғонада бир шаҳар борки, унинг тарихи салкам 2000 йилликка дахлдор. Бу Марғилон шаҳри. Авваллари бу шаҳар тарихи жуда қадимий ҳисобланмасди. Фақатгина археологик тадқиқотлар натижасида унинг қадимийлиги аниқланган. Марғилон шаҳри хусусида ҳамюртимиз буюк давлат арбоби Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома”сида ҳам тўхталиб ўтилган. Мулалиф ўз асарида бутун мусулмон Шарқида машҳур бўлган “Ҳидоя” асарининг муаллифи Бурҳониддин Марғиноний ҳақида ҳам эслатиб ўтади. Хўш Бурҳониддин Марғиноний ким?

Шарқда машҳур Бурҳониддин Али ибн Бакр ал-Фарғоний ал-Риштоний кейнги текширишларида аниқланишича, 1123 йил сентябрь ойида Марғилонда туғилган (1179 йил вафот этган. Қабрлари Самарқанддаги “Чокардиза” қабристонида). Бурҳониддин Марғиноний Шарқнинг бир қатор машҳур шаҳарларида таълим олиб ханафия мазхаби ҳуқуқшунослигининг буюк назариётчиси бўлиб етишган. У кишининг авлодларидан ҳам кўзга кўринган фиқҳ олимлари чиққан. Унинг бевосита ворисларидан мулло Исомиддин Мирзо Улуғбек даврида Шайхул ислом лавозимини эгаллаган.

Бурҳониддин Марғиноний бир неча ўнлаб асарлар муаллифидир. Бироқ Бурҳониддин Марғиноний ислом оламида ўзининг “Ҳидоя” “фи-л-фуруғ-ал фиқҳ” (“фиқҳ шариат соҳалари бўйича қўлёзма” қисқартирилган машҳур номи “Ҳидоя”) асари билан ном қозонган улуғ ҳуқуқшунос олимдир. Бурҳониддин Марғинонийдан 150 йил аввал (1048 йил вафот этган) Абулхасан ал-Пудурий деган уламо-қонуншунос биринчи марта “Ҳидоя” номли қўлланма ёзгани маълум .Лекин бу қўлланма кенг тарқалмаган ва шуҳрат топмаган.

Ҳамюртимизнинг бу асари 4 жилддан иборат бўлиб, унда ислом динининг асосий маросмларининг талаблари, ҳуқуқий ва ахлоқий қоидалари, оила ва никоҳ масалалари тўла равишда ўз ифодасини топган. “Ҳидоя”га бўлган талаб кучли бўлганлиги учун бу асар хаттотлар томонидан бир неча бор кўчирилган.

Хўш кейинги асрларда Марғилон шаҳри қандай сир-синоатларни ўз бошидан кечирди? Марғилон шаҳри XVIII асрда Қўқон хонлигига тобе бўлиб, Марғилон беклигининг асосий шаҳри ҳисобланган. Ўша даврда Марғилон беклигида духоба ва шолча тўқийдиган корхоналар сони кўп бўлган. Кейинги йилларда Бухор амири билан хонлик ўртасидаги кураш кескинлашганлиги туфайли XI X асрнинг 40 йилларида шаҳар атрофида баланд қўрғонлар қурила бошлади. Қўрғоннинг Қўқон, Андижон ва хўжанд йўлларига чиқадиган дарвозалари бўлган.

Марғилон қадим вақтлардан бошлаб ипак шаҳри ҳисобланган. Шунинг учун ҳам Марғилон нафис ва ниҳоятда кўркам шойи газламалари билан Шарқ мамлакатлари савдогарларини ҳайратда қолдириб келди.

## ШАҲАР ҲАҚИДА БИЛГАНЛАРИМИЗ

О.Тожибоев, А.Шарофиддинов, Д.Сулаймонова – ФарДУ

Ҳа, кўҳна Марғилон … азиз ва табаррук ном. Бу номни дунё бўйлаб кўзга сургучилар қанчадан-қанча ... Бу заминнинг тупроғида, не-не азизлар, улуғлар, фотиҳлар, алломалар, уламолар ўтганлар. Халқи тавозекор, мехмондўст ... Қўли ҳамиша кўксида. Кексаси, нуроний момолари ширмондеккина. Эркаклари жиддий, аёллари иффат пардали,боласи шўх, қизлари Кумушдеккина гўзал, гўзал ...

Она шаҳримиз тарихига, географик ўрнига келсак, барпо бўлганига 2000 йилдан ортиқ бўлса борки, кам эмас. Сабаби, Марғилондан "Буюк ипак йўли" кесиб ўтгани туфайли шаҳарда ҳунармандчилик, косибчилик азалдан ривож топган. Кунчиқардан, Хитой, Япония, Ҳиндистон, Шарқий, Марказий Осиёдан келгучи савдо карвонлари ипак, пахта ва бошқа ноёб буюмлари билан савдо-сотиқ олиб борганлар. Шаҳарда X асрда 30 дан ортиқ карвонсаройлар бўлгани ҳам шундан далолатдир.

Шаҳарнинг жуғрофик жойлашувига келсак, Фарғона водийсининг жанубий қисмида, Фарғона шаҳридан шимолроқда жойлашган. Шаҳар денгиз сатҳидан 445 метр баландда. Шаҳарда Жанубий Фарғона канали, Марғилонсой оқиб ўтади. Ҳозир аҳолиси 170 мингдан ортиқ. 1897 йилда 36 минг аҳолиси бўлган. Бу шаҳар, мўғуллар истилоси, қорахонийлар, темурийлар, шайбонилар сўнгра Қўқон хонлигига тобе бўлган.

Шаҳар атрофи 25 чақирим тупроқ қўрғон билан ўралган бўлиб, баландлиги 24-25 метр, деворни эни 12-13 метр бўлган. Шаҳарда 12 дарвоза бўлган. Бахрин, Ўқчи, Машад, Ғаллатой, Эшонгузар, Сармозор, Ёрмозор, Хўжа Маъоз (Дарвозатаги) Нодирмат, Сафил-Тўда, Тошлоқ, Сўхчилик дарвозалари бўлган. Дарвозалар эрта тонгда очилиб, кўз қорайганда беркилган. Шаҳарда 220 дан ортиқ маҳалла, 55 та қабристон бўлган. Шаҳар қадимда 4 та Қаландархона, Сафил-тўда, Машад, Эшонгузар даҳаларига бўлинган. Ҳар қайси даҳанинг ўз мингбошиси, қозиси бўлган. Шаҳар қозиларини қозикалон бошқарган.

Амир Умархон 10 йил Марғилонда ҳоким бўлган.

Марғилон 1876-1926 йилларда (50 йил) Фарғона областининг уезд шаҳри бўлган. Атласи халқаро савдога чиқиб, атлас,шоҳини Бағдод (Ироқ, Қашқар, Хитой) Хуросон, Миср ва Юнонистонга савдогарлар олиб бориб сотганлар.

Шаҳарда 1924 йилга қадар биронта ҳам йирик саноат корхонаси бўлмаган. 1927 йилда шаҳарнинг дашт жойида, пиллакашлик фабрикаси қурилиб, 1928 йилда махсулот бера бошлаган. 1963 йилга келиб, майда тўқувчи артеллар бирлашиб "Атлас" фирмаси майдонга келди.

1924 йилда 4 мактабда 19 ўқитувчи,560 бола ўқиган. Ҳозирги кунда 32 та ўрта мактаб, 40 мингдан ортиқ ўқувчи бор. 6 та коллежда минглаб талабалар ҳунар-касб эгалламоқда.

Марғилон шаҳридан Ўзбекистонда биринчи бор 4 нафар машҳур қизиқчи, 4 нафар халқ ҳофизи, 9 нафар Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, 3 нафар машҳур артистлар, 27 нафар шоир ва ёзувчи, драматурглар етишиб чиққан. 4 нафар академик, фан докторлари ва 30 нафардан зиёд фан номзодлари билан ҳам марғилонликлар хар қанча фахрлансалар арзийди.

Ҳа, Марғилон-санъаткорлар шаҳри, ҳунармандлар маскани. Тўнғич санъаткорлар шаҳри. Бурҳониддин ал-Марғиноний шаҳри. Янада гуллаб-яшна, она шаҳрим!

Марғилоннинг атласи бор, шони бор,
Юртга манзур олтин ипак кони бор.
Келса, меҳмон хушлайди, бағрин очиб,
Тандир тўла патир, гижда нони бор.

## ТАРИХИЙ ЁДГОРЛИКЛАР ҲАМИША ЭЪЗОЗДА

М.Сулаймонов, Ф.Сулаймонова - “Фарғона ҳақиқати” мухбири

**Мамлакатимизда мустақилликдан сўнг ўлкан бунёдкорлик ишлари амалга ошмоқда. Бугун шаҳар ва туманларда қад ростлаган маданий-маърифий, маиший ҳамда савдо-саноат иншоотлари юртимиз ҳуснига ҳусн қўшмоқда. Айниқса, ўтган йиллар давомида миллий қадриятларимизни тиклашга, тарихий ёдгорликларга ҳамда зиёратгоҳ жойларни асраб–авайлашга алоҳида эътибор қаратилди.**

Ўзбек диёри азалдан улуғ-алломалар, пири-комиллар юрти. Самарқанд,Бухоро, Қарши, Марғилон каби шаҳарларимиз Шарқнинг маърифат бешиги сифатида машҳур. Сўнгги йилларда шу ва бошқа шаҳарларимиздаги тарихий ёдгорликлар ҳамда зиёратгоҳларни таъмирлаш, кўркам кошонага айлантириш борасида муайян ишлар олиб борилмоқда.

Буюк ипак йўлида жойлашган кўҳна ва навқирон Марғилон шаҳри ҳам жаҳонга машҳур орифу-уламоларни, муҳаддисларни, шоири-фозилларни камолга етказиб, тарбиялаб берган. Бу шаҳар мамлакатимизнинг бой тарихи, миллий давлатчилигимиз ҳамда кўҳна қадриятларимизнинг шаклланши ва ривожланишида алоҳида ўрин тутади. Шунингдек, бу ердаги ҳунармандлар, савдогарлар таърифи ҳам етти иқлимга маълум. Шаҳар ҳақида Заҳириддин Муҳаммад Бобур “Бобурнома” асарида шундай ёзади:

“Яна бир Марғилондур Андижоннинг ғарбидадур, Андижондин етти йиғоч йўлдур. Яхши қасаба воқе блубдур, пур неъмат; анори ва ўриги асру кўп хўп бўлур. Бир жинс анор бўлур, “дона калон” дерлар, чучуклигида зирдолу майхушлиғидин андак чошни бор. Самнон анорлариға таржеҳ қилса бўлур. Яна бир жинс ўрук бўлурким, донасини олиб, ичига мағз солиб қурутурлар, “субҳоний” дерлар, бисёр лазиздур. Ов қуши яхшидур, оқ кийик ёвуқта бўлур. Эл сорттур ва муштизан ва пуршару шўл элдур. Жангаралиқ расми Мовароуннаҳрда шоъедур, Самарқанд ва Бухорода номдор жангаралар аксар Марғинонийдир. Соҳиби “Ҳидоят” Марғиноний Рушдон отлиқ кентидиндур ”.

Президентимизнинг ўтган йилида “Марғилон шаҳрининг 2000 йиллигини нишонлаш тўғрисида”ги қарори эса бу шаҳарга катта эътибор бўлди. Йиллар силсиласида азалий қадриятларни асарб келаётган Марғилон шаҳри айни кунларда қутлуқ икки минг йиллик тўйига қизғин тараддуд кўрмоқда. Қутлуғ тўй муносабати билан 35 та объектларда қурилиш, реканструкция,

ободонлаштириш ишлари бажарилаётир. Шаҳар бутунлай янгича қиёфа касб этмоқда. Маскур иншоотлар ичида шаҳардаги Пирсиддиқ мажмуаси, Улуғмозор зиёратгоҳи, Жаҳон отин Увайсий мақбараси ва музейи, Саид Аҳмад Хожа Эшон кўчасида жойлашган мадраса биноси асосида “Очиқ осмон остида”ги музей каби тарихий-маданий ёдгорликларнинг бутунлай қайтадан таъмирланиши, қурилиши барча марғилонликларни қувонтириб юборди.

- Ҳозирда бу жойларда қурилиш ишлари қизғин давом этмоқда, - дейди Ўзбекистон маданият ва спорт ишлари вазирлиги қошидаги тарихий обидаларни муҳофаза қилиш бош бошқармаси мутаҳассиси Фазлиддин Давлатов. – бу ишларни энг тажрибали усталаримиз бажаришмоқда. Қайта таъмирланаётган ҳамда бунёд этилаётган тарихий ёдгорликларимиз миллий меъморий кўринишларини ўзида акс эттиради.

Пирсиддиқ мажмуаси ҳам Марғилон шаҳрининг энг қадимий масканларидан бири. Бу ер “Каптарлимозор” номи билан ҳам машҳур бўлиб, марғилонликларнинг азиз зиёратгоҳига айланган. Қутлуғ тўй муносабати билан бу ерда катта курилиш ва ободонлаштириш ишлари олиб борилмоқда. Кўркам мажмуа қад ростламоқда. Бу масканда Марғилондаги энг ориф кишиларнинг хоки қўйилган. Шунингдек, бу зиёратгоҳда Бурҳониддин Марғинонийнинг чиллахонаси ҳам бўлган. Маскур чиллахона бутунлай қайтадан бунёд этилаяпти. 1,5 гектар майдонни эгаллаган мажмуада жоме масжиди, зиёратхона, барпо этилади. Қурилиш ишларини Фарғона вилоят “Тарихий ёдгорликларни таъмирлаш” маъсулияти чекланган жамият усталари амалга оширишмоқда.

Улуғмозор зиёратгоҳи шаҳарнинг Машат маҳалласида жойлашган. Халқ орасида “Машат мозор”, “Чаққа мозор” номи билан машҳур. Этногрф олим А.Ч.Писарчикнинг таъкидлашича, бу ер энг қадимий мозор ҳисобланади. Маълумотларга кўра бу ерга Имом Абдулазиз ибн Абдураззоқ ибн Наср ибн Жаъфар ибн Сулаймон ибн Суккон ал-Марғиноний дафн этилган. У жуда ҳам машҳур олим бўлган. Кўплаб маърифатли инсонларни тарбиялаган. Маскур зиёратгоҳда ҳам кенг кўламда бунёдкорлик ишлари бажарилаяпти. Бухоролик Уста Ширин Муродов номли қурилиш жамоаси усталари бу ерда бошчилик қилаётир. Қўли гул усталарнинг заҳматли меҳнати билан бу зиёратгоҳ ҳам янада кўркам қиёфага киради. Жаҳон отин Увайсий мақбараси ва уй-музейининг қурилишида самарқандлик ҳамда қорақалпоғистонлик усталар ишламоқдалар. Бу ерда 160 миллион сўмликдан ортиқ қурилиш ишлари бажарилиши кўзда тутилган.

Тарихий ёдгорликларни кўз қорачиғидек асраган, уни келажак авлодга етказган халқ албатта, буюк бўлади. Ўзининг 2000 ёшини нишонлаш арафасида турган навқирон Марғилон шаҳрининг азиз жойларида олиб борилаётган ўлкан бунёдкорликлар ҳам буни яққол кўрсатиб турибди.

## ЫЩЫОН ХОНЛИГИ ХАЛЫАРО ВА ИЧКИ САВДОСИДА МАРЫИЛОН ШАЪРИНИНГ ЩРНИ

А.Салмонов, У.Ъошимов - ФарДУ, Ш.Хаитов - БухДУ

XVIII аср охири XIX аср биринчи ярмида Щрта Осиёда савдо-сотиынинг асосий марказларидан бирига айланган Ыщыон хонлиги Хитой, Эрон, Афьонистон, Ъиндистон, Туркия, Россия каби давлатлар билан ытисодий алоыаларда муъим щрин тутар эди. Унда хонликнинг йирик шаъарларидан бири Марьилоннинг ъам алоъида щрни бщлган. Хонликнинг Ыщыон, Щш, Андижон, Наманган, Хщжанд, Чуст каби шаъарлари ыатори Марьилонда ъам ҳунармандчилик ривожланганлиги сабабли шаъар бозорида ипак матолардан атлас, кийим-кечаклар, пахта ва мовутдан тщыилган матолар, тери ва чарим маъсулотлари, Марьилон мисгарлари ясаган мис обдаста, таыинчоылар, пичоы, ъанжар ыинлари турли хил кулолчилк буюмлари, заргарлар ясаган балдоы, узук, маржон ва хилма-хил аёллар безаклари, темирчи косблар ясаган уй рщзьор буюмлари, деъыончилик учун зарур бщлган меънат ыуроллари ва табиат иноом этган шириндан-шакар ыовун-тарвуз, мева-сабзавотлар жуда сероб бщлган. Бу маъсулотлар узоы-яыиндан келган савдогарлар ва харидорларни щзига жалб ыилган.

Марьилон бозорлари осойишта ва озода, савдогарлар ва фуыоролар щртасида низо, ыаллоблик, алдамчилик, щьрилик каби иллатлар деярли бщлмаган. Умархон ъукмронлиги даврида кщпгина шаъарларда бщлиб сщнг Марьилонга ташриф буюрган (1814 й) рус фуыороси Филипп Назаровнинг маолумотида таокидланишича ыщй щьирлаган бир кишини бармоыларини кесиб, ёь ыайнаб турган челакка тиыиб, эшакка тескари миндирилган ъолда бозор атрофидан айлантирилганлиги, торозидан урган кишини эса яланьоч ъолда щзини ыамчилаб юришга мажбур ыилганликларини ёзиб ыолдирган. Тушликда щыиладиган намоз пайтида бозор ва дщконлардаги маъсулотлар очиы ъолатда ыолдирилиши ъам ыайд этилган.

XIX аср бошларида ъам Ыщыон хонлигининг Шарыий Туркистон (Хитой) билан савдо-сотиы алоыалари ривожланган эди. Ыошьар-Щш-Марьилон-Ыщыон йщналишида 5,5-6 километрли баланд тоьлар бщлишига ыарамай савдо-сотиы тщхтовсиз давом этиб турган. Марьилон щша даврда ъам Хитой маъсулотларини бошыа шаъарларга етказиб беришда воситачи (транзит) шаъар ролини щйнаган. XIX аср биринчи ярмида хонликни Ыщыон, Андижон, Щш, Марьилон шаъарларига Ыошьардан ъар йили 30 минг пуд чой, чинни буюмлар келтирилган. Фарьона водийсида Хитойдан келтирилган чой алоъида аъамиятга эга бщлган. Чунки ыадимда чой севимли, ёыимли ичимлик сифатида истеомол ыилинган. Ыщыон хонлиги шаъарларида Хитой щртасидаги щзаро товар алмашиш савдоси йил давомида 5 миллион тангани ташикл этган. Марьилондан Хитойга савдогарлар томонидан олиб борилган товарлар асосан маъаллий хусусиятга эга бщлган. Марьилонлик савдогарлар хорижга мол олиб чиыишда камёб, ъаридоргир буюмларга алоъида эотибор ыаратганлар.

Щз даврида Марьилонда хонликка ыарашли бщлган бошыа йирик шаъарларда хорижлик савдогарлар яшайдиган алоъида кварталлари бщлиб, щзга юрт фуыароларининг ъуыуыи ъимоя ыилинган, уларга эркин савдо-сотиы олиб боришлари учун имкониятлар яратиб берилган.

Ыщыон хонлигида пиллачилик, ипак маъсулотларини ыайта ишлашга катта эотибор ыаратилган. XIX аср биринчи ярмида хонликда ипак ва бошыа матоларни савдо-сотиьи учун алоъида махсус бозор расталари ыурилган. Айниыса, Марьилондан атлас, адрас ва ипак матоларини сотиб олишлик учун хонликнинг кщплаб шаъар ва ыишлоыларидан, Бухоро амирлиги, Хива хонлиги ъамда хориждан кщплаб садогарлар, ъаридорлар ташриф буюришган.

Манбаларда таокидланишича, Марьилон ъукмдори Саид Мавлон Баъти Муъаммадга шахсан хон томонидан кщрсатма берилиб, пилла ыуртларини боыиш учун озуыа бщлган тутзорлар ташкил ыилишлик сщралади. Бек Ёрмозордаги катта ер майдонларида тутзорлар ташкил эттиради. Марьилон бекининг ьазначиси Мулла Муъаммад Юсуф Мирзонинг щн ойлик ъисоботида келтирилишича, пилла етиштиришдан тушган 10.500 танга маблаьни Марьилон шаъри ободончилиги ва бошыа тадбирларга ишлатилганлиги ыайд ыилинади.

XIX асрнинг биринчи ярми Марьилон шаъри ипакчилигида аёлларнинг роли муъим бщлган. Пилла тутиш, ипак матоларини ажратиш, бщяш, атлас тщыиш, маъсулотнинг тайёр молларидан тщн, ыийиы, дщппи тикишликда аёллар меънатидан кенг фойдаланилган.

Марьилон шаъри юыорида ыайд этилган Бахти Муъаммад ъукмдорлиги даврида анча обод бщлган. Бек Ыщыон хонлари Муъаммад Алихон, Маллахон, Худоёрхон ъукмронлиги йилларида алоъида ъурмат эотиборга сазовор бщлган. Айниыса, Худоёрхон бошыаруви даврида Бахти Муъаммадга катта саркор лавозими берилади. Ушбу лавозим хоннинг саройида энг юыори мансаб вазифасини бажараётган иноы ваколатига тенглаштирилади. Хон Бахти Муъаммадга ёзган барча мактубларида юксак хурмат-эътиром билан мурожаат ыилганлигини кщришимиз мумкин.

Марьилон шаъри хунармандчилигининг ривожи XIX аср биринчи ярмида ъам щз мавыеини саылаб турган Ыщыон хонлиги йирик шаъарларида бунёд этилган мадраса, масжид, маыбара ва хонаыоълар ыурилиши хом-ашёси Марьилондан келтирилганлиги, ъатто Ыщыонда хон Щрдаси ыурилиши учун пишиы ьиштлар ъамда моъир ьишт терувчи усталар чаыирлганлиги манбаларда баён ыилинади.

Марьилон ҳунармандчилигида рангли бщёылар ишлаб чиыариш ъам ривожланган. Мисол учун Ыщыон хони Худоёрхон Щрда ыурилиши учун Марьилон беги Баъти Муъаммаддан 11 хил рангдаги тоза рангли бщёы юборишини сщраган.

XIX аср щрталарига келиб Марьилон энг катта савдо бозорларига эга эди. Савдо ривожланганлиги туфайли Марьилон шаъар марказий бозорида 2246 та савдо расталари мавжудлиги таокидланади. Шундан 489 таси давлатга ыарашли, 686 таси ваыф мулки, 1071 таси хусусий бщлган.

Туркистонни Россия томонидан истило ыилиниши халыаро савдо-сотиыыа, шаъарларнинг ыытисодий ривожига салбий таосир кщрсатмай

ыолмади. Хщжалик ривожи, ички ва ташыи савдо-сотиы муносабатлари истилочилар манфаатига бщйсундирилиб, хорижга фаыат хом-ашё чиыаришга асосланган хщжалик шакллантириб борилди. Шунингдек, «Буюк ипак йщли»нинг ыщнальасида жойлашган шаърлар ыатори Марьилон ъам халыаро савдодан ўзилиб ыола бошлади. Мустамлакачилар томонидан маомурий жиъатдан ташкил этилган Марьилон уезди эндиликда мустаыил савдо-сотиы ъуыуыидан махрум этилган эди. Мустамлакачиликка ыадар Марьилон шаъри гуркираб ривожланиб кетмаган бщлсада, аммо Чор Россия босыинидан сщнг бозорлар щз нуфўзини йщыота бошлади. Ваыф мулкларининг мусодара ыилиниши мадраса, масжид ва бошыа диний муассасалар фаолиятига салбий таосир этди. Кщплаб тарихий обидалар моддий таянчидан айрилгандан сщнг аянчли аъволга тушиб ыола бошлади. Мустамлакачилар шаърни даромад манбаи ъисобланган Марьилон атрофидаги ваыф ерларини бирин-кетин ыщлга киритиб щз зщравонлик сиёсатини щтказиб келганлиги тарихдан маолум.

Ташыи иытисодий савдо ва сиёсий алоыаларда тщла ыарам бщлиб ыолган Щрта Осиё асосан Россия билан савдо-сотиы ыилишга мажбур эди. Эндиликда Россия Туркистондаги барча шаърлар ыаторида Марьилондан ъам зарурий хом-ашёни щзи ъохлаган нархда олиб кетиши мумкин эди. Пахата ва ипак маъсулотларига мустамлакачилар талабини кучлилиги шаъар хунармандчилиги жумладан косибчиликнинг ривожланишига тщсиы бщла бошлади. Натижада Марьилон шаъри аввалги нуфузини йщыота бошлади.

## МАРҒИЛОН МАДРАСАЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ФАОЛИЯТИ ТАРИХИ

И.Бурхонов - ФарПИ, Ш.Хонқулов - ФарДУ

Бизга маълумки, XVIII асрнинг бошида Фарғона водийси ва уни атрофидаги воҳаларни қамраб олган Қўқон хонлигига асос солинди. Қўқон хонлигида ҳам Бухоро амирлиги ва Хива хонлиги сингари моддий ва маънавий маданият ривожланиб борди. Хонликни йирик шаҳарларида турли меъморий обидалар мадраса ва масжидлар, мақбара ва хоноқоқлар бунёд этилди. Хонлигни йирик шаҳарларидан бири Марғилонда ҳам бир қанча илм масканлари, мадрасалар барпо этилди. Худди Қўқон, Андижон, Наманган ва хонликни бошқа шаҳарлари каби Марғилонда ҳам мадрасаларни хон ва уни қариндош уруғлари эшон ва дин раҳномолари, йирик ер эгалари ва савдогарлар барпо этадилар. Шу туфайли ҳам Марғилон мадрасалари тарихига эътибор берсак, бу ерда эшон ва хусусий мадрасалар тури кўпроқ бунёд этилган. Бу жараённинг яна бир томони шундан иборатки Марғилонда қадимдан савдо-сотиқ савдогар (тужжор)ларни фаолияти ривожланиб келган. Биз юқорида айтган фикрларидагидек, хусусий мадрасалар айнан шу табақанинг маблағлари ҳисобига қурилган. Буни далили сифатида “Тарихий Азизий” асаридаги ушбу маълумотдан ҳам билиб олсак бўлади. “Эски Марғилон шаҳрида бўлмиш маъруфу-машхур аҳли тужжорлар; биринчи- Исмоил Маҳсум кўп саҳоватли, ҳурматли киши, кўп масжид, мадраса ва вақфлари қилган катта бозордаги Хиштин мадрасасини ҳам шу худо раҳматли бино қилган, ёнига ҳаммом солиб уни мадрасага вақф қилган”.

Асарда шу билан бирқаторда Марғилонлик бир неча тужжорларни мадрасалар бунёд этганлиги маълумотлар билан келтириб ўтилади. Айниқса Марғилонда XIX асрнинг 80-90 йилларида Чор Россиясининг сиёсий маънавий зарбасига қарамай хусусий мадрасалар салмоғи ортиб борди. Бунинг асосий сабаби, ўша вақт Фарғона водийсини бир мунча иқтисодий ўсиши натижасида миллий буржуазия шаклланa бошлади. Кўплаб пахтачи бойлар ва савдогарлар ўз маблағларидан кўплаб масжид ва мадрасалар барпо этилган. Умуман олганда Қўқон хонлигига қарашли Марғилон шаҳрида мадрасалар аниқ сони ва уларни тарихи кам ўрганилган, масалан Н.П.Остроумовнинг "Исмломоведения" асарда Марғилондаги мадрасаларни 25 та деб киритилади. А.Л.Кун Фарғона водийсида 1875-1876 йилларга оид халқ таълим масаласи бўйича статистик маълумотлар тўпланган бу маълумотларда Марғилонда мадрасалар сони 10 та, масжидлар 300 та, мактаб 80 та эканлиги хақида маълумотлар учрайди. Шу билан бирга Қўқон ўлкашунослик музейида Фарғона вилоятини 1898-йилги обзорида мадрасалар хақида диққатга сазовор маълумотлар бор.

Собиқ Қўқон хонлигига қарашли Марғилон беклигининг мадрасаларини 57-та улардаги талабаларни 838-та деб келтирилган. Кўриниб турибдики, Марғилондаги мадрасаларнинг кўпи кичик турдаги хусусий мадрасалар турига кирган. Чунки бу турдаги мадрасаларда хужралар сони 10 тадан 70 тагача талабалар сони 10 та дан 30 гача бўлган. Шу туфайли бўлса керакки, Марғилондаги мадрасаларни номи Қўқондагидек сақланиб қолмаган.

Чор Россиясини, Шўро империясини таъзийқи кучайиб бориши оқибатида аста-секин ёпилиб йўқ бўлиб кетган, мавжудларидан бошқа мақсадларда фойдаланилган. Масалан: "Тарихи Азизи" асарида ёзилишича Мир Салим бой исмли катта савдогар Марғилоннинг Кори Гузар маҳалласида ўз номига мадраса қурдиради. Муҳаммад Каримбек исмли савдогар эса Марғилонни Ташлоқ маҳалласида (ҳозирги Тошлоқ туманида) ғиштдан мадраса қурдиради. Аммо афсуски бу мадрасалар юқорида айтиб ўтилганидек йўқ бўлиб кетган ёки фойдаланиш учун бирор шўро идорасига айлантирилган. Буларни барчаси чуқур изланишларни талаб қилади. Қуйидагини алоҳида таъкидлаш мумкинки Марғилон чор Россияли Скобелев (Фарғона)ни ташкил қилгандек, то ҳозиргача бир бирига яқин шаҳарлардир.

Чор Россияси ўзлари макон қурган Скобелев шаҳарига қўшни Марғилон шаҳрига ҳам ўз таъсирини муттасил ўтказиб турган. Чунки, улар Скобелевга яқин Марғилонда ватанпарварлик руҳини шаклланишидан чўчиган. Шу туйғуни уйғотувчи мусулмон таълим-тарбия масканлари деб билишган, шу сабабли Марғилондаги масжиду-мадрасалар эски мактаблар турли услубда таъзиққа учраган. Мадрасаларда таълимни Чорризим томонидан чиқарилган дастур асосида олиб боришга мажбур этилган.

XIX-аср охирларида Марғилонда бунёд этилган мадрасаларда рус архитектурасининг ҳам таъсири сезилганлиги кўриш мумкин. Масалан: Саид Аҳмадхўжа мадрасасида шундай хол кўзга ташланади. Шу туфайли бу мадрасадаги ички ва ташқи уйғунлик Фарғона водийсида ягона хисобанади. Ушбу мадраса ўз катталиги жихатидан Марғилонда ягона хисобланади. Марғилон мадрасаларидаги фаолият, улардаги таълим-тарбия борасида

тўхталадиган бўлсак Марғилондаги мадрасалардаги билим бериш услуби Қўқон, Андижон, Наманган, Ўшдаги мадрасалардан фарқ қилмаган.

Бу ердаги мадрасаларда ҳам талабалар шанба, якшанба, душанба ва сешанба кунлар ўқишган. Ёзда таътилга чиқишган, янги ўқув йилини октябр ойидан бошланган. Мадрасада ўқитиш икки услубда олиб борилган.

1. Мушкулот (умумий билимлар); 2. Масала (Юридик) билимлар, мадрасада ўқиш уч босқичда бўлиб ўқитиши йўлага қўйилган. 1. Адно- қуйи босқич “Аввал илим” дан “Ақоид” китобигача ўқишган.

2. Аусат-ўрта босқич бўлиб “Ақоид”да “Милло Жалол” китобигача ўқишган.

3. Аъло- юқори босқич бўлиб “Мулла Жалол”дан “Матни Фароиз” асарларини ўрганишган. Умуман Марғилондаги мадрасаларда ҳам ўқиш

8-10 йилни ташкил қилган. Бу ерда ўқишда маълум ёш белгилаб қўйилмаган. Марғилондаги мадрасаларда ўқитиш услуби Бухоро ва Самарқанд, Қўқон мадрасаларидан бир оз фарқ қилган. Масалан Марғилонда талабалар умумий билими ва юридик билимларни бошидан тенг билим олганлар. Бошқа шаҳар мадрасаларида юқоридаги услубларга “Аусад”-ўрта босқичдан мослашиб олинган. Марғилон мадрасаларини ҳаммаси ҳам вақф даромати ҳисобига фаолият кўрсатган эмас. Айрим кичик мадрасаларни вақф мулки бўлмай, улар хайриялар, масжид маблағларидан фойдаланишган. Тушган пулга талабаларга турли имтиёзлар, мударрисларга ойлик, маош берилган, мадраса биноси таъмирланган. Бу мадрасалар баъзида масжид-мадраса деб ҳам номланган. Ушбу мадрасаларни мукаммал пул билан таъминловчи манбайи бўлмаганлиги туфайли, Чор Россиясини даслабки маънавий тазйиқлари оқибатида йўқ бўлиб кетди. Қолганлари ҳам ачинарли холатга тушиб қолган, таназзул ёқасига кета бошлади. Айрим маълумотларда масалан, Р. Шамсидинов, Х.Бобобеков, А.Л.Кун асарларида 1876-1904-йилларда мадрасалар фаолиятини суслашганини, уларни камайиб кетганлиги хақида маълумот олсак 1904-1908-йиллардагидан мадрасалар сони Марғилонда кўпайгани тўғрисида маълумотларни ҳам оламиз. Бунинг асосий сабаби деб қуйдагиларни келтириш мумкин;

1. Туркустонда бир мунча ўсиш оқибатида миллий буржуазияни ўсиши оқибатида маҳаллий бойлар ва савдогарларни ўз маблағларидан катта кичик мадрасаларни барпо этиши.

2. Рус-Япон уриши оқибатида Туркистондаги айрим муоммоларга бир мунча эътибор вақтинча суслашди.

3. Чор Россиясини ўлкани ўзида турли сиёсий партияларни пайдо бўлиши ва уларни Чор амалдорларга қарши тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб бориши.

Аммо бу мадрасалар собиқ шўро тўзими ўрнатилган дастлабки йиллардан тазйиқ ва таъқиб остига олинди. Улар аста-секин бирин-кетин ёпила бошлади. Марғилондаги мадрасалар ҳам Туркистон ўлкасини бошқа шаҳарларининг 20-йиларида буткул ёпилиб тугатилди. Ўлкада оҳирги мадрасалар ҳам 1928-йилда ёпилди. Туркистон ўлкаси мадрасалари тўғрисида

айрим рус олимлари: Н.П. Астроумов, В.П. Наливкин, Н.Ликомин ва бошқалар маълумот берадилар. Аммо улар мадрасаларни ижтимоий
ҳолатига кам тўхталадилар. Кейинги вақтларда маҳаллий тарихчи олимлардан Р.Шарофиддиновнинг, Р.Арслонзоданинг, Х. Бобобековнинг, Ж. Йўлдашов, М. Хасановлар ва бошқалар ўз рисола ва мақолалари билан турли йўналишларда мадрасалардаги айрим биз учун ноъмалум бўлган томонларини очиб беришга ҳаракат қилмоқдалар. Мамлакатизимдаги бунга ўхшаш изланишлар янгиликлар яратилиши учун манба бўлиб хизмат қилади.

## БУРЪОНУДДИН АЛ-МАРЬИНОНИЙ ВА УЛ ЗОТНИНГ ФАРЗАНДЛАРИ ХУСУСИДА

А.Мамажонов - ФарДУ

Юртбошимиз Тошкент Ислом университетининг очилиш маросимида «Буюк аждодимиз Бурънуддин ал-Марьиноний бутун мусулмон дунёсининг энг буюк мероси саналмиш «Ал-Ъидоя» асарини щрганиш бугунги ъаётимизга, миллий ыонунчилик ривожига таосири ва аъамиятини жойига ыщйишнинг щзи йиллар давомида кашфиёт этишга арзийдиган катта бир оламдир» деган эдилар.

Мовароннаър тарихида фаыиълар доимо юыори нуфузга эга бщлганлар. Чунки улар щзларининг теран фикрлари, чуыур аыл-заковатлари билан щз даврининг энг долзарб муаммоларини батараф этишда ъал ыилувчилар сифатида тан олинган инсонлар эдилар.

Фиыълар бошыа соъа олимларидан назариётни амалиётга татбиы эта билишлари билан ъам алоъида ажралиб турар эдилар. Улар ижтимоий ъаётда фаол иштирок этиб, маъаллий халынинг урф-одати, турли расм-русумларини яхши билганлар ва шунинг учун ъам турли келишмовчиликлар, низолар ъамда ихтилофли масалаларни ъал ыилиб берганлар.

Ислом дунёсида Мовароуннаърлик фиыҳлар ъамиша катта эотиборда ва иззат-икромда бщлиб келганлар. Улардан бири Шайх ул-Ислом Бурънуддин Али ибн Абу Бакр ал-Марьинонийдир. Мовароуннаърнинг машъур фиыиҳи, мукаммал фиыъий асар бщлмиш «Китоб ал-Ъидоя» китобининг муаллифи Бурънуддин ал-Марьиноний мусулмон дунёсида беыиёс даражада шуърат ыозонган улуь зотлардандир. Бурънуддин ал-Марьинонийнинг замондошлари у зот ъаыда шундай деганлар: “Ул зот ислом дунёсида, фиыъ, ъофиз, муъаддис, муфассир, барча илмларни яхши билувчи… киши эдилар”.

Муъаддис, ъофизлик даражасига кщтарилиш учун жуда кщп миыдордаги ъадисларни ёддан билиш талаб ыилинади. Марьинонийга берилган «Ъофиз» унвони унинг ъадис илмида эришган юксаклик даражасидан дарак беради.

Аллома ъаыида Заъириддин Муъаммад Бобур ъам щзининг машъур «Бобурнома» асарида тщхталиб щтган.

Аллома-фаыиыни «Бурън ад-дин ва ал милла» деган шарафли ном билан аташган «Бурън» калимаси арабча бщлиб, «далил», «исбот», «ъужжат» каби маоноларни билдиради. «Милла» арабча (миллат) сщзидан олинган, «мусулмонлардан иборат халылар» маоносини беради. Бу шарафли ном

Буръонуддин ал-Марьинонийни  мусулмон дунёсидаги барча халыларнинг ъамда Ислом динининг далили-исботи сифатида  улуьлаш маысадида ыщлланган.

Буръонуддин ал-Марьиноний фаыиъ бщлгунга ыадар, муъаддис ва муфассир адиб бщлган. Аллома щзининг «Ал-бидийат-ул мубтади», «Ал-ъидоя» асарини ёзгандан кейин фиыъ илмида устун деб тан олинган.

X-XII асрларда Моваруннаърнинг асосий илмий марказлари ъисобланган Самарыанд, Бухоро, Насаф  шаъарлари билан бир ыаторда, Марьилонда ъам исломий илмлар, жумладан, фиыъ ва ъадис илми ривожланган эди. Бу даврга келиб, ислом ъуыуышунослиги – фиыъ илми соъасида Мовароуннаърнинг тутган щрни беыиёс бщлди. Мовароуннаър фиыъ мактаблари таркиб топди. Фиыъ-ыадимдан мавжуд ъуыуыий меоёрларни, ибодат ва муомала масалаларини маолум тартибга солган ъуыуыий тизимдир. Мовароуннаърлик фиыълар щзларининг  ыимматли асарлари билан  Ислом дунёсида катта шуърат ыозондилар. Диний ва ижтимоий ъаётда учрайдиган барча муаммоли масалалар фиыълар  томонидан эгилган. Фиыъ шахс, оила ва жамият ъаётининг турли масалаларини ыамраб олганлиги туфайли, Мовароуннаър мактаби намоёндалари бу щлка халылари аноаналари, урф-одатларини умумислом мавыеларидан келиб чиыыан ъолда баъолаганлар.

Буръонуддин ал-Марьиноний ъам XII асрда яшаган, бир ваытнинг щзида ислом илмларидан ъам фиыъ, ъам ъадис соъасида самарали фаолият кщрсатган уламолардан эди. У даставвал, ислом илмларидан Ыуроон, тафсир ва ъадис илмларини чуыур щргана бошлади. У ъадис бщйича дастлабки билимни буюк муъаддис Абу Исо Муъаммад ибн Исо ат-Термизийнинг ъадислар тщплами асосида Зиёуддин Абу Муъаммад Саоид ибн Асоад ал-Марьинонийдан  олган.

«Ал-Ъидоя» асари «Бидайатул мубтади» асарига фаыиънинг щзи томонидан  ёзилган шаръдир. Ушбу асар дунёдаги щндан ортиы миллат тилларига  таржима ыилинган бщлиб, унинг охиргиси 1994 йилда Байрут ва Дамашыда ва Тошкентда русча нашридан таржима ыилинган. Асарнинг ыайта-ыайта таржима ыилиниши унинг Ислом дунёсида наыадар катта  ыимматга эга эканлигини кщрсатади.

Буръонуддин ал-Марьинонийнинг авлодлари ъам илм соъасида юксак натижаларга эришганлар. Тарихчиларнинг маолумот беришларича, Буръонуддин ал-Марьинонийнинг уч щьли бщлиб, учаласи ъам фиыъ соъасида етук олим бщлганлар:

1. Имом уд-дин ибн Али ал-Марьиноний. Ул зот фатво бериш даражасидаги илмга эга бщлиб, «Адаб ул ыози» асарини ёзганлар.

2. Шайхул Ислом Низом уд-дин Али ал-Марьиноний. Ул зот ъам етук фаыиъ олим бщлиб, «Жавоъир-ул фаыиъ», «Алф авоид» асарлари билан машъур бщлганлар.

3. Жалолуддин ибн ал-Марьиноний ъам етук олим фаыиълардан эдилар. Лекин бизгача ул зотнинг бирорта ъам асарлари етиб келмаган.

Бундан ташыари, Буръонуддин ал-Марьинонийнинг набиралари ъам щз даврининг етук фаыиъларидан саналганлар. Набираларидан бири Абдураъим Зайнутдин ибн Али ибн Абу Бакр ал-Марьиноний фиыъни щз отаси

Имомуддиндан щрганган, Моваруннаър фиыъ мактабида машъур бщлган. Бу зот «Ал-фусул ал-имодийя» асарини ёзганлар. Бу асарда «Ал-хидоя»га киритилмай ыолган айрим фиыъий масалалар ъаыидаги фикрлар ъам берилган. Асар 1954 милодий санада яратилган.

Шу нарса диыыатга сазоворки, Буръонуддин ал-Марьиноний 550 та устоздан ъадис тинглаб, ривоят ыилган, ислом илмлари бщйича 100 га яыин асарларни чуыур таълил ыилиб, шаръ ёзган.

Шуни алоъида таокидлаш керакки, ъозирги даврда ъам «Ал-Ъидоя» асари дунёдаги барча Ислом мамлакатларида дастурул амал сифатида фойдаланилмоыда. Шундай экан, аждодларимиз ыолдирган бой маонавий меоросимизни щрганиш ъар биримизнинг асосий вазифаларимиздан бири бщлмоьи лозим.

Хулоса ыилиб айтиш мумкинки, Буръонуддин ал-Марьиноний ислом ъуыуышунослиги тарихида чуыур из ыолдирган, 8 асрдан буён дунё ъуыуышунослари диыыатини щз Ватани Марьилонга жалб этиб келган буюк аллома ва фаыиъдир. Унинг шоъ асари «Ал-Ъидоя» китоби, мумтоз фиыъий асар сифатида ъанузгача щз аъамиятини йщыотгани йщы.

## БУРҲОНИДДИН АЛ-МАРҒИНОНИЙ ИЖОДИЙ ФАОЛИЯТИ

С.Мирсоатова - ФарДУ, И.Бурхонов, З.Хатамова - ФарПИ

Мамлакатимиз мустақиликка эришганидан сўнг тарихий, диний қадриятларга эътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Бундай улуғвор ўзгаришлар натижаси ўлароқ, буюк ватандошимиз Бурҳониддин ал-Марғинонийнинг ҳаёти, ижоди ва илмий меросини ўрганишга имконият пайдо бўлди. 2000-йил алломанинг таваллуд саналарининг ҳижрий 910 йиллик тўйларини нишонлаш муносабати билан хукуматимиз томонидан қабул қилинган махсус қарор аллома ижодининг ва фиқҳ соҳасининг халқимиз тарихидаги тутган муҳим ўрнини ўрганишимизга янги туртки бўлди.Зеро президентимиз Ислом Каримов айтганидек: “Халқимизнинг минг йиллик маънавий-ахлоқий юксалиш тажрибасини ўзида жамлаган миллий маданиятни ўрганиш, тарихий хотирага, маданий-тарихий бирликка эга бўлиш йўлидаги ғоят муҳим қадамдир”.

Бурҳониддин ал-Марғиноний хазратлари илм-фан тарихида машхур фақиҳ сифатида ўчмас из қолдирган. Зеро, фиқҳ соҳасида асрлар оша алломанинг асаридан мукаммалроқ асар ёзилган эмас. Бундан ташқари, бу зот ҳофизи Қуръон, муҳаддис, адиб, шоир ва ниҳоят даражада тақводор инсон бўлганлиги маълум. Барча манбаларда зикр этилган машхур асар - “Ал-Ҳидоя”ни ёзиш жараёни 13 йилга чўзилган бўлса, аллома бу давр мобайнида муттасил рўзадор бўлганлиги ва бу холатини атрофдагилардан пинҳон тутганлиги хақидаги маълумотлар унинг қай даражада тақводор ва камтар инсон бўлганлигининг ёрқин мисолидир.

Тўлиқ исми Абу-л-Ҳасан Али ибн Абу Бакр ибн Абдул-Жамил ал-Фарғоний ар-Рищдоний ал-Марғиноний (1118-1197) бўлган бу зотнинг Мавороуннахр минтақаси фиқҳ тажрибаларини ва маҳаллий анъаналарни хисобга олиб ёзилган асари “Ал-Ҳидоя фи шарҳи-ал Бидоят” яъни “Ал-Ҳидоя”дир. Муаллифнинг “Ал-Ҳидоя” асаридан ташқари “Нашр ул-мазҳаб” (“Мазҳабнинг ёйилиши”), “Китоб манасик ал-Ҳаж” (“Ҳаж ибодати арконлари хақидаги китоб”), “Китоб мажмуъ ун-навозил” (“Нозил бўлган нарсалар тўплами”), “Китоб ут-тажнус” ва “Китоб ул-мазиид” номли фатволар тўплами, “Бидоят ал-мубтади” (“Бошловчилар учун дастлабки таълим”), “Кифоят ал-мунтаҳий” (“Якунловчилар учун тугал таълим”), “Шарҳ Жомиъ ал-Кабир”(“Катта тўплам шархи”) каби қатор асарлари бўлганлиги бизга маълум бўлсада, лекин уларнинг ичида “Ал-Ҳидоя” асари муаллифга бутун мусулмон олами ичра катта шухрат олиб келди. Бундан ташқари бу асар асрлар давомида фақиҳлар ва муфтийларнинг энг мукаммал ва қулай қўлланмаси бўлиб келмоқда, энг йирик ислом олийгоҳларида ўқув қўлланма сифатида ишлатилмоқда.

“Ал-Ҳидоя” муаллифнинг ўн уч йиллик меҳнати самараси бўлиб, муаллифнинг ўз эътирофича, Бурхониддин ал-Марғиноний Бағдод сафарида фиқҳ Абу Ҳусайн Ахмад ибн Муҳаммад ал-Қудурий ал-Бағдодийнинг ҳанафийа мазҳабида фиқҳга доир “Мухтасар ал-Қудурий” номли асари билан танишади ва ниҳоятда қулай ва мусулмонлар учун манфаатли қўлланма эканлигига амин бўлади. Ана шу нодир асардан таъсирланиб «Бидоят ал-мубтади» асарини ёзади. Кейинчалик унга шарҳ ёзиб, “Кифоят ал-мунтаҳий” деб номлайди. Муаллиф назарида бу асар ҳам қийинроқ, мукаммалроқдек туюлади ва унга ҳам шарҳ ёзади, натижада ўн уч йилда “Ал-Ҳидоя” асари тугалланади.

“Ал-Ҳидоя”- 2 жилд, 4 жузъдан иборат бўлиб, унда ибодат масалаларидан тортиб барча хуқуқий масалалар 57 та китобда баён этилган. Бу китоблар ҳам ўз навбатида фасллар ва бобларга ажратилган. ”Ал-Ҳидоя”да хуқуқий мавзулар ҳанафиййа мазҳаби асосчиси имом Абу Ханифа, имом Сарахсий, Кархий фикрлари билан асосланган. Асарнинг ўзига хос баён услуби ва одоби ҳам ўзгача.Унинг шу турдаги асарлардан фарқли томони ундаги масалалар сунъий мазҳаблардан шофеъиййа, маликиййа, ҳанбалиййа мазҳабларидаги қоидалар билан қиёсланиб баён этилишидадир. Бу эса асарни барча мазҳабдагилар фойдаланиши учун жуда қулайлигидан далолатдир.

Турли даврларда ислом оламининг фиқҳлари бу асарга шарҳлар ва хошиялар битишни ўзлари учун шараф деб билганлар ва натижада кўплаб шарҳ, хошия, қисқартмалар ёзганлар.

“Ал-Ҳидоя” асарининг ўнлаб қўлёзма нусхалари қатор Европа мамлакатларида сақланмоқда. Жумладан, Лондонда асарнинг 21 қўлёзма нусхаси, Париж миллий кутубхонаси фондида 6 нусхаси, Берлинда 3 нусхаси сақланмоқда. Бундан ташқари Хиндистон, Эрон, Афғонистон ва бошқа қатор мамлакатларда асарнинг қўлёзма ва босма нусхалари кенг тарқалгандир.

“Ал-Ҳидоя” - ҳинд-британ хукуматининг топшириғига биноан Бенгалияда араб тилидан форс тилига таржима қилинган. Форсча таржимадан эса Буюк

Британия фуқароси Сэр Гамильтон инглиз тилига таржима қилган. Лекин у асарнинг ибодат мавзусига оид қисмларини тушириб қолдирган. Инглиз тилидан Вишнегорский рус тилига ўгирган ва 1893йил Гродеков таҳрири остида Тошкентда нашр қилинган.

Ҳозирги кунда мустақиллик шарофати билан кўплаб ватандош мутаффакирларимиз номлари тилга олиниб, уларнинг олиб борган фаолиятлари тадқиқ этилиб, ўрганиб келинмоқда. Чунончи Абу-л-Ҳасан Али ибн Абу Бакр ибн Абдул-Жамил ал-Фарғоний ар-Рищдоний ал-Марғиноний ижодини ўрганиш долбзарлигича қолмоқда.

## МАРҒИЛОН ТАРИХИДАН ЛАВҲАЛАР

П.Каримов, О В.Маҳмудов - ҚДПИ

Марғилон – Фарғона водийсининг жанубий қисмида, Олой тоғлари этагида жойлашган. Марғилон ҳақидаги дастлабки маълумотлар X асрга тааллуқли. Ўша даврларда шаҳар “Марғинон” деб аталган. Марғилон номининг келиб чиқиши ҳақида аниқ бир маълумот йўқ. “Ўзбекистон вилоятлари топонимлари” (Суюн Қораев , Тошкент 2005) китобида “Марғ” - “ўтлоқ”, “кўкаламзор” маъносини англатиши айтилган.

Ибратнинг “Тарихи Фарғона” асарида ёзилишича, шаҳарга 833 йилда асос солинган. Археологик топилмалар Марғилон ўрнида милод бошларидан аҳоли яшаб келаётганини, X асрда у катта қишлоқ бўлганлигини, XI-XII асрларда эса шаҳарга айланганлигини тасдиқламоқда. Араб географи ва сайёҳи Ибн Ҳавкалнинг X асрда ёзилган “Китоб суърат ал - арз” (“Ернинг сурати”) асарида ҳам Марғилон шаҳри тилга олинади. В.В.Бартольд “Мўғуллар истилоси даврида Туркистон” асарида Марғилон Қорахонийлар даврида ҳам вилоятнинг бош шаҳри ҳисобланганлигини қайд этган. “Бобурнома” да Марғилон Фарғонадаги 8 та шаҳардан бири эканлиги, шаҳарнинг ободлиги , ширин мевалари ҳақида сўз юритилиб , унинг “донаи калон ” деб аталувчи анори ва “субҳоний” навли ўриги мақталган.

Шаҳарнинг қадимий қисмида ўтказилган археологик қазилмалар натижасида Марғилонга бундан 2 минг йил аввал асос солинганлиги аниқланди. Маҳаллий маълумотлар бўйича шаҳарнинг 12 дарвозаси бўлган. Буюк ипак йўлида жойлашган Марғилон аҳолиси қадимдан атлас тўқиш билан шуғулланиб келган ва шу тариқа уни жаҳонга машҳур қилган. Марғилонинг шойи матолари Миср, Эрон ва Юнонистон, Қашғар савдогарлари томонидан харид қилинган. Марғилонда дўппидўзлик, мисгарлик ривожланган, шаҳарда вақти-вақти билан танга ҳам зарб қилинган. Шаҳар турли даврларда Темурийлар, Шайбонийлар давлатлари, кейинги даврларда Қўқон хонлиги таркибида бўлган. XIX асрнинг 70-йилларига қадар Қўқон хонлигининг Марғилон ҳокимлиги (беклиги) мавжуд бўлган. Бу ҳақда машҳур тарихчи олим Исҳоқхон Жунайдилла ўғли Ибрат “Фарғона тарихи” китобида: “Ёрмозор – Марғилон ҳокимлигининг маркази бўлиб, ҳавоси тоза, суви покиза, аҳоли яшаши учун қулайдир”, - деб

ёзади. Ёрмозор қишлоғи ҳозир Фарғона шаҳри ҳудудида бўлгани каби илгари Марғилон шаҳри таркибида бўлган, аниқроғи, Қўқон хонлигининг энг йирик беклиги (ҳокимлик) ларидан бири бўлган Марғилон бегининг Ўрдаси айнан Ёрмозор қишлоғида эди.

Бу Ўрда XX асрнинг бошларида бўзиб ташланган бўлиб , ҳозирги 30-мактаб ҳудудида жойлашган эди.

Марғилон 1875 йилда чор Россияси қўшинлари томонидан босиб олинган . Марғилонда меъморий ёдгорликлардан Пир Сиддиқ мажмуи (“Каптарлик”, XVIII аср ўрталари), Хўжа Мағиз мақбараси (XVIII асрнинг биринчи ярми), Чокар, Торон бозор масжидлари (XX аср бошлари), Саидаҳмад Хожа эшон мадрасаси ( XIX аср охири) ва бошқалар сақланиб қолган.

Агар 1897 йилда Марғилонда 36 минг киши яшаган бўлса, бугунги кунда 180 мингдан зиёд киши истиқомат қилади. Аҳолиси асосан ўзбеклар (89,3%) шунингдек, рус, татар ва бошқа миллат вакиллари ҳам бор.

Мустақиллик йилларида Марғилон янада чирой очиб бормоқда. Шаҳарда 20 га яқин саноат, 8 та автотранспорт корхонаси, 17 та қурилиш ташкилоти бор (2002). Бундан ташқари 600 дан ортиқ кичик ва хусусий корхоналар фаолият кўрсатмоқда.

---

## XX АСРНИНГ 20-30 ЙИЛЛАРИДАГИ ИҚТИСОДИЙ СИЁСАТНИНГ МИГРАЦИОН ЖАРАЁНЛАРГА ТАЪСИРИ (МАРҒИЛОН ШАҲРИ МИСОЛИДА)

Р.Ҳимматқулова - ФарПИ

Аҳоли миллий таркибининг шаклланиши энг узоқ давом этадиган мураккаб жараён бўлиб, у бевосита бир-бирига боғлиқ бўлган омилларни вужудга келтиради. Булар аввало географик, тарихий, этник, демографик, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий омиллардан иборатдир. Бизнинг фикримизча, охирги иккала омил биз тадқиқ этаётган давр иқтисодий сиёсатининг миграцион жараён билан узвий боғлиқлигини кўрсатади.

Марғилон – Фарғона вилоятининг энг қадимий этнографик муҳим ижтимоий-иқтисодий минтақаларидан биридир. Лекин яқин ўтмишга назар солар эканмиз чор мустамлакачилик империяси ўрнини эгаллаган “қизил империя” ўзининг иқтисодий сиёсатини фақат зулм ва зўравонлик асосида амалга оширди. 1917 йил октябрь тўнтариши Туркистон ўлкасида ҳам табиий тарихий тараққиёт жараёнининг кескин ўзгаришига олиб келди. Айниқса, 1917-1920 йиллардаги Совет ҳокимиятининг “Ҳарбий коммунизм” сиёсати мулкчиликнинг турли шакллари ўрнига, ягона давлат мулкини ташкил этишга қаратилган бўлиб, у Туркистоннинг муайян тарихий шароитида кераксиз ва зарарли сиёсат эди. Бу сиёсат,

айниқса, деҳқон хўжаликларининг хонавайрон бўлиши ва қишлоқ аҳолисининг кескин камайишига сабаб бўлди.

Озиқ-овқат сиёсатининг жорий этилиши маҳаллий аҳолининг, аввало қишлоқ меҳнаткашларининг моддий аҳволини оғирлаштирди. "Қишлоқ аҳолиси – деган эди шу масала бўйича Н.Хўжаев 1920 йил охирларида бўлиб ўтган ТуркМИК мажлисида қилган маърузасида, - турли-туман ўт-ўланлар билан озиқланади, шу туфайли ўлиш ҳоллари юз бермоқда, ўлим, айниқса болалар орасида кўп". Маърузада келтирилган маълумотларга қараганда, Фарғона вилоятида аҳолининг 35-40%и, шу жумладан Марғилон уездида – 60%и, Қўқон уездида 50% очликка дучор бўлган ва ҳ.к.

"Ҳарбий коммунизм" сиёсати нафақат иқтисодий вазият, балки ўлкадаги сиёсий вазиятга ҳам салбий таъсир кўрсатди. Оқибатда Туркистон ўлкасида, жумладан Фарғона вилоятида ҳам демографик жараёнларнинг кескин ўзгаришига олиб келди. Архив ҳужжатларида қайд этилишича, Марғилон шаҳри аҳолиси 1914 йилда 46613 кишини ташкил этган бўлса, 1923 йилга келиб эса аҳоли сони 29696 кишига тушиб қолди. Яна шуни таъкидлаш керакки Россиянинг марказий районларини қамраб олган қурғоқчилик, амалда республикамиздан олиб кетилган пахта эвазига айирбош қилиниб олиб келинадиган ғалланинг тўхтаб қолишига ва айни пайтда Россиядаги очларнинг Туркистонга оқиб келишига сабаб бўлди.

Москванинг ташаббуси билан, 1922 йил 1 январдан бошлаб, республика аҳолисига, айниқса, унинг қишлоқдаги қисмига оғир юк бўлиб тушган "очлик солиғи" жорий қилинди. Ҳатто Фарғона вилоятининг ниҳоятда оч қолган аҳолисидан 6600 пуд турли-туман маҳсулотлар ана шу солиқ йўли билан ундирилди.

Совет давридаги миграцион жараёнлар сиёсий жараёнлар билан узвий боғлиқ эди. Совет мустамлакачилигининг чор мустамлакачилигидан фарқи шунда эдики, у "коммунистик мафкура"ни ўзига ниқоб қилиб олган эди. Шунинг учун ҳам "Халқлар дўстлиги, тинчлик, қардошлик" шиори ҳам айнан шу мақсадга қаратилган эди. Агар совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида турли халқлар ихтиёрий, оммавий равишда кўчирилган бўлса 20-йилларнинг охирига келиб эса, кўчириш мажбурийлик тусини олди.

Айниқса, ўлкамизда 1930 январидан бошланган "қулоқлаштириш" сиёсати ҳаддан ташқари зўравонлик билан амалга оширилди. бу сиёсат натижасида ўзига тўқ хўжаликлар мулки тўла мусодара қилиниб, "бой-қулоқ" оилалари дастлаб қўшни Ўрта Осиё Республикаларига, 1931 йилдан бошлаб эса Шимолий Кавказ, Украина, Сибирга ҳам сургун қилиндилар.

1923 йилнинг иккинчи ярмидан бошлаб ўлкада аҳвол бирмунча яхшиланиб борди, бу вақтга келиб, янги иқтисодий сиёсат ўзининг

ижобий натижаларини кўрсата бошлади, қишлоқ хўжалиги ва саноат тикланишга, шаҳар аҳолисининг кўпайишига олиб келди.

1926 йилдан 1933 йилгача, яъни етти йил ичида Марғилон шаҳар аҳолисининг ўсишини қуйидаги жадвалда кўриш мумкин.

| Йиллар | 1926 | 1930 | 1931 | 1932 | 1933 |
|---|---|---|---|---|---|
| Аҳоли сони | 44329 | 53677 | 53766 | 57600 | 58782 |

Шаҳар аҳолисининг миллий таркиби эса 1932 йил маълумотига кўра, ўзбеклар 50246 киши, ёки 89,4%, руслар 3430 киши – 6,1%, Ўрта Осиё яҳудийлари 1575 киши – 2,8%, татарлар 602 киши -1,1%, қирғиз, тожик ва бошқа миллатлар 382 киши ёки 0,6%ни ташкил этган.

Юқорида келтирилган маълумотларни таҳлил қилар эканмиз, совет давлатининг саноат қурилишини сунъий жадаллаштириш сиёсати туфайли аҳолининг нафақат ўсишида, балки миллий таркибида ҳам ўзгаришлар содир бўлди.

Лекин Марказ Миллий ўлкаларда империя тузумининг таянч ижтимоий қатламларини вужудга келтиришдан манфаатдор эди. Сунъий миграция сталинча маъмурият руслаштириш сиёсатининг муҳим воситаси, маҳаллий миллатлардан малакали ишчилар ва муҳандис-техник ходимлар тайёрлашга тўсиқ қўйишнинг ўзига хос йўли эди. Шу асосда маҳаллий аҳоли билан европалик аҳоли ўртасида ўзига хос меҳнат тақсимоти шаклланди. Маҳаллий аҳоли асосан қишлоқ хўжалигида банд бўлиб, бу тармоқ ҳаддан ташқари марказлашувдан, пахта якка ҳокимлигидан зарар кўраётган, оғир меҳнат талаб қилинадиган ва кам ҳақ тўланадиган тармоққа айланиб борди. Европалик аҳоли вакиллари эса саноатнинг муҳим тармоқларида ақлий меҳнат ва хизмат кўрсатиш соҳасида юқори ҳақ тўланадиган, яхшироқ шароитга эга бўлган тармоқларда ишлар эди.

Марказдан жўнатилган ишчилар на фақат саноат қишлоқ хўжалигида, балки раҳбарлик лавозимларида ҳам салмоқли ўринларни эгаллаган эдилар.

Қуйидаги архив маълумотлари фикримизнинг ёрқин далили бўла олади. 1933 йил 18 декабрь маълумотига кўра Марғилон шаҳар кенгаши Президиуми таркибида ўзбеклар – 11 киши, руслар – 2 киши, тожик – 1 киши, поляк – 1 киши, армани – 1 киши, қорақалпоқ – 1 киши ва татар – 1 кишини ташкил этган. Президиум аъзоларидан Восиков Александр шаҳар совети раиси муовини, Ванцихович Станислав – шаҳар таъминот бўлимининг бошлиғи, Фукий Константин – давлат сиёсий бошқармаси бошлиғи лавозимларини эгаллаган.

Демак, юқорида келтирилган ҳужжатларда Ўзбекистоннинг барча вилоят, шаҳар ва қишлоқларида бўлгани сингари, Марғилон шаҳар

кенгаши таркибида ҳам асосий таянч лавозимларига ерли бўлмаган миллат вакиллари тайинланган. Шунинг учун ҳам СССР Давлат план комиссиясининг 1927 йил февралда 1-беш йиллик планни ишлаб чиқиш учун ўтказилган йиғилишида "Ўрта Осиё сингари мамлакатда йирик саноатни ривожлантириш учун ишчи кучини четдан келтириш мақсадга мувофиқдир" деб, бежиз айтилмаган, албатта. Малакали ишчиларнинг юборилиши бир томондан юртимизнинг саноат қудратини оширган бўлса, иккинчи томондан эса "сиёсий ҳукмронликни мустаҳкамлаш" воситаларидан бири эди.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, мустабид совет тузумининг 20-30 йиллардаги иқтисодий сиёсати Ўзбекистоннинг қадимий ва навқирон шаҳарлари қаторидан ўрин олган Марғилон шаҳрида ҳам маҳаллий хусусиятларни инкор этувчи маъмурий буйруқбозлик тизимига асосланган эди. Бунинг оқибати, албатта миграцион жараёнларга ҳам салбий таъсир кўрсатишга сабаб бўлди.

Шунга қарамасдан, барча ўзбек халқи сингари, Марғилон халқи ҳам ўзининг минг йиллар давомида аждодлардан мерос бўлиб қолган қадрият ҳар бир инсонни, унинг тили, дини, маданиятидан қатъий назар, уни эъзозлаш, қадрлаш каби буюк туйғуларга содиқ бўлиб қолди.

---

## ЧОР РОССИЯСИ МУСТАМЛАКАЧИЛИГИ ДАВРИДА ФАРЬОНА ВИЛОЯТИ ХАЛЫ ХЩЖАЛИГИ ТАРАЫЫИЁТИДА МАРЬИЛОННИНГ ТУТГАН ЩРНИ

М.Эралиев, С.Эгамназаров - ФарДУ

1876 йилда чор Россияси томонидан Ыщыон хонлиги тугатилиб, щрнида Фарьона вилояти ташкил этилди. Вилоят таркибида Ыщыон, Андижон, Щш, Марьилон, Наманган уездлари тўзилди. Марьилон вилоятининг йирик уездларидан бири бщлиб, унинг таркибига 2 шаъар (Эски ва Янги Марьилон), 4 участка, 19 волость, 138 ыишлоы жамоаси ва 667 та аъоли пункти киритилган. Уездда жами 88434 хонадон (446498 киши) мавжуд бщлиб, аъолининг асосий ыисмини маъаллий халы вакиллари, бир ыисмини европа халылари (рус, украин, немис ва б.) ташкил этган.

Маълумки, Фарьона водийси чор Россиясининг ривожланиб келаётган саноатининг муъим хом ашё базаси ъисобланган. Шу боис Фарьона вилояти, жумладан, Марьилон уездининг халы хщжалиги асосан ыишлоы хщжалиги маъсулотларини етиштириш ва уни дастлабки ыайта ишлашдан иборат эди. 1892 йилги маълумотга кщра Марьилон уездида 131513 десятина (1 десятина-1,09 гектар) ыишлоы хщжалиги учун яроыли ер мавжуд бщлиб, шундан 15610 десятинаси пахта майдонларидан, 1350 десятинаси узумзорлардан иборат эди. 12037 десятина ер эса ваыф хщжаликлари ихтиёрида бщлган. Ерларнинг ыолган ыисмини эса аъоли томорыа хщжаликлари, яйловлар, полиз майдонлари ташкил этган.

Марьилон уезди ыишлоы хщжалигининг асосий тармоьи пахтачилик ъисобланиб, пахта майдонларига асосан пахтаниниг америка нави экилган. Чунки мазкур навнинг ъосилдорлиги, толасининг узунлиги каби кщрсаткичлари маъаллий навларга нисбатан юыори эди. Агар 1893 йилда 8600 десятина майдонга пахтанинг америка нави экилган бщлса, 1894 йилда 14239 десятина, 1896 йилда эса 30279 десятина майдонга мазкур нав чигитлари экилди. Пахта майдонлари узумзор, донли экин майдонларининг ыисыартирилиши ва ыисман янги ерларни щзлаштириш ъисобига мана шундай жадал щсиб борган.

Марьилон ыадимдан щзининг ипакчилиги билан машъур саналган. Ипакчилик аъоли хщжалигининг асосий турларидан бири ъисобланиб, XIX аср охирларида ъам Марьилон уезди халы хщжалигида муъим щрин эгаллаган. Аммо, XIX аср 80- йилларида касаллик тарыалиши натижасида мавжуд деярли барча маъаллий ыурт уруьи зотлари ыирилиб кетди. Ипакчиликдан келаётган катта даромаддан айрилишни истамаган чор мармурияти халы хщжалигининг мазкур соъасини иныироздан олиб чиыиш учун бир ыатор чора – тадбирларни амалга оширдилар. Жумладан, соъа эхтиёжи учун четдан кщп миыдорда ипак ыурти уруьлари, асосан Корсика, Италия, Япония ва Боьдод ыурт уруьлари зотлари келтирила бошлади. Шунингдек, вилоят ҳудудида, жумладан, Марьилон уездида ъам ипак ыурти уруьи етиштирувчи станциялар ташкил этилди. Станцияларда ипакчилик билан шуьулланувчи хщжаликлар учун соьлом уруьлар етиштириб берилган. Мисол учун, 1887 йилда Янги Марьилонда ташкил этилган уруьчилик станциясида 1896 йилда 1260,5 золотник (1золотник- 4,3 гр.) миыдорда сифатли ипак ыурти уруьи тайёрланган. Кщрилган чора – тадбирлар натижасида ипакчилик соъаси аста-секин иныироздан чиыа бошлади. Агар 1884 йилда бутун вилоят бщйича 10738 пуд пилла етиштирилган бщлса, 1893 йилда фаыат Марьилон уездининг щзидагина 24630 пуд пилла хом ашёси тайёрланди.

Чор мустамлакачилиги даврида щлка бойликларини янада кщпроы щзлаштириш маысадида вилоятда, шу жумладан Марьилон уездида бир ыатор саноат корхоналари барпо этилди. Мазкур саноат корхоналарининг аксарияти щлканинг ыишлоы хщжалиги маъсулотларини ва табиий бойликларини ыайта ишлашга ихтисослашган эди. 1900 йилда вилоятда мавжуд бщлган 109 та саноат кархонасининг 93 тасини пахтани ыайта ишлаш заводлари ташкил этган. Бу даврда Марьилон уездида 29 та пахта, 1та терини ыайта ишловчи завод, 2 та пиво ва 1 та вино ишлаб чиыарувчи завод, 1 та керосин ишлаб чиыарувчи корхона ъамда кщплаб кустар типдаги корхоналар фаолият кщрсатган.

Хулоса щрнида шуни айтиш мумкинки, чор Россияси мустамлакачилиги даврида Фарьона вилоятининг, жумладан унинг таркибидаги Марьилон уездининг халы хщжалиги соъаларида бир ыадар щсиш кузатилсада,лекин бу ривожланишлар метрополия манфаатларига бщйсиндирилган эди.

**ИПАК ЫУРТИ УРУЬИ ЕТИШТИРИШДА ХОРИЖИЙ МУТАХАССИСЛАРНИНГ РОЛИ**

(X1X аср охири – XX аср бошларида Фарьона водийси мисолида)

С.Эгамназаров, А.Исроилов - ФарДУ

Фарьона водийси, айниыса, унинг кщъна шаъарларидан ъисобланган Марьилон ыадимдан щзининг ипакчилик ишлари билан шуърат ыозонган. Ипакчилик щлка аъолиси хщжалигининг асосий турларидан саналган. Мисол учун, 1901 йилда Фарьона вилоятидаги мавжуд 253650 хщжаликдан 91607 таси, яъни 36,1 фоизи ипак ыурти боыиш билан шуьулланганлар.

Аммо, X1X аср 80-йиллари Фарьона водийсида ипак ыуртлари орасида касаллик тарыаб, мавжуд барча маъаллий ипак ыурти зотлари ыирилиб кетиши натижасида щлканинг, шу жумладан Марьилоннинг ипакчилик хщжалиги таназзулга учрайди. Ипакчиликдан келаётган катта даромадлардан айрилишни истамаган рус сармоядорлари щлка ипакчилигини ривожлантириш учун турли чора-тадбирлар кщрадилар. Жумладан, щлка ипакчилик хщжалиги эътиёжларини ыондириш маысадида хориждан катта миыдорда ыурт уруьларини келтира бошлайди. 1894 йилда Black Jean Millon , Maillot, Gazell, Бауер, Алоизи, Спирос, Д. Панницис каби шахс ва фирмалар Фарьона водийсига хориждан ыурт уруьи келтириб сотиш билан шуьулланганлар.

Шу билан бир ыаторда водийнинг щзида ъам ыурт уруьи етиштирувчи бир ыанча станциялар ташкил этилди. Туркистондаги илк шундай станцияни И.Алокизи ташкил этади. У 1891 йилдан Фарьона вадийсида ъам щз фаолиятини йщлга ыщяди. Унинг станциясида тайёрланган ыурт уруьининг 1 золотниги (1 золотник- 4,3 гр.) 70 тийиндан сотилган.

Аммо Алоизининг Фарьона водийсида ипак ыурти уруьи етиштириб сотиш борасидаги монополияси узоы давом этмади. 1892 йилдан унга Бауер сиймосидаги раыобатчи пайдо бщлди. Бауер дастлаб Самарыандда ипак ыурти уруьи етиштирувчи станция ташкил этган бщлиб, кейинчалик Фарьона водийсида ъам фаолиятини бошлади. Алоизи Бауер билан раыобатлашиш натижасида щзи етиштирган ыурти уруьларини нархини 1 золотнигини 70 тийиндан 50 тийинга туширишга мажбур бщлади.

X1X аср 90-йилларида Фарьона водийсининг бир ыатор шаъарларида ъам ыурт уруьи етиштирувчи корхоналар барпо этилди. Айниыса, 1899 йилда Янги Марьилонда Эвтихиди томонидан ташкил этилган уруьчилик корхонасида тайёрланган ыурт уруьлари маъаллий ъаридорлар орасида катта эътибор ыозонди. Унинг маъсулотларига ъатто эронлик пиллакорлар ъам ыизиыиб ыолдилар. 1900 йилда Эвтихиди синов учун унча кщп бщлмаган миыдордаги ыурт уруьларини Эронга юборди. Самара кутилганидан зиёд бщлди. Натижада эронлик пиллакорларнинг талаби билан 1901 йилда 3000 ыути ыурт уруьлари Эронга юборилди.

Кщрилган чора-тадбирлар натижасида XX аср бошларига келиб Фарьона водийси ипкчилик хщжалиги иныироздан чиыди. Янги ипак ыурти уруьларининг юыори маъсулдорлиги маъаллий саноат эътиёжларини ыондирибгина ыолмай, балки ипак толаларини четга экспорт ыилиш имконини ъам берди. Агар 1900 йилда 600 минг сщмлик ыийматдаги 17 минг пуд пилла

четга чиыарилган бщлса, 1901 йилда умумий ыиймати 1,5 миллион сщмлик 9 минг пуд пилла ва ипак маъсулотлари экспорт ыилинди. Фарьона водийси ипак экспортининг асосий ыисми Марсел (Франция) ъиссасига тщьри келган.

Шундай ыилиб, Х1Х аср охири – ХХ аср бошларида ъам хорижий, ъам маъаллий мутахассисларнинг сайъи-ъаракатлари натижасида щлканинг, шу жумладан Марьилоннинг ипакчилик хщжалиги ва мазкур соъа асоси бщлган ипак ыурти уруьи етиштириш ривожланди. Лекин бу ютуыларнинг барчаси щзининг ривожланаётган саноатини арзон хом ашё билан таъминлашни маысад ыилиб ыщйган чор Россияси манфаатларига бщйсундирилган эди.

## ЪУНАРМАНДЛАР ЮРТИ КЩЪНА МАРЬИЛОН

Н.Аббосова, Ш.Обидова - ФарДУ

Республикамизнинг ъар бир вилояти щзига хос хусусиятлари билан танилган. Масалан, Самарыанд-у Бухоро ыадимий тархий обидалари билан машъур бщлса, Наманган гуллар шаъри деб тилга олинган Марьилонни эса савдогарлар ва ъунармандлар шаъри дея таорифланади.

Марьилон шаъри аъолисининг турмуш тарзига чуыур назар ташлайдиган бщлсак, аъолининг 90% фоизи щз оиласи ыытисодини тиклаш учун ъунармандчилик билан шуьулланади. У ерлик фуыаролар хоҳ давлат ташкилотида, хоҳ хусусий корхонада ишлашидан ыатоий назар уйида ыщшимча меънат билан шуьулланади. Айниыса, бугунги кунда юздан ортиы ъунармандлар ёшларни шогирдликка олиб касб-ъунар сирларини щгатмоыда. Шу щринда юртбошимизнинг ушбу сщзлари щринли деб щйлайман - «Бу умр, бу ъаёт бамисоли Амударё сувидек тез оыиб щтиб кетади. Шу ыисыа ъаётда инсондан, сиз билан биздан фаыат эзгу ишлар, оыил ва соьлом фарзандлар, ыщркам иморатлар, гщзал боьлар, хуллас, яхши ном, яхши хотира ыолмоьи даркор».

Бугунги кунда Марьилон шаъри аъолисининг 60 фоизини хотин – ыизлар ташкил этади. Шаъар тадбиркорларининг эса ___%ни аёллар ташкил этади. Чамалаб олганда шаъар аъолисининг ыарииб ъар бир маъалласида, кщплаб хонадонларда ъунармандлар истиыомат ыилади. Жумладан, Марьилон шаъри аъолисининг 90% терига ишлов бериш, каштачилик, ёьоч щймакорлик, гилам тщыиш, дщппидщзлик, атлас тщыиш каби ыщл меънати эвазига щз оиласини тебратиб келиш билан бирга ёш авлодни ъар томонлама комил инсон ыилиб тарбияламоыда. Устоз –шогирд тизимини йиллар давомида авлоддан - авлодга щтказиб келмоыда.

Ъунармандларнинг иш фаолиятига ыисыа назар ташлаганимизда касбларнинг ъам мантиыий, ъам маонавий ъам тарбиявий томонлари кщзга кщринади. Масалан дщппи тикиш жараёнида игнани санчишда математик ҳисоб-китоблар асосида олиб борилса, чорси тикишда тщьри чизиы асосида чок тортилади, гилам ва атлас тщыишда табиатдаги мавжуд ранглардан бахра олинади, ёьоч щймакорлигида эса тахтадан унумли фойдаланишга

алоъида эотибор ыаратилган. Энг асосийси ъунармандчиликнинг ыайси тури билан шуьулланганда ъам ёшларга устоздан касб-ъунар сирларини щрганиш, каттага ъурмат кичикка иззат каби умуминсоний ыадриятлар шаклланиши билан бир ыаторда ёшларнинг бщш ваытларини унумли щтказиш ъамда оила бюджетини мустаъкамлашга хисса ыщшиш тарбияси ривожланмоыда. Бу эса щыишга унча ыобилияти бщлмаган йигит-ыизларни бщш ыолишини олдини олишга олиб келмоыда.

Марьилон шаърида кщплаб тархий шахслар, буюк алломалар, шоирлар, щыитувчи-мураббийлар, саноаткорлар, хунармандлар яшаб ижод этган ва бизларга бой меросни ыолдирган. Бугунги иытисодий-сиёсий ривожланишлар даврида оилани мустахкамлашни, серьайратлилик ва меънатсеварлиликни шаъар хунармандларидан, оилага садоыатлиликни Марьилон шаъар хотин-ыизларидан щрнак ыилишни тавсия этардим, чунки, шаърда тарбия топган ыизлар ъар томонлама етук тарбия олиб келин бщлиб борган жойларида бахт топишга ъаракат ыилади.

## МАРЬИЛОН ИСТИЫЛОЛЧЛИК ЪАРАКАТИНИНГ ТАНИЫЛИ НАМОЁНДАЛАРИ

Ы.Тщйчиев, Т.Ыщчыоров, О.Охунжонов - ФарДУ

Шу щлкада ульайиб щсган миллий озодлик ъаракатининг таниыли намоёндалари - Мадаминбек, Шермуъаммадбек ва Нурмуъаммадбеклар большевикларга ыарши истиылол учун курашганлар.

1920 йил 14 майда Мадаминбекни ыатл этилиши билан Туркистондаги миллий озодлик ъаракатининг биринчи босыичи тугади. БУ босыичда Фарьона водийсида истиылолчилик ъаракати ташкилий жиъатдан шаклланди. Миллий озодлик кучлари йирик ъарбий кучга айланиб, Фарьона водийсидаги Шщролар тузумини ларзага келтирди. Щзининг янги палласига ыадам ыщйган миллий озодлик ъаракати кураши байроьини Мадаминбек щрнига кщтарган Шермуъаммадбек шахси билан бевосита боьлиыдир.

Шермуъаммадбек (1893-1970)-Туркистондаги миллий озодлик курашининг таниыли раъбарларидан бири эди. У Фарьона вилояти Тошлоы туманининг Гарбобо (Марьилон шаърига яыин) ыишлоьида беклар авлодидан бщлган Ыщшаыбек ҳожи хонадонида 1893 йилда туьилган. У чор Россиясининг мустамлакачилик сиёсатига ыарши курашда фаол иштирок этган. 1918 йилдан истиылолчилар сафида турган. Унинг асосий ьояси - Туркистоннинг миллий истиылоли ва мустаыиллиги эди.

Октябр тщнтаришидан сщнг биринчи мустаыил Туркистон давлати - Ыщыон Мухторияти йщы ыилинди. Шермуъаммадбек икки мингдан ортиы лашкар билан Фарьона водийсининг ыишлоы ва шаъарларида ыизил мустамлакачиларга ыарши кураш олиб борди.

Шермуъаммадбек ва унинг тарафдорлари «Туркистон Туркистонликларнинг юртидир, унга ъеч кимнинг эгалик ыилишга ъаыыи йщы!» деган шиорни щртага ташлаганлар. Шермуъаммадбек ва унинг

тарафдорлари кучлар тенг бщлмаган шароитда 1918-1923 йиллар щрталаригача мустамлакачиларга ыарши кураш олиб борди. 1920 йилда ташкил топган Туркистон Муваыыат ъукумати 1922 йил охирига келиб тарыалиб кетишга мажбур бщлди. Шермуъаммадбек 1923 йилнинг бошларигача ъукумат раиси сифатида истиылолчиларга раъбарлик ыилди. 1923 йилнинг баъорида щз ъамроълари билан Афьонистонга щтиб кетди.

1929 йилда Шермуъаммадбекнинг щз йигитлари билан Афьонистондан Шарыий Бухорога щтиш учун қилган ъаракати натижасиз тугади. Шермуъаммадбек чет элда 1942 йилда тўзилган туркистонлик мухожирларнинг «Ватанни озод ыилиш» номли яширин ташкилотнинг асосчиларидан бири ъисобланади.

У 1923-1950 йилларда Афьонистонда, 1951-1959 йилларда Покистонда яшайди. 1959 йилдан 1970 йилнинг 10 мартигача Туркиянинг Адана шаърида ъаёт кечиради. Унинг щьиллари ва ыизлари хозирги кунда Туркия ва АЫШда яшайди.

Шермуъаммадбек Фарьона водийсидаги миллий озодлик кураши юзасидан бошидан щтган воыеликларни акс эттирган хотираларини ёзиб ыолдирган.

## ҚЎҚОН ХОНЛИГИДА МАРҒИЛОН ШАҲРИНИНГ ТУТГАН ЎРНИ ҲАҚИДА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

М.Маъмуров, Т.Мадаминов, К.Юлдашева - Қ ДПИ

Марғилон - бой тарихи ва бетакрор маданияти, маънавияти ва маърифати билан дунё халқлари диққатини доимо ўзига тортган қадимий масканлардан биридир.

Юртбошимиз “Марғилон деганда, бетакрор табиати, боғ-роғлари, камалакдек сержило атласлари, ўзлигимиз рамзига айланиб кетган ранг-баранг дўппилари билан етти иқлимга машҳур бўлган гўзал бир макон кўз ўнгимизда намоён бўлади”, деб айтган сўзлари бу заминга берилган юксак баҳодир.

Марғилон ўзига хос қадимий тарихга эга. Жумладан, Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институти бўлим мудири, 1994-1999 йилларда Фарғона ва Марғилон ҳудудларида олиб борилган археологик экспедицияси бошлиғи А.А. Анорбоев ўз тадқиқотларида Марғилон ҳудудида суғорма деҳқончилик маданияти милоддан аввалги IX асрдан бошлаганлигини кўрсатиб ўтади.

Буюк ипак йўлининг марказида жойлашган ушбу шаҳарда қадимдан турли хунармандчилик тармоқлари, айниқса атлас-адраслар тўқиш, дўппидўзлик, темирчилик ва мисгарлик ривожланганлигини кўпгина манбалар тасдиқлайди. Тарихнинг қайси даврида бўлмасин, шаҳар Фарғона водийсида ўзининг салмоқли иқтисодий ўрнига эга бўлиб келган.

Дарҳақиқат, В.В. Бартольд ўзининг “Мўғуллар истилоси даврида Туркистон” асарида Қорахонийлар даврида ҳам Марғилон шаҳри вилоятнинг бош шаҳри ҳисобланганлигини қайд этган.

Улуғ бобокалонимиз Мирзо Бобур эса “Бобурнома” асарида Марғилон Фарғонадаги саккизта йирик шаҳарлардан бири эканлигини айтиб ўтади.

XVIII-XIX асрларга келиб, ҳам шаҳар Қўқон хонлигининг энг ривожланган бешта шаҳаридан бири бўлиб, шаҳар аҳолиси ўзининг атлас тўқиш, дўппидўзлик, каштачилик ва ип мато тўқиш борасидаги анъаналарини давом эттирганликларини кўришимиз мумкин. 1813 – 1814 йилларда Қўқон хонлигида бўлган рус сайёҳи Филипп Назаров Қўқон хонлигининг Тошкент, Қўқон, Андижон, Наманган ва Марғилон шаҳарларида адрас, атлас ва ип матолар тўқиш ривожланганлигини ва бу маҳсулотлар ҳатто ташқи мамлакатларга ҳам чиқарилганлигини ёзиб қолдирган.

Андижон, Наманган ва Марғилон шаҳарлари аҳолиси ўзлари ишлаб чиқарган пахта ва ипак маҳсулотларини Қашқарга, Хива ва Бухоро хонлигига, Қоратегин ва қозоқ ерларига олиб бориб сотганлиги таъкидланган.

А.П Хорошхин ўзининг “Заметки о Коканде” мақоласида Наманган, Қўқон ва Марғилонда уй касаначилиги, уйда шойи, адрас, беқасам каби мато турларини тўқиш ривожланганлигини таъкидлайди.

Марғилоннинг шойи матолари Миср, Эрон, Покистон ва Қошқар савдогарлари томонидан кўплаб харид қилинган.

Юқоридаги маълумотлардан ташқари, XVIII-XIX асрларда Қўқон хонлари, хонлар томонидан тайёрланган ҳокимлар томонидан шаҳар ободончилигига катта эътибор берилганлигини қурилган кўплаб меъморий обидаларда кўришимиз мумкин.

Мисол тариқасида, Пир Сиддиқ мажмуи (“Каптарлик” XVIII асрнинг ўрталари), Хўжа Мағиз мақбараси (XVIII асрнинг I-чи ярми), Саидаҳмад Хожа эшон мадрасаси (XIX аср охири), Чокар, Таронбозор масжидлари (XX аср бошлари) Марғилон аҳлининг маънавий юксалишида алоҳида ўрин тутганлигини кўрамиз.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Марғилон XVIII-XIX асрларда ўзининг иқтисодий, маънавий ва маданий тараққиёти билан хонликнинг юксак шаҳарларидан бири бўлган.

## МАРЬИЛОН – МАДАНИЯТ ВА САНОАТ МАРКАЗИ

С.Маннопов - ФарДУ

Ыадимшунослик манбаларидан маолумки, Марьилон шаъри азалдан маданият ва саноат маркази саналган. Бу шаъарнинг «Буюк ипак йщли»да жойлашиши унинг маданий ъаётига ъам таосир этганлигидан далолат беради. Шаъар халыининг щзига хос менталитети, этник табаыаланиши, урф-одатлари, одоби ва оилавий маданияти алоъида кщринишга эга бщлиб, щзига хос этник маданиятни гавдалантиради ва барчани доим эотиборини тортиб келган. Бу шаъарда ыадимдан савдо-сотиы, ъунармандчилик, косибчилик, илм-фан, турли босыичларда, шароитларда, тарихий воыеалар ривожида щз аксини топган. Бу шаъар VIII-X асрлардаёы Фарьона водийсида, Щрта Осиёда маданияти ва саноати ривожланган шаъар сифатида шуърат топган. Тарихий ривожланиш

жараёнида маданий-маорифий, саноат ва адабиёт олами билан боьланган ъолда аллома-ю, уламолар, шоир-у фузалолар, олиму мухаддислар, саноатнинг намояндалари етишиб чиыыанки уларнинг зиё нурларидан ъозиргача бахраманд бщлинмоыда.

Бутун мусулмон дунёсига машъур бщлган ислом ыонуншунослигининг барча жабъаларини щз китобларида акс эттирган улуь аллома Бурхониддин Марьиноний (Али ибн Абу Бакр Ал-Фарьоний, ар-Риштоний) ъам шу заминда таваллуд топганлар. Алломанинг энг машъур асари «Ъидоя фили фурруо» (шариат соъалари бщйича ыщлланма) мусулмон оламининг муыаддас китобларидан ъисобланади. Марьилон – шеорият оламида Хщыанд билан бщйлашади. Щз шеорияти билан назм бщстонини гулзорлари аро турфа гуллар билан безаган, бешафыат ъаёт дардларидан маъзум бщлган, «Юрак доь щлди – доь щлди» дея фарёд этган Увайсий-Жаъон отин сиймосида Марьилон номи улуьланади. Тарихдан Амир Умархон – жаннатул макон, деб номи машъур бщлган Ыщыон хони ва машъур шоир щн йилдан ортиы Марьилон ъокими бщлган ва 1807 йили Марьилонда унинг уйланиш тщйи бщлиб, Андижон ъокимининг ыизи Моълар ойим, оташзабон шоира Нодирабегим, Марьилонга келин бщлганлар. Маолум муддат бу гщзал шаъарда яшаб, ижод ыилганлар. Увайсий ва Нодирабегимнинг устоз-шогирдлик маыомлари тилларда достон бщлиб келади.

Марьилонда яна бир улуь сиймо яшаб щтганки бу табаррук сиймо Ъщжажон ыози Рожий Марьинонийдир. Ул буюк зот ъам тарихда, ъуыуыда, адабиётда тенгсиз зоти зариф бщлганлар. Абдулазиз Умидий, Файзий Марьиноний, Муъаммадюсуф Охун Хонаыохий, Аъмад ыори Чорчинорий, Ибрат Марьиноний, Ъазилваъоб ыори, Арабоний Марьиноний сингари шоиру замонлар шу замин фарзандларидурлар.

Марьилон – Щзбекистон саноатиниг бешиги саналади. Бу шаъарда Юсуфжон ыизиы Шакаржонов, Мадали Ъофиз, Уста Олим Комилов, Муъиддин ыори Ёыубов, Тамарахоним, Гавъархоним, Лизахоним, Нурхон Йщлдошхщжаева, Болтабой Ражабов, Маматбобо Сатторов, Мукаррама Турьунбоева, Боборахим Мирзаев, Саодат Ыобулова, Берта Давидова сингари щзбек саноатини жаъонга таратган улуь саноаткорлар таваллуд топганлар. Уларнинг ъар бирлари миллий саноатимиз салномасида щз щринларига эга бщлиб, тарихда ыолдилар.

1912 йили Москванинг «Роберт-Кенц» фирмаси экспедицияси марьилонлик Мадали Ъофизнинг «Абдураҳмонбеги» туркумидаги ашулаларини ёзиб олади. 440-раыамли бу грампластинка ъофизнинг щьли машъур бастакор Муъаммадсиддиы Мадалиевда саыланган ва саноат музейига топширилган.

1918 йилда Марьилон шаърида «Санойи нафиса» тузилади. Юсуфжон ыизиы, Болта ъофиз, Маматбобо Сатторов, уста Олим Комилов, Отахщжа Саидхщжаев, Ыщзихон Мадрахимов, Муҳаммадсаид чангчи, Йщлдош махсум найчи, Абдураъмон ьижжакчи, Жщрахон Султоновлар аозо бщлиб кирадилар.

1926 йилда Марьилон шаърида Щзбекистон Давлат этнографик ансамбли ташкил этилади. Ансамблга Муъиддин ыори Ёыубов раъбарлик ыилади. Бу

ансамблга юыорида номлари зикр этилганлар ыаторида Тамарахоним, Аҳмаджон Умрзоыов, Тщхтасин Жалилов, Абдуыодир Исмоилов, Орифжон Тошматов, Низом Холдоров, Муҳитдин Хщжаев, Боборахим Мирзаев, Ҳожи Сиддиы Исломов, Туъфахон, Холчахон ая сингари таниыли саноаткорлар кирдилар. Бу ансамбл машъурлиги билан тарихда ном ыолдирди.

1935 йилда Англиянинг Лондон шаърида щтган жаъон фестивалида марьилонлик саноаткорлар Муҳиддин ыори Ёыубов, Тамарахоним, уста Олим Комиловлар ыатнашадилар. Тамарахоним уста Олим томонидан доирада чалинган «Катта щйин» раысига тушади. Раыс тугагандан сщнг Англия ыироличаси Мария Ложалон саънага чиыади, устанинг чилдирмасини ыщлга олиб кщради ва панжаларини ушлаб, ушбу мщожизакор панжалардан гипсга нусха олиб, Лондон музейига ыщйишга буюради. Бу нусха ъозиргача саыланади.

1937 йил Москва шаърида бщлиб щтган щзбек саноати декадасида ъам марьилонлик саноаткорлар олдинги сафда бщлдилар. Умумхалы ъашарига айланган катта Фарьона канали ыурилишида 45 кун давомида барча саноаткорлар ыатори марьилонлик саноаткорлар сидыидилдан меънат ыилдилар. Бу тасвирлар киноленталарга муърланиб тарихга кирган. Айниыса Жщрахон Султонов, Маомуржон Узоыов, Тамарахоним акс этган кинолентал

ар халы бойлигига айланган.

Мухтасар ыилиб айтганда, турли йилларда Марьилон шаърида яшаб ижод этган саноаткорлар щзбек саноати ривожига сезиларли ъисса ыщшиб келмоыдалар. Бугунги мустаыиллигимиз туфайли ыайтадан маонавиятимиз кщз очаётган бир даврда щзининг муборак тарихий тщйини нишонлашга тайёргарлик кщраётган ыадимий ва навыирон Марьилон шаърининг маданият ва саноат аъли аждодларидан олтин мерос бщлиб келган халы саноатининг барча ыирраларини, кщз ыорачиьидек асраб, келгуси авлодларга етказадилар.

## МАРЬИЛОН – САНОАТКОРЛАР ШАЪРИ

А.Умаров, Ш.Долимов
ФарДУ

Марьилон шаъри азал-азалдан маданият, саноат соъасида бошыа шаъарлардан кам бщлмаган ъолда ривожланиб келган. Саноатнинг деярли барча соъаси, айниыса ашулачилик, созандалик, ыизиычилик, аския, театр, раыс каби саноат турлари Марьилонда доим юксалиб келганлиги маолум. Марьилон саноаткорлари, уларнинг ижодлари ъаыида жуда кщп мисоллар, далиллар келтириш мумкин. Биргина ашулачилик соъасини олиб ыараганимизда ушбу шаъардан машҳур ъофизлар Мадали ъофиз Раъматуллаев, Муъиддин ыори Ёыубов, Боборахим Мирзаев, собиы совет иттифоыи халы артисти Тамарахоним, Щзбекистон халы ъофизлари Маматбува Саттаров, Болтабой Ражабов, Жщрахон Султонов, Маомуржон Узоыовлар щзларининг ноёб саноатлари, довудий овозлари билан бутун Щрта Осиёни забт этганлар. «Шошмаыом»нинг Фарьона-Тошкент йщлларини, «Фарьона чор маыоми»,

айниыса фаыат водийда машъур бщлган «Катта ашула» жанрини ушбу ҳофизлар маромига етказиб куйлаганлар. Улардаги ноёб овоз имкониятларининг щзига хослиги, диапозони кенглиги, тембри жиъатдан кучли эканлиги билан ъар ыандай мусиыий асарни бемалол куйлаганлар. Шунингдек, улар щзлари ъам янги-янги ашулалар яратиб, тингловчиларни мафтун этганлар. Шунинг учун ъам уларнинг номлари щчмасдан, фахр билан тилларда, дилларда мудом ёд этилмоыда. Ушбу мумтоз хофизлар яратган асарлар ъозирги кунда ёш ъофизлар томонидан ыайтадан щрганилиб, иккинчи умрини щтамоыда. Бунга мисол ыилиб Мадали ъофиз Раъматуллаев куйлаган «Абдураъмонбеги», Тамарахонимнинг «Эрта билан тураман», «Чаманнорингдан», Мухиддин ыори Ёыубов ижро этган «Омон ёр», Маматбува Сатторов куйлаган «Бир келиб кетсун», «Кщп эрди ъасратим жоно», «Ыулинг», «Айладинг», «Эй дилбари жононим», Болтабой Ражабов ижро этган «Келибман», «Эй санам», «Жудо ыилма», «Бу гулшан», Жщрахон Султонов ижросидаги «Нигорим ыани», «Оъ ким раъм айламас», «Чор зарб», «Чаман яла», «Боь аро», Маомаржон Узоыов куйлаган «Ёр истаб ва мустаъзод», «Якка бу Фарьонада», «Фиьонким», «Жонон бщламан деб», «Жонон келадур», «Айрилмасун» каби ашулаларни келтиришимиз мумкин. Мадали Ъофиз Раъматуллаев, Болтабой Ражабов ва Маматбува Сатторовлар ъаыли равишда «Катта ашула» мактабининг пири комиллари сифатида тан олинган. Жщрахон Султонов ва Маомуржон Узоыовлар дастлаб шу мактаб вакиллари ъисобланиб, биргаликда ъамнафас бщлиб, 1950 йилларгача фаолият юритганлар. Кейинчалик Жщрахон Султонов Щзбекистон радиоси ыошидаги маыомчилар ансамблида, Маомуржон Узоыов эса бир неча йиллар мобайнида Муыимий номидаги Щзбек Давлат мусиыали драма ва ъажвия театрида ашулачи актёр, сщнгра Щзбекистон халы артисти Муъаммаджон Мирзаев раъбарлик ыилган щзбек миллий эстрада ашула ва раыс ансамблида яккахон ъофиз сифатида фаолият кщрсатган. Маомуржон Узоыов ижодининг энг гуллаган даври ана шу эстрада ансамблида ишлаган кезларига тщьри келади.

Ушбу мумтоз ъофизларимиз бошыа юрт саноаткорлари билан ъам биргаликда ижодий ъамкорлик ыилиб, Фарьона йщлларидан ташыари Хоразм, Бухоро каби воъа ашулаларини маоромига етказиб ижро этганлар. Бу тщьрида хоразмлик устоз саноатикор, Щзбекистон халы ъофизи Ъожихон Болтаев, Жщрахон Султонов саноатига шундай баъо берган эди: «Жщрахон, Сиз Хоразм йщлларидаги ашулаларни биздан щрганасиз-да, уни пардозлаб, ясантириб, янада жозибали ыилиб ижро этасиз. Биз бунга тан бермоыдамиз».

Мумтоз ъофизлар щз саноатларини турли халы сайилларида, концертларда, тщйларда халы олдида намойиш ыилганлар. Шу щринда щтмишдан Марьилонда ъар йили щтказилиб келинаётган, аноанага айланиб ыолган саноаткорлар йиьинини айтиб щтиш жоиздир. Ъар йили баъорда Марьилон яыинидаги «Хщжамаьиз» сайилгоъига барча саноаткорлар тщпланадилар ва бу ерда щз ижодларини намйоиш этадилар. Ушбу анжуманга ъатто бошыа шаъарлардан ъам машъур саноаткорлар таклиф ыилинади. Щтмишда Тошкентдан машъур ъофиз Муллатщйчи Тошмуҳаммедов, ъщжандлик Содирхон ъофиз, Маоруфъщжа Баъодиров, Андижондан

Орифгармон Тошматов, Ыщыондан Эркаыори Каримов ва бошыа ъофизлар ушбу анжуманда ыатнашганлари маолум. Бу йиьинда саноаткорлар щртасида ыизиыарли ижодий беллашувлар, ашулапазликлар бщлиб келган. Бундай анжуманни тамоша ыилгани минглаб кишилар тщпланганлар, саноаткорларнинг серфайз чиыишларини олыишлаб турганлар. Бу аноана ъозирги кунда ъам ъар йили марьилонлик саноаткорлар томонидан такрорланиб келинмоыда.

Щтмишдаги машъур ъофизлар ва уларнинг бетакрор саноатларини кейинги йилларда марьилонлик, ыутидорли ашулачилар Щзбекистонда хизмат кщрсатган артист Шокиржон Эргашев, хушовоз хонандалар Иброхимжон Исхоыов, Мусожон Орипов, Ботирали Юсупов ва аёл ашулачилардан Щзбекистон халы артисти Берта Довидова кабилар давом эттириб, эл-юртга беминнат хизмат ыилиб келдилар. Ушбу аноанани-устоз хофиз ашулачиларнинг йщлларини ъозорги кунда ъам давом эттириб келаётган ыутидорли, навыирон ва ёш саноаткорлар борки, улар билан барча марьилонлик ъамшаъарлари хаыли равишда фахрланади. Щзининг ноёб ва жозибали овози, сермаъсул ижоди билан щзбек саноатини жаъонга танитаётган Щзбекистон халы артисти Юлдузхон Усмонова, Щзбекистонда хизмат кщрсатган артист Камолиддин Раъматов, устоз, хушовоз хонандалар ака-ука Кщпайсинжон ва Имяминжон Ыирьизовлар, Каримжон Раъматов, ёш хонандалар Аозамжон Ахмадалиев, Нуриддин Асыаров, Абдуъаким Ортиыов, Мщосинжон Раъмонов, Комилжон Азимов, Юлдузхон Абдуллаева ва бошыалар шулар жумласидандир.

Мустаыиллик йилларида мамлакатимиз маданияти, саноати ривожига янада катта эотибор берилмоыда. Турли кщрик-танловлар, мусиыий анжуманлар щтказилмоыда. Ана шундай тадбирлардан бири Маомуржон Узоыов номидаги ёш хонандалар 1-2-3 Республика кщрик-танлови 1997-1999-2001 йиллар мобайнида, саноаткорлар шаъри Марьилонда щтказилди. Ушбу танловда Щзбекистоннинг барча шаъар ва ыишлоылари 7 ёщдан 70 ёшгача бщлган юзлаб ыутидорли хонанда йигит ва ыизлар ыатнашдилар. Анжуманлар ниъоятда тантанали тарзда щтди. Марьилон шаърининг маданият ва истироъат боьида щтказилган бу кщрик-танловнинг ъар бирига минглаб томошабин-шинавандалар йиьилдилар ва ёш ъофизларнинг ъар бир чиыишларини олыишлаб турдилар. Хонандаларнинг ижроларини ъайоат аозолари Щзбекистон халы ъофизи Щлмас Саоиджонов, Щзбекистон халы артисти, бастакор ва созанда Абдуъошим Исмоилов, Щзбекистонда хизмат кщрсатган маданият ходими, устазода, бастакор ва созанда Мамасиддиы Мадалиев ва бошыа шоиру, олимлар баъолаб бордилар. Ушбу мисолдан ъам кщриниб турибдики, Марьилон шаъри ъозирги кунда ъам ъаыиыий саноат марказига айланиб бормоыда.

Марьилон шаърининг 2000 йиллик тщйига атаб ыурилиш, ободонлаштириш ишлари ыизьин давом этаётган ъозирги кунда марьилонлик саноаткорлар ъам ушбу тантанага атаб янги-янги ижод намуналарини тайёрламоыдалар.

## «КУЛИНГ, УМРИНГИЗ УЗУН БЩЛАДИ»

Х.Умаров - ФарДУ

Марьилон шаърида ыизиычилик, аския санъати алоъида щрин тутади. Марьилонлик машъур аскиячи, ыизиычилар – Матъолиы ыизиы, Юсуфжон ыизиы, Усмон ыизиы, Сулаймон ыори, Охунжон ыизиылар XIX аср охири XX аср бошларида щзбек ыизиычилик саноатини бутун Щрта Осиёга машъур ыилганлар. Тарихий манбаларнинг гувоълик беришича, Юсуфжон ыизиы Шакржонов бошчилигидаги бир гуруъ марьилонлик саноаткорлар 1905 йилда Эрон, Афьонистон давлатларига бориб концертлар намойиш этганлар.

Щзбекистоннинг хонлик, Россияга ыарам бщлган даври ва собиы советлар ваытида халыыа ъизмат ыилган Юсуфжон ыизиы серыирра саноаткор бщлиб, созанда, ыизиычи, аскиячи, ъикоячи, раыыос, балетмейстерлик саноатларининг устаси эди. Уни саноаткорлар ва бошыа кишилар бежиз «уста» деб аташмаган.

Ушбу ыизиычи саноаткорлар халы сайилларида, байрамларда, тщйларда щз саноатларини намойиш ыилганлар. Уларнинг ыизиычилик саноатида кулги билан бирга таныидий фикрлар ъам ётган. Турмушдаги айрим камчиликлар ыизиычилик саноати орыали фош этилган.

Ыизиычиларнинг репертуарида «Мударрис», «Кетмон жанжали», «Асал-ари», «Етти аъмоы», «Мироб-боши». «Хитойлик табиб», «Дор щйини» каби щнлаб ыизиы саъна кщринишлари бщлганлигини устоз ыизиычиларнинг шогирдлари билан суъбат асносида аниыладик. Ёшлигидан устозлари билан бирга юрган, уларнинг хизматларида бщлган марьилонлик отахонимиз Орифжон ыизиынинг эслашича, биз юыорида номларини ыайд этган ыизиычиларнинг устози Матъолиы ыизиы бщлган экан. Бир куни устозларининг бетоблигини эшитиб Юсуфжон ыизиы шериклари билан устозларини кщргани киришибди. Ъол-аъвол сщралганда Матъолиы ыизиы: «Тузук эдим, кечадан бошлаб яна ыайтовланиб ыолдим, бандачилик, мабода кетиб ыолсам мендан рози бщлинглар, яхши-ёмон гапирган бщлсам узр», - дебди. Шунда шогирдлари: «Ундай деманг устоз, ъали кщп яшайсиз, лекин щзингиз айтгандек – бандачилик, бу дунёга ъамма меъмон, мабодо кетиб ыолсангиз аввал щтган ыизиычиларга биздан салом айтасиз», - деб ъазил ыилишибди. Шунда устозлари: «Мен бир бориб кщрай-чи, у ёыда каттароы тщй бщлиб ыолса сизларни ъам олиб кетаман», - деган эканлар. Ана, бундан кщриниб турибди-ки, щз касбига фидоий саноаткорлар оьир, беморлик ъолатида ъам кулгини, кулгили сщзларни тарк этмаганлар. Шунинг учун ъам щтмишдаги фидоий саноаткорларни: жумладан, кулги соъибларини халы доим севиб ардоылаб келган ва уларнинг номларини, ыизиы гапларини ъамон севиб тилга олади.

Щтмишдаги ыизиычи, аскиячиларнинг саноатларини кейинчалик Юсуфжон ыизиынинг щьиллари Зайнобиддин ва Мадаминжон Юсуповлар умрларининг охиригача давом эттириб келдилар. Ъозирги кунда эса уларнинг давомчилари, марьилонлик Орифжон ыизиы Усмонов, Щзбекистонда хизмат

кщрсатган артист Мамасиддиы ъожи Шераев, Хотамжон Хакимжонов ва бошыалар халыни кулдириб келмоыдалар.

Фарьона водийси саноатнинг барча турлари, айниыса ыизиычилик, аския, ъикоячилик соъаси бутун Щзбекистонда олдинги щринда турса, марьилонлик, ыщыонлик кулги соъиблари эса водийда пеш ъисобланадилар.

Биз ушбу маорузамизда Марьилонимизнинг ыизиычилик саноати тщьрисида ыисыагина тщхталдик холос. Аслида Марьилон аълининг учдан-бир ыисми ыизиычи, аскиячи. Кулги-бу киши саломатлигига фойда дейишади. Юсуфжон ыизиы айтганидек: «Кулинг, умрингиз узун бщлади».

МАРЬИЛОН МЕЪНАТ МЕНТАЛИТЕТИ

Ф.Турьунбоев, А.Турьунбоев - ФарДУ

Ъар бир ъалынинг тарихи одатда меънат ёрдамида шаклланади. Щзини бщй бастини кщрмоычи ёки щзгаларга кщрсатмоычи бщлган ъалы табиий равишда меънат муваффаыиятларига, саръисоб ыилинаётган даврда эришган улкан ютуыларига, щзгалар томонидан тан олинган алоъида меънат менталитетига мурожаат ыилади. Гап у ёки бу шаъарни неча ёшга киришидагина эмас, балки кишилик жамиятига, унинг ривожи ва тараыыиётига щтган давр мобайнида нима бера олганлигидадир. Тарихан шаклланиб келмаган фаолият тури щз - щзидан меънат менталитетига маънавий - руъий асос бщлаолмайди.

Гап щзбек ъалыининг щтмиши, меънат тарихи, авлоддан – авлодга щтиб келаётган меънат менталитети хусусида борар экан, унда Марьилон шаърининг щзига муносиб тарихий щрни борлигига ъеч шубъа йщы.

Марьилонликларга хос тарихий шаклланган меънат менталитетининг ыуйидаги асосий хусусиятларини кщриш мумкин.

Биринчидан, Марьилон меънат менталитети щзининг кщп ыирралилиги билан ажралиб туради. Бунга шаъарнинг Ыщыон ва Андижон щртасида, Буюк Ипак йщлида жойлашганлиги кучли таъсир кщрсатган. Савдо - сотиы ыилиш учун йщлга чиыыан турли карвонлар бу шаъарга щзлари билан бирга нафаыат ыщли гул усталарни, шу билан бирга турли - туман касб - ъунарларни ъам эркин кириб келишига ыулай шарт – шароит яратган. Натижада маъаллий ъалы вакиллари щзга юртларда харидоргир бщлган буюм ва маъсулотларни ишлаб чиыиш учун савдогар ва ъунармандлардан усталик билан фойдаланганлар.

Иккинчидан, Марьилон меънат менталитети щзининг миллий хусусиятларни саылашга, табиий ва миллий хусусиятларни щзаро мувофиылашишига алоъида эътибор бериши билан ажралиб туради. Марьилон ъалыи азалдан тщыимачилик ва газламачилик, дщппичилик ва тщнчилик каби соъаларга алоъида эътибор ыаратганлиги асло бежиз эмас, чунки айнан миллийлик уларда мужассамлашгандир. Шаъарда бу соъада якка тартибда меънат ыилиш ыобилиятига эга бщлмаган биронта ъам одамни бугун ъам учратишнинг ыийинлиги уларга хос меънат менталитети хусусиятларини намоён ыилиб турибди.

Учинчидан, Марьилон меънат менталитети щзининг ъар томонлама шаклланган миллий маданиятга эгалиги билан диыыатга сазавордир. Марьилонликлар тайёрлаган ъар бир буюм, мато, ноз – неъматлар, маданий ва маиший хизмат турлари юыори сифати, нафис кщриниши, раыобатбардошлиги, чидамлилиги, хушбичим ва хуштаъмлиги билан харидорни щзига жалб ыилади. Меънат менталитетига хос бу хусусиятлар бугун ёки кеча пайдо бщлган эмаслигини тарихий – маданий ёдгорликлар аниы кщрсатиб турибди. Шаъар аъолиси ыадимдан бошлаб энг нозик касб – ъунарларни эгаллаб, юыори турмиш маданиятига интилиб яшаган.

Тщртинчидан, Марьилон меънат менталитети щзининг давр билан ъамнафаслиги, давр эътиёжларини тез ильай олиши, замонга тез мослашган ъолда меънатнинг янги – янги турларини щзлаштира олиши билан эътироф ыозонган. Албатта бу хусусият кишидан ката ъаётий тажриба, билим ва малака

талаб ыилади. Шаъар аъолиси щзларига хос бщлган меънат менталитетини шакллантириш борасида алоъида мактаб яратганки, уни щзлаштириб олиш учун аввало Марьилонда яшаш талаб этилади.

Марьилон меънат менталитетига хос бу ва бошыа муъим хусусиятлар бугунги кунда янада такомиллашиб, Мустаыиллик шарофати билан том маънода янгиланиб, яшариб щзбек халыининг ифтихорига айланиб бормоыда. Щзининг 2000 йилик шонли тарихини нишонлаш учун тайёргарлик кщраётган шаъарда ката бунёдкорлик ва яратувчанлик ишларини олиб борилишида меънат менталитети бош омил бщлмоыда. Шаъарнинг ъар бир маъалласига хос тарихий меънат анъаналари ыайта тикланиб, замонавий мазмун ва моъият ъосил ыилмоыда. Бугун шаъар катта ыурилиш майдонига айланиб, уста ва ъунармандларни щзига чорламоыда. Тадбиркорлик ва ишбилармонлик ъар бир шаъарликнинг фаолият мазмунига айланиб, озод ва обод шаъар ыурилишига асос бщлмоыда.

Бугунги Марьилон меънат менталитетига хос устивор йщналишлар сифатида асосан ыуйидагиларни кщрсатиб щтиш мумкин:

а) кичик ва щрта тадбиркорликни устивор ривожлантириш;

б) аъолига маданий-маиший хизмат кщрсатиш тизимини кенгайтириш;

в) хорижий сармояларни жалб этиш йщли билан ыщшма корхоналар ташкил этиш;

г) хусусий ва якка тартибда фаолият кщрсатиш тизимини устивор ривожлантириш;

д) аъолига ыурилиш ва транспорт соъасида кщрсатилаётган хизмат турлари сифатини жаъон андозалари талаблари даражасига кщтариш;

Юыоридаги фикрлардан келиб чиыиб шуни таъкидлаш мумкинки, меънат менталитетимизнинг тарихий щчоыларидан бири бщлмиш Марьилон шаъри щзининг 2000 йиллик тщйига муносиб равишда янгиланиб, яшариб кириб келмоыда.

## ДИЛКУШО САНЪАТ СОҲИБИ

А.Хасанов, Р.Хасан**ова** - ФарДУ

Кщҳна Марьилон шаҳрида асрлар давомида маданият саноат, маонавият ва миллий аноаналар ривож топган. Халы орасида вояга етган истеодод эгалари щз ижодлари билан халынинг меър-муъаббатига сазовор бщлганлар.

Дарҳаыиыат, жамиятимиз орасида шундай инсонлар бщладики, щзига берилган ыисыагина умри мобайнида сермазмун, ъалол, машаыыатли меънати билан асрларга татигулик щчмас из ыолдиришга улгуради.

Шундай инсонлардан бири устоз чангчи Аърор ыори Ъасановдир. Аърор ыори Ъасанов 1889 йилда Марьилон шаърининг Сармазор даъасида таваллуд топган. У инсон Оллоъ берган истеъдод эгаси, моъир чангчи, раыыос ва барча созларнинг моъир ижрочиси (XX-аср охирларидаги миллий мусиыа асбобларини жумладан скрипка, рубоб, танбур, доира каби асбобларни мукаммал даражада эгаллаган) устоз саноаткордир.

Аъроp ыори Ъасанов Фарьона водийсида биринчи бщлиб, бадиий ҳаваскорлик тщгаракларини ташкил ыилиб, ХХ –аср саноат соъасини илк пойдеворини барпо этган маданият ходимларидан бири ъисобланади. Унинг бу фаолияти 1926 йилдан бошланган бщлиб, миллий мусиыа асбоблари билан болалар уйларида, артелларда, техникумларда, бадиий ъаваскорлик тщгаракларида ёш ҳаваскорларга илк мусиыа сабоыларидан дарс берган. Лекин устоз саноатга ыизиыыан хотин-ыизларни ота-оналари розилиги (Щша даврларда щзбек оилаларида саноатга ыизиыыан ыобилиятли ыизларни ота-оналари ушбу соҳани эгаллашларига йщл ыщймас эдилар) билан уйларига ъам бориб раыс, ашуладан сабоы бериб, ташна кщнгилларга маонавий озуыа улашган.

Аъроp ыори Ъасанов ыаерда ишламасин щша ерда миллий мусиыа, ашула, раысни тарьиб ыилиб, кщплаб Саодатхоним Ыобулова, Жщрахон Султонов, Маомуржон Узоыов, Назиржон Камолов, Тамархоним, Гавхархоним, Юсуфжон Махмудов, Отахщжа, Масаидхщжа, Ҳамидхон, Боборахим Мирзаев, Исмоил Мирзаев, Вахобжон Мирзаев, Орифжон Усмонов, Искандар Ыаландаров каби буюк саноаткорларга раҳнамолик ыилган.

Устоз умрининг сщнгги йилларига ыадар ушбу соҳада фаолият юритиб, 1959 йилда Марьилон шаҳрида вафот этган.

Аммо у бизларга миллий мусиыа асбоблари, миллий мусиыа ва ашулаларни етиб келишига катта ҳисса ыщшган устоз саноаткордир.

Хулоса щрнида таокид жоизки, бундай саховатпеша Аъроp ыори Ъасанов каби устозларнинг ибратли фаолияти сабабидан Марьилон саноати гуллаб-яшнаб келмоыда. Бу саноат бщстонидан наф олган мамлакатимиз халыи ыалбида эзгу ниятлар жщш уриб, эзгу амалга доъил бщлаётир. Бу эса юртимиз обод, турмушимиз фаровон, жамиятимиз дилкушолиги учун маонавий асос бщлиб хизмат ыилмоыда.

## ЁШЛАР ОНГИДА МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ ҒОЯСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА МАЪНАВИЙ МЕРОСНИНГ РОЛИ ВА ЎРНИ

А.Шодиев, У.Эргашев, М.Нишонбоев ФарПИ

Жамият тараққиётининг барча даврларида ривожланишнинг моҳияти, унинг суръатлари инсонларнинг маънавий камолоти даражасига боғлиқ бўлган. Қайси ерда маънавий камолот юксак бўлиб, маърифий-тарбиявий тадбирлар оқилона йўлга қўйилган бўлса, ўша мамлакатда жамият ижтимоий мезонлар асосида ривожланганлиги тарихдан маълум.

Маълумки, мустақиллигимиз шарофати билан биз ўз миллий давлатчилигимизга, қомусимизга эга бўлиш билан, маънавий-маданий меъросимизни, халқимиз қахрамонлари тарихини, аждодларимиз ўгит-насихатларини ўқиб ўрганиш имкониятига эга бўлдик.

Неча минг йиллик тарихий такомил йўлини босиб ўтган Марказий Осиё халқлари маънавияти VIII аср охири ва IX аср бошларидан янги камолот

пиллапояларидан кўтарилиб, IX-XV асрлар мобайнида ягона ислом маданияти шаклида намоён бўлди.

Бу тарихий даврда буюк алломаларимиз Ахмад Фарғоний, Мухаммад Хоразмий, Ибн Сино, Абу Райхон Беруний, Имом Бухорий, Амир Темур, Улуғбек, Алишер Навоий, Бобур каби буюк сиймолар жахон илм-фани ва маданиятининг равнақига улкан хисса қўшдилар.

Бу йўналишда тарихан қисқа муддат ичида амалга оширилган кенг кўламли ишлар Президент Ислом Каримовнинг собит қадамлик билан олиб бораётган доно ва халкчил сиёсатининг самараси эканлигини ёшлар онгига етказмоқ лозимдир. Унинг "Тарихий хотирасиз келажак йўқ" асарида тарихни билмасдан туриб, юксак маънавиятга эришиш мумкин эмаслиги қайд этилиши билан "Жамият тараққиётининг асоси, уни муқаррар халокатдан қутқариб қоладиган ягона куч-маърифатдир", - деб таъкидланади.

Маънавий инқироз қачон бошланган? Маънавий инқироз ўлкада Россиянинг босқинчилик сиёсати билан бошланган эди. Чор Россияси ўлка халқларини доимий қолоқликда сақлаб туриш, тобе халқнинг маънавиятига таъсир қилиш ва ўз маънавиятини бу халқ орасида ёйишга харакат қилиб, унинг маданияти, миллий анъаналари, миллий рухини йўқотишга уринди. Лекин, золим мустамлакачи хукмдорлар нечоғлик уринмасин, халқимизнинг илм-маърифатга интилишини бирор дақиқа ҳам тўхтата олмади. Зеро, бу халқнинг ўз маънавий-меросини асраб-авайлаши унинг қадрияти эканлигини айниқса, ёшлар тарбияси масаласида унутмаслигимиз керак.

XX аср бошларида бир гурух илғор зиёлилар Бехбудий, Фитрат бошчилигида маънавиятни миллий асосда қайта ривожлантириш, уни илгариги мақомга кўтариш учун мактаб очиб, халқни ўз хақ-хуқуқларини танишга даъват этган эдилар.

Уларнинг маънавий мероси хақида сўз юритганда, бу маърифатпарварлар фақат бойлик ва шон-шухрат кетидан қувмаганлар. Уларнинг истибдодга қарши аёвсиз кураш олиб борганликларини ва бу муқаддас кураш йўлида ўз жонларини ҳам аямаганликларини унутмаслигимиз керак.

"Биз комил инсон тарбиясини давлат сиёсатининг устувор соҳаси деб эълон қилганмиз", -деб уқтиради юртбошимиз. Демак, бизнинг хозирги кундаги асосий вазифамиз-юксак онгли, мустақил фикрлайдиган, хулқ -атвори билан ўзгаларга ибрат бўладиган билимли ва маърифатли ёшларни тарбиялашдан иборатдир. Ёшлар тарбиясида, яъни сиёсатда ҳам, ижтимоий хаётда ҳам вакуум – яъни бўшлиқ пайдо бўлса ўша ерда бегона мафкура хукмронлик қилишини эътибордан четда қолдирмаслигимиз керак. Юртбошимизнинг бундай изчил, доно хулосасининг тўғри эканлигини мамлакатимиз учун оғир синов бўлган "Феврал воқеалари" яққол исботлади. Бугун замон ахлоқ, одоб борасидаги миллий, умуминсоний қадриятларга риоя этиш, ота-онани, қўни-қўшниларни, қариндош-уруғларни, ёру-бbirодарларни хурмат қилиш, инсонни улуғлаш, жамиятда осойишталик ва тинчлик, аҳиллик, тотувлик қарор топишига хисса қўшиш, шунингдек, тарбия-таълимни миллий, умуминсоний қадриятларга асосланиб амалга оширишни талаб қилади.

Хуллас, жамиятда ёшларга маънавий меросни нафақат ўргатиш, балки уни янада бойитиш ва келгуси авлодга ҳам етказиб бериш хозирги давр талабидир. Ёшларда маънавият сарчашмаларидан бахраманд бўлиш замини қанчалик қудратли бўлса, уларда халқ, Ватан ишига фидойилик, хаётга соғлом назар билан қараш, улуғ аждодлар анъаналарига содиқлик, меҳнатсеварлик, дўстга меҳрибонлик, душманга нафрат туйғуси камол топиб бораверади.

"Тарихий хотираси бор инсон – иродали инсон", -деб таъкидлайди юртбошимиз. Жамиятнинг ҳар бир аъзоси, айниқса ёшлар ўз ўтмишини яхши билса, бундай одамларни йўлдан уриш, ҳар хил ақидалар таъсирига тушириш мумкин бўлмайди. Тарих сабоқлари инсонни хушёрликка ўргатади, иродасини мустахкамлайди.

## МАРҒИЛОН АТЛАСИНИНГ ШОНИ БОР, ЭЛГА МАНЗУР ОЛТИН ИПАК КОНИ БОР

М.Нажмиддинова., С.Тиллаева - ФарДУ

Марғилон атласларининг ўз яратилиш тарихи, маъно-моҳияти бор. "Наврўз" номли атлас шод-хуррамлик худди байрамона руҳни акс эттирган бўлса, "Соҳибқирон Амир Темур" номли нусхада икки хил тасвир бор. Бирида тожу тахт салтанати намоён этилади. Иккинчисида эса гўзал Самарқанд чиройли тасвирга туширилган. Буюк аллома Аҳмад ал-Фарғоний таваллудининг 1200 йиллигига аталган атласга алоҳида жило берилган. Унинг гуллари сокин, ложувард осмон гумбазида, худди алломанинг жаҳонга донғи кетган шону шуҳрати каби чарақлаб турган қуёшнинг зарин нурларини намойиш этади. Момоларимиз севиб кийган ''Бодом нусха", ''Адрас'', ''Нигора'', "Парпаша", "Қора атлас", "Барги карам", "Чақирим", "Номозшомгул", "Қора кўзим" хонатлас нусхалари ҳозирги замон руҳига мосланиб қайтадан таъмирланди. Натижада, кўпчилик суйиб киядиган пишик, пухта матолар юзага келди. Уларнинг ҳар бири шундай маҳорат билан ишланганки, киши эътиборини беихтиёр ўзига жалб этади.

Бир хил нусхадаги хонатлас тўқилиб тайёр ҳолга келгунга қадар 20 хилдан ортиқ меҳнат жараёнини босиб ўтади. Айниқса, атласнинг харидоргир чиқишида ранг тайёрлашнинг аҳамияти катта. Маҳаллий хом ашё ҳам арзон, ҳам табиий маҳсулотлардан бўлган анор пўстлоғи, ёнғоқ, шотут, тухмак дарахтларидан олинадиган бўёқлардан тезда ўнғимайдиган, сифатли рангворлар тайёрлаш мумкинлигини моҳир ҳунармандлар ота-боболаримиз тажрибасидан фойдаланиб ўзлаштирдилар.

Қадим ривоятларга кўра атласга гул солиш булут соясидан олинган экан. Шу боис ҳам атласга гул солувчи нусха яратувчи «Арбандчи», яъни «Булут боғловчи» деб номланади. Кўҳна Марғилонда қанчадан-қанча устоз арбандчилар ўтганлар. Абдусамад ота, уста Холматжон, Муҳаммаджон Собиров, Шарифжон Ҳусанов, Солижон ота Тошпўлатовлар шулар жумласидандир. Ҳозирда ҳурмат ва эхтиром билан тилга олинувчи моҳир арбандчи Турғунбой ака Мирзааҳмедовдир. У бу касбни ота-боболаридан,

қолаверса юқоридаги устозларидан мерос қилиб олган. Саккиз ёшли болакай отаси ёнида атласга гул солиш, чизиш, териш, тайёрлаш ва тўқиш сирларини қунт билан ўрганди. 15 йил давомида «Атлас» фирмасида абрбандчилик билан машғул бўлди. Турли-туман атлас нусхаларини яратди. 1976-йилги Лейпциг ярмаркасида ўзи яратган атлас нусхаси учун 1-даражали диплом соҳиби бўлди. «Ҳуррият», «Оромижон», «Табассум», «Танноз», «Сайқал», «Марғилон», «Фарғона дарвозаси», «Турон», «Мустақиллик», «Соҳибқирон», «Бибихоним», «Самарқанд сайқали», «Улуғбек юлдузи» ва ҳ.к. яратишдан ташқари у йўқолиб бораётган нодир нусхаларни топиб тиклади. “Банорас”, “Беқасам”, ” Шоҳи Адрас” нусхалари шулар жумласидандир.

У ўз устида тиним билмай ишлайди. Устоз арбандчилик тарихи атлас нусхалари асосида махсус алъбом яратган, атласнинг янги-янги нусхалари устида изланишдан чарчаб толмайди. Турғунбой аканинг нусхалари асосан ўта миллийлиги жиҳатидан ҳам қадрлидир. Жозибаси ва миллий безалишига кўра унинг атласлари турли кўргазмаларнинг шоҳсупаларидан ўрин олди. БМТ томонидан Республикамизда ташкил этилган Республика кўргазмасида совриндор бўлган бўлса, пойтахтимиз ва Самарқанд, Ургут, Шаҳрисабз, Бухоро каби вилоят шаҳарларида ташкил этилган кўргазмаларда фахрий ўринларни эгаллади. Хуллас, Марғилонида Турғунбой ака атласларининг олдига тушадигани йўқ. Яқинда унинг атласи Лондонга йул олди. Ўзбекистон Республикаси Ҳунармандлар уюшмаси томонидан Лондонда доимий фаолият кўрсатувчи Ўзбекистон матолар дўкони очилди. Унга биринчилар қатори Турғунбой аканинг атласлари юборилди. Изланганга толе ёр деб бекорга айтмайди халкимиз. Турғунбой ака бугун устоз, унинг қатор шогирдлари устоз йўлидан бормоқдалар.

Ота-боболаримиз касбини давом эттирадиган ёшлар тобора кўпайса, ҳунармандлар маскани Марғилоннинг довруғи янада олис юртларга етиб бориб, моҳир ҳунармандларнинг сафи ортиб боради.

## АЛЛОМАЛАРИМИЗ МАЪРИФАТИ ҲАЁТИМИЗ ҚАДРИЯТИДИР

Т.А.Эгамбердиева - ФарДУ

Ҳар бир халқнинг тарихи унинг маданияти, маънавий қудрати, инсониятга қандай мерос қолдиргани билан намоён бўлади. Бугун биз зиёлилар ҳақиқатан ҳам миллий истиқлол берган имконият туфайли ўтмишимизни ва динимизни. она тилимиз, урф-одатларимиз, тарихий анъаналаримизни холисона ўрганиш ва ёритиш бахтига муяссар бўлдик. Ҳар қандай жамиятнинг равнақ топишида унда меҳнат қилаётган инсонларнинг маънавий маданияти, малакали кадрлар етказиб берадиган таълим-тарбия тизими алоҳида аҳамият касб этади. Вахоланки, яқин вақтларгача, ҳатто ҳозиргача ҳам фанларнинг пойдеворини юнонлар яратган дейиш илмий адабиётларда одат тусига кириб қолган. Аслида юнонлар яратган илм-фаннинг аксини, инсоннинг ҳар жиҳатдан комил бўлиб етишишини таъминлашда маърифат етакчиси ғояларидан бири эканлигини бизнинг аждодларимиз зардуштийларнинг диний “Авесто”

китобида яратилганлиги тарихан далилланган. Чунки маърифат сўзи кишиларнинг онги, билими, маданиятини оширишга қаратилган таълим-тарбия маъноларини билдиради.. Эрамиздан олдинги 305 йили бунёд этилган Марказий Осиё, Хитой, Хиндистон ва Европа шаҳарлари орасидаги карвонлар ўтадиган "Буюк ипак йўли"га жойлашган жаҳон цивилизациясида катта аҳамиятга эга бўлган қадимги Марғилон халқлари иқтисодий, сиёсий ҳаёти алоҳида аҳамиятга эгадир. Чунки "Буюк ипак йўли" биргина иқтисодий аҳамият касб этмай, балки у диний амаллар ва маданий ютуқларни тарқатувчи мамлакатлараро дипломатик алоқаларни таъминловчи йўл эканлигини тахлиллар асосида таъкидлаш жоиз. Яъни мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий-сиёсий ва маданий алоқаларга назар ташласак, бунда карвонлар билан ҳаётини бағишлаган марғилонлик савдогарлар энг нуфузли, обрўли, мўтабар инсонлар бўлганлар. Чунки улар жамиятнинг (Б.Марғиноний даврининг) фақат мол олиб, мол сотувчи ва ундан фойда олувчи бой қатлами ҳисобланмай, балки узоқ сафарларга карвон билан кетувчи дипломатлар, зиё тарқатувчилар, у ёки бу худуддан бошқа жойларга илғор маърифий ғояларни, ихтироларни, урф-одатларни олиб борувчи нуфузли аждодларимиз эди. Масалан, етиштирилган маҳсулотлар Ўш, Ўзган орқали Қошқарга, сўнгра Хитойнинг ички районларига жўнатилган. Марғилон вилоятнинг бош шаҳри бўлганлигими? Бу ҳақда В.В.Бартольд "Мўғиллар истилоси даврида Туркистон" номли асарида фикр юритгани ҳақиқатга яқинроқ эканлигини таъкидламоқчимиз. Яъни, савдогар ҳунармандлар карвонсаройлар қуриб, ўғил болалар учун савдо мактаблари очиб, (бунга "Ўрда-таги", "Домидеҳқон", "Бахрин" саройлари мисолида) мижозлар билан муомала қилиш маданиятини, ёзишмаларни битишни, солиқ ундиришнинг маъмурий йўлларини ўргатишган. Шунинг учун ҳам 2000 ёшли Марғилон савдогар аҳли, ҳунармандлар тоифаси бугун ҳам шохи-атлас, заргарлик, мисгарлик, попопчилик ва бошқа махсулотлари билан дунё кўргазмаларида нуфузли обрўга эгадир. Зеро, биз тарихга назар ташлар эканмиз унинг ислом тарихини хуқуқий билимлар тараққиётига ўз ҳиссасини қўшган Бурҳониддин ал-Марғиноний ва унинг авлодларини хотирлаш бахтига истиқлол шарофати ила муяссар бўлдик. Чунки бобокалонларимиз Бурҳониддин ал-Марғиноний ислом оламидаги такрори йўқ аллома бўлиб, унинг "Китоб ал-ҳидоя" ("Ҳидоя-тўғри йўл") асарида ҳаётий масалалар, оилавий ва ижобий муносабатлар, мулкчилик, савдо-сотиқ, инсоннинг бурч-масъулиятлари кабилар тўғрисида аниқ фикр, тавсия, мулохазалар берилган бўлиб дунёвий аҳамиятга эга. Чунки, "Ҳидоя" 6 китобининг 1-томида аёллар-ҳуқуқлари батавсил берилган бўлиб, масалан, "Оила ва никоҳ"ни хусусида қиз турумушга узатилаётганда энг аввало унинг розилиги, никоҳ маросимида қизнинг отаси ҳам бўлиши таъкидланган, яъни отанинг қиз тарбиясидаги ўрни ва масъуляти эътироф этилган. Хуллас, "Ал-ҳидоя"да мавжуд бўлган никоҳ Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 30 майда қабул қилинган ва "Оила" кодексида ўз аксини топган.

Зеро, Бурҳониддин ал-Марғиноний асарларини Тошкентдаги ислом университетида, ҳамда Ислом давлатларининг барча олий ўқув юртларида дарслик, қўлланма сифатида фойдаланлгани, аждодларимиз меросига берилган

юксак баҳо эканлигидан далолатдир Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2006 йил 19-январ қарори билан Бурҳониддин ал-Марғиноний таваллудининг ҳижрий сана бўйича 910 йиллигини нишонлади. Бу аждодларимиз маънавий мероси билан яқиндан танишиш шароитини яратиб берди.

## БУЮК САНЪАТКОРЛАР УСТОЗИ
### ёхуд Болтабой Ражабовни хотирлаб

Ҳ.Умаров, А.Султонов - ФарДУ

**Тарихий китобларда "Сандиқул-орифин" номи билан зикр этилган Марғилон ўзбек халқи маданиятининг ривожланиши ва шаклланишида муҳим аҳамиятга эга бўлган шаҳарлардан биридир. Буюк Ипак Йўлининг деярли марказида жойлашган Марғилонга келган тужжорлару сайёҳлар хеч қайрда кўрилмаган қўшиқчилик санъатини бу ерда учратганликлари ҳақида ёзиб қодирганлар. Бу қўшиқчилик услуби Фарғона водийсида кенг тарқалган, халқ ҳофизлари томонидан севиб куйланадиган патнисаки катта ашулла санъати эди. Юқори пардаларларда куйлашни таъқазо этадиган бу усул усталарининг деярли барчаси водийнинг гавҳари саналмиш Марғилондан чиққан эдилар.**

Ўзбекистонда бирнчи бўлиб халқ ҳофизи унвонига сазовор бўлган Маматбуво Сатторов, кейинчалик бутун дунё қўшиқчиларини ўз овозлари билан ҳайратга солган Жўрахон Султонов, Маъмуржон Узоқовларнинг устозлари, патнисаки катта ашуланинг пири комилларидан бири Болтабой ҳофиз Ражабов ҳам марғилонлик эдилар.

1878 йилнинг ўрталарида Марғилонга туташ бўлган Шакар қишлоғида (ҳозирги Қизилой қишлоғи) Матҳоли ҳофизнинг ўғли Ражаббой ўғил кўради. Бобоси Мадҳолиқ  ва тоғаси Мақсуд ҳофизлар билан бирга деҳқончилик қилган ёш Болтабойда ашулага мехр болалигиданоқ пайдо бўлади. Тоғаси ёки бобоси билан шаҳарга тушсалар албатта, ўзининг ёқимли, ширали овози билан қўшиқ айтиб кетарди. Одамлар уларнинг орқасидан анча йўлгача эргашиб, қўшиқ тинглаб боришларини кексалар хотирлаб боришарди.

Мадҳолиқ ҳофиз Фарғона вождийсида жуда машҳур бўлиб, уни деярли ҳамма – ҳамма жойга таклиф қилишар, "данагидан мағизи ширин" деганларидек, у невараси Болтабойни тўй-баъзмларга, сайлларга бирга олиб борарди.

Болтабойнинг тоғаси элга таниқли Маҳсуд ҳофиз кўп ашулаларни тоғасидан ўрганади. Лекин катта ашула ижрочилигининг машҳур намоёндалари, бешариқлик ҳофизлар Ҳамроқул қори Тўрақулов ҳамда Раҳмон ҳофизлар билан ишлашиб, улардан сабоқ олишни орзу қиларди. Шу сабабли шаҳарнинг "Чорчинор" мавзесида бўладиган ашулачилар берлашувига тез-тез

бориб турар, бу ерда водийнинг турли шаҳарларидан ҳофизлар “бахс” бойлашарди. Бўлажак ҳофизларга шу ерда оқ фотиҳа берилар эди.

Ўша даврнинг машҳур ҳофизи Ҳамроқул қори ўткир нафас соҳиби бўлиб, Болтабой ҳофиз бу улуғ санъаткорни ҳақиқий устози деб билди ва кўп ижрочилик йўлларини шу устоздан ўрганди.

- Отам Фарғона боғида ишлаган пайтларида, - деб эслайди ҳофизнинг фарзанди Сотволди Ражабов, - кўпинча мени ва опамни бирга олиб кетардилар, сайл-байрамлар ярим тунга қадар чўзилиб кетарди. Биз ёш бўлганимиз учун толиқиб ухлаб қолардик, сўнгра дадамиз бизларни опичлаганича кўтариб уйга қайтиб келаётганимизда тонг ёришаётган бўларди. Оқшомда тинглаган қўшиқлар юрагимда акс-садо бераётгандек ҳузурланардим...

Ёшлигидан савдосиз ўсганлигига қарамай, унинг қувваий ҳофизаси жуда юқори бўлган Болтабой ҳофиз Ғанижон Тошматов, Шароф доирачи ва бошқа бир қатор дўстлари билан биргаликда сандал атрофида ўтиришиб, ёд олган байтларини такрорлар, дўстлари ҳар галги келишларида Фурқат, Ҳабибий, Машраб, Ҳазиний ғазалларидан келтиришиб, “Ҳофиз шу сизга муносиб” деб ўқиб беришар экан. Устознинг 200 дан ортиқ ашулалари ана шу тарзда ёд олинган. 1920-1930 йилларда Болтабой Ражабов водийда патнисаки катта ашуланинг моҳир ижрочиси сифатида жуда машҳур бўлиб кетди. Унинг олдига ҳар тарафдан бу мураккаб ижро услубини ўргангани ҳофизлар кўп келишарди. Сотволди ака Ражабовнинг хотиралари билан яна қизиқдик. У киши, “Отам эл хизматида доим пайдам эдилар ва шу билан бир қаторда оилада фарзандлар тарбияси билан ҳам ўзлари шуғулланардилар. Шунинг учун ўқимишли бўлишимни жуда ҳам истардилар. Мен мактабда кезларимда колхозимиз даласида мироблик қилардилар. Лекин ҳар гал ёнларига икки ёш йигит мунтазам келиб-кетарди. Гоҳ отам уларга куюниб, гоҳ севиниб нималарнидир тушунтирардилар. Кейинчалик билсам, улар халқимизнинг ҳурматини қозонган, ашулачилик санъатини янада юқори поғоналарга кўтара олган. Жўрахон Султонов ҳамда Маъмуржон Узоқовлар экан. Яна бир йигит келарди. У кўпинча ғазаллар ўқиб бериб, отамнинг таҳсинларига сазовор бўларди. Менга эса доимо битта ғазал бериб, шуни ёдланг деб тайинларди. Худо суйган бандасига шундай қобилият бераркан. Ҳарчанд уринсам ҳам ғазалларни тўлиқ ёдлай олмасдим.” Ашулачининг овози ҳали ҳам қулоғим тагида жаранглаб тургандек. “мана буни ёдлаб олинг” дейдиган овоз эди. Овоз соҳиби эса отам йўлидан юрган, у киши яратган қўшиқларининг узайтирган Жалолиддин Охунов эдилар”,- дея эслайди кўзларида сизиб тушаётган ёш билан.

Болтабой ҳофиз шогирдпарвар бўлиб, ким унинг олдига бирон нарса ўргангани келса, эринмай ўргатар эди. Марғилонда бўлган бир воқеа ҳозиргача оғиздан-оғизга ўтиб, шинавандалар тилида мудом сақланади. Бир куни шаҳар ёнидаги бозори ёнидаги деҳқонлар чойхонасида катта йиғин бўлди. Кўплаб санъаткорлар йиғиладилар. Ҳатто Тошкентдан Мулла Тўйчи ҳофиз ва Шораҳим ҳофизлар ҳам келган эдилар. Даврани олиб бораётган Юсуфжон қизиқ ашула навбатини Болтабой ҳофиз билан Мамадбобо ҳофизларга берди.ҳофизлар қўлларига патнис, ликопча олишиб, ўртага чиқишди. Қўшиқ бошлашларидан олдин Болтабой ҳофиз халққа юзланиб шундай дейди: - Шогирдим Мамадбобо

билан “Патнисаки чоргоҳ”ни тайёрлаган эдик. Кичик шогирдим Жўрахон ҳам биз билан айтим машқ қилди. Ҳозир ёнимизга Жўрахонни ҳамолиб, бирга ижро этиб берамиз. Шу йўсинда “Патнисаки чоргоҳ” катта ашула йўли янгича талқинда янгради. Қўшиқнинг мисрасини бирга айтишди. Ўртада авжи айтиладиган мисранинг ҳар қаторини алоҳида ижро этишди. Катта авжига келганда, келишилганлари бўйича авжни Болта ҳофиз олади дейишиб, устозга қарашди. Устоз буни тушунди-да, чап қўли билан қулоғини ушлаганча катта авжини олишга созланди. Авжини бироз ушлаб тургандан кейин, овози сал қалқиди-да, Жўрахонга қаради. Буни сезган Жўрахон ўша пардадан ашула авжини билдирмай давом эттириб кетди. Катта авжини туширишда учала ҳофизнинг овози баравар чиққанда, шинавандалар “дод” деб юборишди. Қўшиқ тугагач, устоз Болтабой ҳофиз шогирди Жўрахонга раҳмат айтди ва жўровозликнинг энг яхши хусусиятлари ҳам шу эканлигини таъкитлади. Кўринадики, Болтабой ҳофизнинг ижро услубидан жуда кўп ҳофизлар баҳраманд бўлганлар.

1939 йиллари Катта Фарғона канали қурилиши чоғида, ўзбекистон раҳбарлари томонидан ҳофизнинг ижодий меҳнатлари юксак баҳоланади. У ижодий камолот чўққисига эришиб, шуҳрат қозонди ва “Халқ ҳофизи” унвони билан тақдирланди.

Болтабой ҳофизнинг дастури жуда катта бўлиб, ундан 200 дан ортиқ қўшиқлар ўрин олган. “Ҳайр, башар”, “Раббано, додимга ет”, “Шояд”, “Ёввойи чоргоҳ”, “Келибман”, “Эй санам”, “Жудо қилма”, “Оҳ ким”, “Эй, чегараси тобоним”, “Бўстон”, “Бу гулшан” сингари қўшиқлар шулар жумласидандир. 1956 йили Республика радиосининг “Сайёр” гуруҳи ҳофизининг қатор қўшиқларини “Олтин мерос” тарзида магнит тасмасига ёзиб олади.

Ҳофиз кексайиб қолганида ҳам ашула айтишдан толмади. Ўлкан санъаткорлар устози Болтабой Ражабов 1960 йилнинг июнь ойида 82 ёшида Марғилонда вафот этди.

Улуғ ҳофиз номи ҳамшаҳарларининг тилида, барча қўшиқ шинавандаларининг қалбида доимо ардоқланиб келиняпти.

## ЭЛ ЭЪЗОЗЛАГАН АКАДЕМИК

М.Шохўжаев, Марғилон академик лицейи директори, С.Абдуллаев

Ўзбекистонни бутун оламга танитган ҳамюртларимиз Қори Ниёзий, Теша Зоҳидов, Саъди Сирожиддиновлар каби машҳур академик олимларимиз қаторида Марғилоннинг муқаддас заминида туғилиб ўсган Авлиёхон Муҳаммадиев ҳам алоҳида ўрин эгаллайди.

Авлиёхон Муҳаммадиев 1906 йили Марғилон шаҳрида Кўк мозор (ҳозирги Тешик оғиз) маҳлласида, зиёли оиласида дунёга келди. Унинг отаси Муҳаммадхўжа Дадахўжа ўғли Янги Марғилон (ҳозирги Фарғона) шаҳар рус-тузем мактабининг ўқитувчиси бўлиб ишлар эди. Бу мактабда таҳсил кўрган ўқувчиларнинг кўпчилиги кейинчалик Шўролар мамлакати таркибида ташкил этилган Ўзбекистон Республикаси ҳукумати лавозимларида ишладилар.

1913 йили Авлиёхоннинг отаси вафот этди. Албатта, бу саккиз нафар фарзандли катта оила учун оғир жудолик бўлди. Етти ёшга эндигина қадам қўйган Авлиёхон ўзидан анча катта бўлган ака-опалари қатори аввал уйда, кейинчалик кичик корхоналарда тинимсиз меҳнат қилди. Болалигидан ўткир зеҳни ва зийраклиги билан бошқалардан ажралиб турган Авлиёхон оғир меҳнат ва очарчиликда ҳам тушкунликка тушмасдан, унчалик кўп бўлмаган бўш вақтининг ҳар бир дақиқасидан унумли фойдаланади. Акаси Валихон унга бошланғич таълим сабоқларини берди.

1917 йили бошланғич мактабни тугатгач, Авлиёхон Муҳаммадиев тўлиқ меҳнат фаолиятига киришди: Марғилондаги бўз ва атлас тўқиладиган корхоналарда тўқувчи бўлиб ишлади. Бу даврда у ўқишни ҳам мустақил асосда давом эттирди.

1923 йилдан бошлаб унинг давлат идораларидаги фаолияти бошланди. Ўрта мактабни экстрант асосида тугатган Авлиёхон Муҳаммадиев Марғилон Уезд-шаҳар қўмитасига котибият ходими лавозимига ишга қабул қилинади. 1928 йилгача у Марғилон шаҳар партия қўмитасининг иш бошқарувчиси, шаҳар ижроия қўмитасининг котиби, Марғилон шаҳар партия қўмитасининг ҳисобот-статистика бўлими мудири, Марғилон уезд-шаҳар вакуф бўлимининг котиби лавозимларида ишлади.

Маълумки, бу давр эндигина ташкил топган Ўзбекистон Республикаси ҳаётининг бошланғич даври эди. Бу йиллар мамлакатда шўролар томонидан “Ер ва сув ислоҳоти” номи билан ўтказилган йирик давлат компанияси бутун халқ ҳаётида оғир из қолдирди. 1925-1926 йиллари мазкур тадбирга сафарбар этилган Авлиёхон Муҳаммадиев кейинчалик ўз фарзандларига бу ҳақда сўзлаб берганида, ўз қалбида мазкур “Ислоҳот” дан қанчалар нафратганлигини эслаб... “Ҳатто оч ўлим ёқасида турган камбағал деҳқонларнинг хонадонлари ҳам “Ислоҳот” ижрочи вакилларининг назаридан қолмади, бечораларнинг ёлвориши - кўз ёшларига қарамай ҳовлидаги битта-ю-битта қўзичоқни, ягона товуқни ҳам давлат фойдасига деб мусодара этдилар; табиийки, ўша бешавқат кунларда қишлоқларда тез-тез ўлим ҳолатлари рўй бериб турар эди....” деб қўйярди.

Давлат идораларида ўз меҳнат фаолиятини бошлаган Авлиёхон Муҳаммадиев 20-йиллар бошида мамлакатимиз тарихида кўзга йирик давлат арбоби Йўлдош Охунбобоев билан маълум вақт ишлашга муяссар бўлди. Унинг “Авлиёхон, Сиз ўқишингиз керак, олий ўқув даргоҳларида ўқийсиз ва албатта, йирик олим бўласиз...” деган сўзларини домла доимо чуқур ҳурмат ва миннатдорчилик билан эслардилар.

1924, 1928-1929 йиллари Марғилон туман-шаҳар маорифи бўлимининг делегати ва котиби лавозимига сайланган А.Муҳаммадиев Марғилон шаҳри ва Марғилон тумани (ҳозирги Охунбобоев, Тошлоқ ва Ёзёвон туманлари) ҳудудида халқ таълимини ташкил этиш ва ривожлантириш ишига катта ҳисса қўшди. 1929 йили А.Муҳаммадиев Ўрта Осиё дорилфунуни (ҳозирги Ўзбекистон Миллий Университети)нинг тайёрлов бўлимига ўқишга кирди ва уни 1930 йили тамомлагач, Фарғона шаҳрида янги очилган Ўрта Осиё Давлат

Педагогика институтининг (ҳозирги Фарғона давлат университети) физика факультетига ўқишга қабул қилинди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бу олийгоҳнинг ўша вақтдаги ўқитувчи-профессорлар таркиби ўз замонасининг йирик илм-фан арбобларидан шакллантирилган эди. Масалан, зоология кафедрасида дунё фани таниган олим, профессор Аверинцев, химия кафедрасида машҳур профессор Полонский, шунингдек, табиётчи олимлардан ботаник, доцент Красноусов ва қатор бошқа йирик мутахассислар институтида фаолият кўрсатган эдилар.

1934 йили ўқишни тамомлаган Авлиёхон Муҳаммадиев институтнинг химия кафедрасига ўқитувчи-ассистент этиб ишга қабул қилинди, 1936 йилдан эса профессор Аверинцевнинг таклифи билан илмий-тадқиқот ишини бошлаш мақсадида институтнинг зоология кафедрасига ишга ўтди. Бугун биз атоқли олимимиз, академик Авлиёхон Муҳаммадиев ҳаётига разм солар эканмиз, домланинг 54 йиллик илмий фаолияти ана шу кафедра билан боғлиқ бўлганлигини фахр билан таъкитлаймиз.

Авлиёхон Муҳаммадиевнинг 1937-1941 йиллари узоқ Санктг-Петербургда, Россия Фанлар Академиясининг бутун дунёнинг илмий оламига машҳур Зоология институтида, буюк гидробиолог профессор олимлар Бенинг ва Риловлар раҳбарлигида бажарган биринчи илмий тадқиқот иши Фарғона водийси шолипояларининг гидробиологиясига бағишланади ва 1942 йили номзодлик диссертатцияси шаклида ҳимоя қилинди.

1943 йилдан бошлаб домланинг илмий изланишлари янада кенгроқ доирада давом эттирилди: у “Фарғона водийсининг тоифали ҳавзаларидаги сув жониворларининг ҳаёти, биологияси ва экологияси” мавзусидаги янги илмий ишни бажаришга киришди.

1954-1957 йиллари Санктг-Петербург Зоология институтининг докторанти бўлган Авлиёхон Муҳаммадиев водиймизда йигирма йилдан зиёд давр мобайнида ўзи бажарган илмий-тадқиқот иши натижаларини умумлаштириб, 1958 йили ҳимоя қилган дессиртацияси учун биология фанлари доктори илмий даражасига, сўнгри профессор илмий унвонига эришди. Домланинг Ўзбекистон Фанлари Академияси Зоология институтидаги гидробиология ва ихтиология бўлими билан бошланган илмий ҳамкорлиги янада ривож топди ва эллигинчи йиллар охиридан эътиборан мазкур бўлим тадқиқотларининг илмий раҳбари ҳамда Зоология институтининг илмий даража берувчи Кенгашининг аъзоси сифатида республика фанига катта ҳизмат кўрсатди.

1960 йилдан кейинги йилларни Авлиёхон Муҳаммадиевнинг илмий ҳаётида алоҳида илмий изланишлар даври деб номланса, ҳеч қандай муболаға бўлмайди. Унинг раҳбарлиги ва бевосита иштирокида Ўрта Осиё минтақасидаги тоифали сув ҳавзаларида яшовчи қисқичбақасимонлар ҳамда бошқа гуруҳ жониворларининг экалогияси, систематикаси ва зоогеографияси ўрганилади. Домланинг Палеарктикага доир кашф этилган 30 дан ортиқ жонивор турлари ва гидробиология соҳасига доир яратган илмий назарияси туфайли у йирик назариётчи олим сифатида жаҳон илмий дунёси томонидан тан олинди.

Шу давр ичида унинг раҳбарлигида Бухоро, Тошкент, Жиззах вилоятлари, Қорақалпағистон, қўшни Қирғизистон, Қозоғистон, Тожикистон, Туркманистон ва ҳатто олисдаги Озарбайжон Республикасидан келган аспирант шогирдлари бир қатор қизиқарли мавзуларда илмий диссертацияларини ҳимоя қилдилар.

Авлиёхон Муҳаммадиев 250 дан зиёд илмий ишларни, жумладан, 4 та монография, 3 та ўқув дарслиги, олий ўқув юртлари учун бир қатор ўқув қўлланмаларини ҳамда илмий-оммабоп рисолаларини матбуотда чоп этди.

Домланинг илмий ташкилотчилик фаолияти ҳам кенг доирали ва серқиррадир. У 1955 йилдан бошлаб Бутуниттифоқ Гидробоилогик илмий жамияти марказий кенгашининг аъзоси бўлиб, бутун умр давомида республикамизда фаннинг шу йўналишини ривожлантиришда тинимсиз хизмат қилди. Етмишинчи йиллардан бошлаб умрининг то охиригача СССР Балиқчилик Вазирлигининг илмий Кенгаши бўлган Ихтиологик комиссияси бошқарувининг аъзоси, СССР Фанлар Академиясининг гидробиология, ихтиология ва сув ҳавзаларининг биологик заҳираларидан фойдаланиш бўйича Муаммовий Кенгашнинг аъзоси бўлди. Худди ўша, яъни мамлакатимизнинг ҳаётида "турғунлик даври" деб аталмиш йилларда Авлиёхон Муҳаммадиев биринчилар қаторида илмий анжуманларнинг энг долзарб масаласи сифатида Орол муаммосини ва уни ҳал этиш йўлларини муҳокама этишга илмий жамоатчиликни чорлади.

Авлиёхон Муҳаммадиев юртимизнинг ижтимоий ҳаётида ҳам фаол иштирок этди. Иккинчи Жаҳон урушидан кейинги дунё тарихида "Совуқ уруш" деб номланган даврда, 1952 йил охирида Москва шаҳрида уюштирилган Бутуниттифоқ, тинчлик тарафдорларининг тўртинчи конфиренциясида Ўзбекистон Республикасидан делегат сифатида иштирок этди.

Республикамиз фанини ривожлантириш йўлида ва жамоатчилик олдидаги хизматларини инобатга олиб, Авлиёхон Муҳаммадиевга "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби", "Ўзбекистон Халқ маорифи аълочиси", Тошлоқ тумани ва Марғилон шаҳрининг Фахрий фуқароси фахрий унвонлари ва номлари берилди.

Юртимиз олдидаги хизматлари учун академик Авлиёхон Муҳаммадиевга "Ҳурмат белгиси" ордени, "Меҳнатда кўрсатган жасорати учун", "1941-1945 йили Улуғ Ватан урушида кўрсатган матонатли меҳнати учун", "1941-1945 йили Улуғ Ватан урушида қозонилган ғалабанинг 30-йиллги", "Меҳнат Фахрийси" орден ва медалларни олди. Тўрт маротаба Ўзбекистон Олий кенгашининг Фахрий Ёрлиқлари билан мукофатланди.

Домла ўз ҳаёти давомида яхши ҳамсуҳбат, камтар инсон сифатида элга танилди. Унинг "Ҳақиқат эгилмас" ва "Нима иш қилсанг, нима ҳақида сўзласанг, нима ҳақида ўйласанг ҳам барчасини чин кўнгилдан қилгин" деган доно ўгитлари уни яқиндан билган ва таниган авлодлар ёдида бир умр хотира сифатида қолди.

# ҚАДИМГИ ВА НАВҚИРОН МАРҒИЛОН ВА УНИНГ САВДО САНОАТИНИНГ ТАРАҚҚИЁТИ

А.Ғофуров - Фар ДУ

Ҳар қандай жамиятда ва замонларда инсоният ижтимоий-иқтисодий ва маънавий ўсиб бораётган эҳтиёжларнинг чексизлиги ва уларни эволюцион йўл билан қондириб бориш учун зарур бўлган ноз-неъматларни ишлаб чиқаришда қўлланадиган табиий ва иқтисодий ресурсларнинг чекланганлиги муаммосига дуч келади.

Шу сабабдан чекланган иқтисодий ресурсларнинг унумли ва самарали фойдаланиш йўли билан шахсий ва ижтимоий эҳтиёжларини қондириш, иқтисодий ўсиш ва самарадорликка эришишнинг, аҳоли турмуш даражасини ошириш ва мамлакат иқтисодий қудратининг мустаҳкамлашнинг муҳим омили ҳисобланади.

Иқтисодий ресурслар ичида инсоннинг ақлий ва жисмоний қобилиятининг йилинди – меҳнат қобилияти ва кишиларнинг тадбиркорлик қобилияти бевосита инсон ва унинг фаолияти билан боғилқ. Улар биргаликда умумижтимоий категория бўлган инсон омилининг ишлаб чиқаришда, моддий ва маънавий бойликларни намоён бўлиш шаклларини ташкил этади. Ушбу омилни фаоллаштириш ижтимоий-иқтисодий ривожланишга, шу жумладан, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга бир томондан, ишлаб-чиқарувчи кучлардан фойдаланишни яхшилаш ва жонли меҳнат унумдорлигини ошириш орқали бевосита, иккинчи томондан эса тадбиркорлик қобилиятини ишга солиб, меҳнат, капитал ва ер каби моддий ашёвий иқтисодий ресурсларни комбинациялаш, мувофиқлаштириш, уларни қўллаш ва фойдаланишни яхшилаш орқали билвосита таъсир этади.

Демак, аҳоли эҳтиёжларини тобора кўпроқ қондириш учун ишлаб чиқаришда инсон омили маҳаллий иқтисодиётни, уни ривожланиши эса минтақа ва миллий иқтисодлиётни барқарор ривожлантиришда, маҳаллий ишлаб чиқариш самарадорлигини тадбиркорлик асосида оширишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Шу тамойил нуқтаи назаридан қараладиган бўлса, Марғилон шаҳарида ҳам қадимги даврдан, илк бор Марғилон шаҳарни шаклланиши ва ривожланишдан бошлаб инсон ва шахснинг ижтимоий–иқтисодий тараққиётни таъминлашдаги ўрни ва аҳамиятини ўрганишга қизиқиш XX асрнинг 80 йилларида кучайди. Аммо собиқ тоталитар тизим шароитида кишиларнинг мулкидан ва унинг натижаларидан бегоналаштирилганлиги ҳамда меҳнат фаолити мотивациясининг чекланганлиги, хусусий тадбиркорликка йл очиб берилмаганлиги туфайли инсон омилини фаоллаштиришга имкон бермади.

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг жамиятни барча соҳаларини, шу жумладан, минтақа ва маҳаллий иқтисодиётни қамраб олган янгиланиш жараёни инсон ва шахснинг тадбиркорлик фаолиятини ўрганишга илмий тафаккурни кучайтирди.

Кщп асрлик тарихий манбалар асосида инсоният шу жумладан Марғилон тарихига бир назар ташланса, шу нарса аён бщладики, унда эзгуликка, озодликка, эркин ва фаравон ъаётга йщналтирилган маысад щз ифодасини топганлигига ишонч ъосил ыилиш мумкин. Эзгуликка ва яратувчанликка йщналтирилган маысадгина инсонни инсон, халыни халы ыилиб бирлаштиради, бунёдкорлик соъиби ыилиб, юксакликка кщтаради. Ёхуд муыаддас Ыуроон ва шарифи Ъадисда ъам таокидланганидек, эзгулик ва бунёдкорлик инсон маонавий ва моддий ъаётининг ыуёшидир. Шу сабабли Щзбекистон мустаыиллигининг биринчи куниданоы щз олдига бош вазифа ыилиб, озод ва обод Ватан, эркин ва фаравон ъаёт барпо этиш билан тараыыий этган мамлакатимиз ва маонавий бой халылар ыаторидан щрин олиш, шарт «биз ъеч кимдан кам эмасмиз ва ъеч кимга ыарам эмасмиз» даоватига ыатоий риоя ыилган ъолда, щрин эгаллаш, ъуыуыий демократия ва фуыароликка асосланган жамият ыуриш каби эзгу ва бунёдкор маысадларни ыщйган экан, бунга Марьилон шаъри ъам ыатоий риоя ыилиб келмоыда.

Марьилон шаърининг барпо бщлиши ва аъолисининг шу муыаддас тупроыда щрнашиб, гщзал маконга айланишига бир ыанча омиллар таосир этган. Улардан энг муъими ыулай табиий иылим, серунум ер майдони, Фарьона водийсининг марказий ыисмида Ьарбдан Шарыыа щтувчи «Буюк ипак йщли»да жойлашганлиги, Шаъимардоннинг мусаффо сувидан баъраманд бщлганлиги, маъаллий халынинг тадбиркорлиги кабилардир. Тарихдан маолумки, ъар ыандай мамлакат, минтаыа ва унинг марказини ташкил этган шаъарнинг ривожланиш омиллари щша ерда тараыыиётга интилувчанлик, инсонпарварлик ва юксак ахлоыий ыарашлари, ижтимоий адолат тамойилларига, асосланган бщлади. Эзгулик мавжуд бщлган жойда очиы ёки яширин ъолда ёвузлик кщринишлари ъам бщлади. Ёвузлик щз маысадига ва мазмунига кщра тарихий иллат, жамият ва мамлакат тараыыиётини орыага буриш, ыаро кучлар фаолияти ва ъукмронлигини ифода этувчи бузьунчилик сиёсатини рщёбга чиыарадиган, баркамол ва эзгу маысадли инсонлар ахлоыий ва маонавий фазилатларига салбий таосир кщрсатадиган ноинсоний тушунчалар йиьиндисидир.

Эзгулик ва Ёвуз ўртасидаги қуриш тарихий жараёнларни тарихийтармоқ белгилайди. Юыорида зикр этилган барча эзгулик, бунёдкорликлар ъамда ошкора ва яширин ёвузликлар Марьилон шаърининг узоы щтмиши тарихидан жой олган. Узоы тарихга эмас, балки юз эллик йиллик шаъарнинг тарихига назар ташланса, шу ажойиб гщзал шаъар Ыщыон хонлигининг тугатилишида, ёвуз кучлар босыинчи рус империясининг ташкил этилишида муъим щрин эгаллайди. Мустамлакачилик даврида Марьилон шаърининг аъолиси биринчилардан бщлиб мардикорликка олиш сиёсатига ыарши кураш бошлаганлар. Щз ватани ва халыини осойишта саылаш, шаъарда бунёдкорлик ишларини давом эттириш ва фаравон ъаёт кечириш эзгу маысадлари йщлида кураш олиб борган. Мен ықтисодчи-тарихчи сифатида шуни амалиётда яхши биламанки, Марьилон шаърида Советлар даврида ъам бунёдкорлик билан эзгу маысадаларини амалга ошириш жараёни доимо осон ва ижобий тусда рщй бермаган. Мен XX асрнинг 60-йилларида Марьилонда бщлиб щтган тадбиркорликка ыарши олиб борилган сиёсатга жонли гувоъман.

Марьилон тарихида содир бщлган салбий ва ижобий ъодисалар ъамда жараёнлар нафаыат мазкур шаъарда, балки бутун республикамиз ъудудларида, вилоят, туман ва йирик шаъарларида ьайриыонуний, ноинсоний тарзда щрнатмоычи бщлган таги пуч «йщысиллаштириш» ьояси ва мафкураси асосига ыурилган эди. Якка тоталитар ъокимлиги умумий турмуш тарзини щрнатмоыликка интилган ва тиыишитирган эскича ыарашлар ва фикру-мафкуралардан воз кечиш ва ыизил империя асослари ъалокатидан ыутилганимиздан сщнг, ыисыа тарихий даврда мисли кщрилмаган ьоят катта щзгаришлар, тараыыиёт ва янгиланишлар бошланганлигини инсоният жамиятига, жаъон ъамжамиятига намойиш этиш ва кщрсатишга молик мувоффаыиятларнинг омилига эотиборни ыаратаётганлиги Марғилонда шу куннинг энг долзарб муаммоси бщлиб ыолмоыда.

Энг муъими, барча бозор муносабатларига асосланган ривожланган жамиятни ыуриш – бу узоы мураккаб жараён эканлигини, уни доимий равишда чуыур идрок ыилиш ва зарур ъолларда тузатишлар киритишни талаб ыилишини англаб олмоы зарур. Кишиларнинг тафаккурини, ыотиб ыолган тушунчаларини щзгаритириш, айниыса, назар муъимдир. Фикрларни ыадам-баыадам щзгартира бориб амалда бошыа мамлакатларда юз йиллаб ыурилган янги тизимнинг афзалликларига келишимиз лозимлигини халыимиз, шу жумладан Марьилон аъли ъам англаб олмоыда.

Мустаыиллик йилларида Марьилон шаърининг аъолиси ана шундай бир жараённи бошидан кечирмоыда. Аъолининг кщпчилиги бозор муносабатларига щтиш, ислоъотларни янада чуыурлаштириш, иытисодиётни эркинлаштириш, мамлакатнинг янгилаш ва модернизациялаш асосида демократик жамиятни ыуришга йщналтирилган дастурларини ъаётга жорий этиш борасида, ички сиёсатнинг етакчи тамойилларидан бири ъар бир кишининг, корхоналар, тармоылар, минтаыалар, ъудудлар ва умуман давлатнинг манфаатларини бир-бирига монанд равишда уйьунлаштиришнинг таоминлашдан иборат вазифани Марьилон шаъар ъокимияти ва унинг фуыаролари, тадбиркорлари томонидан амалга оширилмоыда.

Мустаыиллик йилларида Марьилон шаъри аъолиси инсонга муносиб ъаёт шароитини, унинг щзи аылий ва жисмоний ыобилиятини намоён ыила олиш учун давлат томонидан имкониятлар яратилгани, шаъарнинг ёки вилоятнинггина эмас, балки мамлакат иытисодиётини ва бутун жамиятни яна ривожлантириш олий ва пировард маысад эканлигини чуыур англаб олганлиги, Марьилон иытисодиёти ривожланишида намоён бщлмоыда. Айниыса, Щзбекистоннинг, шу жумладан Марьилоннинг ъам, барча фуыаролари ва юридик шахсларига ташаббус кщрсатиш, ишбилармонлик ва тадбиркорликни ривожлантириш учун хщжалик фаолиятининг кафолатланган ыонун ва ыоидалар томонидан ман этилмаган барча турларини амалга ошириш учун тенг имкониятлар яратилганлиги шаъарда янгича хщжалик юритишни тезлаштириб юборди. Бу йщналишда шуни алоъида таокидлаш лозимки, Марьилон шаърининг аъолисида муыаддас туйьу, ьурур ва щз Ватанига чуыур меър-муъаббат, Ватанни эозозлаш, осойишта саылаш, фаыат тинчлик шароитини яратишга ыаратилган ишбилармонлик маъорати доимо намоён бщлиб келган.

Улар Ватани – она юртини чуыур англаш, тушиниш, ъис этиш туйьуси муыаддас эканлиги, авлодларидан мерос ыолиб келаётганлигини улуь ва азиз неомат каби ёшлар онгига сингдириб келади. Албатта, жаъон кенг макон, дунёда мамлакатлар, халылар ва миллатлар кщп, аммо бу реал оламда бетакрор она юрт – Щзбекистон ъам, Марьилон ъам якка-ю ягона Ватан эканлигини, бу гщзал юрт, бу муыаддас она-замин фаыат марьилонликларга тегишли эканлигини ёшлар онгига сингдирилиб, бу туйьу асосида Марьилонни Республиканинг гщзал ва обод юртига айлантириш йщлида ъаракат ыилмоыда. Мустаыиллик йилларида Марьилоннинг ижтимоий-ытисодий ривожлантиришда Республиканинг бошыа шаъарлари, вилоятлари билан щзаро ъамкорликда юрт туйьуси ъар бир марьилонликнинг дилига жо бщлиб, ъаётлари мазмунига айланиб бормоыда. Ъозирги кунда Марьилон аъли щз юртини янада обод ва гщзал, ободонлашган шаъарга айлантириш туйьу ва маысадида фидокорона мустаыиллик меънати билан банддир.

Мустаыиллик йиллари давомида Марьилонда, унинг ишбилармонлари ва тадбиркорлари ташаббуси билан иытисодиётнинг кщплаб тармоыларида, корхона ва ташкилотларида янги ташаббускорлик ъислатлари ва ьоялари амалга оширилди.

Чунки Щзбекистонда, айниыса, Марьилон диёрида истиылол шамолининг миллий щзлигини англаб олиш натижаси щлароы ижитмоий-иытисодий ъаётининг деярли барча жабъаларида мустаыиллик шарофати билан илдам одимлар ыщйилди. Бу айниыса, иытисодиётнинг барча соъаларида намоён бщлди. Щзбекистонимиз ва унинг шаъарлари ыатори Марьилон шаъри ъам щзининг ъур овозини ва обрщсини жаъон бщйлаб баралла янгратмоыда. Бу – сиёсий мустаыиллик бщлиб, ички ва ташыи сиёсатда ъеч кимнинг кщрсатмаларисиз ъам щзбекона щз миллий истиылол ва янгиланиш йщлидан буюк келажак, обод ва озод ватан ва фаравон турмуш сари мисли кщрилмаган иытисодий мустаыиллиги бщлиб, юртимизни бебаъо табиий, меънат бойликларига илмий ва аыл-заковати-ю иноомларига чинакам эгалик ыилиш ъуыуыини ыщлга киритиб, маъаллий халы фаровонлиги йщлида самарали фойдаланиш демакдир.

Марьилон шаъри мустаыиллик йилларида ижтимоий-иытисодий соъада туб щзгаришларни ва янгиланишларни амалга оширди. Эски даврда бир томонлама хом ашё ыайта ишлаб чиыаришга асосланган шаъар халы хщжалиги, унинг хизмат ыилиш таркибий тўзилиши мустаыиллик йилларида миллий манфаатларимизга, иытисодий мустаыиллигимизни мустаъкамлашга ыаратилган таркибий щзгариш ва эски саноат корхоналарининг ишлаб чиыариш фондларини ва жиъозларини замонавий технологиялар билан ыайта ыуриш ва янгиларини барпо этиш ишларини авж олдириб юборди. Бир ваытнинг щзида Марьилон шаъридаги азалий тадбиркорлик, ташаббускорлик ва ишбилармонлик кайфиятидаги фидоий кишиларга, аылий ва жисмоний ыобилиятларини, маъоратини ва тарихий тажрибасини мустаыил ъаётимизда рщёбга чиыаришга кенг йщл очиб берилди. Шаъар фуыаролари ъаётида, тафаккурида, ыарашларида турмуш тарзида ва маонавиятида ъам янгича ишлаш руъияти тез шаклланди ва катта щзгаришлар ва янгича ъаёт – бозор

ыттисодиёти шароитида яшаш ва ишлаш рщй берди. Бу борада Президентимизнинг тадбиркорликни ва ташаббускорликни ыщллаб-ыувватлаш, улар манфаатини янада раьбатлантириш, маъаллий ъунармандчиликни ривожлантиришга баьишланган фармонлари, ъукумат ыарорлари ва Олий Мажлис ыонунлари дадиллик билан Марьилон халыининг турмушига тадбиы этилиб борилмоыда.

Ыытисодий ислоъотларни чуыурлаштириш, мулкни давлат тасарруфидан чиыариш ва хусусийлаштириш жараёни Марьилонда муваффаыият билан амалга оширилиб борилмоыда. Мустаыиллик йилларида аъолининг асосий ыисми яшаб турган давлат мулки ъисобланган уй-жойлар фахрийларга, щыитувчиларга, врачларга, маданият ва тарбия билан шуьулланган ходимларга бепул берилди, бошыа тоифадаги корхоналарда ишлаб турганларга квартиралар арзон баъоларда сотилди. Савдо, умумий овыатланиш, хизмат кщрсатиш, маъаллий саноат ва коммунал-хщжалик соъалардаги обоектлар (магазин, дщкон, ошхона, ресторан, маиший бинолар, кичик корхона, сартарошхона ва бошыалар) уч йилга ижарага берилиб, кейин ижарачиларга арзон баъода сотилди. Ыурилиши тамомланмаган обоектлар, касодга (банкротга) учраган кичик ва щрта обоектлар ким ошди савдосида сотилди. Щрта ва йирик саноат корхоналари, транспорт тармоьидаги корхоналар, ыурилиш соъасидаги корхоналар, йирик савдо корхонлари ва ташкилотлари очиы акционерлик жамиятлари корхоналарига айлантирилди. Мустаыиллик йилларида кичик, щрта бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг шароит яратилиб, ыонунлар ыабул ыилиш туфайли Марьилонда кичик ва щрта бизнес билан шуьулланувчилар сони ва улар ишлаб чиыарадиган маъсулот ъажми ошиб борди. 1996 йилда шаъардаги мулкчилик шаклидан ыатоий назар саноат корхоналари ишлаб чиыарган маъсулот ъажми бир миллиард 590 миллион сщмни ташкил этган бщлса, 2000 йилда – 5,239,5 млн сщмга, 2004 йилда эса – 407 млрд 963 млн сщмга етди ёки мустаыилликнинг сщнгги 6 йили даврида саноат маъсулоти ъажми 256,6 баробарга щсди. Халы истеомол моллари ишлаб чиыариш 1996 йилдаги 1 млрд 706 млн сщмдан 2004 йилда 6 млрд 099 млн сщмга ёки 3,6 мартага кщпайди. Солиштириш шуни кщрсатадики, турьунликнинг 1976-1984 йиллари Марьилон шаърида саноат маъсулотларини ишлаб чиыариш ъажми 1,8 баробарга, халы истеомоли молларининг ъажми эса 1,6 баробарга кщпайган эди.

Марьилон шаърининг асосий ыытисодий кщрсатгичларининг ривожланиш ъажмидаги салмоьининг щзгариши

| № | Кщрсаткичлар /млн.сщм/ | 1996 | 1998 | 2000 | 2002 | 2004 | **2005** |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1. | Саноат маъсулоти | 16,5 | 14,8 | 32,**3** | 67,1 | 707,2 | 440,2 марта |
| 2. | Халы истеомоли моллари | 1706,8 | 1549,5 | 2830,1 | 3466,6 | 609**0,8** | 3,6 марта |
| 3. | Савдо | 6004,7 | 12616,3 | 31789,0 | 4671,3 | 69782,4 | 1**3,0** |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | хизматининг ъажми | | | | | | марта |
| 4. | Пуллик маиший хизмат кщрсатиш | 128,9 | 1818,1 | 4473,9 | 5061,1 | 6971,8 | **86**,5 марта |

1. Ушбу маолумотлар фарьона вилояти статистика бошыармасининг кщрсатилган йиллардаги ъисоботларидан олиниб, муаллиф томонидан жадвал тўзилди.

Мамлакатимиз ыйтисодиётида ислоъотларни босыичма-босыич амалга ошириш туфайли биринчи навбатда устивор саноат маъсулотлари ишлаб чиыаришнинг мулкчилик шакллари таркиби щзгарди. Бозор ыйтисодиётига щтиш даврида мулкни давлат тасарруфидан чиыариш ва хусусийлаштириш бщйича чора-тадбирларнинг маъаллий ва ъудудларда амалга ошириши натижасида ялпи саноат маъсулотларида нодавлат секторининг улуши 1996 йилдаги 54,3 фоиздан 2004 йилда 83,2 фоизга щсган. Шу даврда шаърда халы истеомоли моллари ишлаб чиыаришга катта эотибор берилиб, унинг таркибий щзгариши содир бщлди. Маъаллий халы истеомоли молларининг ъажмини оширишда тадбиркорлик субоектлари ва ъунармандчилик субоектларининг ташаббускорлиги устун ривожланди (жадвалга ыаранг).

Ъукуматимизнинг мустаыиллик йилларида бозор муносабатларига асосланган кщп укладли хщжалик юритишга ва хусусий мулкчиликка кенг имконият очиб берилганлиги ва уларни амалга ошириш учун барча кенг кафолатлар берилганлиги сабаблари, Марьилон шаърида хусусий ишлаб чиыарувчилар, истеомол товарлари ишлаб чиыарувчилар, хусусий савдо билан шуьулланувчилар, аъолига пуллик хизмат кщрсатувчилар ва маиший хизмат турлари билан шуьулланувчилар сонининг кщпайиши, уларнинг щз даромадларини ортиб боришига, маъаллий бюджетнинг ъажмини кщпайтиришга кенг имконият берди. Айниыса, уларга хизмат кщрсатувчи шаър инфратўзилмасини кенгайтириш ва хизмат кщрсатиш доирасининг ъажмини (савдо, маиший хизмат, транспорт, молия-банк тизимлари кабиларни) щсишига олиб келди. Маъаллий аъолининг орасидан чиыыан тадбиркорларнинг кщпайиши, яони 2004 йилда шаърда тадбирлар олиб борилмоқда. 2004 йилда шаҳарда 1315 та кичик ва щрта хусусий корхоналар фаолият кщрсатмоыда. Улардан «Ал-тамон», «Али-нурмат», «Али-мавжуд», «Маматхон» каби фирмалар щзларининг ишлаб чиыариш ъажмларини кенгайтириб, маъсулот турларини итсеомолчилар талаби даражасидаги сифатларига эришмоыдалар. Шаърнинг тижорат банклари кичик ва щрта хусусий корхоналарни, тадбиркор, ъунарманд ва фермерларни ыйтисодий-молиявий жиъатдан ыщллаб-ыувватлаш маысадида катта миыдорда микрокредитлар ажратиб бермоыда. Уларнинг натижасида шаър иш билан бандлик даражаси ошиб бормоыда. 1995 йилда иш щринларини яратишда 374 нафар иш билан таоминланган бщлса, бу кщрсаткич ошиб бориб, 2002 йилда 3090 нафарга етди. 2001-2004 йилларда бир неча марта меънат ярмаркалари

щтказилиб, иш ахтариб мурожаат этган 3236 кишидан 2902 таси ишга жойлаштирилди. 2000-2004 йиллардан буён «Республика ташаббус» танловларида марьилонлик тадбиркорлар ва ъунармандлар доимо ьолибликни ыщлга киритиб келмоыда.

Марьилон шаърида 2005 йил бошидаги маолумотга кщра, 191,2 минг киши яшайди. Улардан 67,4 фоизи ишга лаёыатли кишиларни ташкил этади. Шаъар аъолиси ъар йили табиий щсиш оыибатида 2600-2700 кишига кщпаймоыда. Уларни келажакда яшаши ва ишлаши учун шаъар ъокимияти щзининг ижтимоий-ыытисодий ва маонавий-маорифий дастурини ишлаб чиыди. Бунга кщра, шаъарда мукаммал ыурилишга, янги кичик ва щрта саноат обоектларини ыуришга ва мавжуд йирик корхоналарни ыайта янги асбоб ускуналар ва технологик жиъозлашга катта эотибор берилмоыда. Шу маысадда капитал маблаьларнинг ъажми щсиб бормоыда. Агар 1995 йили шаърда сарфланган капитал маблаьларнинг ъажми 126,2 млн. сщмни ташкил этган бщлса, 2000 йилда 986,8 млн. сщмни, 2004 йилда 1200 млн. сщмни ёки 9,5 баробарга яыин щзлаштирилди ва бажарилган пудрат ишларининг ъажми щтган щша йилларда 64,7 млн сщмдан 1629 млн сщмга ёки 25,1 баробарга кщпайди.

Шаърда катта ободончилик ва янги савдо маиший хизмат кщрсатиш обоектлари бунёд этилмоыда. Шаърнинг архитектура кщриниши ва биноларнинг олди кщриниши замонавий тус олиб, ободонлаштиришга катта эотибор берилмоыда. Шаърнинг ъудудий «Ъунарманд» уюшмаси томонидан янги-янги маъсулот ишлаб чиыариш йщлга ыщйилди. Деъыон ва фермер хщжаликлари уюшмаси жамоаси гщшт, сут, сабзавот ва полиз ъамда мева маъсулотлари етиштиришга щзларини муносиб ъиссаларини ыщшиб келмоыда. Мустаыиллик йилларида шаърнинг марказий ва ъудудий бозорлари ободонлашиб бормоыда. Янги бозорлар ыурилди. Бу бозорларда деъыонлар етиштирган маъсулотлар, ъунармандларнинг товарлари ва буюмлари хилма-хил, ранг-баранг маъсулотлар сотилмоыда. Ипакчилар шаърчасида янги бозор щз фаолиятини бошлади. Гураввал улгуржи буюмлар бозори ыайта жиъозлаш ишлари тугатилди. Шаърнинг марказий бозори мутлаыо ыайта ыурилди ва янги хусусий савдо дщконлари ыурилиб, замонавий архитектура талабларига мос ривожлантирилди. Ъозир янада ободонлаштириш маысадида марказий бозор лойиъаси тасдиыланиб, ыурилиши таоминланмоыда. Келажакда бозорлар фаолиятини янада яхшилаш ва тартибга солиш, уларни замонавий савдо марказларига айлантиришга катта эотибор берилган. Мустаыиллик йилларида шаърда хусусий мулк эгалари томонидан 72 минг квадрат метрдан зиёд хизмат кщрсатиш тармоылари ва обоектлари бунёд этилди. Шаърнинг Марказий истироъат боьи ыайтадан ыурилиб замонавий дам олиш майдонига айлантирилди. Ъозирги кунда Марьилонда 14 та саноат корхонаси, шундан 4 таси озиы-овыат, 10 таси саноат моллари ишлаб чиыарадиган корхоналар фаолият кщрсатмоыда. Марьилон мустаыиллик йилларида янгича ижтимоий-ыытисодий тараыыиёт йщлига щтиб бормоыда.

Марғилон шаҳрининг 2000 йиллиги муносабати билан Шаҳардаги саноат корхоналари ва савдо тармоқларининг фойдали майдонлари кенгайтирилмоқда,

ишлаб чиқариш қувватлари оширилмоқда, улардан бўлганларнинг сони кўпайиб, маҳсулот ишлаб чиқариш хажми ва савдо молларининг айланиши тоборо ортиб бормоқда. Яқин истиқболда Марғилон нафақат водийнинг балки Республикамизнинг йирик замонавий саноат-савдо маркказига айланиш имкониятига эга бўлади.

МАРЬИЛОН – ШОИРЛАР ШАЪРИ

Й.Солижонов, А.Ыаюмов - ФарДУ

Узоы тарихга эга халынинг адабиёти ъам ыадимий бщлади. Хусусан, пойтахт маыомидаги ёки савдо-сотиы, борди-келди ривожланган марказий шаъарларда ижтимоий-ытисодий, маданий-адабий муъит ъам марлум даражада тараыыий этади. Бинобарин, адабиёт ва саноат нафаыат халы маонавиятининг, айни чоьда ерли халыыа хос фалсафий ыарашларнинг кщзгуси ъамдир. Шу жиъатдан Марказий Осиёнинг йирик шаъарларидан бири бщлган, Буюк ипак йщлининг энг серыатнов манзилига жойлашган ыадимий Марьилон шаърида адабий муъит щз кщъна тарихи ва бой тажрибасига эга дейиш мумкин. Заъириддин Муъаммад Бобур таобири билан айтганда, Фарьона водийсининг энг «Яхши ыасаба (шаъар)»ларидан бири ъисобланган Марьилон ьоят «пур неомат, анори ва щруги асру (жуда) кщп ва хщб (яхши)» бщлган маскандир.

Бу кщъна шаъардан 2000 йил мобайнида кщплаб машъур кишилар етишиб чиыди. Марьилон аслида ыщли гул ъунармандлари билан донг таратган. Марьилон номини дунёга танитган кишилар орасида таниыли давлат ва фан арбоблари, саноаткорлар, истердодли адиблар, йирик файласуф олимлар ъам талайгина. Айниыса, «Буюк аллома Бурҳониддин Марьиноний яшаб щтган, шоира Увайсий (Жаъон отин) туьилган ва бошыа бир ыанча машъур кишилар ижод ыилган» («Щзбекистон Миллий энциклопедияси», 5-жилд. Т., 2005. 497-бет) Марьилон шаърининг адабиёти ъам щзига хосдир. Бу манзилдан етишиб чиыыан юзлаб нозиктаб ыаламкашларнинг асарлари худди Марьилон тандири сингари пишиы ва ъароратли, атласи каби хилма-хил ва рангин, пойабзалларидек кщркам ва ёыимлидир.

Марьилон адабиёти жуда ыадимдан диний-тасаввуфий йщналишда тараыыий этган ва бу аноана ъанузгача давом этиб келяпти. Афсуски, биз бу адабиётнинг энг ыадимий намуналарига эга эмасмиз. Бунинг учун кщплаб тазкираларни, тарихий асарларни щрганиш, кщъна ёзма ёдгорликларни ыунт билан мутолаа ыилиш талаб этилади. Бу эса кщп ваытни олади. Шунга ыарамай, биз ыисыа муддатда айрим манбаларни кщздан кечириб, Марьилондан етишиб чиыыан талай ижодкорларни излаб топдик. Биргина ыщыонлик адабиётшунос Пщлатжон домулла Ыайюмов тазкирасида Х1Х аср бошларидан то ХХ асрнинг 60-йилларигача яшаб ижод ыилган 15 нафар марьилонлик ижодкор ыаламга олинганлигини аниыладик. Булар Файзий, Нисбатий, Рожий, Камина, Хазин, Муъсиний, Насимий, Ъайратий, Ъавоий 1, Ыорий, Омоний, Бегий, Мавлавий Охун, Роиы, Муфаззал махдумлардир. Яна

бу китобга киритилмаган Увайсий, Умидий ва Марьилонда туьилиб, таыдир таыозоси билан Ыщыонга бориб яшаган ижодкорларни ъам ыщшадиган бщлсак, раыам салмоьи янада ортиши табиий.

Юртимизда шщролар ъукумати щрнатилгач, ёзувчилар уюшмаси таосис этилиб, уюшмага аозо бщлмаган ыанчадан ыанча адиблар тан ъам олинмади, тазкираларга ъам киритилмади. Масалан, 1984 йили нашр этилган «Писатели советского Ўзбекистана» китобидан уюшма аозоси бщлган марьилонлик адиблардан Турьунбой Ьойипов (1904-2006), Исмоилжон Тщхтасинов (1921-1993), Мамадали Умаров (1928-1995) ва Исфандиёр (1946)лар киритилган холос. Адабиётшунос С. Мирвалиевнинг «Щзбек адиблари» тазкирасида эса биргина Исфандиёр Маткаримов ижоди ъаыида маолумот берилган.

Ваъоланки, щтган асрнинг 60-70 йилларида Марьилондан бирталай талантли ижодкорлар етишиб чиыди ва уларнинг овози бутун мамлакатга таралди. Мамадали Умаров, Марруф Мударрисов, Жамолхон Жамолий, Адъам Каримов, Ъамид Усмонлар ортидан Исмоил Маъмуд, Щктам Эшонбобоев, Муътарама Улуьова, Муъаббат Иброъимова сингари щнлаб истердодли ижодкорлар дадил парвоз ыилдилар. Гарчи уларнинг кщпчилиги ёзувчилар уюшмасининг арзоси бщлмаса-да, ъаётини адабиётсиз тасаввур ыилолмайдиган, сщз саноатига ихлос билан кщнгил ыщйган ыаламкашлардир.

Ъозирги пайтда Марьилон адабиёти щзининг муыаддас аноаналарига содиы ыолган ъолда уни изчил давом эттириб, янгидан-янги истеододларни рщёбга чиыармоыда. Шу кунларда Марьилон адабий муъитини таниыли шоир Исмоил Маъмудсиз тасаввур этиб бщлмайди. У ыарийб щн йилдан буён шаъардаги «Олтин мерос» Халыаро жамьармаси ыошида щзи ташкил этган Жаъон отин Увайсий номидаги адабиёт тщгарагини бошыариб келяпти. Тщгарак машьулотларида шаъарликлардан ташыари ыщшни Охунбобоев, Ёзёвон, Тошлоы, Олтиариы туманларидан ъам талай йигит-ыизлар мунтазам ыатнашиб, ижод сирларини ыунт билан щрганмоыдалар. Шуниси ыувончлики, щтган олти йилдан буён республика ёш ижодкорларининг Зомин семинарида тщгарак арзолари ъар йили совринли щринларни олиб келаётир. Ъозиргача тщгарак аозоларидан икки нафари Зулфия номидаги республика Давлат мукофотининг лауреати бщлди. Бир неча ъаваскор Олий адабиёт курсида щыишга тавсия этилди ва ёзувчилар уюшмасига аозолигига ыабул ыилинди. Ъозиргача щндан зиёд ижодкорнинг шеорий тщпламлари босилиб чиыди. Мана, ыщлимда тщгарак аозоларидан Алишер Исоыовнинг «Сен келсанг», Мунира Ыщыонованинг «Бахт учыунлари», Сайёра Холдорованинг «Оппоы туйьулар» деб аталган янги тщпламлари. Улар, ъеч шубъасиз, ёш ыаламкашларнинг келажагига ишонч туьдиради.

Хуллас, 2000 ёшлик Марьилон шу кунларда ъар ыачонгидан ъам чирой очиб, яшариб, кучга тщлиб бормоыда. Бунда адабиёт аълининг алоъида щрни ва хизмати бор. Улар шаъар номини минтаыалар оша машъур ыилган марьилонлик таниыли адиблардир.

**МАРЬИЛОНЛИК ФАЙЛАСУФ ОЛИМЛАР**

Ыадимий ва навыирон Марьилон щзбек ва дунё маданияти равнаыига муъим ъисса ыщшган. У щзбек маданиятининг щчоьларидан бири, маданиятимизнинг бойиши ва ривожида катта рол щйнади. Бу маскандан йирик мутафаккир, олим, ёзувчи, шоир, давлат ва жамоат арбоблари, саноатимиз намоёндалари етишиб чиыыан. Ъозирги замон щзбек адабий тилининг асосларидан бири марьилон шевасидир, чунки у содда, ёзма ва оьзаки нутыыа жуда яыинлиги билан ажралиб туради. Унда щзбек табиати, психологияси, руъияти, турмуш тарзи, менталитети, аноаналарининг кщп томонлари ва хусусиятлари пайдо бщлган ва шаклланган. Хуллас, моддий ва маонавий маданиятимизнинг дурдоналари марьилонда яратилган десак хато ыилмаймиз. Биз ыуйида шу ерлик файласуф олимлар ъаыида ыисыача тщхталамиз. Улардан бири Мадамин Усмоновдир. Бщлажак олим Марьилонда туьилди, 2-щрта мактабни тугатди. Сщнгра А.Навоий номли Самарыанд давлат университетининг тарих факулртетида тахсил олди. Унинг меънат ва илмий педагогик фаолияти **Ôàðüîíà** давлат педагогика институти билан чамбарчас боьланган, чунки М.Усмонов 1959 йилдан то умрининг охиригача щыитувчи, катта щыитувчи, доцент бщлиб ишлади. Студент- ларга сабоы бериш билан бир ваытда тарбиявий, илмий, сиёсий, тарьибот ишларида фаол иштирок этди. У тарих-география, мусиыа факулртетларида ва тайёрлов бщлимида узоы йиллар давомида декан бщлиб самарали меънат ыилди, щзининг ташкилотчилиги ва ьамхщрлиги, ширинсщзлиги ва муомала маданияти билан катта обрщ орттирди. Ъозиргача ъам уни фаыат яхши одамий ъислатлари билан эслашади.

М.Усмонов щыув, тарбия, тарьибот ишларини илмий фаолият билан уйьунликда олиб борди.

Илмий соъада ъам изчиллик билан изланиши оыибатида ўлкан ютуыларга эришди. Шарыда, хусусан Щзбекистонда ахлоы тщьрисида ёзмаган шоир, мутафаккир, арбоб бщлмаса керак, шунинг учун ъам маонавий меросимиз жуда бой, уни щрганиш ва оммага етказиш ъар зиёлини халыи олдидаги муыаддас бурчларидан бири ъисобланади. Шу сабабли ъам М.Усмонов щз илмий тадыиыот обоекти ыилиб щтмиш мутафаккирларининг ахлоыий таолимотини танлади. Щзбек фалсафасида биринчилардан бщлиб бу соъага ыщл урди. У «XIX аср охири ва XX аср бошларида щзбек мутафаккирларининг ахлоыий ыарашлари» мавзусида илмий изланиш олиб борди ва уни муваффаыиятли ъимоя ыилиб фалсафа фанлари илмий даражасини олди.

М.Усмонов шу даврда яшаб, ижод этган щзбек мутафаккирлари, шоирлари Муыимий, Фурыат, Анбар отин, Завыий, Ъамза кабиларнинг ўлкан бой ижодини пухта ва ъар томонлама таълил ыилди, уларнинг ахлоыий ыарашларини, таолимотларининг фалсафий жиъатдан чуыур анализ ыилиб берди.

Мутафаккирларимизнинг ахлоыий таолимоти ижобийлиги, прогрессивлиги ва халычиллиги, щзига хослиги билан ажралиб туришини илмий жиъатдан асослади.

Щзбек мутафаккирларининг жаъон халылари ахлоыий таолимотларининг тараыыиёти ва бойишига ыщшган муъим улушларини кщрсатиб берди. М.Усмонов томонидан ахлоыий таолимот ва тарбияга оид щнлаб илмий маыола, рисолалар яратилди.

У докторлик диссертацияси устида ыизьин иш олиб бориб, «Маданият ва ахлоы» номли монографиясини эолон ыилган эди. лекин беваыт щлим илмий ишни ниъоясига етказишга ъалаыит берди.

М.Усмонов билан бир ваытда, бир жойда, битта кафедрада илмий-педагогик фаолият кщрсатган файласуф олим Мирзадавлат Хусанбоевдир. У ъам марьилоннинг ыоы щртасида таваллуд топган, 3-щрта мактабни имтиёзли битириб, М.Улуьбек номидаги Тошкент давлат университетининг тарих факулртетида щыиган. М.Хусанбоев 1961 йилдан то умрининг охиригача Фарьона давлат педагогика институти (университети) да щыитувчи бщлиб фаолият кщрсатган. У даставвал кабинет мудири, щыитувчи, аспирант, катта щыитувчи, доцент ва кафедра мудиригача бщлган машаыыатли йщлни босиб щтди.

Таолим ва тарбия, университет ижтимоий ъаётида фаол ыатнашиб, бщлажак педагогларга фалсафанинг сир-асрорлари, мазмун ва моъиятини сингдиришга ъаракат ыилди. Шу билан бирга ёшларинг дунёыараши ва эотиыодини илмий-фалсафий асосда шакллантиришга жиддий аъамият берди.

Меънат жамоасининг интизомини мустаъкамлаш борасида институт халы назорати ыщмитаси раиси ва сиёсий ташкилотининг котиби щринбосари сифатида узоы йиллар мобайнида кенг кщламда иш олиб борди. Бу соъада катта ишлар ыилди ва муъим натижаларга эришди.

Билимдон ва моъир нотиы сифатида меънаткашлар, аъоли щртасида маонавий ва маорифий, ьоявий тарьибот олиб борди. Омманинг маданияти, сиёсий савиясини янада юксалишига катта ъисса ыщшди ва вилоят ахлига танилди.

Мирзадавлат Хусанбоев щыитувчилик, ташкилотчилик, раъбарлик, тарьиботчилик фаолиятини илмий-тадыиыот ишлари билан щзаро биргаликда олиб борди. Мазкур соъада бирмунча ютуыларни ыщлга киритди. Фалсафанинг билиш соъаси энг ыийин ва мураккаб саналади. У щзининг илмий текшириш обоекти ыилиб билиш соъасини танлади. Ъозирги замон щзбек фалсафасининг асосчиси, академик И.М.Мщминов раъбарлигида «Алоъидалик, хусусийлик, умумийлик ва уларнинг билишдаги аъамияти» мавзусида кандидатлик диссертациясини ёзди ва ъимоя ыилди. Маолумки, бу фалсафий категориялар жамият, табиат ва тафаккурнинг умумий ыонуниятларини билишда, щрганишда катта аъамиятга эга.

Билиш назарияси фанининг мураккаб соъаси бщлиб кенг ыамровли ва чуыур билим эгаси бщлишни таыозо этади.

Бу соъа бщйича М.Хусанбоев кщп сонли йирик-йирик илмий маыолалар, оммабоп рисолалар яратди ва эолон ыилди. Олимнинг «Илмий башорат», «Мантиы», «Маонавият» каби китоблари фалсафа ва маонавият асосларини щрганишда китобхонларга катта ёрдам берибгина ыолмай, ыщлланма бщлиб хизмат ыилмоыда.

Щйлаймизки, М.Усмонов, М.Хусанбоевларнинг илмий фаолияти мустаыилликнинг маонавий асосларини шакллантиришга, халы оммасининг маданиятини янада юксалишига ва савиясини щсишига ъар жиъатдан ёрдам беради. Уларнинг хотираси марьилон ахли ыалбида узоы саыланиб ыолади. Зеро, маданиятга баьишланган ъаёт сщнмасдир, деган эди донишмандлардан бири. Зора шундай бщлсин.

**МАРҒИЛОН ҚИЗИНИНГ ЖАСОРАТИ**

Ф.Эргашев - ФарДУ

Марғилон шуҳратини оламга таралишида аёлларнинг аҳамияти ва роли катта. Жаннат оёғи остида бўлган аёллар тарихий прогрессда ижтимоий жараён бешигини дадил тебратмоқда. Ҳозирги замон ўзбек турмуш тарзининг бирор жабҳаси йўққи, унда хотин-қизлар фаол қатнашмаган бўлсин. Кўҳна тарихнинг шоҳидлик беришича Марғилон йирик шоира, олим, мутафаккир, жамоат ва давлат арбоблари, маданиятимиз дарғаларини етиштириб берган заминдир. Улар маданиятимизнинг ривожига ва бойтишга муҳим ҳисса қўшганлар.

Ўзбек аёлининг турмуш тарзимиздаги мавқеи тобора ошиб бораётганлигини гувоҳи бўлиб турибмиз. Мустақиллик ва ижтимоий прогресс аёллар салоҳиятини мисли кўрилмаган даражада ошириб юборди. Эндиликда ўзбек хотин-қизлари ҳар жиҳатдан ўзлигини намоён этмоқда. Ана шулардан бири Марғилон қизи Турғуной Эгамбердиевадир.

У шу ерда туғилди, 1-чи мактабни битирди, меҳнат фаолиятини болалар боғчаси тарбиячилигидан бошлади. Тиришқоқ ва меҳнатсевар Турғуной тез орадаёқ ёшлар орасида кўзга кўрина бошлади. Фаоллиги ва олдинга қараб интилувчанлиги билан ажрала бошлади. Бу эса Турғунойни шаҳар ёшлар ташкилотига раҳбарликка олиб келди. Бунда у ўзининг ташкилотчилик қобилятини ҳар тарафлама намоён этди. Кейинчалик вилоят комсомол қўмитасининг котиби бўлиб фаолият кўрсатди. Йиллар оша унинг тажриба ва маҳорати бойиди, аста-секин билимини оширди. Фарғона давлат désinституtини сиртдан ўқиб тамомлади, сўнгра Москва олий партия мактабида таҳсил кўрди, назарий билимини ва сиёсий онгини янада бойитди.

Қайтиб келгач Марғилон шаҳар партия қўмитаси котиби бўлиб ишлай бошлади. У Марғилон хотин-қизларнинг ижтимоий меҳнат фаоллигини оширишга турмуш шароитини яхшилашга жиддий эътибор берди, шаҳар

паркида чақалоқлар хиёбонини ташкил этди. Бу ўша пайтда республикада янгилик эди.

Ёшларнинг сиёсий раҳбари, сиртдан ўзини оила ташвишларини бир вақтда, баравар, бир маромда олиб бориш одамдан чидам ва бардошни талаб қилади. Бундай оғир юкни фақат аёл зотигина кўтара олади. Турғуной ҳам уни ўз елкасида мардонавор кўтариб келаяпти, аммо кўтарганда ҳам барча учун ўрнакка арзигулик тарзда.

Маълумки, давлат ва партия юқори ташкилотларида маъсулиятли лавозимларда фаолият кўрсатиш аёл кишининг кўп банд қилади. Табиийки, оила ва фарзандлар тарбиясига жуда кам вақт қолади, баъзи ҳолларда умуман вақт йўқ. Шундай бўлса ҳам Турғуной ўша оз вақтни оила ва фарзандларига унумли сарфлайди, катта оилани шакллантиради, фарзандларини тарбиялаб вояга етказади. Бу борада турмуш ўртоғи Иброҳимжоннинг жуда катта роли ва хизматини кўрсатиб ўтиш керак. Иброҳимжон том маънода фидойилик кўрсатди. Оиланинг бутун оғир юмушларини ва фарзандлар тарбиясини ўз бўйнига олди ҳамда рафиқаси Турғунойнинг ишлаши, илмий тадқиқот иши билан шуғулланишига тўла шарт-шароит яратиб берди, моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб қувватлади. Шунинг учун ҳам Турғуной барча соҳаларда ўлкан ютуқларга бемалол эришди.

Иброҳимжон ва Турғуной тўрт фарзандни тарбиялаб, ҳаётда мустаҳкам ўрин олишларига барча зарур имкониятларни муҳайё қилдилар, натижада ўғиллари Равшанбек, Рустамжон, Аҳмаджон олий маълумотга эга бўлиб, турли соҳаларда астойдил меҳнат қилмоқдалар, Илҳомжон эса АҚШнинг Нью-Йорк шаҳрида магистратурани тугатди.

Ҳозир Иброҳимжон ва Турғуной кўп сонли набиралар тарбияси билан банд. Иброҳимжоннинг орттирган бой тажрибаси қўл келмоқда. Икки-ёрти бир бутун деганлари шу бўлса керак. Кейинчалик вилоят ижроия қўмитасининг раис муовини, вилоят партия қўмитасининг котиби, Фарғона вилоятлараро партия-совет ходимларининг малака ошириш институти директори вазифаларида сидқидилдан фаолият кўрсатди. Вилоят ижтимоий, иқтисодий ривожланиши маданиятининг юксалишига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшди. Университетга ўтганларидан бери катта ўқитувчи, факультет, проректори бўлиб ишлади ва ҳозирда доцент вазифасини бажармоқда.

Энди Т.Эгамбердиеванинг илмий-педагогик фаолиятига тўхталамиз. Иш, жамоатчилик иши, оила ва илмий тадқиқот билан шуғулланиш жуда оғир ва зўр матонатни талаб қилади. Уни жуда кам одамлар уддалайдилар. Лекин Турғуной бу соҳада ҳам ўзини кўрсатди. У илмий ишини Москва олий партия мактабида бошлаган эди. Юқорида айтганимиздек оила, маъсулиятли лавозимларда ишлаш қийин ва мураккаб. Аммо ҳаммасини қойил қилиб бажариб қўйди, илмий иш билан шуғулланиш катта жасоратдир. Жуда кўп ҳолларда иш кобинетида кечалари назарий, илмий, сиёсий адабиётларни ўқиб ўтирганини гувоҳи бўлганман. Кейин билсам диссертация устида ишлаётган экан. Илмий иши қишлоқ турмуш маданиятига бағишланган. Узоқ йиллар давомида

вилоятда бу соҳага раҳбарлик қилди, унинг аҳволи ва муаммолари Турғунойга яхши маълум. Шунинг учун ҳам қишлоқ, турмуш маданиятини янада ривожлантириш ва юкасалтириш муаммоларини илмий жиҳатдан тадқиқ этиш муҳим назарий, амалий, ижтимоий аҳамиятга эга. Турғуной ўз илмий ишида мана шуларни таҳлил қилиб берди ва "Ўзбекистонда қишлоқ турмуш маданиятининг аҳволи (1970-1980)" мавзусида диссертацияни ҳимоя қилиб тарих фанлари номзоди илмий даражасини олди. Қизиғи шундаки, бирга ишлаб туриб биз фақат ёқлаганини билдик холос. Чунки ҳимоя куни Тошкентга бориб қайтиб келган эди. Кейин билишимизча ишдан фақат бир кунга рухсат берилган экан.

Шундай тарзда олима бўлган эди Турғуной, ким диссертация ёқлаган бўлса, бундай ҳолат нақадар ҳаяжонли ва маъсулиятли эканлигини яхши билади, ундан ташқари тўғридан-тўғри бориб, минбарга чиқиб илмий иш мазмунини 20 дақиқада сўзлаб беришни кўз олдига келтиринг! Бу том маънодаги жасорат эмасми?!

Жамият ҳаётида хотин-қизларнинг ўрни ва доим Турғунойнинг диққат марказида бўлиб, уларнинг муаммолари Турғунойнинг муаммосига айланди. Буларни назарий жиҳатдан таҳлил қилиб, амалий томонидан аёлларнинг турмуш тарзини енгилаштириш, хотин-қизларни ҳар жиҳатдан жонига оро кириш (кўмаклашиш) Турғунойнинг галдаги асосий вазифаси бўлиб қолди.

Аёллар жамиятининг тенг ҳуқуқли аъзоси ва ижтимоий равнақнинг ҳал қилувчи кучидир. Шу боис аёллар муаммоси доимо долзарблигича қолаверади. Турғуной дарс бериш, турли хил вазифаларни бажариш, жамоат ишида фаол иштирок этиш билан бирга докторлик диссертацияси устида кечаю-кундуз тинмай изчилик билан иш олиб борди ва ниҳоят уни ўтган йили тугаллаб, "Аёллар фаоллигини оширишнинг ижтимоий-педагогик асослари" мавзусида илмий ишини муваффақиятли ҳимоя қилди ва педагогика фанлари доктори илмий даражасини олди. Шундай қилиб, Марғилонда йирик олима етишиб чиқди. Диссертация мавзуси юзасидан "Аёл ва давр" (1994), "Ижтимоий-маънавий ҳаёт ва аёллар фаоллиги" (2004), "Аёллар фаоллигини оширишнинг ижтимоий педагогик асослари" (Т.2006) номли монографиялари босилиб чиқилди. Ундан ташқари, бир неча илмий мақолалари Россия, АҚШда эълон қилинди, 3 та рисола, 2 та монография ва 100 га яқин илмий мақолалар босилиб чиққан. Т.Эгамбердиева илмий кадрлар тайёрлашни бошлаб юборди. Унинг раҳбарлигида битта номзодлик иши ёқланди, 3 та тадқиқотчи илмий иш олиб бормоқда.

"Аёллар фаоллигини оширишнинг ижтимоий-педагогик асослари" йирик монографиясида муаллиф жамият маънавий ҳаётида аёллар фаоллигини ошириш муҳим педагогик, ижтимоий, сиёсий, маданий муаммо эканлигини, жамият маънавиятини шакиллантиришда аёллар фаоллигини оширишнинг ўзига хос хусусиятлари, муаммоларнинг назария ва амалиётидаги ҳолатини ёритган.

Китобда жамият маънавий ҳаётида аёллар фаоллигининг тутган ўрни ва улар фаоллигининг шаклланиш жараёнлари, жиҳатлари, ўзбек менталитети ва аёллар фаоллигини тарихий, миллий, анъанавий шаклланиши, жамият маънавиятини вужудга келтиришда аёллар фаоллигини янада ошириш имкониятлари илмий таҳлил қилинган.

Ундан ташқари, илмий ишда мустақиллигимиз шароитида аёллар фаоллигини ошириш муаммолари конкрет равишда аниқланди, Ўзбекистонда аёллар фаоллигини ошириш тажрибасининг анализи ва истиқболидаги йўналишлари ҳамда бозор муносабатларига ўтиш шароитида аёллар фаоллигини ошириш шакл ва методлари ҳар тарафлама чуқур илмий тадқиқ этилган. Ушбу илмий иш фалсафа, социология, тарих, педагогика, маданиятшунослик билан шуғулланувчилар учун муҳим манба бўлиб ҳизмат қилиши шубҳасиздир.

Хуллас, Т.Эгамбердиева оила, раҳбарлик, меҳнат, жамоат ва илмий фаолиятларида ҳақиқий жасорат кўрсатди.

## МАРҒИЛОН ШАҲРИДА ҚИЗАМИҚ КАСАЛЛИГИНИНГ КЎРСАТКИЧЛАРИ ВА УНИ ТУГАТИШ МУАММОЛАРИ

А.Н.Абдукаримова, О.С.Иноятова - ФарДУ

Қизамиқ касаллиги ҳозирги кўнда камайган бўлсада, бироқ бу касаллик билан оғриш ҳоллари қайд этилмоқда. Қизамиқ хавфли инфекциялардан ҳисобланиб, олдинги вақтда уни “ Болалар ўлати” деб аташган. Касалликка қарши вакцина ишлаб чиқилгунча (1960 й.) қизамиқ бўйича ер юзида пандемик ҳолатлар вужудга келиб, грипп пандемияларидан кейинги ўринни, айрим ҳолларда ҳаттоки биринчи ўринни эгаллаб турган.

1960 йилда қизамиқ касаллигига қарши вакцина яртилди ва бу касалликни олдини олишга, кескин камайишига сабаб бўлди. Аммо эмланмаган аҳоли орасида, эмланганларнинг айримларида қизамиқ билан касалланиш ҳозирги вақтда ҳам аниқланмоқда ва ўз вақтида кўрсатилган даволаш натижсида касаллик асоратсиз ўтмоқда.

Кейинги йилларда Ўзбекистон Республикасида қизамиқ касаллигини болаларда тўла тугатишга қаратилган кўплаб ишлар амалга оширилди.

Фарғона вилояти Марғилон шаҳри шароитида ўрганиш шуни кўрсатдики, вакцинация давригача 1960-1969 йилларда ҳар 100 минг шаҳар аҳолисига нисбатан 430-тадан 2 мингтагача қизамиқ билан касалланиш қайд қилинган.

1970 йилдан бошлаб Марғилон шаҳрида 7 ёшгача бўлаган болаларни оммавий равишда қизамиқ касаллигига қарши 50 вакцинация қилиш, касалликни 1971 йилда 50 баробар камайишига олиб келди.

Кейинчалик шаҳар аҳолисининг доимий равишда қизамиқ касаллигига қарши турли муддатларда эмлаш қизамиқ касаллигининг кескин камайишига олиб келди.

1992 йилдан бошлаб қизамиқ касаллигига қарши болаларга 9 ойликда вакцинация, 16 ойликда эса ревакцинация ўтказиш, унинг кескин даражада камайтириш билан бирга даврийлигини 4-5 йилга чўзилишига ва борган сари кўпроқ мактаб ўқувчилари ҳамда катталарнинг касалланишига олиб келди.

Шаҳарда қизамиқ касаллиги 1970 йилда 27-та 100 минг аҳолига нисбатан 18-та, 1999 йилда эса 44-та 100 минг аҳолига нисбатан 30-32-та касалланиш қайд қилинган. Булардан 41 % - ни мактабгача ёшдаги болалар, 28 % - ни мактаб ёшидаги болалар, 16 % - ни катта ёшдаги одамлар ташкил этган. Бу эса қизамиқ касаллигининг катталар ва болалар ичида кўрсаткичи бир хиллигидан далолат беради.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, Марғилон шаҳрида қизамиқ касаллигининг эпидемиологик нохуш даври 2002 – 2005 йилларнинг охирларига тўғри келади. Бундан шуни таъкидлаш мумкинки, қизамиқ касаллигига қарши эмлаш ишлари ва уларни тугатиш учун шаҳар болаларига нисбатан ўз муддатларида ревакцинация турларини амалга ошириш лозим.

## МАРҒИЛОН ТУМАНИДА “ҚУЛОҚ ҚИЛИШ” СИЁСАТИ ТАРИХИДАН

М.Абдуллаев, Ш.Асқаров

1930 йил баҳоридан Фарғона водийси туманларида деҳқон хўжаликларини коллективлаштириш сиёсати авж олиб кетди. Совет ҳукумати ва комфирқа раҳбарлари коллективлаштириш асосида ўзига тўқ, тадбиркор деҳқон хўжаликларини “қулоқ” тамғаси билан таъқибга олишни ҳам кучайтирдилар. Ўз меҳнати билан кун кўраётган, хўжалигини яхши йўлга қўйиган, колхозга киришни хоҳламаган тўқ хўжаликлар таъқибга олиниб, уларга нисбатан сиқув кучайтирилган, турли баҳоналар билан жазо чоралари қўлланган.

“+уло=” хыжаликлари ёппасига коллективлаштириш эълон =илинган туманларда махсус кырсатма быйича рыйхатга олинганлар. Рыйхатга олинган хыжаликларга катта ми=дорда соли= солинган, турли о\ир мажбуриятлар юкланган.

Фар\она водийсида =уло= хыжаликларига юкланган мажбуриятлардан энг о\ири пахта контрактацияси эди. Пахта контрактацияси ты= хыжаликларни хонавайрон =илган мудщиш тадбир сифатида из =олдирди. 1930 йилда республикада пахта етиштиришни кыпайтиришга жиддий эътибор =аратилган эди. Бу масала юзасидан бир =анча тадбирлар белгиланди, тегишли йыри=номалар ишлаб чи=илди. Туманларда “=уло=” хыжаликларида пахта етиштиришни назорат =илиш, пахта мажбурияти юклаш ва белгиланган ми=дордаги пахтани =абул =илиб олиш быйича “экин учликлари”, округларда эса “экин бешликлари” ташкил =илинди. “Учлик” ва “бешлик”лар чекланмаган щу=у=ларга эга эди. Улар томонидан =уло= хыжаликлари ани=ланиб, уларнинг ери, чорва щайвонлари рыйхатга олинган ва бунга кыра хыжаликлар пахта

етиштириш быйича мажбурий шартномага киритилган. +уло= хыжаликларини ани=лашда асосан, улар тылайдиган =ишло= хыжалик соли\и асос =илиб олинган.

Фар\она округ “экин бешлиги” 1930 йил 2 февралдаги йи\илишида =уло= хыжаликларининг бу хыжалик йилидаги пахта мажбуриятлари, мажбуриятда белгиланган пахтани тыла ундириб олишга доир =арорлар =абул =илган. Йи\илишда ытган хыжалик йилларида пахта топшириш мажбуриятини бажара олмаган хыжаликларнинг мол-мулкини мусодара =илиб судга бериш, мусодара =илинган мулкларни колхозлар фондига ыткaзиш =арор =илинган.

Мар\илон туманида щам туман ижроия комитети раиси, молия былими раиси ва партия комитети вакилидан иборат “учлик” ташкил =илинган былиб, бу “учлик” томонидан тумандаги мажбуриятни бажармаган =уло= хыжаликлари ща=идаги маълумот округ “экин бешлиги”га та=дим этилган. Маълумотномада =уло= хыжалигининг ер ми=дори, мол-мулкининг рыйхати, якка тартибдаги соли= ми=дори, белгиланган пахта мажбурияти ва топширилган пахта ми=дори акс этган. +уйида Мар\илон туман “экин учлиги” томонидан округ “экин бешлиги”га та=дим этилган ва 1930 йил 4 февралда жавобгарликка тортилган =уло= хыжаликларидан айримлари ща=ида тыхталиб ытамиз:

Мирзарахимов Ё=убжон - Мар\илон тумани, Арабмозор =ишло\идан, Мар\илон туман ижроия комитетининг соби= раиси. 6 таноб ердан 990 кг пахта топшириш мажбурияти юкланган. Мажбуриятнинг 730 килограмини топширмаганлиги учун =амо==а олиш ва судга беришга =арор =илинган.

Нурматов Ота=ул - Арабмозор =ишло\идан, савдогар, сайлов щу=у=идан мащрум =илинган. 8 таноб ери бор, мажбуриятдаги 660 кг пахтанинг 299 кг.ни бажармаганлиги учун судга берилган.

Матвалиев Мадрайим-+оратепа =ишло= совети, +ир\из махалласидан, =уло=, 35 таноб ерда пахта етиштириш мажбурияти юкланган. Мажбуриятдаги 5808 килограм пахтанинг 4248 килограмини топширмаганлиги учун мол-мулкини мусодара =илиб, =амо==а олишга ва оила аъзолари билан республикадан таш=арига сургун =илишга =арор =илинган.

Имомбоев Мирзахон-Хонобод =ишло\идан, бойнинг ы\ли, 35 таноб ери, 1 оти, 2 бу=аси, 1 сигири, 1 араваси бор. “+уло=” сифатида рыйхатга олиниб 272 сым 85 тийин ми=дорида индивидуал соли= солинган. Мажбуриятидаги 4400 кг пахтанинг 251 килограмини топширмаганлиги учун =амо==а олишга, бутун мол-мулкини мусодара =илиб, оиласи билан республикадан таш=арига сургун =илишга =арор =илинган.

Имомбоев Хикматбой-Хонобод =ишло\идан, 35 таноб ери, 1 оти, 1 араваси, 1 бузо\и бор. “+уло=” сифатида рыйхатга олинган, сайлов щу=у=идан мащрум =илинган ва 360 сым ми=дорда индивидуал соли==а тортилган. Мажбуриятидаги 4208 кг пахтанинг 3058 килограмини топширмаганлиги учун =амо==а олинган, мол-мулки мусодара =илиниб республикадан таш=арига сургун =илишга =арор =илинган.

Бытабой Шоим=улов, Болтабой Шоим=улов, Алим=ул Шоим=уловлар - ака-укалар биргаликда 105 таноб ерга эгалик =илганлар. Уларнинг 3 оти, 4

бу=аси, 3 сигири, 1 бузо\и былган. Улар =уло= сифатида рыйхатга олинган, сайлов щу=у=идан мащрум =илинган. Улар мажбуриятдаги 9900 кг пахтанинг 6007 килограмини топширмаганлиги учун =амо==а олинганлар ва мол-мулки мусодара =илиниб республикадан таш=арига сургун =илишга =арор =илинган.

**Сувонхыжаев Нурмат** – Хонобод қишлоғидан, "қулоқ" сифатида рўйхатга олинган. 42 таноб ери, 1 оти, 1 араваси, 1 сигири ва 2 бузоғи бўлган. 70 сым 85 тийин миқдорда индивидуал солиқ солинган. Мажбуриятидаги 4728 кг пахтанинг 40 килограмини топшира олмаганлиги учун қамоққа олинган.

Абдувалиев Турди бува - Мар\илон шащрида яшаган, бой, 900 сым ми=дорда индивидуал соли= солинган. Белгиланган соли=ни ва=тида тыламаганлиги учун =амо==а олиш ща=ида =арор чи=арилган.

1930 йилнинг 1 февралидан 5 мартгача былган орали=да Фар\она округи быйича мажбуриятни бажара олмаган 667 та хыжаликка турли жазо чоралари кырилган. Уларнинг 82 таси Мар\илон шащри ва атроф =ишло=ларида яшаётган савдогар ва дещ=онлар былган. Улардан 56 таси =уло=лар, 21 таси савдогарлар ва 5 таси рущонийлар былган. Жами 82 хыжаликдан 12 та "=уло=" ва савдогар хыжалиги мол-мулки мусодара =илиниб республикадан таш=арига, 20 та "=уло=" ва рухоний хыжалиги мол-мулки мусодара =илиниб округдан таш=арига сургун =илинган, 16 та хыжалик бош=а туманларга кычирилган, 33 та "=уло=" ва савдогар хыжалигининг фа=ат мол-мулки мусодара =илинган, 4 та хыжалик =амо==а олинган ва 7 та хыжалик судга берилган.

Округ "бешлиги" томонидан фа=атгина "=уло=" ва савдогар хыжаликларигина эмас, балки пахта мажбуриятини бажара олмаган ыртахол, камба\ал дещ=онлар, колхоз раислари, ширкат бошли=лари ва хисобчилар щам жазоланганлар.

1931 йилнинг 7 январида Ызбекистон Хал= Комиссарлари Советининг "+уло= хыжаликларини =ышимча ани=лаш ты\рисида"ги =арори быйича =уло= хыжаликларини ани=лаш ишлари Мар\илон шащрида щам бошлаб юборилди. Шащар советининг =арорига мувофи= бу кампания барча пахта тайёрлов участкаларини =амраб олди. Кампанияни муваффа=иятли якунлаш муддати этиб 20 январь белгиланди. Мазкур ишларга умумий ращбарлик =илиш учун шащар совети раиси, молия былими мудири муовини ва пахта тайёрлаш быйича вакиллардан иборат учлик ташкил =илинди. 20 январга =адар 16 та =ишло= советлари быйича =уло=ларни ани=лаш ишлари якунланди. Кампания давомида 76 та =уло= хыжалиги ани=ланди ва улар индивидуал =ишло= хыжалик соли\и мажбуриятига киритилди. Мар\илон шащри быйича 1930 йил ноябрь ойида 235 та "=уло=" хыжалиги ани=ланган эди. 1931 йил март ойида Мар\илон шащар совети быйича индивидуал соли==а тортилган =уло= хыжаликларининг сони 728 тага етди. Улар барча якка дещ=он хыжаликларининг 4,8 фоизини ташкил этар эди.

ЫзССР Хал= Комиссарлари советининг 1931 йил 3 февралдаги йи\илишида республика районлари быйича мажбуриятларни бажаришга жалб =илинган бадавлат =ишло= хыжаликларининг рыйхати тасди=ланди. Рыйхатдаги маълумотга кыра республиканинг 84 та района быйича 39005

нафар =уло= хыжалиги рыйхатга олинган ва уларга =атти= мажбуриятлар юкланган. Бу рыйхатга кыра Мар\илон райони быйича 786 “=уло=” хыжалиги =атти= мажбуриятга жалб =илинган. Бу пайтда бу хыжаликлар ихтиёрида 1400 бош =орамол, 670 бош бырдо=и =ый мавжуд былиб, мана шу чорва щайвонларидан =орамолларнинг 379 тасини, бырдо=и =ыйларнинг 149 тасини давлат ихтиёрига олиш мажбурияти белгиланган.

Рыйхатга олинган =уло= хыжаликларининг барча мол-мулклари =ишло= советлари томонидан хисобга киритилган. Улар устидан назоратни кучайтириш учун мазкур мол-мулк рыйхатини доимий са=лаш ва =уло= хыжаликларининг ыз мулкини сотиб юбориши ёки йы= =илишини олдини олиш юзасидан ЫзССР Марказий Ижроия Комитети 1931 йилнинг июль ойида махсус =арор лойищасини ишлаб чи=ади. Бунга кыра =уло= хыжаликлари рыйхатга олинган буюм ёки мулкни сотиб юборган холатларда улар устидан жиноий иш =ыз\атиш кераклиги таъкидланган.

## ДИЛ ҲАВАС ЭТГАН ҲАМИША

Исмоил Махмуд

Марғилон шаҳрининг 2000 йиллигини нишонлаш тўғрисида Перзидентимиз қарорининг қабул қилиниши барча марғилонликлар қатори менинг қалбимга ҳам қувонч ва илҳом бахш этди. Шундай улуғ мамлакатнинг кўҳна шаҳарларидан бири – Марғилонда яшаб ижод қилаётганимдан юрагим ифтихорга тўлди. Унинг ҳар бир гиёҳини кўзимга суртгим, ардоқлагим, одамларини улуғ айём билан табриклаб, бағримга босгим келади.

Оҳ, она Марғилоним, сенинг қадринг шунчалар юксакми?! Шунчалар мўътабарми сенинг тупроғинг! Бу улуғ миқёснинг моҳиятини мен энди тушуниб етгандекман. Тушунган сари сенга муҳаббатим ортмоқда. Сенинг бағрингда туриб, сенга тўймаябман...

Сен ҳақингда сўз кетганда улуғ фарзандларинг кўз олдимдан бир-бир ўтади. Уларнинг бири ўзига хос улуғ олам. Ўз илми билан оламни ҳайратга солган Бурҳониддин Марғиноний, мумтоз шеъриятимиз маликаларидан Жаҳон отин Увайсий, ўз шеърий санъати билан довруқ таратсада, ҳали тўла кашф этилмаган хўжажон қози Розий... Уларнинг изидан қанчадан-қанча улуғ фарзандларинг бўй кўрсатиб турибди. Улар халқимизнинг дилида ҳамиша барҳаётдирлар.

Ҳофизаи қудратига дунёнинг ярми тан берган мумтоз ҳофизлар Жўрахон Султонов, Маъмуржон Узоқов каби буюк устозлар санъат оламининг кўркидир. Сенинг кўркинг ҳам, шуҳратининг ҳам абадий. Зотан Истиқлолнинг ҳаётбахш нурлари сенинг ҳам йўлингни мунаввар этди. Камалакдек товланувчи атласий жилоларингдан завқ туйган улуғ шоирлар сен ҳақингда латиф мисралар битишган. Улуғ Ойбек, Ғофур Ғулом, Миртемир, Абдулла Қаҳҳор каби ўлмас даҳолар сен томонга интилганларини кўп эшитганман ва фахрланганман. Ўзбек халқнинг ардоқи шоирлари Абдулла орипов ва Эркин Воҳидовлар ҳануз сенга

интилиб яшаётганларининг жонли гувоҳиман.абдулла аканинг Марғилон хоадонларидаги тонготар шеърий суҳбатларини соғинганлар кўп.

Буюк Жулқунбой бобомиз ёзачак романини ботинда пишитиб Саид Аҳмадхўжа мадрасаси ёнидан чопонини елкасига ташлаб, ҳаёлчан ўитб бораётганлиги мени ҳануз ўйга толдиради. Бу улуғ зотларининг қадам излари ҳали сенинг кўчалаирингдан ўтгани йўқ. Ўчмайди ҳам. Нодираи даврон келин бўлиб кетар чоғ ҳазрат Амир Умархон таъзим қилиб келган хонадоннинг чироғи ҳали ҳам ёниқ...

Улуғлар руҳидан мадад олиб, сенинг шарафингга “Марғилоннима” қасидасини яратиб кетган ардоқли адибимиз, устоз Йўлдош Сулаймоннинг қалби ҳам сенинг қалбингга эш эди. Қутлуғ тўйинг арафасида “Халқ шоири” деган юксак муяссар бўлган Охинжон Хакимнитнг сулув ҳунармандлару атлас тўқувчи Кумушбибиларинг ҳақидаги ўтли ғазаллари сен берган туганмас илҳом шарофати эмасми? Ҳудди шундай! Хур ва озод юртимизнинг беқиёс зафарларини халқнинг кўнглидек беғубор сатирларда оташин ҳарорат билан куйлаш улуғ ижодкорларга хосдир.

Бугун бағрингда ўлкан ободончилик ишлари олиб борилаётганидан бошим осмонларга етгудек шодман. Пур Сиддиқ, Улуғ мозор, Саид Аҳмадхожа, Жаҳон отин Увайсий каби тарихий ёдгорликларнинг таъмирланиши ва қайта қурилиши барҳаёт аждодларимизга бўлган чексиз эхтиром белгисидир. Бу тарихий обидаларга янги ҳаёт бағишлаш учун Қўону Бухородан, Тошкенту Самарқандддан қўли гул усталарнинг келиб ишлаши улуғ саҳоватпешаликнинг яна бир намунасидир.

Марғилон марказидаги деҳқон бозори энди XXI асарнинг меъморий андозалари асосида қад кўтармоқда. Тошкентдан келган тажрибали қурувчи – мутаҳассислар шу улуғ ниятни рўёбга чиқаришмоқда. Қанчадан-қанча марғилонлик хонадонлар эса шундай қутлуғ кунларда қурилган янги кўркан уйларга кўчиб ўтишмоқда. Марғилон жамоли янада улуғворлик касб этмоқда. Шоирларнинг янги шеър ва достонлари, қасидаю қиссалари, ҳофизларнинг янги куй ва қўшиқлари ҳам шу ҳақидадир.

## МАРҒИЛОН ФАХРИ-БУТУН ЩЗБЕКНИНГ ФАХРИ

С.А Ғаниев, М.Пщлатов, И.Абдуллаев - ФарДУ

Ыадимий, лекин ъамиша навыирон, гщзал Марьилон шаърида бир оила бор. Номи оьиздан-оьизга тилдан-тилга щтиб, бутун мамлакатга ъам танилган оила бу.

Бу оиланинг бутун халы эотиборини ызонишида, бутун мамлакат фахрига айланишида икки омил мавжуд: бири халы таолими соъасининг етук мутахассиси - Щзбекистонда хизмат кщрсатган ёшлар мураббийси, халы таолими аолочиси, Щзбекистон мустаыиллигининг 10 йиллиги эсдалик медали соҳибаси Ьаниева Мунаввархон аянинг фарзанди тарбиясидаги ўлкан меънатлари бщлса, иккинчиси оилада офицерлар сулоласи шаклланганлигидир. Оиланинг фарзандлари орасида Бобуржон Ьаниев ъам бор.

Бобуржон 23 ёшида жанг майдонида кщксини ыалыон этиб, эл-юртга, халыига дщстларига садоыатини бутун эл олдида намойиш этиб,эркинлик ва озодлик йщлида ҳалок бщлди.

Унинг офицерлар сулоласидан эканлиги ёшликдан ъарбий хизматга меър уйьотди.

Бобоси Имомжонов Рахматали ота II жахон урушида танк командири бщлиб хизмат ыилган. 1941 йилда собиы иттифоы ъудудида бошланган урушга кщнгиллилар ыаторида отланган. Капитан Эминжонов Рахматали Ленинград шаъри ъимоясида фаол ыатнашиб, 1942 йилдаги жангларнинг бирида халок бщлган.

Бувиси Тожихон ая Хасанова ъам уруш йиллари чегара ыщшинларида хизмат ыилиб келажак авлоднинг бахт-саодати, осойишта ъаёт кечиришлари учун ъисса ыщшган.

Ъозирда пенсионер онахон кщксини уруш ва мехнат фахрийси, хурмат белгиси нишони, ьалабанинг 50 йиллиги медаллари безаб турибди.

Дадаси Ғаниев Абдулҳамиджон ъар ыандай ъарбий хизматчи орзу ыиладиган Рязан олий ъарбий ъаво десант билим юртини муваффаыиятли тамомлаган. Ыщшни Афьонистонда биринчилар сафида химик-разведчик гуруъи раъбари сифатида ъарбий хизматни щтаган. Уердаги жанговар топшириыни бажаришда олган жарохати таъсирида капитан Ганиев Абдулъамид 45 ёшда вафот этди.

Ьаниев Бахтиёржон Бобуржонлар оиласиниг тщньич фарзанди ъисобланади. У Тошкент ыытисодиёт институтини томомлашга ыарамасдан, ъарбий хизматчи бщлишни ихтиёр этди. Ъозирда ыуролли кучлар сафида хизмат бурчини щтамоыда.

Иккинчи фарзандлари Ьаниев Баъодиржон Волск олий ъарбий билим юртини тамомлаб, у ерда эгаллаган назарий билимларини амалиётда намоён ыила олди. Баъодиржон бу олган билимлари билан чегараланиб ыолмади. У бош ыщмондонимиз ташаббуси билан ташкилланган Щзбекистон Республикаси Ыуролли Кучлари акдемиясини 2001 йилда тамомлади.

Ҳозирда марказий ъарбий округ ыщшинлари ыщмондонининг щринбосари лавозимида сидыидилдан хизмат ыилиш билан биргаликда илмий салоъиятини оширишга ъам астойдил интилмоыда.

Бунинг исботи сифатида Ьаниев Баъодиржоннинг «Тоьли ъудудларда мотощычи ыщшинларининг харакати» мавзусида номзодлик диссертациясини ъимоя ыилганлигини айтиб щтиш кифоядир.

Кичик акалари Ьаниев Бахромжон Андижон тиббиёт институтини тамомлаган. Ъозирда невро-хирургия бщйича нафаыат вилоятда, балки Республикамизда етакчи мутахассис ъисобланади. Заъирада бщлсада, ъарбий унвонга эга.

Оиланинг эркатойлари, исми жисмига мос опалари Ьаниева Гавъархон уч фарзанднинг меърибон оналари ъисобланади. Мутахассислиги бщйича ъуыуышунос бщлишига ыарамасдан ҳарбий иш асосларини мукаммал щзлаштирган.

Ъарбий сулоланинг давомчилари бщлган Бобуржоннинг жиянлари келажакда ҳарбий касб эгаси бщлишга астойдил интилмоыдалар.

Ьаниев Баъриддин Чирчиы олий танк муъандислик ыщмондонлик ъарбий билим юртида таъсил олиш учун тайёрланаётган бщлса, Сардорбек, Умиджон, Бунёджон Ьаниевлар мактабда щыиётганлигига ыарамасдан, ъарбий касбга ыизиыишлари ниъоятда катта эканлигини уларнинг ъатти-ъаракати ва гап сщзларидан англаш ыийин эмас.

Бобуржоннинг щзида ёшликдан блган ъарбий мутахассисликка ыизиыиш уни Марьилондаги Мудофаага кщмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти ыошидаги спорт техника клуби курсантлигига етаклади.

Ёшларни ъарбий ватанпарварлик руъида тарбиялаш щчоьи бщлган спорт техника клубида ъарбий хизматчи бщлиш орзуси ыатоийлашди. Бобуржон Ьаниев шаъардаги 13-щрта мактабда, кейинчалик Марьилон ытисодиёт касб-ъунар коллежида щзининг ыатоияти, изланувчанлиги, камтарлиги, шунингдек, ташкилотчилиги билан танилди. Бу сифатларини Тошкент электротехника институтининг махсус алоыа факулртетида щыиш жараёнида тщлиы намоён ыила олди. Институтда Бобуржон ташаббуси билан ташкилланган ъар бир тадбир мазмунли, таосирчан ва уюшыоылик билан щтар эди. Бобуржон Ьаниев 2000 йили институт давлат имтиъонларини аолога топшириб, махсус операциялар батальонига йщлланма олди.

2000 йилнинг 4 август эрта тонгида Киштут ыишлоьи яыинида тик ыоя ёнбаьридаги арчазор томонидан йигирмага яыин яхши ыуролланган жангарилар кщринади. Гуруъ бошлиьи бу ъаыда ыщмондонлик пунктига хабар беради. Ъарбий вертолётларнинг шиддатли ъужумидан сщнг майдонни тозалаш ишлари бошланади. Бщлинма командири Бобуржон щзи билан етти йигитни олиб, ъар бир ыоя, ъар бир унгурни диыыат билан кщздан кечира бошлайди. Тош кщчкилари, тоь щсимликларининг топталгани Бобурда шубъа щйьотади. У аскарларни орыароыдан ъушёр юришга чаыиради. Шунда ыоялар орасига пистирма ыщйган душман юзма-юз турган Бобурга тщсатдан щт очади. Душманни биринчи бщлиб щзига ыаратган лейтенант ярадор бщлишига ыарамай солдатларни «чекиниб маррани эгаллашлари ъаыида» буйруы беради, щзи эса ыуролдошлари хавфсиз жойга щтгунга ыадар яхши ыуролланган жангариларни ушлаб туради. Бобуржон ыаттиы яраланганига ыарамай, сщнгги нафасигача босыинчилар билан олишади.

Бобуржон халыимизнинг тинчлик ва осойишталигини саылашда кщксини ыалыон, ёш жонини фидо ыилди. Халыимизда Ватан озодлиги, юртимиз тинчлиги учун шаъид кетган бундай асл щьлонлар номи ъеч ыачон унутилмайди.

Махсус операциялар батальони лейтенант Ьаниев Бобуржон Абдулъамидович жанг майдонида кщрсатган ыаърамонликлари учун Щзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 25 августдаги Фармони билан вафотидан сщнг II даражали «Шон-шараф» ордени билан мукофотланди.

Фарьона шаъар ҳокимининг 2000 йил 17 августдаги 512-сонли ыарори билан «Ибрат» кщчасига унинг номи берилди.

Фарьона давлат университети ъарбий факулртетида Бобуржон Ьаниев номидаги стипендия таосис этилди, зеро, бундай стипендиянинг таосис этилиши ва ъарбий факулртетда «Бобуржон синфи ва партаси»нинг ташкил этилганлиги маонавий-ижтимоий, ъамда тарбиявий аъамиятга эгадир.

Ушбу стипендияга ъарбий факулртетнинг энг билимдон, энг кучли, энг чиниыыан тартиб интизомли талабаси тавсия ыилинади.

Мустаыил юртимизни, Ватан истиыболини, халыни ъимоя ыилишда щзининг барча ватандошларига, айниыса ёшларга доимо жасорат тимсоли бщлиб ыоладиган Б.Ьаниев хотираси мангуликка даълдордир. Бу мангулик бутун щзбек халыининг фахри, уни тарбиялаб вояга тегазган марьилонликларниг фахри бщлиб яшай беради.

**КАСАНАЧИЛИК – ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ЯНГИ ЙЩНАЛИШИ**

А.Ьофуров - ФарДУ

Мамлакатимизда, айниыса, минтаыаларда Президентимиз ташаббуси билан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, кичик бизнес билан йирик ишлаб чиыарувчи корхоналар щртасидаги кооперацияни ъамда касаначиликни кенгайтириш борасида кенг кщламли ишлар амалга оширилмоыда. У аъоли, айниыса, уй хщжалиги даромадларининг, оила аозоларини эса иш билан бандлигини таоминлаш даражасини щсишда муъим омил бщлмоыда. Президентимизнинг 2006 йил 5 январда «Йирик саъноат корхоналар билан касаначиликни ривожлантириш асосида ишлаб чиыариш ва хизматлар щртасида кооперацияни кенгайтиришни раьбатлантириш чора-тадбирлари тщьрисида»ги Фармони ва 2006 йил 11 январда Вазирлар Маъкамасининг мазкур фармонини амалга ошириш чораларига баьишланган ыарори ва шу ыарор асосида «Касаначилик тщьрисида Низом» ыабул ыилинди.

Бундай тадбирлар реал ҳаётда амалга оширилса, иш берувчи корхоналарга реал раьбатлантиришлар ва имкониятлар яратилади. «Касаначи» атамаси щз моъиятига кщра уйида кимнингдир буюртмасига биноан шартнома асосида бирор турдаги ёки ундан ортиы маъсулот тайёрлаб берувчи 16 ва ундан катта аылий ва жисмоний ыобилиятли ёщдаги жисмоний шахс тушунилади. Мавжуд ыонуний талабларга биноан касаначи билан ишлаб чиыариш корхонаси щртасидаги шартномавий муносабатлар моддий жавобгарлик билан боьлиы бщлган таыдирда, у ъолда уйига иш олувчи 18 ёшдан бошлаб касаначи-иш бажарувчи бщлиши лозим. «Касаначилик» атамасининг маоноси эса, иш берувчининг буюртмасига (таклифига) асосан, шартнома негизида ва бир нечта турдаги маъсулот ишлаб чиыариш, иш бажариш ва хизмат кщрсатишни щз уйи хщжалигида талаб даражасида ташкил ыилиш, тайёрлаш ва ишлаб чиыариш билан узвий боьлиы фаолият тушунилади. Касаначилик касб фаолиятини касаначи субоект сифатида шу фаолиятини амалга оширувчи шахс сифатида англатади. Касаначилик, касаначи билан иш берувчи щртасидаги иытисодий ва ъуыуыий муносабатларга асосланади. Шунингдек, иш берувчи, деганда касаначи (шахс билан тўзилган меънат шартномасига мувофиы касаначи учун

ишлаб чиыариш биносини (уйидаги хонани) белгилайдиган, уни асбоб-ускуналар, жихозлар, хом-ашё материаллари, бутловчи буюмлар, ярим фабрикат хом ашёлар, меънат ыуроллари ва бошыа ишлаб чиыариш воситалари билан таоминлайдиган, бажарилган ишни (маъсулотини ва хизматини) ыабул ыилиб оладиган ва касаначига иш ъаыи тщлайдиган юридик маыомга эга бщлган шахс тушунилади. Ъулоса ыилиб айтганда, касаначиликнинг ривожланиши уй хщжалигининг ривожлантиришга, унинг оила аозоларининг тадбиркорлигининг такомиллашувига, пировардида оила фаровонлигининг ошишига олиб келадиган муъим бозор ыитисодиёти шароитидаги тадбирлардан биридир.

Таокидлаш жоизки, минтаыаларда, айниыса, аъолиси зич шаъарларда, жумладан, Марьилонда касаначиликни ривожлантириш, унда жойлашган йирик саноат корхоналари билан касаначилик билан шуьулланувчилар щртасида кооперация алоыаларини мустаъкамлаши уй хщжалиги бюджети даромадларини ошириб боришдек муъим ыитисодий муаммони ъал этади. Шу билан бирга, касаначилик иш билан банд бщлмаган ишсизлар сонини кескин ыисыартириш ва фаол иш билан банд бщлиш имкониятини излаганларнинг бир ыисмини ишлаб чиыаришга жалб этиш учун ыитисодий имконият беради. Айни пайтда, касаначилар иш стажини ъисоблаш, меънат дафтарчаси юритиш, муайян муддатдан кейин пенсия олиш ва ижтимоий суьЎрта бщйича нафаыалар тайинлаш ъуыуыи билан таоминланади. Юыоридаги изоълашдан кщриниб турибдики, касаначилик билан шуьулланадиган шахслар бевосита саноат корхоналарида иш билан банд ишчилар сингари барча ъуыуыий ва ыитисодий имтиёзларга эга бщладилар.

Касаначиларни ижтимоий ъимоя ыилиш ва меънат хавфсизлигини муъофазасини таоминлаган ъолда амалга ошириш белгилаб ыщйилган меоёрий ъуыуыий ъужжатларда саноат корхоналарида ишлаб чиыариш самарадорлигини ошириш имкониятини берадиган тикувчилик, атторлик, ипакчилик, ыайта ишлаш, мебел, электрон асбоб-ускуналарнинг деталлари, электрон ва ахборотлаштириш саноатида, шунингдек, телекоммуникация, сервис ва хизмат кщрсатиш (транспорт, таомирлаш ва бошыа) тармоылари касаначилик билан шуьулланаётган уй хщжалигидаги шахслар щртасида кооперацияни (ишлаб чиыаришга бириктирилган меънат ъамкорлигини) ривожлантириш щта лозимлиги уытирилган. Бундай жараён саноат корхоналари буюртмалари асосида уй шароитида мустаыил маъсулот ишлаб чиыариш ва хизмат кщрсатишни кескин раьбатлантириб ривожлантириш имкониятини беради. Фаыат 2006 йилнинг 10 ойи мобайнида шаъарнинг ижтимоий-ыитисодий соъаларини ривожлантириш, аъолисини турмуш даражасини кщтариш борасида бир ыатор, шу жумладан, касаначиликни кенгайтириш, ишлари амалга оширилди. Шаъарда ъудудий ялпи маъсулот ишлаб чиыариш ъажми 2005 йилнинг 10 ойига нисбатан 2006 йил 10 ойида 40 фоизга, халы истеомоли молларини ишлаб чиыариш 52 фоизга, чакана савдо мол айланиши 12 фоизга, аъолига пулли хизмат кщрсатиш 24 фоизга кщпайишига эришилди.

Хулоса ыилиб айтганда, Фармон билан касаначиликни ташкил ыилган корхоналарга ва касаначилик билан шуьулланганларга давлат томонидан бир ыанча имтиёзлар ва ыулайликлар берилганки, энди уларни такомиллаштириш, иш билан бандлик даражасини ошириш, ишсизликни камайтириш, аъоли даромадларини кщпайтириш, фаровон яшаш билан давлат бюджетига келадиган даромадларни ъам ошириш имконияти вужудга келтирилди.

## АСРЛАР НИГОҲИДАГИ МАРҒИЛОН

О.Ғофуров, Х.Пўлатов, М.Мадаминова - ФарДУ

Нуфузли халқаро ташкилот ЮНЕСКОнинг ҳамда Ўзбекистон Республикаси Перзидентининг 2005 йил 9-ноябрда қабул қилинган “Марғилон шаҳрининг 2000 йиллигини нишонлаш тўғрисида”ги қарорлари Марғилонга билдирилган юксак эътибор ва эътирофни билдиради. Перзидентимиз И.А.Каримов Марғилонда сўзлаган нутқида бу кўхна шаҳар жаҳон цвилизацияси бешикларидан бири бўлганлигини, бу ерда буюк аллома-донишмандлар етишиб чиққанлигини, жаҳон фани ва маданияти тараққиётига ўлкан ҳисса қўшганлигини алоҳида таъкидлаб ўтди. Перзидентимиз айтиб ўтганидек 2000 йиллик тўйини нишонлаш арафасида турган сўлим Марғилон шаҳрининг Бурҳониддин Марғиноний каби улуғ фарзандлари, асрий обидалари билан нафақат юртимиз, балки мусилмон олимида қозонган шуҳрати, обрў-эътиборини ҳар қанча таърифласа арзийди.

Қадимшунос тарихчи олимларнинг ҳабар қилишича, эрамиздан аввалги V-IV асрларга келганда Марғинсой соҳили бўйлаб юзлаб гектар ерлар ўзлаштирилиб, деҳқончилик қилинган. Бу заминда деҳқончилик маданияти асосида ҳозирги Фарғона шаҳри ўрнида шаҳар типидаги қароргоҳ пайдо бўлаган. Бу қароргоҳ харобалари Симтепа ёдгорлиги номи билан маълум бўлиб, эрадан аввалги IV-I асрлар билан даврлаштирилган. Милодий эрадан аввалги ва эрамизни I асрларига келиб, интенсив сунъий суғориб деҳқончилик қилиш Марғилонсой ҳавазасининг ўрта ва қуйи оқимларини тўлиқ қамраб олади. Шу даврда, яъни бундан 2000 йил аввал Марғилонсойнинг ўнг соҳили бўйлаб, ҳозирги Марғилон шаҳрининг Машад маҳалласида 25 гектар майдонни эгаллаган шаҳар пайдо бўлди.

Буюк ипак йўлида жойлашган Марғилон азал-азалдан ҳунармандчилик ва савдо маркази бўлган, қатор-қатор савдо расталарида қишлоқ хўжалик, боғдорчилик маҳсулотлари билан бирга юқори сифатли пахта ва ипакли газламалар, ҳунрамандчилик дастгоҳлари савдога қўйилган. Бу ҳол Марғилон ўз даврига нисбатан ривожланган ишлаб чиқариш тизмига эга бўлганлигини кўрсатади. Ривожланган иқтисодий ҳаёт ўз навбатида аҳолини марказлашувини яъни шаҳарни ривжланишига, уни илм-маъданиятини марказга айлантиришга олиб келган. Ана шу қулай жуғрофий, иқтисодий, халқаро савдо-ипак йўли шароитида Марғилонда асрлар оша кўпдан кўп улуғ сиймолар, мутафаккирлар, авлиё-уламолар яшаб ижод этганлар. Натижада Марғилон илму-фан, адабиёт ва санъат, муқаддас ислом дини,

ислом ва дунёвий фалсафа, ҳунармандчилик, тўқимачилик ривожига катта таъсир кўрсатган шаҳар сифатида тарихдан муносиб ўрин олган.

Тарихан вужудга келган юксак маданият, илм-фан, илмий-маънавий муҳит туфайли Марғилонда она юрти шуҳратини бутун дунёга машҳур этган Бурҳониддин ал-Марғиноний унинг изидан ҳадис ва фиқҳ илмининг бетакрор соҳиблари Муҳаммад Юсуфхон Марғиноний, Мирҳайчир, Мирхалил Марғиноний, Хўжажон қози домла Рожий Марғиноний, Абдулҳамид Махдум Марғиноний, Фозилжон Махдум Марғиноний Сулаймон хўжа Эшон ўғли, Холмуҳаммад қори Мулла Соҳиб ўғли, Абдусамад Охунд Марғиноний, Абдулазиз қори Болтабой ўғли, Мадаминжон Охунд, Умрзоқ қори ва бошқа кўплаб улуғ зотлар етишиб чиққан ва ижод қилган.

Марғилон кейинги йилларда ўлкан бунёдкорлик ва янгиланиш палласини бошдан кечирмоқда. Айниқса Республика Президентининг бевосита саъй-ҳаракати ва йўл-йўриқлари асосида маданий-маънавий обидаларини тиклаш, таъмирлаш қайтадан бунёд этишга катта эътибор берилаяпти. Пир Сиддиқ мажмуаси, Улуғмозор зиёратгоҳи, Жаҳон отин Увайсий мақбараси ва музей, Саид Аҳмад Хожа Эшон мадрасаси шулар жумласидандир.

Марғилонда ёшлар учун ўзига хос кўриниш ва қулайликларга эга “Ёшлар ҳиёбони” бунёд этилмоқда. Мусатақиллик, Туркистон, Навоий, Марғиноний ва ал-Фарғоний кўчалари қайта таъмирланиб, замонавий қиёфа касб этмоқда.

Марғилон қадимдан маънавият, одоб-аҳлоқ, тарбия, эзгулик, хушфеъллик, меҳр-мурувват кўрсатишнинг ибратли маскани бўлиб келган. Марғилон аҳли ўзининг ана шу ноёб фазилатлари билан ўзбек халқи ўртасида беқиёс обрў ва ҳурматга сазовордир. Ҳозир таълим-тарбия муассасалари, мактаблар, коллежлар янгидан бунёд қилиниб, ўқиш-ўқитиш жараёнининг мазмун-моҳиятини янада чуқурлаштириш, замонавий баркамол авлодни тарбиялаш борасида мақсадга йўналтирилган маънавий-тарбивий тадбирлар амалга оширилмоқда. Янги қурилган ва ишга туширилган иншоотлар ичида салкам минг ўринли мактаб, тиббиёт коллежи, поликлиника, қирқдан ортиқ оилага мўлжалланган шинам уйлар шулар жумласидандир.Умуман Марғилон шаҳридаги 35 та иншоотда қурилиш, реконструкция ва ободонлаштириш ишлари жадал давом этмоқда.

## ФАН РАВНАҚИ ЙЎЛИДА

Ш. Ғаниева – ФарДУ

Бугунги кунда ҳам буюк ҳамшаҳарларимизнинг ишларини ўзига шараф деб билган, уларнинг бой илмий ва ижодий меросини муайян бир йўсинда давом эттиришга интилаётган, муҳими, ана шу машаққатли йўлда кўзга кўринарли ютуқларга эришаётган юртдошларимиз кўплаб топилади. Уларнинг бир гуруҳи ҳозирда Фарғона давлат университетида самарали меҳнат

қилиб келмоқдалар. Тилшунос олимлардан А.Мамажонов, Ш.Искандарова, М.Ҳакимов, тарихчи олимлардан Т.Эгамбердиева, У.Ҳошимов, О.Ҳакимова; физика-математика соҳасидаги олимлардан Ё.Усмонов, Э.Азизов, Ш.Собиров, педагогика йўналишидан Б.Фозилова, А.Исмоилов сингариларнинг хизматлари нафақат университет миқёсида, балки республика доирасидаги илмий жамоатчиликда алоҳида эътироф этилмоқда.

Биз ушбу мақолада Марғилон фанининг равнақи йўлида ўз ўрнига эга бўлган устоз олим А.Мамажонов фаолиятининг айрим қирраларига мурожаат қилмоқчимиз. Филология фанлари доктори, профессор А.Мамажонов ўзбек тилшунослигининг матн лингвистикаси ҳамда услубшунослик йўналишида илмий изланиш олиб бораётган таниқли мутахассислардан ҳисобланади. Унинг “Қўшма гап стилистикаси”, “Матн лингвистикаси”, “Услубий воситалар” каби илмий-услубий монографиялари, республикамиз ва қўшни давлатларнинг нуфузли илмий журналларида, илмий тўпламларда эълон қилинган юзлаб мақолалари тилшунослик соҳасида илм билан шуғулланаётган тадқиқотчилар билан бирга, таълим соҳасида меҳнат қилаётган мураббийлар учун ҳам ўзига хос тарзда аҳамият касб этмоқда.

А.Мамажонов 1975 йилда Тошкент шаҳрида “Ҳозирги ўзбек адабий тилида периодлар” мавзусида номзодлик диссертациясини, 1991 йилда, яъни мустақиллигимизнинг дастлабки йилидаёқ “Ўзбек тили қўшма гапларининг стилистик хусусиятлари” мавзусида филология фанлари докторлиги диссетациясини муваффақият билан ҳимоя қилди. Ушбу тадқиқотлар ўзбек тили синтактик стилистикасига оид муҳим изланишлар сирасига киради. Устознинг юқоридаги илмий асарлари ўзбек тилшунослигида мазмуний синтаксиснинг равнақи учун маълум имконият яратиб берди. Бунинг натижасида ўзбек тили синтактик стилистикасига доир кўплаб илмий асарлар яратилди.

Таъкидлаш керакки, ана шундай илмий тадқиқотлар орасида устоз А.Мамажоновнинг бевосита раҳбарлиги остида майдонга келган қатор ишлар ҳам мавжуд. Филология фанлари номзодлари Р.Шукуров, М.Абдупаттоев, Г.Розиқова, Э.Исмоилова, О.Мамазияев каби шогирдларининг фаолияти республикамиздаги тилшунослик соҳасида яратилган тадқиқотлар орасида алоҳида ўрин тутади. Шунинг ўзиёқ олимнинг фан равнақи йўлида астойдил меҳнат қилаётганининг белгисидир.

Яқинда 60 йиллик юбилейи нишонланган марғилонлик олим, профессор Алижон Мамажонов билан биз шогирдлар ҳар қанча фахрлансак арзийди.

## МАРҒИЛОНДА ЕНГИЛ ВА ТЎҚИМАЧИЛИК САНОАТИ САЛОҲИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Х.Айбешев, Ж.Нурхаджаев, З.Тўрақулова - АндМИИ

Мустақиллик йилларида юртбошимиз И.А.Каримов томонидан олиб борилаётган туб иқтисодий илоҳотлар негизида жамият ижтимоий-иқтисодий тараққиётида бир қатор ижобий силжишларга эришилмоқда.

Шунга қарамасдан фақат Фарғона вилояти, жумладан, Марғилон шаҳрида ишлаб чиқарилган саноат маҳсулоти улушини ижобий баҳолаб бўлмайди, яъни республика ўртача даражасига нисбатан пастлиги сақланиб турибди.

Шу боисдан шаҳарда саноат махсулотлари ишлаб чиқариш салоҳиятини янада юксалтириш бугунги кунда олиб борилаётган иқтисодий сиёсатнинг устувор вазифаларидан бири сифатида қаралмоғи лозим. Айниқса енгил ва тўқимачилик саноати азалдан шакилланган бўлиб, Марғилон хонатласи билан нафақат республикамизда, балки жаҳон бозорида ҳам ўз мавқесига эга бўлиб келган.

Водийда етиштирилаётган пилла ҳом ашёсининг асосиё қисми шу ерда қайта ишланади. Пиллани қайта ишлашда Марғилон шаҳри республикамизда етакчи ўринда туради.

Шундай экан, нега охирги йилларда ушбу тармоқда сезиларли ўзгаришлар яққол кўзга ташланмаяпти? Сабаб нимадан иборат? Буни биз қуйидагича изоҳлашимиз мумкин:

**Биринчидан:** Ҳаракатдаги корхонамизнинг техник аҳволи жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари техник даражасига нисбатан пастлиги ёки рақобатбардош эмаслиги;

**Иккинчидан:** ҳозирги кунда корхонада ишлаб чиқариш, ижтимоий ва бозор инфратўзилмасини етарли даражада шаклланмаганлиги:

**Учинчидан:** ҳозирги кунда корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ҳақида ташқи бозорда етарли маълумотлар билан таъминлаш ишларини халқаро талабларга мос келмаслиги;

**Тўртинчидан:** ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни ички ва ташқи бозорда эркин реализация қилиш учун қулай шароитларни тўла яратмаганлиги;

**Бешинчидан:** охирги йилларда аграр секторда пилла ҳом ашёсини етиштиришга нисбатан эътибор бир оз сусайтирилганлиги оқибатида етиштирилаётган пилла ҳом ашё сифати ва ҳажмини пасайиб бориши;

Буларнинг барчаси юқоридаги масалаларнинг ижобий ҳал этилишида алоҳида бир механизм яратилишини талаб қилади. Кўзланган механизмни яратишда ва комплекс ёндашув мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Биринчи навбатда ҳаракатдаги мавжуд корхоналарни техник қайта қуроллантириш ва реконстркуция қилиш асосида ишлаб чиқариш, кувватини яхшилаш; халқаро андозалар талабларини мезон қилиб олиниши давр талаби ҳисобланади.

Қўшма корхоналарни янада ривожлантиришни устувор вазифа сифатида қараш, икки томонлама манфаатдорликни таъминлаш;

Шаҳар енгил ва тўқимачилик саноатини ривожлантиришда касаначилик ҳаракатидан кенг фойдаланиш орқали шаҳарда фаолият олиб

бораётган якка тадбиркорлик субъектлари микрофирмалар ва хусусий корхоналар фаолиятини мувофиқлаштириш.

Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни ички ва ташқи бозорга олиб чиқишнинг аниқ тадбирларини ишлаб чиқиш. Маркетинг хизматининг хозирги илғор усулларидан кенг фойдаланиш,

Халқаро доирада тадбиркорлик фаолиятини олиб борувчи қадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратиш. Бу борадаги хорижий тажрибалардан кенг фойдаланиш;

Жаҳон андозалари талабларига мос келадиган бозор инфратўзилмаси ҳизматларини йўлга қўйиш; четдан зарурий қўшимча материалларни олиб кириш ва четга тайёр маҳсулотларни чиқариш юзасидан мавжуд ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш;

Пилла ҳом ашёсини етиштирувчи тадбиркорлик субъектлари фаолиятини рағбарлантириш механизмни яратиш.

Ҳулоса қилиб айтганда юқоридаги тадбирларни амалга оширилиши биргина Марғилон шаҳрида саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш салоҳиятини оширибгина қолмай, балки Республика миқёсида яратилган ялпи ички маҳсулотда саноат тармоғи улуши ортишига, саноат корхоналарининг ишлаб чиқариш қувватларидан оқилона фойдаланишга, уларни ташқи иқтисодий фаолиятини юксалишига олиб келади. Пировард натижада мамлакатимизда олиб борилаётган давлат иқтисодий сиёсатининг ҳаётийлигини ҳам кафолатлайди.

# МАРҒИЛОН ШАҲРИНИНГ БУГУНИ ВА КЕЛАЖАГИ

М.Эралиев,О.Тожибоев – ФарДУ

Марғилон шаҳри вилоятда ҳунармандлар ва савдогарлар шаҳри ҳисобланади. Шаҳар ҳудуди 41 кв. км. бўлиб, вилоят ҳудудининг 0,6 % ни ташкил қилади. Марғилон шаҳри Фарғона шаҳри, Охунбобоев, Ёзёвон ва Тошлоқ туманлари билан чегарадош.

2006 йилнинг 1 январь ҳолатига 191 минг нафар аҳоли мавжуд бўлиб, шундан 104,2 минг нафари меҳнатга лаёқатли аҳолини, 83,2 минг нафари иш билан банд бўлган аҳолини ташкил қилади. Жами аҳолининг 50,9 % ёки 97,2 минг нафари хотин-қизлардан иборат. Шаҳарда истиқомат қилувчи аҳолининг 90 % ини ўзбеклар, 3 %ини руслар ва қолган 7 %ини бошқа миллатлар ташкил қилади. Улар худди бир оиладек ҳамжихатлик ва тинч – тотувлик билан яшаб, меҳнат қилиб келмоқдалар.

Шаҳар иқтисодиёт тармоқларида саноат ва савдо соҳалари етакчи ўринларни эгаллайди. Ҳозирги кунда фаолият кўрсатаётган йирик саноат корхоналари сони 3 тани, қўшма корхоналар сони 6 тани, кичик ва микрофирмалар сони эса 835 та бўлиб, 2005 йилда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми6,8 млрд. сўмни ташкил этди ва ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суърати 102,7 % ни, халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш ҳажми эса 6,2 млрд. сўм бўлиб, ўтган йилга нисбатан ўсиш суърати 102,1 % бўлди. Чакана савдо айланмаси 78 млрд. сўмни, пуллик ҳизмат кўрсатиш ҳажми 11,2 млрд. сўмни ва маиший ҳизмат кўрсатиш ҳажми 3,4 сўмни ташкил қилиб, мос равишда ўтган йилга нисбатан ўсиш суръатлари 106,5 %га, 133 %га ҳамда 117 %га етди.

Шаҳарда ҳозирги кунда ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ҳамда шаҳарсозликни ривожлантириш борасида талай ишлар олиб борилмоқда. 2005 йил якунида барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан капитал қўйилмаларни жалб қилиш 5,5 млрд. сўмни ташкил қилиб, бу 2004 йилга нисбатан 1,5 баробарга кўп бўлди. Шу жумладан хорижий сармоялар ва кредитлар хажми 269,3 млн. сўмни ташкил этган. 13,8 минг кв. метр уй-жойлар қурилиб, аҳолига яшаш учун топширилган 450 ўқув ўринли касб-хунар коллежи қуриб битказилди. Ҳозирги кунда шаҳар аҳолисининг 1 нафарига тўғри келадиган уй-жой миқдори 12 кв. Метрни, ҳар 10 минг кишига нисбатан касалхона ўринлари сони 50,2 тани, амбулатория-поликлиника муассасалари ўринлари сони 192,4 тани ташкил этади. Ундан ташқари аҳолини марказлашган сув билан таъминланиши 90,6 %ни табий газ билан таъминланиши 92 %ни ташкил қилади.

Исътемоли 2005 йил якуни бўйича шаҳар аҳолисининг ўртача жон бошига халқ моллари ишлаб чиқариш ҳажми 32,8 минг сўмни, чакана савдо айланмаси 408 минг сўмни, пуллик ҳизмат хажми 58,3 минг сўмни, шу жумладан маиший ҳизматлар хажми эса 18 минг сўмни ташкил қилди. Шаҳар аҳолисининг ўртача йиллик даромадлари 303 минг сўмни, харажатлари эса 290 минг сўмни ташкил этиб, олдинги йилларга нисбатан 1,5 баробарга ўсди.

Ташқи иқтисодий алоқалар ва хорижий сармоя иштирокидаги корхоналар томонидан олиб борилган ташқи савдо айланмаси 2005 йил якунида 1,9 млн.

АҚШ долларини, экспорт хажми 550,3 минг АҚШ долларини, импорт хажми эса 1,4 минг АҚШ долларини ташкил қилди.

2005 йил якунида шаҳардаги кичик ва микрофирмалар 1267 тани ташкил этиб, фаолият кўрсатаётган корхоналар сони 835 та бўлди, улар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар, ҳизматлар хажми 27932 млн. сўм бўлиб, 2004 йилга нисбатан ўсиш суръати 164,6 %ни ташкил этди. Улар томонидан қилинган маҳсулотлар экспорти хажми 277,5 минг АҚШ долларини, маҳсулотлар импорти хажми эса 1277,9 минг АҚШ долларини ташкил қилади. Йил якунида яратилган янги иш ўринлари сони эса 3558 та бўлди. Жумладан шаҳарда фаолият кўрсатаётган “Спортчи ТМБ” кичик корхонасида мамлакатимизда болалар спортини ривожлантириш мақсадида спорт тўплари ишлаб чиқарилмоқда. Ҳозирги кунда жаҳон стандартларига жавоб берадиган волейбол, футбол, қўлтўпи спорт анжомлари вилоятдаги, балки республиканинг барча вилоятлари мактаблари, коллежлари ва махсус спорт мактабларига етказиб берилмоқда. Кичик корхонада спорт тўпларидан ташқари 18 хил турдаги спорт анжомлари ишлаб чиқариш устида амалий ишлар олиб борилмоқда. Бу ишларни амалга ошириш мобайнида шаҳар аҳолисининг 22 нафарини янги иш ўринлари билан таъминлаш белигиланган.

Шаҳар аҳолисини қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлаш борасида ҳам бир талай ишлар олиб борилмоқда. Ҳозирги кунда шаҳарда 2006 йилнинг 1 январь холатига рўйхатдан ўтган деҳқон хўжаликлари сони 22673 тани, шундан юридик шахс мақомига эга бўлганлари эса 253 тани ташкил қилади. Мавжуд деҳқон хўжаликлари томонидан 2005 йил якунида 8,6 млрд. сўмдан ортиқ қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириб, шаҳар аҳолисига етказиб берилди.

## МАТЛАБИ ЭЗГУЛИК САНЪАТКОР

Э.Қирғизов,З.Умрзақова - ФарДУ

Марғилон санъати ҳақида сўз кетганда Мадали ҳофиз, Болта ҳофиз, Ашурали ҳофиз, Маматбува ҳофиз, Юсуфжон қизиқ Шакаржонов, Уста Олим Комилов, Боборaҳим Мирзаев, Тамарахоним, Ахрор қори Ҳасанов, Ж.Султонов, М.Узоқов каби санъат дарғалари, уларнинг ишларини давом эттирган Искандар Қаландаровнинг сиймоси кўз ўнгимизда намоён бўлади.

Искандар Қаландаровнинг Хоразм қўшиқчилик ижодига кирувчи “Феруз” асари халқ орасида машҳур. Катта ва кичик “Феруз” кўринишлари мавжудки, бу икки вариант ҳам мукаммал санъат асари сифатида маънавий ва тарбиявий қадриятга эгадир. Бироқ катта Феруз ўзининг тўлиқ байти, чуқур авжи билан ҳофизлар ва тингловчиларнинг эътиборига сазовордир. Катта Феруз куй тўзилиши қўламининг кенглиги хонанданинг овоз имконияти, ижрочилик истеъдоди, шинавандаларнинг бадиий-ахлоқий, фалсафий мушоҳадасини шакллантириш аҳамиятига моликдир. Шу маънода Искандар Қаландаров талқинидаги катта Феруз ғазалининг еттинчи байти алоҳида аҳамият касб этади ҳамда авж ҳонишларига кириш вазифасини ўтайди.

Эй шоҳ, карам айлар чоғи тенг тут ёмону яхшини,
Ким меҳр нурин тенг солур вайрона обод устина.

Маъшуқани ҳусн - мулки, малоҳати туфайли оламнинг шоҳи даражасида ҳис этган ошиқ унга илтижо этиб қуёшдан ибрат олгин, у ўз нурини обод жойларга ҳам, вайрона гўшаларга ҳам тенг сочганидек, сен ҳам, мен бир дили вайронани меҳр неъматингдан баҳраманд этгин, - деб юқори пардаларда зорланади ошиқ.

Асарнинг энг юқори пардаларига ўтиш жараёнидаги йигирма бир тактдан иборат чолғу оҳанглари устоз ижросида гоҳ юқори, баъзан қуйи ва яна самогирлиги билан тингловчини мозийнинг қаърига тортар экан: “Хоки танинг барбод ўлур охир жаҳонда неча йил,Сайр эт Сулаймондек агар тахтинг қуриб бод устина”, - деб маъшуқага тарихий ҳақиқатни, яъни ҳазрати Довуд пайғамбарнинг ўғли Сулаймон пайғамбар ҳам жаҳонга шоҳ бўлгани, шамол устига тахт қуриб оламни кезган Аллоҳнинг ер юзидаги халифаси ҳам хазон ҳужумига дош бера олмади, барча қатори танаси тупроққа қорилганини таъкидлаб, сен ҳам яратганнинг бу қудратига тан бериб, кибрга йўл қўмагин, бошқалардек мангу қисматга иқрор бўлгин-да, мардумлигингни бажар,- дея уқтиради ҳофиз.

Хоразмда туғилиб, 50-йиллардан буён Марғилон шаҳрида истиқомат қилаётган ўлкан ҳофиз ва беназр тор ижрочиси, Ўзбекистонда ҳизмат кўрсатган маданият ходими Искандар Каландаров ижросининг ўзига хослиги шундаки, биринчидан, авжига ўтиш – “чертим тактлари” ўзгача бир бадиий кўринишда кишига қувноқ кайфият бахш этиб, кескин тарзда суръат пасайиб, тор пардалари ҳазин титрайди. Иккинчидан, шоирнинг дил хитоби ҳофизнинг мунгли наволарида алоҳида-алоҳида таъкидланиб, фоний дунёнинг шевалари тингловчига қайта-қайта уқтирилади.

Инсон ҳар ишга қўл урар экан, мангу ҳақиқат нуқтаи назаридан сайъ-ҳаракат бошламоғи даркор. Шу маънода ғазалнинг ташбехлари, бастакорнинг матлаби, ғояси, созанданинг торлари ҳонанданинг дилкушо наволари тингловчига ана шу ҳаёт фалсафасидан сабоқ беради.

## XIX-XX АСР БОШЛАРИДА МАРҒИЛОН ШАҲРИНИ БОШҚАРИШНИНГ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ

А.Шодиев, У.Эргашев - ФарПИ, А.Алиохунов - ФарДУ

Марғилон шаҳри Фарғона вилоятининг Марғилон уезди таркибига уезд шаҳри сифатида киритилди. Марғилон уездига уезд қишлоқлари ва вилоятлари билан бирга эски Марғилон ва Янги Марғилон шаҳарлари ҳам киритилади.

1900 йилда Марғилон уезди таркибига 19 та волость, 129 та қишлоқ ва 2 та шаҳар Эски Марғилон ва 1977 йилда ташкил этилган Янги Марғилон кирган. Руслар босқини натижасида уездда 1 та рус қишлоғи ташкил этилган. Марғилон уезди 4 та участка бўлиб бошқарилган.

Уездда уезд бошлиғи томонидан участклар эса, участка приставлари томонидан бошқарилган. Фикримиз исботи учун участкалар ва улар таркибига кирган волостлар рўйхатини келтирамиз.

1.шаҳар атрофи участкаси: Файзобод, Ёзёвон, Олтариқ, Яккатут ва Марғилон волостлари кирган.

2.Водил участкаси: Чимён, Аввал, Найман, Яукессек, Востанской волостлари кирган.

3.Қува участкаси: Қува, Қўқон-қишолғи, Қоратепа, Шаҳрихон, Сегезин, Асака волостлари кирган.

4.Аравон участкаси: Кулин, Аравон, Марҳамат, Ичкилик волостлари кирган.

Туркистон ўлкасининг бошқа жойларида бўлгани сингари Марғилон уезди бошқарув органларида ҳам асосан рус миллатига ёки бошқа миллатга мансуб кишилар ишлаган. Уезд бошқарувига маҳаллий миллат вакилларидан жалб этилмаган. Марғилон уезди бошқарув органлари Янги Марғилон шаҳрида жойлашган. 1901 йилда Марғилон уездини бошлиғининг рапортига кўра шу йили уезд бошқарув органларида 14 киши ишлаган. Яъни: уезд бошлиғи, уезд бошлиғини ёрдамчиси, котиба, 2 та хат ташувчилар, полиция пристави, 4 та участка приставлари, уезд врачлари, 1 та таржимон, уезд ер ўлчовчиси ишлаган.

...Марғилон шаҳрининг бошқарилиши ҳақида фикр юритишимиздан олдин турли манбаларга мурожаат қиламиз.

А.Нурматов ва О.Эшонбоевларнинг “Город шелко Маргелан” номли китобида ёзилишича Марғилон шаҳри Марғилон уезди раҳбарлигида 4-волость амалдорлари, 4 та судья ва 360 та элликбошилар томонидан бошқарилган.

-“Ежигодник Ферганский облати” нинг I-томида ёзилишича, Марғилон шаҳри Марғилон уезди бошлиғи ёрдамчиси ва депутатлар иштирокида бошқарилган.

Ёки “Обзор Ферганский области за 1899 год” ҳужжатлар тўпламида Марғилон шаҳри пристави томонидан бошқарилганлиги ёзилади.

Фикрлар бир-бирини анча тўлдиради. Яъни ҳар бир шаҳар уезд бошлиғи назорати остида бошқарилган. Марғилон шаҳрини бошқариш ҳам уезд бошлиғи томонидан назорат қилинган. Уезд бошлиғининг ўринбосари бизнинг фикримизча депутатларга раҳбарлик қилган бўлса керак. А.Нурматов, О.Эшонбоевлар китобларида кўрсатилган волостлар амалдори ва судья депутатлар таркибини ташкил этишган.

...эски Марғилон шаҳрини бошқарув органлари Янги Марғилон шаҳрида жойлашган. Эски шаҳарда эса фақат шаҳар пристави яшайди холос...

Шу фикрдан келиб чиқсак, уезд бошлиғи, унинг ўринбосари ҳам Янги Марғилон шаҳрида яшаган. Шунга асосланиб, Марғилон шаҳри уезд бошлиғи депутатлар билан келишган ҳолда шаҳар пристави томонидан бошқарилган.

Марғилон шаҳри 20.000 кв. Верст майдонни ташкил этган.

1884 йил маълумотларига кўра шаҳарда 4 та маҳалла ва бу маҳаллаларда 5856 уй мавжуд блган:

1.Қаландархона маҳалласида 1717 уй.

2.Машад маҳалласида 1264 уй.
3.Совилтуда маҳалласида 1295 уй.
ЖАМИ: 5856 та.

XIX аср охирларида Марғилон шаҳри 4 та маҳаллага бўлинади. XIX аср давомида бизгача маълумки бошқарув органларида маҳаллий аҳолининг бой қатламлари ҳам иштирок этганлар. Улар мингбоши, қози, имом, элликбоши каби лавозимларни эгаллашган. Юқоридаги фикрларимизни умумлаштирилган холда қуйидаги фактга мурожаат қиламиз:

Ўша даврда XIX аср охирларида шаҳар Марғилон, тўрт даҳа, Қаландархон, Соввфилтуда, Тошмозор, Машадга бўлинган. Уларни устида эса рус полицместири, приставлари, уезд бошлиғи хўжайинлик қиларди. Шаҳар мехнаткашлари сайлаш ва сайланиш ҳуқуқидан маҳрум этилган эди. Маҳаллий амалдорлар мингбошилар, қозилар бойлардагина тайинланар ва сайланар эди...

Мингбоши – Ўрта Осиё XIX асрнинг 2-ярмида энг нуфузли маҳаллий амалдорлик ҳисобланади, уни руслар томонидан шаҳар пристави уезд бошлиғи ёрдами билан маҳаллий бойлардан сайланар эди.

Қози – ўша даврнинг маҳаллий судъяси ҳисобланиб, шариат қонунлари асосида ҳукм чиқарувчи юқори лавозимдаги амалдор ҳисобланган.

Қозилар ҳам рус амалдорлари кўрсатмалари, розиликлари билан сайланган. Агарда адолатпарвар, ҳақиқат йўлини тутган кишилар номзоди қозиликка кўрсатилса, улар ўз-ўзидан сайланмасдан қолиб кетар эдилар.

Қозилар асосан русларга сўзсиз итоат этувчи, русларга кўпроқ илтифот этувчи кишилардан, бойлардан сайланган.

Мингбошилар ва қозилар-халқ судъялари волость съездларида 3 йил муддатга уезд бошлиғи ва участка приставлари кўрсатмалари асосида шахсан область губернатори томонидан сайланган.

Шунингдек, шаҳар бошқарув аппарати асосини шаҳар полицияси ташкил этган. Шаҳар полициясига шаҳар полицместири раҳбарлик қилган. Шаҳар полицияси 1913 йилда 53 кишини ташкил этган. Ушбу полицияни сақлаш учун шу йили шаҳар бюджетидан 28 минг 271 сўм маблағ сарфланган.

## ИЖОДКОРЛИК МОЪИЯТИ

Э.Ыирьизов, З.Умрзоқова - ФарДУ

Марьилонлик устозлардан бири 80 ёшли Мамасиддиы ака Мадалиев Республикамиз маонавий ъаётини юксалтириш йщлида илмий-ижодий фаолият кщрсатиб келаётган саноат арбобларидандир.

Мамасиддиы ака Марьилон шаърининг марказий маъаллаларидан ъисобланмиш **«Мозори шайх» (Ҳозирги Ханда чойхонаси ёнидаги)** Машъур ъофиз Мадалибек хонадонида (1926 йил 28 март) таваллуд топди. Марьилонга хос бщлган аноана, оила, маданий муъит ъамда устозлар назарида тарбия кщрди. Ота – она ирсиятидаги саноатга, маорифатга иштиёы оилада тез-тез ташкил ыилинадиган «Санойи нафиса суъбатлар»да, Муыумий, Рожий каби замондош шоирларнинг щтли шеорлари, М.Т.Тошмуъамедов, Ъожи Абдуллазиз Абдурасуловдек ўлкан ъофизларнинг сирли ъонишлари таосирида

маонавий шаклланаборди. Айниыса, 1926 йили М.Ыориёыубов **ва Юсуфжон қизиқ Шакаржоновлар** раъбарлигида илк ташкилланган этнографик ансамбл машьулотларидаги мусиыий садолар чаыалоы Мамасиддиынинг ыалбига бир умрга муърланди. Сщфи Оллоёр ъазратлари : «Агар туз конига тушса, бщлур туз. Ородин щтса бир кеча-кундуз» деганларидек бу дарсларда саноаткор маонавий зуваласининг намаги ростланиб улгурди.

Ъозирги Марьилондаги 14-умумий щрта таолим мактабида таолим олгач, Тошкент шаъридаги М.Глиэр номли болалар мусиыа интернатида (1939-1943 йилларда ) мусиыа сабоьига эга бщлиб, 1946 йили Марьилон шаърида ташкил этилган «Колхоз-совхоз халы театри»да устоз Деъыонбой Мирзаев (чангчи) раънамолигида мусиыачи – ходим сифатида фаолият олиб борди. Кейинчалик, 1957 йили Фарьона шаърида очилган мусиыа билим юртида таъсил олиб шу илм даргоъида ъамда М.Улуьбек номли педагогика институти ыошидаги бошланьич таолим услубиёти бщлимида (1960-1963 йиллар) щыитувчи, 1963 йилдан **1989** йилгача Марьилон шаъар болалар мусиыа мактаби директори ва щыитувчи лавозимида ишладилар.

Устознинг маонавий булоьидан манфаат топган Щзбекистон халы артистлари: Ж.Охунов (маръум), Ё.Ъотамова, **Ш.Эргашев,** А.Исмоилов, А.Холтожиев, А.Абдурашидов, Ю.Усмонова, Щзбекистон халы хофизлари: М.Тожибоев, Ы.Юсупов, эл ардоьлаган **санъаткор Республикада ҳизмат кўрсатган маданият ходими И.Қаландаров, ҳонандалар: И.Ҳусанов,** М.Орифжонов (маръум), И.Исаоыов (маръум), Х.Холбобоева (маръум) **Фарғона Давлат университети доцентлари С.Дадажонов, А.Умаров, И.Қирғизов** ва кщплаб саноат намоёндалари у кишини устозим дея фахр билан эотироф этадилар.

У кишининг маонавий шиори «Яхшилик ыилишга улгурмоы керак» маоносида бщлиб, Республика ва ыардош мамлакатларда щтказилган мусиыа анжуманларида бадиийи жамоа раъбари, Щзбекистон телерадиокомпанияси ыошидаги Ю.Ражабий номли «Маыомчилар» жамоасида, Щзбекистон Давлат Консерваторияси аноанвий ижрочилик кафедрасида, Т.Ыодиров номли Фарьона шаъар саноат коллежи, Марьилон шаъар, Уч кщприк, Тошлоы, Олтиарiы, Бувайда, Ыува туманлари бадиий жамоаларида ижодий кщмакдошлик ыилишга улгурадилар. Ташкилий-ижодий ишлар бастакорлик фаолияти билан уйьун ъолда «Боыи ва Соыи» (Я.Маматхонов ыаламига мансуб ъажвий саънавий асар), «Гумон» (З.Фатъуллин, Ъ, Усмоновлар), «Менинг азиз ыишлоьим»(Ш.Саодулла), «Узилган занжир» (М.Умаров), «Фарзанд доьи» (Ъ.Усмонов), «Давр садоси» (А.Зайнуддинов) каби мусиыали драма ва ҳажвий поесаларга мусиыа басталади. «Бахтиёр ёшлик» номли болалар халы чольу асбоблари учун поеса, «Фарьона» номли уч ыисмли сюита, «Келдик салом билан» номли хор жамоалари учун асар (Т.Маъмудов шеъри асосида ) «Фарьона тонги» номли щзбек халы чольулари ансамбллари учун мусиыий асар , шунингдек мумтоз ъамда замонамиз шоирлари шеорлари асосида 40 дан ортиы ыщшиылар тщплами яратилди.

Устоз Мамасиддиы Мадалиев яратган асарларнинг маоно-мазмуни ъозирги давр талаби-маонавий жиъатдан етук ъар томонлама билимдон

мустаыил фикрловчи шахсларни шакллантиришда муъим аъамият касб этмоыда. Натижада эзгу ъислар ва амаллар ъар бир кщнгилда, миллат ва халы ыалбида жамул-жам ъолда руъий-амалий ыувватга айланмоыда. Энг муъими кишиларимизни порлоы келажакка ишонч, юрт ободлиги, эл фаровонлиги йщлида бунёдкорлик ишларига сафарбар этмоыда. Илло ижодкорнинг моъияти ва толеи ъам шундадир.

## МАРҒИЛОН ШАҲРИНИНГ ЖИСМОНИЙ МАДАНИЯТИ ВА СПОРТИ

Ш.Хонкелдиев, А.Абдуллаев - ФарДУ

Мамлакатимизнинг турли вилоятлари тарихи, жумладан Фарғона водийсининг гўзал Марғилон шаҳри ҳам ўзининг бой маданий меросига эга эканлиги ҳозирги кунда сир эмас. Ҳунармандлар, деҳқон, чорвадорлар замини бўлган бу юрт ўзининг буюк санъаткорлари, аскиячи-сўз усталари қизиқчилари билан машҳур бўлган. Байрамлар, тўйлар, кўнгил очиш тадбирлари-кураш, улоқ чопиш, ҳозирги акробатика спорт тури элементлари билан даврага файз берадиган, чаққон харакатларнинг усталари, қизиқчиларнинг чиқишларисиз ўтмаган. Айниқса Марғилоннинг дорбозлари ўта машҳур бўлганлар.

Жаҳонгир бобомиз Амир Темур лашкарлари ичида аждодлари Марғилонлик бўлган камон отиш усталари, от устида душманига қилич солганда душманни танасини тенг иккига бўлиб ташлаб, қиличи от эгаригача етиб борадиган кучга эга сарбозлар хизмат қилганлигига далиллар бор. Демак гўзал водиймизнинг Марғилон шаҳри аҳли инсон жисми тарбиясига азалдан катта эътибор берганлар.

Туркистонни Россияга қарамлик даврида Қўқон, Марғилон, Қизил-Қия, Ўш, Андижон, Ленинобод уездларида футбол ерли халқнинг севимли ўйинига айланган ва ака-ука Мартинюк, Раджабов ва Гренкоглар ташаббуси билан 1911 йили футбол жамоаларининг мусобақалари ўтказилган деб ёзади Г. М. Сергеев .

“XIX ва XX аср Ўрта Осиё халқларининг ижтимоий ҳаётида катта аҳамият касб этади. Турли хил жисмоний машқлар билан шуғулланиш, ўйинлар, беллашувлар, куч синашувлар тарзидаги жисмоний маданият нисбатан жонланишига юз тутди” деб ёзади Шамолицкий Ю. С.

Аслида миллатимиз халқ оғзаки ижоди, эртаклари, достонларнинг

қаҳрамонлари, уларнинг кучи, чапдастлиги, чаққонлиги, ботирлигидан гувоҳлик берадиган беллашувлар ўтказилганлиги ва бу ўйинлар жисмоний тарбия машғулотларининг шакл жиҳатидан ўзгариб шу кунларга чаетиб келганлигига гувоҳлик беради.

1890 йили Тошкентда ҳаваскор велосипедчилар “Тошкентское общество велосипедистов” деб номланган жамият ташкиллайдилар. Бу жамият кўп кунлик велосипед пойгаларини уюштирганлиги ва 1895 йили Хўжанд ва Қўқон орқали кўп кунлик велосипедчилар пойгаси Марғилон шаҳрида ўтганлиги архив материалларида қайд қилинган.

Россиядаги ревалюциянинг мағлубиятидан сўнг (1905-1907) Столипин реакцияси даври бошланиб, фақат рус халқини эмас, руслар босиб олган қарам мамлакатлар халқлари учун оғир давр бошланган бўлиб, Столипиннинг яширин кўрсатмаси билан (1910) бутун Россиянинг ўзи ва унинг қарамоғидаги мамлакатларда оммавий тадбирлар, йиғинлар жумладан жисмоний тарбия ва спорт мусобақалари ҳам тақиқлаб қўйилди.

Ю.С.Шамолицкийнинг тадқиқотларида 1912-1915 йилларда Ўрта Осиё шаҳарларида физкультура ҳаракати бир оз жонланганлиги, Қўқон, Марғилон, Тошкент, Бишкек, Ашхобод ва бошқа шаҳарларда Миллий кураш бўйича йирик турнирлар ўтказилганлиги, унда Россиядан келган таниқли полвонларнинг кўпчилиги маҳаллий миллат полвонларидан мағлуб бўлганлиги ҳақида маълумотлар бор.

Советлар даврини жисмоний маданият ва спорт ишлари нисбатан жонланган даври деб аташимиз мумкин. Спорт иншоотлари, спорт базаларини яратиш, янги қурилган мактаблар ҳисобига уларни сонини ошириш сиёсати йўлга қўйилди.

Жисмоний маданият ва спортнинг тарғиботи 1930 йилларга келиб Фарғона водийси шаҳарларида айтарли кучайди. 1939 йилнинг 11-12 август кунлари Ленинобод шаҳрининг спортчилари жамоаси билан Марғилон шаҳрининг "Красная роза" жамоаси мусобақалашди. Иккинчи жаҳон уруши арафаси эканлигини ҳисобга олсак ўтказилган мусобақалар дастурида замон талабидан келиб чиқиб ўқ тўлдирилган яшик билан югуриш машқлари жанг шароитига мослаб ўтказилади.

Болалар спорти, уларнинг жисмоний тарбияси масаласи кун тартибига кўтарилди. Ўтган асримизнинг 70-80 йиллари жисмоний маданият ва спортни риважлантиришнинг энг юқори кўтарилган даври деб қаралган бўлсада, "Фврғона вилоятида болалар спорт мактаблари (БСМ)да қишлоқ, шаҳар ўрта таълим мактабларига нисбатан машғулотларга жалб қилиш ва соҳанинг шу йўналиши учун сарф харажатнинг нотекис эканлигига гувоҳ бўламиз. Фарғона шаҳрида ўша даврдаги мавжуд ўқувчиларнинг умумий сонига нисбатан 7,2%гина жисмоний тарбия ва спорт ишларига жалб қилинган бўлса, қишлоқ мактабларида, жумладан Қувасойда 3,7%, Марғилон, Қўқон шаҳар ўқувчилари эса фақат 1,5%гина жалб қилинган.

Вилоятимизнинг ҳар бир боласи учун сарф харажат 48,4 сўм, Республикаизда 68,4 сўм, собиқ Иттифоқ бўйича 77,8 сўмни ташкил этган.

Ҳозирги кунга келиб, Марғилон шаҳри мамлакатимизнинг жисмоний маданияти ва спотри ривожланган йирик спорт ҳудудига айланди. Биргина болалар ва ўсмирлар спорт мактабларида 2101 нафар ўқувчи ўзларининг спорт маҳоратини оширмоқдалар.

Улардан "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод", "Универсияда" мусобақалари, Республика, Осиё ва Жаҳон мусобақаларининг ғолиби ва совриндорлари етишиб чиқди ва Жаҳон спорти майдонида Шукирилло Рустамов ДЗЮ-ДО бўйича 2003 "Универсияда"чемпиони САМБО бўйича Испанияда ўтказилган Жаҳон чемпионати совриндори, Халилов Умид Осиё чемпионати совриндори (Катар), Туркияда ўтакзилган ўзбек кураши олтин

медали соҳиби; Худойқулов Темур ёшлар ўртасида Осиё чемпиони (2004 й), Жаҳон чемпионати совриндори (2005 й); Шайхутдинова Румилия Осиё чемпионати ғолиби, САМБО бўйича Жаҳон чемпиони ва бошқа қатор Халқаро мусобақалар совриндорларининг сони талайгина.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган “Соғлом авлод учун” давлат дастури Марғилон ёшлари спорт мусобақалари ғолиблари ва нишондорлари, халқаро мусобақалар ғолиблари ва совриндорлари даражасигача тарбиялаб етиштирди ва улар мамлакатимиз спорт шарафини ҳимоя қилишда ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар. Шаҳарда халқаро талаблар даражасига жавоб берадиган йирик спорт иншоотлари қурилиб ишга туширилмоқда..

Кўхна ва ҳамиша навқирон Марғилон шаҳри ўзининг спорт анъаналарини ва янги ташаббуслари билан Мамлакатимиз спортини янада юқори чўққиларга кўтариш учун хизмат қилади.

## МАРҒИЛОН – ҚИЗИҚЧИЛИК ВА АСКИЯ ВАТАНИ

Э.Собиров, С.Эгамназаров – ФарДУ

.

Марғилон азалдан қизиқчилик ва аския пайрови соҳасида эл-юртга танилиб келган. Бунга асосий сабаб Марғилонда аския ва қизиқчиликка бўлган эҳтиёжни эрта шакллангани бўлса керак.

Марғилон дейилганда Марғилон шаҳри билан унинг (25-30 км чамасидаги) атрофида жойлашган ҳудудлар киради. Шу сабабли бу ҳудудларда яшовчи аҳоли ўзларини марғилонлик деб ҳис қиладилар. Чунки бу ерликларнинг асосий савдо-сотиқ маркази Марғилон шаҳри бўлиб келган. Бу ерлик аҳолининг машғулоти деҳқончилик, чорвачилик шаҳар марказида бўлса ҳунармандчилик ҳисобланган. Бозор кунлари шаҳарга келган одамларнинг кўпчилиги савдо ишларини тугатганларидан сўнг чойхоналарда дам олишиб, гурунглашиб ўтиришган. Мана шундай гурунгларда сўзамол кишилар ўртасида ўзаро сўз ўйинлари – аския ва пайровлар юзага келар эди. Кейинчалик бундай одамларнинг гурунглари шаҳардан чекка аҳоли яшайдиган ҳудудларга ҳам тарқала бошлади. Айниқса, деҳқончилак билан шуғулланувчи аҳоли эркаклари қиш ойларида ўн-ўн беш кишилик давралар ташкил этиб, навбат билан гаплар уюштиришганлар. Бундай гап беришлар қиш ойлари тугагунча давом этган. Қадимдан шаклланган бундай шароит Марғилонда аския ва қизиқчиликнинг келиб чиқиши сабабларидан бири бўлса, иккинчи сабаб марғилонликларнинг савдогарлик касби эди. Чунки бу касб эгалари ўта сўзамол ва ишбилармон бўлганлар.

Марғилонда юзага келган бундай қулай шароит қизиқчилик ва аския соҳасида ажойиб сўз усталарини етиштириб чиқардики, булар жумласига Усмон ота, Сулаймон қори, Юсуфжон қизиқ Шакаржонов, Охунжон қизиқ Ҳузуржонов, кейинги пайтларда Юсуфжон қизиқнинг фарзандлари Зайлобиддин ва Мадаминжон каби санъат дарғаларини мисол келтиришимиз мумкин. Юқорида номлари зикр этилган инсонлар ўзларининг халққа манзур бўладиган қизиқчилик ва аския дастурларини туздиларки, натижада бу

ҳудудларда ўтказиладиган халқ сайиллари, томошалари уларнинг иштирокисиз ўтказилмас эди. Бундай санъаткорлар билан учрашувлар тўй-маросимларда ҳам ташкил этилган. Бутун ўзбек халқи каби марғилонликлар ҳам ўтган аср ўрталари (иккинчи жаҳон уруши, ундан кейинги даврлар)да ўз бошларидан узоқ давом этган иқтисодий қийинчиликларни ўтказган бўлсаларда, ўзбекнинг тўй-маросимлари тўхтамаган. Бу даврда бир оила тўй ўтказса етти маҳалла ёшлари кечга томон тўйда бўладиган базм (илгари санъаткорлар иштирокида ўтказиладиган тадбир базм дейилган)га етиб борар эдилар. Бу йиғинлар албатта Юсуфжон қизиқ ва Охунжон қизиқларнинг иштирокисиз ўтмас эди. Улар ўзларининг қисқа театрлаштирилган (ҳозирги кундаги миниатюра кўринишлари) ичакузди чиқишлари, масалан, "Дор ўйини", "Аэропланда учиш", "Қарз тўлаш' каби саҳна кўринишлари билан томошага келганларни кулдириб, уларни маънавий озиқлантирар эдилар.

Мағилонда шаклланган ажойиб аския ва қизиқчилик санъатининг номлари юқорида зикр этилган устозлар томонидан яратилган санъат дурдоналарини ҳозирги кунда Мамасидиқ Ширяев ва унинг гуруҳи аъзолари томонидан давом эттириб келинмоқда.

## ЎЗБЕК МИЛЛИЙ МАДАНИЯТИ РИВОЖИДА МАРҒИЛОННИНГ ЎРНИ

Э.Норматов, Д.Норматова - ФарДУ

Қамчиқ довонидан ошиб марказга, ундан Хоразм воҳасига қадар йўлингиз тушиб қолса, йўл-йўлакай ерли халқлар билан мулоқот қилиб борсангиз юзингизга қараб, сўзингизни тинглаб «Водийданмисиз» ёки «Марғилонданмисиз» деб сизга боқади. Шунда сиз ҳа деб жавоб берасизда, ўйга толасиз. Ҳа деган сўзнинг маъно-мазмунига, унинг узоқ тарихига фикран саёҳат қиласизда, кўз олдингизга Марғилон косибчилик, ҳунармандчилик, этикдўзлик, махсидўзлик, чилангарлик, дўппидўзлик, хаттоки деҳқончиликнинг энг ноёб турлари – узумчилик, полизчилик, боғдорчилик маданияти қадим-қадимдан ривож топган, атрофи, тупроғи унумдор қишлоқлар билан ўралган шаҳар эканлиги ҳақида чуқур ўйга толасиз.

Шунда кўз олдингизга бевосита қуйидаги ривоят келади: Айтишларича, буюк бобомиз Заҳириддин Муҳаммад Бобур Мирзо Ҳиндистонда умргузаронлик қилиб юрган кезларда умрларининг охирида хасталаниб ётиб қолган кунларнинг бирида унинг савдогарлари Марғилон сари юзланибдилар. Буни Бобур Мирзога хабар қилибдилар шу захотиёқ шоҳ сарбонни қабулга чақирибди ва сарбонга шундай васият қилибди: «Марғилондан қайтишингизда Марғилоннинг бир чимдим тупроғию, бир дона кўкча қовунидан ола келинг», - дебди. Сарбон қуллуқ қилиб йўлга равона бўлибди. Сарбон Марғилондан қайтаётиб шоҳ айтганларини бажо келтириб Ҳиндистонга қайтибди. Не ажабки сарбон Ҳиндистонга етиб боргунга қадар Бобур Мирзо бандаликни бажо келтирибди. Марғилоннинг бир чимдим тупроғини кўзига суртиш, Марғилоннинг кўкча қовунидан бир чақмоқ истемол қилиш шоҳга насиб

қилмабди. Бу албатта ривоят. Аслида-чи, тупроғи олтинга тенг бу маскан водий шаҳарлари ичида ишлаб чиқариш маданияти ва маънавий маданиятнинг барча турлари бўйича қадимдан маълум ва машхур эканлиги Марғилон ҳақида, унинг меҳмондўст, мехнатсевар, сертакаллуф, ширинсухан халқи ҳақида қисқа маълумотга эга бўлган барча фуқароларга аён.

Марғилоннинг ишлаб чиқариш маданияти унинг тараққиёти машхурлиги етти иқлимга маълум. Бунга сабаб Марғилонда қадим-қадимдан буён косибчилик, ҳунармандчилик, ва тўқимачиликнинг энг нозик турлари шаклланганлигидадир. Дунёга машҳур бўлган ўзининг турли ранглари билан аёл зотини чиройига-чирой қўшадиган гўзаллик рамзи бўлган хонатласи кимларни мафтун этмайди дейсиз. Ана шундай мафтункор матоларни юксак дид билан тўқиш, унинг сифатига эътибор бериш Марғилонда ишлаб чиқариш маданиятига алоҳида аҳамият қаратиш хусусиятига эга эканлигидан гувоҳлик беради. Бундай хусусиятларга эга бўлмаганда эди унинг довруғи Мағрибдан-Машриққа қадар тарқалмаган бўлар эди.

Касблар ичида энг инжиқ, майда ва мураккаби бу косибчилик ҳисобланади. Бу касб инсондан фақат тадбиркорликни тақозо қилмайди. Аксинча косибдан юксак дид, сабр-тоқат, эътиқод ва вақтни тежаш билан ўтказишни талаб этади. Бу фикрларнинг қанчалик ҳақ эканлигини билмоқчи бўлсангиз Марғилоннинг Қумтепа бозорига бориб, ўта нозик таъб билан тикилган, Марғилоннинг дилбар аёллари қўлида жилоланиб турган Марғилон дўпписидан тортиб, пойабзалнинг барча турларини кўриб бунга ишонч ҳосил қиласиз.

Марғилон фақат ишлаб чиқариш маданияти билан машҳур эмас. Бу шаҳар ва унинг халқи миллий маданиятнинг барча турлари бўйича оламга донг таратган. Бунга сабаб Марғилон халқи маънавий маданиятининг негизида миллий ғурур, миллий ифтихор, миллий ғоя ётганлигидадир. Ҳақиқатан ҳам шундай, Марғилондан етишиб чиққан маънавий маданият дарғаларининг номи фақатгина вилоятимизда эмас, балки республикамиз, ҳатто қўшни республикаларда ҳам маълум ва машҳурлиги фикримизга асос бўлади.

Марғилоннинг яқин тарихига, унинг ижтимоий ва маънавий (ҳаётига) тарихига эътибор қаратсак қанчадан-қанча фан ва маданият дарғалари етишиб чиққанлигига гувох бўламиз. Буни маданиятимизнинг энг нозик қирралари бўлган қўшиқчилик, қизиқчилик каби турлари Марғилонда шаклланган ва равнақ топганлигида кўрамиз.

Марғилондан етишиб чиққан фиқҳ илмининг султони Бурхониддин Марғилонийдан тортиб Рожий домлагача, XX асрнинг иккинчи ярми ва XXI бошларида етишиб чиққан, фаннинг турли йўналишларида илмий-тадқиқот ишларини олиб борган марҳумлар: Мадаминжон Усмонов, Мирзадавлат Хусанбоев, Турғунбой Мирсоатов, Эгамберди Собиров, Боқижон Мамажонов хозирда Фарғона Давлат Университетида ёшларга фаннинг турли соҳаларидан билим бераётган фан фидойилари Алижон Мамажонов, Исломжон Ниғматов, Ёқубжон Усмонов каби кўплаб олимлар Марғилон фарзанди ҳисобланадилар.

Марғилон ва унинг халқи ҳақида фикр юритилганда маънавий маданиятнинг барча турлари билан қизиқиб келган ажойиб нозик таъб

санъаткорлар маскани эканлигига гувох бўламиз. Марғилон ўзбек миллий маданиятининг довруғини бутун оламга таратган маълум ва машхур сўз усталари, мангуликка дахлдор Шарқона куй ва қўшиқлари билан донг таратган санъаткорлар ватани. Дарҳақиқат шундай. Халқ сайиллари, байрамлари ва миллий маросимларида ўзларининг хозир жавоб сўзлари билан одамлар кўнглини хушнуд қилган Юсуфжон қизиқ, Охунжон қизиқ, Мадаминжон қизиқ, Сиддиқжон қизиқ ва Хасанжонларнинг ичак узди аскияларидан маънавий озиқ олмаган одамлар жуда кам.

Марғилон куй ва қўшиқчилар ватани. Ҳа шундай. Уста Олим Комилов доирада нотасиз куй чалганда Парижда француз миллатига мансуб бўлган халқлар тасаннолар айтганлиги, ёки Жўрахон Султонов, Маъмуржон Узоқов халқ сайилларида Шарқона куйлар билан қўшиқ айтганларида, йиғинда тинчлик ва осойишталик ҳукм суриб томошабинлар кўзларидан шошқатор ёш оққанлигини кимлар кўриб, эшитмаган дейсиз. Марғилон ана шундай санъаткор маданият арбобларини тарбиялаб вояга етказган шаҳар.

Маданият ва санъат ворислик хусусиятига эга. Шу боис Марғилонда хозирги кунда қатор унинг ворислари етишиб чиққан бўлиб, улар республикада кўзга кўринган санъаткорлар - Юлдуз Усмонова, Илҳом Иброхимов, Нуриддин Асқаров ва бошқалар бўлиб улар Марғилон маънавий маданияти, санъати довруғини кўкларга кўтармоқдалар.

## А. К. ПИСАРЧИК МАРҒИЛОН ҲАҚИДА

Н. Абдулаҳатов

Марғилон шаҳрининг қадимий меъморий обидалари ҳақида сўз юритганимизда, биз аввало элшунос олима Антонина Константиновна Писарчикнинг бу борада олиб борган тадқиқотларига тўхталиб ўтмоқчимиз. Зеро, унинг самарали меҳнати туфайли Марғилон шаҳрининг ўтмиш тарихи хусусида келтирган маълумотлари ҳозирга қадар ўз аҳамиятни йўқотмай келмоқда.

1938 йили Ўзбекистон ҳукуматининг кўҳна ёдгорликларни ҳимоя қилиш қўмитаси (Узкомстарис) томонидан Фарғона водийсининг миллий меъморчилик мактаби ва унинг ўзига хос анъаналарини ўрганиб чиқиш мақсадида унча катта бўлмаган илмий экспедицияни уюштирган эди. Мазкур экспедиция аъзоси бўлган этнограф А.К. Писарчик бир мунча вақт Марғилон шаҳрида бўлиб ундаги меъморий обидаларни атрофлича ўрганиб, бу борада жуда қимматли маълумотларни йиғишга муяссар бўлган.

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки, А.К. Писарчик Марғилон шаҳридаги миллий меъморий обидаларни тадқиқ этиш давомида қуийдаги йўналишларга алоҳида эътиборини қаратган эди.

1. Марғилоннинг қадимги мудофаа деворлари ва дарвозалари.
2. Марғилондаги қадимги мадрасалар меъморчилиги.
3. Марғилондаги масжидлар меъморчилиги.
4. Марғилондаги қадимги зиёратгоҳлар меъморчилиги.

5. Марғилондаги миллий услубда қурилган хонадонлар меъморчилиги.

6. Марғилондаги миллий услубда қурилган ҳамомлар меъморчилиги.

Олима А.К. Писарчик миллий услубда барпо этилган меъморий ёдгорликларни тадқиқ этишда ўша даврдаги моҳир меъмор усталарнинг бой тажрибаси, уларнинг оғзаки хотираларига таянган ҳолда иш олиб борган. Шу сабабдан А.К. Писарчик Фарғона водийсидаги миллий меъморчилик намуналари ҳисобланган кўплаб ёдгорликларни бунёд этган усталар ҳақида кўплаб маълумотлар келтирган. Унга кўра XIX асрда яшаб ўтган Марғилонлик уста Муҳаммад Мусонинг фарзандларидан тўққиз нафари моҳир усталар бўлиб етишганлар. Унинг уста Мадусмон, уста Мамасиддиқ, уста Юсуфали исмли ўғиллари Марғилондаги кўплаб масжид ва мозорларнинг қуриш ишларида бош-қош бўлганлар. Ҳатто уста Мамасиддиқ Фарғона шаҳрида бино қилинган генарал губернатор уйининг (ҳозирда театр биноси) қурилишида фаол иштирок этган.

А.К. Писарчик шунингдек, Марғилонда яшаб ўтган уста меъморлардан уста Турдимат (1850-1908), уста Исҳоқ (1858-1933), уста Ҳайдарали (1850-1923) ҳамда усталардан Маҳмуд Азим, уста Ҳакимжон, Мирзо Алихўжа, Хўжали Солиевлар томонидан қурилган меъморий обидалар ҳақида ҳам маълумотлар келтиради.

Ўрта асрлар меъморчилигида энг мураккаб ва муҳташам сарой кўшкларни, мадраса ва масжидларни ўз лойиҳаси асосида бунёд этган мубоширлар кўпинча муҳандис ёки меъмор деб аталгани маълум. Аслида муҳандис ва меъмор унвонлари катта тажрибали, маълум ва машҳур бинокор усталарга нисбатан кўпроқ қўлланилган. Шу сабабдан ҳам, А.К. Писарчик Марғилоннинг қадимги меъморий обидалари ҳақида катта билим ва тажрибага эга бўлган усталар тажрибаларини ўрганар экан, миллий меъморчиликка хос ҳар бир атама ва ибораларга изоҳ беришда усталарнинг кўрсатмаларига амал қилган.

Марғилоннинг меъморлари шаҳарни ташқи душмандан мудофаа қилувчи шаҳар девори ва дарвозахоналарини таъмирлашда халқнинг асосий ишонган усталари саналган. А. К. Писарчик ёзиб олган ривоятга кўра, бундан тўрт аср муқаддам Марғилонни ўраб турувчи пахсадан ишланган деворларининг баландлиги 12 м, эни эса 3 метрдан иборат бўлган. Қизиғи шундаки, ахборотчилар тадқиқотчига ўз навбатида шаҳар қўрғони тўғрисида маълумот келтирар эканлар тўрт-беш юз йил илгари Марғилоннинг жанубий, шимолий, ғарбий ва шарқий томонидан кирилувчи тўртта дарвозаси мавжуд бўлганлигини таъкидлаб ўтганлар.

Афсуски, ўрта асрларда Марғилон шаҳрида неча дарвоза ва улар қандай ном билан аталганлиги номаълум. Биз асосан кейинги XIX асрда унинг 12 та дарвозаси мавжуд бўлганлигини ҳам А.К.Писарчик келтирган маълумотларда асосан билиб олишимиз мумкин. Бинобарин унга кўра Марғилон дарвозалари қуйидагича аталган:

1) Маъоз ибн Жабал; 2) Нодирмат; 3) Тошлоқ; 4) Хотин ариқ; 5) Бахрин; 6) Гулчаман; 7) Машад; 8) Эшон дарвоза; 9) Олтиариқ дарвоза; 10) Сармозор; 11) Суқтепа; 12) Чимён.

А.К. Писарчик Марғилонинг кўҳна минорасини XII асрда қорахонийлар сулоласининг ҳукмдорларидан бири Қизил Арслонхон қурдирганлиги ҳақидаги ривоятни андижонлик моҳир бинокор уста Юсуфали Мусаев (1870-1948)дан ёзиб олганлигини айтади. Уста Юсуфалининг сўзларига кўра, Қизил Арслонхон ҳумдорлиги даврида 11 та шаҳарга шундай минора қуришга фармон беради. Бироқ уста улар ичидан Бухоро, Вобкент, Ўзган, Андижон ва Марғилондаги мавжуд бешта минорани санаб бера олган холос. Шундай бўлсада, уста Юсуфали Марғилон шаҳридаги Қизил Арслонхон томонидан XII аср бошларида қурилган минора XIX аср бошларига қадар сақланиб турганлигини айтиб, минора баландлиги 25 қулоч яъни 37,5 метрдан баланд бўлганлигини таъкидлайди. Унга кўра, бир қулочи саккиз қиррали курсисига тўғри келиб, қолган 24 қулочи миноранинг ғўласимон танасини ташкил этган. Минора ўша давр меъморчилик услубига кўра, тепаси гумбазли давра кафаса – кўшк билан боғланган. А. К. Писарчикнинг фикрига кўра, Марғилоннинг қадимий минораси шаҳарнинг жомеъ масжиди олдида қурилган бўлса керак.

А.К. Писарчик Марғилондаги масжид ва мадрасалар ҳақида маълумот келтирар экан уларни ким томонидан, қачон, қайси вақтда ва қандай режа асосида қурилганлиги бўйича ҳам тадқиқот олиб борган. Масалан, ўзида қадимги миллий меъморчилик анъаналарни мужассам этган нодир ёдгорликлардан бири сифатида машҳур бўлган 1790 йилда қурилган Хонақоҳ масжиди ҳақида ёзар экан, масжидни 1865 йилдаги таъмирлаш ишларида Исфандиёр, Қосимхўжа, Мирзараҳим нажжор исмли машҳур марғилонлик усталар томонидан бажарилганлигини таъкидлаб ўтади.

А.К.Писарчикнинг маълумотларига кўра, Подшоҳ Искандар масжиди ва мадрасасининг 1870 йилда олиб борилган қурилиш ишларига Сафиллтўдалик уста Юсуфхўжа (1818-1898) бошчилик қилган бўлиб, безаш ишлари наққош уста Турдимат (1858-1908) томонидан амалга оширилган.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, А.К.Писарчик Марғилондаги Подшоҳ Искандар, Кўк мозор, Оқ мозор, Чилдухтарон, Сафилтўда, Пур Сиддиқ сингари муқаддас зиёратгоҳларнинг меъморчилик жиҳатларини ёритиш билан бирга улар тўғрисидаги мавжуд афсона ва ривоятларни ёзиб олган.

Масалан, 1938 йили А.К.Писарчик Сафилтўда мозори ҳақида уста Хўжали Солиевдан қуйидаги маълумотларни ёзиб олган эди. Уста Хўжа Алининг сўзларига кўра, Сафилтўда аслида дастлаб Сонтўда деб аталган. Бунинг сабаби аввалги замонда мозор ўрнида шаҳар девори ўтган бўлиб, айнан шу ерларда Маъдалихон ва Маллахон даврида марғилонликлар билан қипчоқлар ўртасида жанглар бўлиб ўтган. Мазкур жанглар давомида ҳар икки томондан ҳам жуда кўп жангчилар ҳалок бўлганлар. Шунинг учун бу ер кўп сонли жангчилар тўдаси ҳалок бўлганлиги учун «Сонтўда” деб аталган экан. Кейинчалик тинчлик қарор топгач жангчиларнинг жасадини шу ернинг ўзига дафн этган эканлар. Сафилтўда мозори эса ўша урушларда жасорат кўрсатган машҳур лашкарбошининг бирининг қабри бўлиб, аҳолини томонидан зиёратгоҳга айлантирилган .

Кўк мозор тўғрисидаги яна бир ривоятни А.К. Писарчик уста Хўжа Али Самадовдан ёзиб олган. Унга кўра, темирчининг олдига бир мулло киши келиб

“менга бир дона мифтаҳ ясаб берсангиз” дея илтимос қилади. Темирчи мифтаҳ нима эканлигини билмай ҳайрон бўлиб ўша муллодан “мифтаҳ нима ўзи”, дея сўрайди. Шунда мулло мифтаҳ арабча калит эканлигини айтади. Ўз ишининг моҳир устаси бўлган темирчи оддий бир сўзга тушунмаганлигидан ва ўзининг нақадар илмсиз эканлигидан қаттиқ пушаймон бўлиб, илм олишга бел боғлайди. Темирчи шу қадар илмга берилиб кетади-ки, охир–оқибатда замонасининг етук олимларидан бири бўлиб етишади. У кейинчалик илмлар тўғрисида “Мифтаҳ” номли китоб ҳам ёзган экан. Темирчиликдан машҳур олим бўлиб етишган ўша зот оламдан ўтгач унинг мозори зиёратгоҳга айланган.

Марғилондаги Оқ мозор зиёратгоҳи тўғрисида олиманинг келтирган маълумотларига кўра, бундан икки аср муқаддам Қўчқорчи қишлоқлик Нодирмат Девона эшон исмли авлиё дафн этилган ва маҳаллий аҳоли орасида Оқ мозор номи билан машҳур бўлган. Шунингдек, А.К. Писарчик, Чидухтарон маҳалласида шу ном билан аталувчи мозор ва масжид ҳам бўлганлигини айтиб, Чилдухтарон мозори XVIII асрларда хом ғиштда гумбазсимон шаклда бунёд этилганлигини таъкидлайди. Унга кўра, дастлаб чилдухтарон мозори ўрнида Муродбахш Валид исмли авлиёнинг қабри бўлган экан. Ривоятларга кўра, бузғунчилик замонда душман таъқибидан қаерга беркинишни билмай турган қирқ нафар қизлар шу мозор олдига келганларида уларни мозор ичкарисидан кимдир чақира бошлайди. Мозор ичига кирган қизлар шу заҳоти кўздан ғойиб бўладилар. Вақтлар ўтиши билан улар чилтонларга айланган эканлар.

Академик М.Е.Массон ўз хотириларида келтирган маълумотларига кўра у 1939 йили А.К. Писарчик марғилонлик Тешабой исмли кишига тегишли XIX аср бошларида қурилган ўта нафис нақшлар билан безатилган меҳмонхонани нодир меъморий ёдгорлик сифатида бузилиб кетишдан сақлаб қолган. Чунки ушбу меҳмонхонанинг гўзал нақшлари таниқли қадимшуносни ҳам ҳайратга солган эди.

Элшунос олима А.К. Писарчик Марғилондаги меъморий обидаларни қуришда Хўжанд, Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Қошғар сингари вилоятдан келган усталар иштирок этгаликларини ёзар экан Марғилон меъморчилик мактаби бутун Ўрта Осиё меъморий анъаналарини ўзига сингдириш билан бирга қадимий Фарғона водийсига хос маҳаллий миллий анъаналарни ҳам мужассам этганлигини таъкидлайди.

Хулоса тариқасида шуни айтиш керакки, А. К. Писарчикнинг Марғилон бўйича олиб борган тадқиқотлари нафақат тарихчилар учун балки, фольклористика, меъморчилик, санъат, география, топография соҳаси мутахассилари учун ҳам муҳим манбаа бўлиб хизмат қилади.

# ЙЩЛДОШ СУЛАЙМОН ИЖОДИДА ВАТАН МАДЪИ

А.Абдисаматова - ФарДУ

Халыимизда бир маыол бор: Она Ватанни куйлаган юракда ьубор бщлмайди.

Шоир Йщлдош Сулаймон ана шундай беьубор, Ватан ъаыида кщп ва хщп ижод ыилган адиб эди.

Бу ъаыда филология фанлари доктори Й.Солижонов шундай мулоъаза юритади:

«Й.Сулаймон гщзал Фарьона фарзанди, щзининг ъаётини, ижодини Фарьонасиз тасаввур ыилолмайди. «Чунонам севаманки сени Фарьонам!» деб атабди шоир янги шеорий туркумини. Бу бежиз эмас. Зеро, адиб щзининг щнлаб очерклари, дилрабо ыасидалари («Фарьонанома», «Марьилоннома», «Ыщыоннома») каби эътиросли шеорлари, ыисса ва романларида туьилиб щсган она юрти Фарьона ъаётини, унинг меънатсевар, ор-номусли, донишманд ва камсуыум кишиларини меър билан тасвирлайди».

Шоирнинг «Фарьонанома», «Ыщыоннома», «Марьилоннома» асарларида Фарьона водийси тарихи, улуь фарзандлари кураши, орзуси, иыболи, изтиробу армони армон ва нурли тщлыин билан ёзилган.

Биргина «Марьилоннома» ыасидасида шоир Марьилон ва марьилонликларнинг инсонийлик фазилатларига ыуйидагича баъо беради:

Одамийлик зари бщлган Марьилон,
Гщзаллар гщзали бщлган Марьилон.

Шоир тарихга назар ташлар экан, Туркистонни Россия томонидан босиб олинган пайтда Марьилонликлар ъам жабр кщргани, унга ыарши бош кщтарган халы ватанпарварларини ъам ыаламга олган:

Узоы Россиядан бир садо келиб,
Иныилоб дейилган шабада елиб,
Оёы ости этди Марьилонни ъам,
Яна фарзандлари бщлишиб малъам.

Бошларин кщтарди ыулликка ыарши,
Кщчани тщлдирди келгинди марши,
Курашда ўзилди умри-жонимиз,
Мадаминбеклару, Шерматхонимиз.

Бундан ташыари Марьилон – зиё етиштирувчи маскан эканлигини шоир щзининг аниы фактлари билан баён этади:

Маорифатнинг нури эди,
Хаыгщйларнинг бири эди,

Сайитжонов Жалолхон ъам,
Олимжон-ку, бщлган малъам.

Ъуллас, шоир Фарьона, Марьилон ъаыида куйлаш «щз шоирлик бурчи» эканлигини ъис ыилади, Марьилонда, Фарьонада яшаб, фаолият кщрсатган, халыни эотиборини ыозонган шахсларни эринмай халыимизга танитади.

Адиб щз ыасидасини ниъоясида щзимни «сен», уни «сиз»лайман дея Марьилонга бщлган ъурматини ифода этади:

Хаёлимни тортасан гщёки олмос,
Марьилоним, сени куйлаш осонмас,
Чорлаб ыолсанг ыанот боьлаб учарман,
Одамийлик сувин сендан ичарман.

Щзимни «сен»лайман, уни «сиз»лайман,
Муъаббатни яна сендан излайман.

Гщзал Фарьонамиз, «Фариштала р» шаъри ъаыида эса шоир тщлыинланиб:

Нафосатга азалдан энг бой бщлган Фарьонам,
Бу ёруь дунёмизга чирой бщлган Фарьонам,
Нега сен бошыачасан, бутунлайин бошыача,
Севгисин изъор этиб, ъаттоки ыуёшгача.

Бор меърини пойингга аямай тщкиб турар,
Ой гоъ, саломга чиыиб, ыаддини букиб турар,
Сщраб ъам кщрдим ъамма юрту-халойиылардан,
Фарьона мулки мерос бизга малойиклардан.

Й.Сулаймон ижоди келажак авлод учун щз аъамияти билан ажралиб туради. Унинг «Марьилонннома», «Ыщыонннома», «Фарьонанома» ва бошыа асарлари Ватан ыадрини, уни «кщз ыорачиьи»дай асрашни, ыолаверса, Марьилонимизни 2000 йиллиги олдидан тайёр манба бщлиб хизмат ыилади. Илоъим, шоирнинг руъи шод бщлсин!

## БАХТИМИЗ УЧУН КУРАШГАНЛАР

Қ.Холматов, Б.Холматова, А.Комилов
- ФарДУ

Марғилон шаҳрининг 2000 йиллиги нишонлаётган шу тантана арафасида босиб ўтилган йўллар кўз олдимизга келади. Ишларимиз сарҳисоб қилинади. Биз эришган бугунги порлоқ ҳаётга сабабчи бўлганлар ким эди? Улар милионлаб кишилар. Улар сафида эса, Иброҳим Охунбоев ҳам бор эди.

Камтарлик камолоти унда мужассам эди, - дейишади уни билганлар. – содда, мақтанишни билмасди. Қаерда меҳнат қилса, ўша ерда иш унумдорлиги ортиб, ободончилик юзага келарди. Қисқаси у киши маънавий жиҳатдан ҳам боғ-роғ яратган эди.

И.Охунбоев номли 21-мактабнинг собиқ директори Ортиқали Каримов сўзларини эслаймиз.

- И.Охунбоев шу мактабда 1952 йилдан умрининг охиригача директорлик қилган. Унинг Марғилон шаҳрида, Охунбобоев тумани ва Ёзёвонда жуда кўплаб шогирдлари бор. У киши маърифат чироғини ёққанлардан эди.

И.Охунбоев 1910 йилда туғилган. Мактабни битиргач, Фарғона Давлат Педагогика институтига кириб, ишдан ажрламаган ҳолда сиртдан таълим олди.

Бошланғич, сўнг етти йиллик таълимни мустаҳкамлаш, халқ хўжалигини юксалтириш, хотин-қизларни билим даргоҳларига, меҳнат корхоналарига жалб этиш каби долзарб масалаларда И.Охунбоев фаол иштирок этди.

Мустақил ўқиши, тарих ва адабиётни чуқур билганлиги, рус тилидан пухта саводга эга эканлиги И.Охунбоевни раҳбарлик лавозимига етаклайди. У бир неча йиллар давомида мактаб илмий бўлим мудири, мактаб директори, шаҳар халқ маорифи бўлими мудири лавозмларида ишлади. Олтиарикда, Ғишмонда, Лангар ва Ёзёвонда... Хуллас, қаерда мактаб-маориф ишлари ёрдамга муҳтож бўлса, у киши ўша ерда ишларди, шогирдлар етиштирар эди.

1935 йили Марғилон Педагогика билим юртига уни ишга таклиф қилишди. Эндигина ўқитувчи бўлиб иш бошлаган кезларида унинг қоблятини ҳисобга олиб, директорлик лавозимига кўтаришди.

Меҳнатда чиниққан киши кўп нарсани билади. Унинг кўзлари олисни кўзлайди. Яхшилик уруғини сочган кишининг мартабаси ошади. И.Охунбоев Улуғ Ватан урушдан ярадор бўлиб қайтгач, 1943-1952 йилларда Марғилон туманида ўз даврининг кўзга кўринган раҳбарлик лавозмларида ишлади. Шаҳар, туман, вилоятда жамоат ишларида фаол иштирок этди.

1952 йилдан то 1960 йилгача (вофотига қадар) Марғилон темирйўл станциясида жойлашган 1-мактаб (ҳозирги 21-мактаб)да директорлик лавозимида ишлади.

Халқ, Ватан ўзининг фарзанди меҳнатини муносиб тақдирлади. Унинг кўксига Қизил Юлдуз, Меҳнат Қизил Байроқ, “Ҳурмат Белгиси” орденлари, “Шавкатли Меҳнати учун” медали, қишлоқ хўжалиги аълочиси нишонини тақиб қўйди.

Илмнинг қадрини билган умр йўлдоши Адолатхона ҳожи она отадан ёш қолган фарзандларининг барчасини олий маълумотли қилиб вояга етказди.

Босиб ўтилган йўллар ана шундай нурли, унинг изларида мақтаса арзигули шогирдлари, фарзандлари умр гулшанини барқ уриб гуркиратишти. Шоирахон, Маҳбубахон, Шуҳратжон, Рустамжон, Инъомжон, Музаффаржон, Манзурахонлар ўқитувчи, бирлари инжинер.

Халқ маорифи соҳасида маданий ҳаётимизда ўчмас из қолдирган оддий, лекин қалби буюк инсон хотираси элнинг юрагида бир умрга яшайди. Бугунги кунда И.Охунбоев номи билан аталувчи кўркам кўча бор. Унинг номидаги мактабда шогирдлари илм чироғини ёқомқдалар.

## МАРҒИЛОН ШАҲРИ ҚЎҚОН ХОНЛИГИ ДАВРИДА

Р. Арслонзода, Ф.Арслонзода - ФарДУ

XVIII аср бошида Фарғона Аштархонийлар давлатидан ажралиб чиқди. Бу ерда кейинчалик Қўқон хонлиги деб аталган янги давлат ташкил топди. Фарғона водийсининг барча шаҳарлари, шу жумладан қадимги Марғилон ҳам хонлик таркибига қўшиб олинди.

Қўқон хонлиги типик феодал давлат бўлганлиги сабабли бу ерда саноат деярли ривожланмаган эди. Хонликда шаҳар ҳаёти ривожланиш даражасининг пастлигини ҳам айнан шу билан изоҳлаш мумкин. Қўқон хонлигининг барча шаҳарлари ўзаро ўхшаш бўлиб, улар бир-биридан фақатгина аҳолисининг миқдори, масжид ва мадрасаларининг сони ҳамда ишлаб чиқариладиган маҳсулотининг сифати билан фарқланар эди. У ёки бу шаҳарнинг хонликнинг сиёсий ҳаётидаги ўрни эса унинг стратегик мавқеи билан боғлиқ эди.

Қўқон хонлиги шаҳарлари ҳақидаги маълумотлар маҳаллий тарихнавислар ҳамда хорижий, шу жумладан, рус элчи ва сайёҳларининг асарларида учрайди. Улар орасида Филипп Назаровнинг қаламига мансуб “Осиё ўрта қисмининг айрим халқлари ва ўлкалари тўғрисидаги қайдлар” асари алоҳида эътиборга лойиқдир. Муаллиф 1813-1814 йилларда Сибирь генерал-губернатори Глазенапнинг махсус топшириғига мувофиқ Фарғонада бўлган эди. Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, Филипп Назаров ва унга ҳамроҳлик қилган 5 нафар казаклар Қўқонга келганидан сўнг айрим сабабларга кўра ҳибсга олиниб, 3 ой муддат давомида Марғилон шаҳрига юборилган эди. Натижада Филипп Назаров Марғилон ва марғилонликлар ҳаёти билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўлди. Шу боисдан унинг “Қайдлар”и XIX асрнинг бошларидаги Марғилон ва марғилонликлар ҳақида ишонарли маълумотлар беради.

Ўша даврда Марғилон шаҳри шу номдаги вилоятнинг маркази ҳисобланар эди. Бу ерда вилоят ҳокимининг қароргоҳи жойлашган эди. Ф. Назаровнинг ёзишича, “Марғилон шаҳрининг атрофи 30 чақиримга тенг бўлиб, ҳеч қандай мудофаа иншоотларига эга эмас; фақат шаҳардан 5 чақирим масофада Ёрмозор қалъаси мавжуд бўлиб, бу қалъада 20000 гача аскар жойлашиши мумкин эди. Шаҳар кўчалари тор, уйлари эса лойдан қурилган бўлиб, деразалари йўқ. Шаҳарда жуда кўп қадимги ёдгорликлар ва пешайвонли иншоотлар мавжуд, уларнинг айримлари ҳозиргача жуда яхши сақланган”. Бу маълумотлардан келиб чиқиб, биз Фарғонанинг қадимги шаҳарларидан бири - Марғилон Қўқон хонлиги даврида анча муҳим ҳарбий-стратегик аҳамиятга эга бўлган, деган хулосага келишимиз мумкин.

Рус элчисининг “Қайдлар”и билан танишиб, ўша даврда Марғилон йирик савдо ва ҳунармандчилик маркази бўлганлигини билиб оламиз. Элчининг ёзишича, “шаҳар бозори қатор расталардан иборат бўлиб, бу ер ҳафтада икки кун эрталабдан кечгача одамлар билан гавжум бўлади. Савдогарлар одамларни алдамасликлари учун ҳукумат томонидан қаттиқ назорат ўрнатилган”.

Ф. Назаров ҳунармандчиликнинг Марғилон шаҳрида ривожланган асосий соҳалари ҳақида маълумотлар ёзиб қолдирган. “Шаҳарда,- деб ёзади у,- форс кимхоби, духоба ва турли хил Осиё матоларини ишлаб чиқарувчи бир қанча фабрикалар мавжуд бўлиб, уларнинг маҳсулотлари Бухоро ва Қошғарга сотилади; у ерлардан эса чой, чинни идишлар, кумуш, зиравор, бўёқ ва энг сифатли хитой матолари келтирилади.” Бу ерда муаллиф “фабрика” деганда ипак ва ип газлама ишлаб чиқарадиган йирик устахоналарни назарда тутган бўлса керак.

Юқорида келтирилган парчада рус элчиси Қўқон хонлиги ва Марғилон шаҳрининг ташқи савдоси асосан қўшни давлатлар – Бухоро амирлиги ва Шарқий Туркистон билан товар айрибошлашга асосланганлигини таъкидлаб ўтган. Бу қайдларини у қуйидаги маълумот билан тўлдиради: “Мен бозорда шарқий тоғлик форслар той-той пахта толасини сотиб олиб, уни ўз елкаларига ортиб, карвон сингари саф тортиб Ёрмозор ва Олой орқали кўтариб кетганликларини кўрдим.” Демак, ўша даврда Фарғона ва Тожикистоннинг тоғли вилоятлари ўртасида ҳам савдо алоқалари мавжуд бўлган.

Рус элчисининг Марғилон шаҳри аҳолисининг кундалик ҳаёти, турмуш тарзи ҳамда феъл-атвори ҳақидаги мушоҳадалари ҳам диққатга сазовордир. “Шаҳар аҳолиси,- деб ёзади у,- тинч ва мамнун ҳаёт кечиради”. Бизнингча, муаллифнинг марғилонликларнинг “тинч ва мамнун ҳаёти” ҳақидаги фикрлари баҳслидир. Муаллифнинг ўзи таъкидлаб ўтганидек, у Марғилондан кетишига 3 кун қолганида шаҳар аҳолисининг ҳаёти билан танишиш имкониятига эга бўлган экан. Бундай қисқа муддат ичида у марғилонликларнинг ҳаёти ва турмуш тарзини батафсил ўрганиб чиқиши амри маҳол эди. Шунинг учун унинг шаҳар аҳолисининг “тинч ва мамнун ҳаёти” тўғрисидаги маълумотлари шубҳалидир.

Ф. Назаров ўзи билмаган ҳолда, Марғилонда аёлларнинг аҳволи оғир эканлигини кўрсатиб ўтади. “Уларнинг аёллари хушруй, қадди-қомати келишган ва анча олифтадирлар,- деб ёзади у. – Улар рус казакларини ёқтириб қолдилар. Атрофда осиёликлар йўқлиги пайтида улар юзларидаги чачвонни кўтариб, руслар билан гаплашганлар ва кўпхотинлиликни таъқиқлаган рус қонунларини мақтар эдилар.”

XIX аср бошида Марғилон каби чекка шаҳарчага рус элчиларининг келиши мутлақо ғайриоддий ҳол эди. Биринчидан, бу рус элчиларининг Марғилонга ва умуман Қўқон хонлигига қилган дастлабки ташрифи эди. Иккинчидан, руслар бошқача кўринишга эга эдилар. Уларнинг тиллари ҳам, кийинишлари ҳам Фарғона аҳли учун ғайриоддий эди. Шунинг учун ҳам шаҳарга руслар келгани ҳақида хабар тарқалганида марғилонликлар ва шаҳарга яқин қишлоқлар аҳолиси ўзларининг қизиқишларини тўхтата олмасдан, элчи ва унинг ҳамроҳлари жойлашган уйга ёппасига ёпирилиб келаверганлар. “Бизни, - деб ёзади Ф. Назаров, - алоҳида уйга жойлаштирдилар. Бизнинг тинчлигимизни сақлаш учун соқчилар тайинлаб қўйилган бўлишига қарамасдан, халқ куч билан тўсиқларни ёриб ўтиб, эшикларни синдириб, хоналарга ёпирилиб кирар эди. Улар шу даражада кўп эдики, биз нафас олишга ҳам қийналар эдик.” Гарчи, Марғилонда турган Хитой элчисининг маслаҳати билан рус казаклари

одамларни қамчилари билан уриб, ҳовлидан чиқарсаларда, бир оз вақт ўтгач, хонада яна ўшанча одам йиғилар эди. “8 кун давомида, - деб ёзади элчи, - биз бир дақиқа ҳам осойишталик нималигини билмадик, фақат одамлар бизга қараб тўйганларидан кейингина нафасимизни ростлаш имкониятига эга бўлдик.”

Мусулмон фанатизми ҳукмрон бўлган бир шароитда, дипломатик одоб-ахлоқ ҳақида заррача ҳам тушунчага эга бўлмаган авом халқ келгинди христианларни даҳрий, яъни “кофир” деб ҳисоблаган. Русларнинг шаҳарда соқчиларсиз юриши хавфли эди. Элчи шундай деб ёзади: “Халқ бизни кўчада ўзимиз, маҳаллий амалдорларсиз юрганимизни кўриб қолганда, орқамиздан югуриб, тош отиб, “кофир” - “кофир”, яъни “худосизлар” деб ҳайқирар эди”.

Ф. Назаровнинг таъкидлашича, марғилонликлар ўз шаҳри тарихини Искандар Зулқарнайн номи билан боғлар эканлар. У шундай ёзади: “Шаҳар марказида очиқ ибодатхона кўринишига эга бўлган иморат мавжуд бўлиб, унинг томида қизил шойидан тўқилган туғ бор. Қўқонликлар учун у муқаддас ҳисобланади. Халқ орасида “бу туғ шахсан Искандар Зулқарнайннинг ўзига тегишли бўлиб, у Ҳиндистондан қайтаётиб, саҳрода вафот этган ва айнан шу ибодатхонага дафн этилган”, деган ривоятлар мавжуд”. Шу ернинг ўзида элчи бу ривоятларни инкор этиб, антик давр тарихчиларининг милоддан аввалги 323 йилда Искандар Бобилда вафот этганлиги ҳақидаги маълумотларини эслатиб ўтади.

Сўнгра рус элчиси Марғилонда “Подшо Искандар” туғи билан боғлик бир анъана борлиги ҳақида ёзади. “Марғилон шаҳрига янги ҳоким тайинланганда бу ерлик уламолар туғни кўтариб, шаҳар бўйлаб қўшиқ билан ҳоким ҳузурига табриклаш учун борадилар. Ҳоким эса миннатдорчилик белгиси сифатида уламоларга совға тариқасида ушбу туғга қимматбахо кимхоб, ҳар хил матоларни бойлаб, уларга пул, нон ва олма улашади.”

Шундай қилиб, XIX асрнинг бошларида Марғилонга ташриф буюрган Ф. Назаровнинг “Қайдлари” бу шаҳар ҳақида, аҳолисининг турмуши ва хулқ-атвори тўғрисида қимматли маълумотлар беради. Рус элчиси бўлиб ўтган воқеаларни ўз кўзи билан кўрганлиги ва уларда ўзи иштирок этганлиги сабабли, у келтирган маълумотлар ишонарли бўлиб, Марғилон шаҳрининг XIX аср бошидаги тарихига аниқлик киритади.

## ФАРЬОНА ВОДИЙСИНИНГ ТИББИЁТ ТАРИХИ

М.Акбарова, М.Ыурбонова, М.Осбоев, Н.Абдукаримова - ФарДУ

Фарьона водийси тарихи тщьрисида жуда кщп асарлар ёзилган бщлиб, бу тарихда жуда ыадим замонларга бориб таыалади.

Исхоыжон Жунайдуллохщжа щьли Ибрат щзининг "Фарьона тарихи" асарида ыуйидаги маълумотларни келтиради. "Фарьона Туркистонда бир катта музофот бщлиб, суви сероб, ъавоси тоза, ерлари махсулдор, боьлари покиза, мевали неъматларга тщла, шаҳар ыишлоылари ыадим ва аъолиси надимдирки, Кубот, Нушировон, Афросиёб, Искандарий Румий даврларидан маълум ва

машхур бщлиб, тарихи деярли 2500 йилларга боради. Фарьона музофотида мщьуллар асрида Кубо (Ыува) ва Ахсикент пойтахт бщлиб, мусулмонлар асрида Марьилон пойтахти Ёрмозор, Андижон пойтахти Асака, Наманган пойтахти Тщраыщрьон бщлиб идора этилар эди".

Чор Россияси ыщшинлари 1865 йилнинг 15 июнига щтар кечаси Тошкентга хужум ыилиб, шаҳарни забт этади. 1866 йили Хщжанд, Щратепа ва Жиззахни босиб оладилар. Босиб олинган умумий ерлар маъмурий жихатдан бирлаштирилиб, мустамлакага айлантирилади.

1876 йилда 19 февралда Россия ъарбий вазири Д.Милютин Ыщыон хонлиги забт этилганлиги ва Россияга ыщшиб олинганлигини расман эълон ыилади. Ыщыон хонлиги тугатилгандан сщнг, уни ҳудудида Фарьона вилояти ташкил ыилиниб, у бир неча уездларга, уездлар эса волостларга бщлиниб идора ыилинади.

Вилоят маркази Ыщыон шаҳрида ташкил этилади, лекин бу Россия хукумати маъмурларини ыониытирмас эди.

Ыщыон шаҳрида рус аскарлари жойлашган горнизонлардан бирида юыумли ыорин тифи касаллигини тарыалиши, бу масалаларни кщриб чиыиш учун асосий сабаблардан бири бщлди. Янги Марьилон шаҳрида биринчи тиббиёт даволаш муассасаси сифатида 1876 йил феврал ойида ъарбий лазарет госпитал ташкил ыилинади. Вилоят санитария доктори В.М.Кушелевскийнинг йиллик хисоботи бщйича ъарбий лазарет 240 щринга эга бщлиб, керакли жихозлар, асбоб - ускуналар, дори-дармонлар билан таъминланган. Лазарет ыошида лаборатория ташкил этилган бщлиб, щша даврнинг энг катта янгиликларидан бири хисобланган, дифтерия (бщьма) касаллигига ыарши эмлаш ишлари йщлга ыщйилган эди.

1878 йилда ъарбий лазаретда ишловчилар ыуйидагилардан иборат эди:

1. Корелкин Николай Кондратович - бош врач;
2. Адольф Генрихович Гартвич - ординатор;
3. Пироговский - лазарет хщжалик ходими;
4. Брентингам - доришунос.

1882 йилда врачлар таркибига яна битта врач М.Осипов ыщшилди.
1912 йилда Скобелев лазаретида ишловчилар сони кщпайди.

Биринчи жаъон уруши йиллари ыорин тифи ва тошмали тиф касалликлари эпидемияси натижасида госпитал врачларининг тиббий хизмат кщрсатиш ишлари деярли икки баробар кщпайди. 1921 йили 21 январда 2-Туркистон дивизиясининг харакатдаги дала госпитали, эпид отрядлар, захирадаги дала госпитали ыщшилиб, Янги Марьилон ъарбий лазарети асосида 415 щринли Фарьона госпитали ташкил этилди. Госпиталда ишловчилар сони 198 киши бщлиб, шулардан 27 таси врачлар ыолганлари эса щрта тиббиёт ъодимлари, маъмурият ва хщжалик ъодимлари эди.

1918 йил Скобелев шаҳрида (1907 йилдан Янги Марьилон шаҳри Скобелев номи билан юритилган, 1924 йилдан Фарьона номи берилган) холера касаллиги тарыалган. Госпитал врачлари холера эпидемиясига ыарши куну тун тиним билмай курашганлар ва эпидемия тугатилишида катта жасорат кщрсатганлар.

Улуь Ватан уруши йиллари госпиталдаги щринлар сони 300 та бщлиб, асосан ъарбий ярадорлар ва беморларга тиббий ёрдам кщрсатар эди.

Баъзан даволанаётган ярадорлар сони 500 тага етар эди. Ъарбий врачлар етишмаганлиги сабабли госпитал ишига маъаллий врачлар ъам жалб ыилинган эди. Даволаш ишларида жисмоний тарбия, физиотерапия, ыон ыуйиш каби янги усуллар ыщлланилар эди. Лаборатория янги клиник, биохимик, бактериологик диагностик тахлиллар щтказиш йщлга ыщйилган эди. Улуь Ватан уруши йилларида госпитал жамоаси томонидан мудофаа фондига 150 минг сщм пул юборилган эди ва у хайрли ишлар учун хукуматнинг миннатдорчилик телеграммасини олган эдилар.

1946 йил 18 феврал куни госпитал щзининг 70 йиллик юбилейини нишонлаш муносабати билан бир ыанча ходимлар хукумат ва мудофаа вазирлигини бир ыатор мукофотларга сазовор бщлган эдилар.

1947 йил феврал ойида Фарьона ъарбий госпитали бошлиьи этиб тиббий хизмат подполковниги Курако Николай Степанович тайинланади.

Урущдан кейинги оьир йиллар бщлишига ыарамай госпитал бщлимлари ыайта таъмирланади. 1954 йилдан госпиталга тиббий хизмат подполковниги Спирин Василий Иванович тайинланади. В.И.Спирин бошчилигида госпиталда янги юыумли касалликлар бщлими, водопровод, канализация, иситиш системаси иншоотлари ыурилади, 20 уяли телефон тармоьи ишга туширилади, госпитал ҳудуди асфалтлаштирилади.

1959 йилда Фарьона ъарбий госпитали Республика Олий Кенгаши президиуми фахрий ёрлиьи билан таыдирланади. 1961 йил январ ойидан госпиталга 52198 - ъарбий ыисм номи берилади. 1963 йилдан ъарбий ыисм командири этиб Щзбекистонда хизмат кщрсатган подполковник Корф Эфраим Семенович тайинланади. Корф Э.С. бошчилигида госпиталда хирургия бщлимини ыайта ыуриш ва кенгайтириш, узоы ваыт саыланувчи жихозлар омборхонасини ыуриш, ошхонани ыайта ыуриш ва жихозлаш поликлиникаси биносини тщла таъмирлаш ишлари амалга оширилади, ичкилик суви ва иситиш иншоотлари янгиланади

1970 йилдан ъарбий ыисм командири этиб Туркманистонда хизмат кщрсатган врач, тиббий хизмат подполковниги Акопов Аветик Григорьевич тайинланади.

1974 йил ноябр ойидан бошлаб госпитал бошлиьи лавозимига тиббий хизмат подполковниги Турсунов Усмон Турсунович тайинланади. Турсунов У.Т. бошчилигида ер-ости сувлари чиыариш учун ыудуылар кавланади ва госпитал ъудуди кщкаламзорлаштирилади, янги боьлар барпо ыилинади. Ичимлик суви, иситиш системаси, диагностик ва даволаш бщлимлари тщла таъмирланади.

1904 йил 16 август куни Фарьона вилояти ъудудларида щта хавфли юыумли касаллик вабо тарыалганлиги сабабли врачлар илмий жамиятининг навбатдан ташыари шошилинч йиьилиши бщлиб щтди.

Врачлар илмий жамияти аъоли щртасида вабо касаллиги билан касалланган беморларга шошилинч тиббий ёрдам уюштириш, етарли даражада шифохона щринлари дори-дармонлар билан таъминлаш, шунингдек, профилактика тадбир чоралари щтказиш бщйича кечаю кундуз тинимсиз ишлар олиб борадилар.

Юыорида белгиланган ишларни амалга оширилиши аъоли щртасида вабо касаллигини тез орада тугатилишида муъим аъамиятга эга бщлди. Щша йилларда кенг тарыалган касалликлардан яна бири безгак эди. Бу борада безгак касаллигини тарыатувчи плазмодиум ботыоыликларда кщпайиши ва чивинлар орыали одамга юыиши асосий омил эканлиги учун ботыоыликларни ыуритишга катта аъамият берилди.

Безгак касаллигини тарыалиш манбалари бщлган ботыоыликлар ыуритилади ва бу касалликка батамом баръам берилади.

Умуман хулоса ыилиб айтганда Фарьона водийсида тиббиёт соъасининг ривожланишида, аъоли щртасида турли юыумли касалликлар тугатилишида, тиббиёт муассасаларини ташкил топишида ъарбий лазарет, госпитал кщп йиллар давомида ярадор ва беморларга хизмат кщрсатиб, щлкада тиббиёт соъасининг ривожланишига щзининг муъим хиссасини ыщшди.

## ЁШЛАР ҲАЁТИДА ОИЛА, МАҲАЛЛАНИНГ ЎРНИ

М.Ибрагимова - Фарғона вилояти “Оила” илмий-амалий маркази бошлиғи

Бугунги Мустақил Ўзбекистон ёшлари руҳиятига улуғ алломаларимиз тафаккуридан ўтган барҳаёт маърифатни сингдириш оила, маҳалла аҳлининг таълим тарбия масканларининг муҳим вазифасидир. Чунки баркамол авлодни тарбиялаш инсониятнинг энг ёрқин орзуси бўлиб қолган. Бундай орзудаги инсонлар ўз оиласи, маҳалласида камол топиб, азалий маърифатга, маънавиятга мансуб бўлган юртларнинг донишмандлари энг мўътабар зиёлилари, ҳукумдорлари ҳисобланганлар. Масалан, баркамол авлодни тарбиялаш борасида Фаробийнинг интилиши, “Фозил одамлар шаҳри” асаридаги жамият фуқароси – фозил кишини камол топтириш нияти ўз ифодасини топади. Фозиллар шаҳри аҳолиси бир-бирига ҳурматда бўлади.ота-она, фарзанд, устозу шогирд ўртасида шарқона назокат меҳр ва эҳтиром бўлади. Ана шулар ҳақида фикр юритишимиз боиси боболаримизнинг маънавий даражаси нақадар юксак бўлишида оила, маҳалланинг маъсулияти ётади. Яъни, тарихдан аёнки, тарaққиёт тақдирни маънавий жиҳатдан етук одамлар ҳал қилади. Зеро, ақлий заковат ва руҳий – маънавий салоҳият маърифатли инсонни икки қанотидир. Бугунги ёшларни ҳаёти порлоқ бўлиши учун техникавий билими, мураккаб технологияларни эгаллашда, эркин тафаккурни шаклланиши, миллий қадриятларни урф-одатларни моҳиятини тушунтириш жараёнини оила, маҳалла, таълим –тарбия, маданият масканлари аниқ режа-дастурлар асосида фаолий олиб бориши зарурдир. Чунки ўзликни англаб, ички бир табиий куч билан келажак учун ҳаётга муносабатини ўзгартириб, ўз тақдирини она элнинг итиқболини ўйлаш эҳтиёжи бор ва уни ечимини топиш учун бугун шарт-шароитлар мавжуддир. Яъни, ҳар-бир оила, маҳалла, таълим-тарбия масканлари билан ҳамкорликда ёшларни илк давриданоқ аҳлоқли, одобли қилиб тарбиялашнинг аҳамияти катта. Улуғ фиқҳшунос олим Бурҳониддин ал-Марғиноний фикрича “Ҳидоя” асарида, аҳлоқда диёнат, исломият, ғайрат,

қаноат, шижоат, илми сабр интизом, виждон, ватанни севмоқ, иффат, ҳаё, идрок, ҳайри-ҳоҳлик, садоқат, муҳаббат каби қатор инсоний фазилатлар оилада, ота-она, маҳалла- кўй намунасида шаклланиб камол топади. Демак, аҳлоқ шахс маънавиятни ривожлантиришасосидир, инсоннинг умри эса фарзандларида давом этади. Яъни, оила нафақат бир фикрни, балки умуминсониятнинг катта таянчи негаки, башариятнинг триклиги, узлуксизлиги оиланинг фаолиятига боғлиқ хусусан, ёшлар тарбиясида маҳалла ва оиланинг ўрни ўта муҳимдир. Бу борада Марғилоннинг 2000 йиллик арафасида самарали фаолият олиб бораётган юзлаб оила, 72та маҳаллаларидан мисол келтириш мумкин. “Йўрмадўз”, “Милтиқсоз”, “Ёв-кочар”, “Янги-боғ”, “Машад”, “Бахрин” каби маҳаллаларда намунали оилалар сафи кенгайиб, бормоқда. Марғилон шаҳрининг барча маҳаллаларида муаммоли оилалар сони камайиб бормоқда.

Марғилон қадимдан маънавият, одоб-аълоқ, тарбия, эзгулик, хушфеъллик, меҳр-мурувват кўрсатишнинг ибратли маскани бўлиб келган. Шаҳарнинг аҳли ўзининг ана шу ноёб фазилатлари билан халқлар ўртасида беқиёс хурматга эгадир.

Мустақиллик йилларида таълим-тарбия муассасалари, мактаблар, коллежлар янгидан бунёд этилиб, кадрлар тайёрлаш жараённинг мазмун-моҳияти давлат стандартлари талаби даражасига кўтарилмоқда.

Яъни, бу борада шаҳар хотин-қизлар қўмитаси-раиси Дилоромопа Муҳаммедова бошчилигида ижтимоий фаол хотин-қизлар кенгашлари ибратли тадбирларни ўтказаётганини таъкидлаш жоиз. Улар ҳақида 2005-2006 йилларда Республика, вилоят оммавий ахборот воситаларида ёритилган.

Чунки, ҳар-бир инсон қиёфасида акс этувчи маънавий-аҳлоқий сифатларнинг асоси оила тарбиясини йўлга қўйиш, оила аъзоларининг ўзаро муносабатларига бевосита боғлиқдир. Шунингдек, маҳалла-кўй, атрофдагилар билан ижтимоий алоқаларни ўрнатиш эвазига шахс камол топади. Чунки, ёшлар авлод камолатини таъминлашда оила аъзоларининг биринчи галда ота-онанинг дунёқараши, ҳаётий ёндашувлари, маънавий-аҳлоқий қарашлар муҳим аҳамиятли оилалар ҳисобланади. Ана шу омиллардан ўрнили фойдаланаётган оила, маҳалла фарзандларни миллий урф-одатлар қатриятларга тайёрлаш борасидаги зарурий билим, кўникмаларни бериб боришлари мақсадга мувофиқдир.

Хулоса қилиб айтганда, вилоят “Оила” марказининг Марғилон, Фарғона шаҳарлари, Бувайда, Фарғона, Яйпан, Риштон туманларидаги маҳаллалар, таълим-тарбия масканларида олиб борган тахлил таъдқиқотлари асосида қуйидаги тавсияларни бериш мумкин.

**Биринчидан.,** қизларни уй-рўзғор юритиш, оила аъзолари билан самимий, эркин муносабатларни ўрнатиш, ёлғон яширин фаолият юритмаслик, ўз шахсий мақсадлари., режалари тўғрисида маслаҳатли иш юритиш, оила хўжалигини оқилона, тежамкорлик билан юритишга ўргатиш борасида ижобий ҳолга олиб келишига эришиш зарур.

Қизларда ўз-ўзини тўғри тушуниш борасида мустақил равишда ўз устида ишлаш, дунёқарашини бойитиш, иродавий, сабрли-тоқатли хусусиятларини

тарбиялаш борасида кабилар оилани, Ватанни, халқни муқаддас қадрлаб эканлигига замин яратади.

Демак, ёшларни ҳаётга тайёрлашда оила, маҳалла, таълим-тарбия масканлари билан маънавий-маърифий аҳлоқий ҳамкорлик фаолият йиллик дастурлар асосида олиб борилгани, ўз самарасини беришига аминмиз.

## КАШТАЧИЛИК САНЪАТИ ТАРИХИ

Р.К.Джалилова – ФарДУ

Ўзбек миллий каштачилиги (каштадўзлик) амалий санъатнинг энг қадимий турларидан бўлиб, у халқнинг ўз турмушини гўзал қилиш истаги натижасида юзага келади. Каштачилик санъати нафақат мамлакатимиз балки, чет элларда ҳам шухрат қозонган. Ўзбек халқи усталари қўллари билан тикилган сўзана, зардевор, гулкўрпа, чойшаб, дўппи Германия федератив Республикаси, Бельгия, Америка Қўшма Штатлари, Хиндистон, Афғонистон каби хорижий мамлакатларда машхур. Фарғона водийсида, Марғилон шаҳри ҳонадонларидагина эмас, балки музейларда ҳам доимий экспозицияга айланиб қолган. Хозиргача бу буюмлар ўзига хос гўзаллик, нафис безакларнинг ранг-баранглиги билан кишиларни хайратга солиб келмоқда. Ўзбек каштачилиги иқлим, табий шароит мухити билан боғлиқ ҳолда барча хунарлар билан биргаликда ривож топган. Каштачилик санъатининг энг қадимийси сақланмаган. XIV-XV асрларга мансуб миниатюралар орқали каштачиликнинг жуда қадимдан ривожланганлигини кўриш мумкин. 1467 йил Камолиддин Бехзод “Зафарнома” га ишланган “Темур тахтда” миниатюрасида чодирга ишланган каштани ҳам акс эттирган. XIX асрнинг иккинчи ярмида кашта тикиш машинасининг ихтиро этилиши каштачилик корхоналарининг вужудга келишига асос бўлди. Ўзбек каштачилиги қўшни халқлар каштачилиги таъсирида бойиди ва ривожланди. Ўзбек каштачилигига назар солсак, унда хинд, хитой, рус, афғон, қозоқ, қирғиз ва тожик каштачилигининг усул ва услубларини учратамиз.

Санъатда ҳар бир миллатнинг ўзига хос энг кўп нақшлари бўлади. Ўзбек каштачилигида ўсимликсимон, геометрик ҳолида гул нақшлари кўп бўлса, рус каштачилигида геометрик ўсимликсимон шакллар, гуллар, қуш ва мевалар кўп тасвирланади.

Қадимги анъаналарга кўра ўзбек қизлари, бўлажак келинчаклар сеплари ҳар хил каштачилик буюмларини ўзлари тайёрлашлари шарт эди. Кашталар қанчалик нозик, чиройли бўлса, қайлиқ шунчалик юқори баҳоланар эди.

Қизлар 7-9 ёшидан бошлаб кашта тикишга ўргатиларди. Улар уч, тўрт йилдан кейин мустақил кашта тика бошлайдилар. Етишиб чиққан каштачилар ўзининг санъати ва табиатига кўра гўзаллик ҳақидаги орзуларини ифодалашга харакат қилганлар.

Каштачиликда безак буюм турлари.

Ўрта Осиёда каштачилик жуда кенг тарқалган бўлиб, оилада ҳар бир аёл кашта тикишни билиши керак бўлган. Шунинг учун ҳар бир оила ўзи учун кирпеч, сўзана, дорпеч, ойнахалта, чойхалталарни ўзларига тайёрлаганлар. Безак буюмларнинг турлари жуда кўп. Сўзана, чойшаб, зардевор, гулкўрпа, парда, белбоғ (ёстиқ устига ёпиладиган), дўппи, кўйлак, даструмол, жойнамоз, нимча, махси ковуш, халтача ва бошқалар бадиий дид билан безатилган. Ўтмишда бу кашталар оқ ва малла матоларга тикилган. Кейинчалик шойи бахмалга тикиладиган бўлди. Энди каштачиликда ишлатиладиган безак буюм турлари билан танишиб чиқамиз.

Дўппи. Ўзбекистонда кенг тарқалган енгил бош кийими дўппи дастлаб Эронда ва Туркий халқлар ўртасида, Россияда эса кейинроқ расм бўлган. Асрлар давомида дўппининг турли хиллари вужудга келган. Бахмалга, сатинга, сидирға шойига ип, ипак ва зар билан дўппи гуллари тикилган. Ўзбекистонда Тошкент, Чуст, Бухоро, Самарқанд, Бойсун, Шахрисабз, Марғилон дўппилари машхур бўлиб, улар ўзига хосдир. Вилоятларнинг барча туманларида дўппи тикилади. Унинг Ироқи, Чуст дўппи, Гилам дўппи, Чакма тўр, Қизил гул, Пиптадўзи, Зардўппи, Гулдирма деб номланадиган миллий дўппи турлари мавжуд. Ҳар бир дўппи ўзининг яратилиш услубига эга бўлиб, улар бир-биридан фарқ қилади. Ўзбекистонда оммавий бош кийими асосан уч хил шаклга эга, улар “Кулох”, “Ароқчин”, “Тусдўппи” лардир.

Кулох – конуссимон эркаклар бош кийимидир. У асосан дарвешлар бош кийимидир. Унинг матохи тоқ учбурчак парчаларидан бичилиб тикилади. Кулох хозир жуда кам учрайди.

Ароқчин – шарсимон дўппи бўлиб, уни асосан кексалар кияди. Тошкентда шарсимон дўппилар босма, чакматўр, ироқи чок усулларида тикилади.

Тус дўппи – кенг тарқалган ясси юзаки дўппи. Кўпинча тус дўппи Чуст дўппи деб юритилади. Тус дўппиларнинг биргина классик вариантининг ўзида саккизта ювелир чок услуби қўлланилади.

М: занжирга тўғри чок, Чита, кунгура, еталатма, тароқ, ова, пилдироқ, Чуст дўпписининг тепасига квадрат шаклида бўртиб чиқиб, ярим шар кўринишида бўлади. Тошкент дўпписи сидирға бахмалдан (гулсиз) тикилган бўлади. Бухоро дўппилари сидирға ёки гулли бахмалдан жиякли қилиб тикилади. Жияги турли хил ипаклардан рангдор, нақшли усулда тикилган бўлади.

Серқуёш Ўзбекистонимизга ташриф буюрган ҳар бир сайёх Шарқнинг гўзал хотин-қизларига қараб уларнинг ҳақиқий санъат устида иш олиб бораётганлигидан тасанно айтади. Зардўзлик кийимлари хозирги кунда хотин-қизларнинг миллий кийимига айланиб бормоқда. Нафосатга бой ўзбек хотин-қизлари чинакам мехнат қилиб, нодир асарлар яратиб зардўзлик санъатининг хазинасига катта хисса қўшмоқдалар. Қадимий ва хамиша навқирон санъат турларидан бири бўлган зардўзлик санъатининг келажаги порлоқдир.

Келажакда ота-боболаримиздан мерос бўлиб қолган бу санъатни янада ривожлантириб инсонга эстетик завқ бағишлаймиз. Хотин-қизларимиз бошида

олтиндай товланиб турган чиройли дўппилар, оёқларида мавж уриб турган пойафзаллар ўзбек ҳонадонларига файз киритишига аминмиз.

Марғилон шаҳрида истиқомат қилиб, ноёб ҳамда доимий ижодий изланишда фаолият кўрсатиб келаётган дўппидўз-чеварларнинг махаллий аҳоли ўртасида обрў-эътиборга лойиқлигини кўриш ва таърифлашнинг ўзи бир бахтдир. Бу худудда фаолият кўрсатаётган юзлаб ижодкор аёлларимизнинг ўзига хос бўлган “Марғилон мактаби” нинг яратилганлигининг ўзи диққатлидир.

Марғилон дўппиларининг таърифини юртимиздагина эмас, балки хорижий мамлакатларда ҳам эъзизланиб келинаётганлигига амин бўлдик. Марғилон дўппилари Америка, Канада, Германия, Франциядагина эмас, балки яшил қитъа ҳисобланган Австралияда ҳам ўз ихлосмандларига эга экан. Буюртма тарзида тайёрланган Марғилон дўппилари хорижда истиқомат қилаётган ватандошларимиз, бизнес олами намоёндаларини ҳам қизиқтираётганлигини эшитиб бошимиз осмонга етди. Йўрмадўзлик Ортиқхон ая, тандир бозорилик Мунисхон ая, Жўрахон Султонов махалласидан Оминахон ая, Чил-духтаронлик Хабиба опа, Терак тагилик Розияхон ая, Гагарин мавзесидаги Лохутий кўчасидаги 68 хонадонда истиқомат қилувчи Адолатхон хожи ая каби ўнлаб чеварларимиз ўтмишда ва хозирги кунимизда нозик дидли халқимизнинг дўппига бўлган талаб-эҳтиёжларини қондириб келаётганликларининг гувохидир.

Зиёлилар оиласида таваллуд топган (1940 йил) Адолатхон хожи ая Ғуломова хондўппидўзлиги ҳамда миллий либослар яратиш борасидаги узоқ 50 йиллик мехнати эвазига ўзига хос бўлган “Адолатхон мактаби” ни бунёд этди. Беш авлод вакиласи бўлган Адолатхон ая 8 ёшидан бошлаб волидаи мухтарамалари Турғуной оналаридан дўппидўзлик сабоқларини эгалладилар. Дўппининг ўзига хос бўлган нозик ва бежирим “бодомча”, “Ироқи”, “Чор гули” каби нусхаларини ўзлаштириш билан бирга, мураккаб шакл ва кўп қўл мехнати талаб қиладиган “Тайи дўзи” ни ҳам ўзлаштиришга ҳаракат қилиб келди. Хозирги кунга келиб устознинг элликдан ортиқ шогирдлари аянинг изидан бориб, мустақил иш юритишиб, халқимизнинг яхши кунларига атаб нозик дидга лойиқ бўлган бош сарполарини яратиб келмоқдалар. 1996 йил март ойининг 19 кунида Тошкентдаги Республика Миллий боғида халқ хунармандлари кўрик-танловининг якуний кўргазмаси бўлиб ўтди. Миллий боғга йиғилганлар муҳтарам Ислом Каримовнинг келишини кутишарди. Шу пайт гулдурос қарсаклар остида Президентимиз кириб келдилар. Шу пайт Марғилон хунармандларининг экспонатлари олдида Президентимиз тўхтаб, барчани табрикладилар. Хунармандлар қаторида бўлган Адолатхон ая Президентимизни қарши олиб, барча Марғилон халқи номидан қутлаб, қуйидаги дил сўзларини изхор этдилар: Мухтарам Ислом Абдуғаниевич ўз қўлим билан сизга атаб мана шу миллий тўн ва Марғилон дўпписисни тикиб келдим. Рози бўлсангиз эл-юрт ташвишларини кўтарадиган забардаст елкангиз бундан ҳам юксак бўлсин. Белингизга боғланадиган атлас чорсининг тўрт бурчагида “Оллоҳнинг номи билан Бисмиллоҳир ар-раҳмонир роҳиём” – деб ёзилган. Бу сўзларнинг маъноси: Ўзбекистон келажаги буюкдир. Эл-юрт

тинчлиги ва осойишталиги йўлида белингиз бақувват бўлсин. Оллоҳ сизни ҳар балою қазолардан ўзи асрасин, эл-юрт бахтига бошингиз омон бўлсин" – дея бу улуғ зотга истаклар билдирган. Албатта бундай кунларни ҳар биримиз учун ёдимиздан бир умр чиқмайдиган тарихий воқеа десак муболағага ўрин қолмаса керак.

## МАРҒИЛОН ШАҲРИДА ҚИЗАМИҚ КАСАЛЛИГИНИНГ КЎРСАТКИЧЛАРИ ВА УНИ ТУГАТИШ МУАММОЛАРИ.

А.Н.Абдукаримова, О.С.Иноятова - ФарДУ

Қизамиқ касаллиги ҳозирги кунда камайган бўлсада, бироқ бу касаллик билан оғриш ҳоллари қайд этилмоқда. Қизамиқ хавфли инфекциялардан ҳисобланиб, олдинги вақтда уни " Болалар ўлати" деб аташган. Касалликка қарши вакцина ишлаб чиқилгунча (1960 й.) қизамиқ бўйича ер юзида пандемик ҳолатлар вужудга келиб, грипп пандемияларидан кейинги ўринни, айрим ҳолларда ҳаттоки биринчи ўринни эгаллаб турган.

1960 йилда қизамиқ касаллигига қарши вакцина яртилди ва бу касалликни олдини олишга, кескин камайишига сабаб бўлди. Аммо эмланмаган аҳоли орасида, эмланганларнинг айримларида қизамиқ билан касалланиш ҳозирги вақтда ҳам аниқланмоқда ва ўз вақтида кўрсатилган даволаш натижсида касаллик асоратсиз ўтмоқда.

Кейинги йилларда Ўзбекистон Республикасида қизамиқ касаллигини болаларда тўла тугатишга қаратилган кўплаб ишлар амалга оширилди.

Фарғона вилояти Марғилон шаҳри шароитида ўрганиш шуни кўрсатдики, вакцинация давригача 1960-1969 йилларда ҳар 100 минг шаҳар аҳолисига нисбатан 430-тадан 2 мингтагача қизамиқ билан касалланиш қайд қилинган.

1970 йилдан бошлаб Марғилон шаҳрида 7 ёшгача бўлаган болаларни оммавий равишда қизамиқ касаллигига қарши 50 вакцинация қилиш, касалликни 1971 йилда 50 баробар камайишига олиб келди.

Кейинчалик шаҳар аҳолисининг доимий равишда қизамиқ касаллигига қарши турли муддатларда эмлаш қизамиқ касаллигининг кескин камайишига олиб келди.

1992 йилдан бошлаб қизамиқ касаллигига қарши болаларга 9 ойликда вакцинация, 16 ойликда эса ревакцинация ўтказиш, унинг кескин даражада камайтириш билан бирга даврийлигини 4-5 йилга чўзилишига ва борган сари кўпроқ мактаб ўқувчилари ҳамда катталарнинг касалланишига олиб келди.

Шаҳарда қизамиқ касаллиги 1970 йилда 27-та 100 минг аҳолига нисбатан 18-та, 1999 йилда эса 44-та 100 минг аҳолига нисбатан 30-32-та касалланиш қайд қилинган. Булардан 41 % - ни мактабгача ёшдаги болалар, 28 % - ни мактаб ёшидаги болалар, 16 % - ни катта ёшдаги одамлар ташкил этган. Бу эса қизамиқ касаллигининг катталар ва болалар ичида кўрсаткичи бир хиллигидан далолат беради.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, Марғилон шаҳрида қизамиқ касаллигининг эпидемиологик нохуш даври 2002 – 2005 йилларнинг

охирларига тўғри келади. Бундан шуни таъкидлаш мумкинки, қизамиқ касаллигига қарши эмлаш ишлари ва уларни тугатиш учун шаҳар болаларига нисбатан ўз муддатларида ревакцинация турларини амалга ошириш лозим.

## МАРҒИЛОН –ФАРҒОНА ВОДИЙСИНИНГ МАРВАРИДИ

Р.Хасанова, Ш.Долимов **ФарДУ**

Марьилон-буюк олимлар, фаыҳшунос алломалар диёридир. Илм-фан марказларидан бири бщлган бу шаъар Бухорои шарифдан кейин «Сандиыул орифийн» (Билимлар сандиьи) деб атала бошланган. Бу ерда X-XII асрларда Ислом дунёсида танилган фаыҳшунос олимлар етишиб чиыыан. Улардан бири буюк аллома Имом Бурҳониддин Марьилонийдир. Имом Бурҳониддин Марьиноний 9 ёшида шаъримиздаги Фур Сиддиы мадрасасида таолим олиб, машъур «Ал-хидоя» асарининг биринчи ыисми «Дафтари аввал»ни шу ерда битган.

Имом Бурҳониддин Марьинонийнинг 910 йиллиги муносабати билан 2000 йил 16-ноябрда Президентимиз И.А.Каримов алломанинг ёдгорлик мажмуаси очилиш маросимида нуты сщзлаб, Имом Бурхониддин Марьилонийнинг «Ъидоят йщлининг сарбони», Марьилон шаърини эса «Марьилон-Фарьона водийсининг марвариди» дея ыадрлайди. Бу ъурмат эотибор Буюк Ипак йщлида жойлашган Марьилон шаъри аълининг ыалбларини чексиз фахр ва ифтихор туйьуларига тщлдиради.

Марьилон деганда, кщз олдимизда бетакрор табиати, боь-роьлари, камалакдек товланган сержило атласлари, ранг-баранг дщппилари билан етти иылимга машъур бщлган макон кщз олдимизда намоён бщлади.

Даръаыиыат, бу замин азал-азалдан одоб-андишали ва баьри кенг, меънаткаш, тадбиркор, меъмондщст халыи, моъир ъунармандлари, уста боьбонлари, хушовоз хофизлари билан шуърат ыозонган диёрдир.

Ушбу шаъар ъам узоы тарихга эга эканлиги Щзбекистон Фанлар Академияси Яъё Ьуломов номли археология институтининг махсус экспедицияси 1994-1999 йиллар давомида Марьилонсой ъавзасида, яони хозирги Марьилон ва Фарьона шаъарлари ъудудларида археологик, археолого-палеографик ыазилмалар олиб борилганда ъам щз натижалари хулосасини кщрсатиб берди. Ыолаверса, Заъириддин Муъаммад Бобур (1483-1530)нинг «Бобурнома» асарида ъам Марьилоннинг ширин-шакар меваларга бой эканлиги, айниыса унинг «дони калон» анорлари, «субхоний» щрикларига ъам алоъида таориф берилган.

Тарих-миллатнинг бойлиги, фахри ва ифтихоридир. Маолумки, IX-XIII асрлар Шарыда Уйьониш даври ъисобланади. Бу даврларда Осиё ъалылари маданияти, илм-фани ва ижтимоий турмушида янги тараыыиёт йщлини босиб щтди. Дунё цивилизациясига ъисса ыщшган олимлар сони кщпайиб аниы фанлар ъам ыолаверса, ижтимоий-фалсафий фанлар ъам щз тараыыиёт даражасига кщтарилди. Натижада халыининг турмуш тарзини кщтарилишига ва

адабий муъит яратилишига олиб келди. Бу эса ъунармандчиликни кщтарилиши ва равнаы топишига туртки бщлди. Бу даврлар Сомонийлар ва Ыорахонийлар ъукмронлиги даврига тщьри келиб, кулолчилик, шишасозлик, заргарлик, ёьоч щймакорлиги, мисгарлик, темирчилик ва бошыа ъунармандчилик турлари саноат даражасига кщтарилди.

Щша даврларда Буюк Ипак йщлида жойлашган Марьилон аъолиси атлас тщыиш билан машхур бетакрор, сержило, ранго-ранг шойи матолари билан жаъонда довруь ыозонди. Матолар Миср, Эрон, Юнонистон ва Хитой савдогарлари томонидан кщплаб харид ыилинди. Шунингдек, Марьилонда терига ишлов бериш, каштачилак, ёьоч щймакорлиги, гилам тщыиш, дщппидщзлик ъам ривож топди. Даръаыиыат, шоир айтганидек:

Марьилон атласининг шони бор,
Элга манзур, олтин ипак кони бор.

Хулоса щрнида шуни айтиш керакки, Марьилон Щзбекистон тарихида щзининг ыадимий ва бой щтмиши, илм-фани, маданияти, ривожланган иытисоди билан муъим аъамият касб этади. Минг асрлар мобайнида бу гщзал ва обод шаъар щзига одамларни мафтун ыилиб келмоыда. Бу борада Президентимиз И.А.Каримов сайои-ъаракатлари билан 2007 йилда щтказиладиган Марьилон шаърининг 2000 йиллиги муносабати билан шаъарда ыайта ободончилик ишлари олиб борилмоыда.

Истиылол шарофати туфайли тарихий шаъарларимиз ыарор топмоыда, миллий ъунармандчилигимиз яна ъам ривожланмоыда.

## ВЕЛИКИЙ ПРАВОВЕД
**(наше наследие)**

Н.Асқаров (Обл. прокуратура), Д.Мадғозиева талаба - Таш.ДШИ

Мировую славу получил один из известных мусульманских законоведов-факихов Мавераннахра (территория Древнего междуречья Амударьи и Сырдарьи с городами Самарканд, Бухара и др.) маргиланец Шейх-ул-ислам Бурхониддин- автор фундаментального труда «Китоб-ал-Хидоя». Книга была переведена с арабского на персидский, с персидского на английский, с английского на русский языки и издана в 1893 году в Ташкенте. В этом многотомном произведении содержатся подробные сведения о нормах различных отраслей мусульманского права ханифистского толка.

Как свидетельствуют средневековые источники, предки Бурхониддина Маргилони происходили из знатного рода мусульманских законоведов-факифов. Он сам и его потомки продолжили славную семейную традицию.

Свои юношеские годы Бурхониддин Маргилони провел в Маргилане.

В 1149 году в 28-летнем возрасте он, исполнил долг мусульманина, совершив священный хадж в Мекку.

В Маргилане в 1165 году в медресе Фур-Сиддик он начал работать над своим великим изданием «Китоб-ал-Хидоя» и написал здесь первую часть

книги, которую назвал «Китоби Аввал», что означает в переводе с персидского «Начальная книга». Затем он переехал в Самарканд, чтобы продолжить свою научно-религиозную деятельность.

Он изучал основы шариата у известных в то время фахидов-муфтий. Науку о хадисах постигал у великого мухаддиса Абу Иса-ал-Термези.

К этому времени он был уже одним из уважаемых, видных деятелей Самарканда в области правоведения и пользовался огромным авторитетом. Получив высшее образование в Риштане, Маргилане, Бухаре, Самарканде и других городах Мавераннахра, он стал величайшим факихом-теоритиком по ханифистскому мазхабу мусульманского права-фикха. Кроме того, он был имамом, научным исследователем, комментатором Корана (знал его наизусть), литератором, поэтом.

Письменные источники тех времен свидетельствуют о том, что Бурхониддин Маргилони был захоронен дважды.

В своей рукописи один из его близких друзей Сандри Самарканди пишет: «…во время работы над «Китоб-ал-Хидоя» Бурхониддин держал священный пост… Однажды он так изнурился, что впал в крепкий сон. Нашедшая его в таком состоянии жена решила, что он умер. Собрался народ и его похоронили всеми почестями по нормам мусульманского обряда. Приехав из Самарканда через сутки после его «смерти», я узнал о печальной вести и попросил показать мне его работу. Я нашел, что она еще не закончена. Мне вспомнилось, как Маргилони порой нам говорил: «Начинайте свои благие дела в среду, в этот святой день, и тогда они будут решены благополучно».Открыв первую страницу, я увидел запись с именно такими словами. Прочитав это, понял, что он не мог умереть, не завершив свое дело. Я попросил, чтобы могилу вскрыли, хотя были большие препятствия со стороны жителей, т.к. это противоречило мусульманским законам. Но все же я настоял на своем. Когда мы вскрыли могилу, Бурхоннидин был в полном здравии. Осмыслив, что его похоронили, он, лежа, произнес суры из священного Корана, которого знал наизусть, и надеясь, что если его путь истинен, то его обязательно найдут». Эта занимательная история дошла и до наших дней. Ныне, то кладбище в Маргилане называется «Гури аввал», что значит с персидского «Начальная могила». Настоящая смерть постигла Бурхоннидина Маргилони в 1197 году в Самарканде.

По одном источникам информации он умер от болезни, которой страдал многие годы. Другие же источники говорят, что во время наступления Чингизхана Бурхониддин был отправлен к тому, чтобы подписать мирный договор. У Маргилони был огромный авторитет. Чингизхан принял условия договора. Но злые языки донесли ему, что Маргинони не выполняет свои обязательства. Разъяренный Чингизхан приказал поджечь селение. Бурхониддин с другими жителями погиб там.

Он погребен в Самарканде, в районе Сиеб, на кладбище Чокардиза.

Исследователи отмечают, что труд Бурхониддина Маргилони «Китоб-ал-Хидоя» отличает классическая ясность формулировок. И потому, «Хидоя» считается образцом среди других трудов по мусульманскому правоведению.

В громадном наследии Бухриниддина Маргилони можно выделить следующие главные направления: **правовые основы** социально-экономических отношений; соотношений различных видов собственности, особенно государственной и частной; финансовой деятельности; преступления и наказания. А также – теория и практика гражданского права; технология, система, структура судов и процессуальных вопросов.

***

В декабре  1997 года на конференции ООН был рассмотрен вопрос, касающийся творческого наследия Маргилони.

В январе 1998 года в Ўзбекистане прошла конференция, на которой было решено возвести комплекс в честь 910-летнего юбилея Маргилони.

С 1998 по 2000 годы велись работы по сооружению этого памятника истории и культуры. Он был торжественно открыт в Маргилане Президентом республики И.А.Каримовым в ноябре 2000 года.

Комплекс включает в себя парк, площадью 3500 гектаров и монумент, который представляет собой священную книгу  «Ал-Хидоя» с надписью на арабском и латинском языках. Скульптуру изготовил кокандский усто Абдугани Хожи.

В музее имеются уникальные издания, содержащие информацию о Маргилане конца XIX- начала XX веков, о его социально-экономическом состоянии, культуре. В качестве источников для изучения истории древнего города в музее хранятся изданные в тот период материалы,  статические отчеты, справочники, различные сборники.

Среди них- труды русских путешественников, всемирно известных своими исследованиями на территории Туркестана. Это такие крупные ученые, как А. Минельдорф, П. Семенов, Н. Северцов, А, Федченко, И. Мушкетов, изучавшие преимущественно природу.

Сохранились и труды по археологии, исследования по новой военной истории Туркестана Н. Веселовского, В.Жуковского, В. Бартольда, А. Куропаткина. А также различные издания Министерства земледелия и государственного имущества, в которых представлен анализ промышленности, сельского и лесного хозяйства и других отраслей экономики. Интерес для познания края представляют и ценные материалы исследователей В. Кушелевского, Н. Остроумова, В. Наливкина, опубликованные в периодических изданиях-«Известиях Туркестанского отдела императорского русского географического общества», «Сборники материалов для статистики областей», в справочниках. Различные сведения можно почерпнуть и из официальных обзоров, технических описаний, статистических отчетов.

**Что же можно узнать, перелистывая страницы архивных материалов?**

В. Бартольд сопоставляет сведения арабских исследователей с современной картой Средней Азии. Маргиланский уезд входил, судя по его анализу, в округ Нижняя Нисья. Ученый предполагает, что при караханидах (после 10 века) главным городом этого округа становится Маргилан (Вместо Кувы, значение которой падает).

В «Путеводителе по Туркестану» пишется: «Маргилан расположен на ровной местности по течению реки Маргилан-сай… считается одним из лучших городов Мавераннагра, под названием «Маргинана» и был главным населенным пунктом округа в эпоху караханидов».

В этом же путеводителе приведены описания многолюдного и живописного маргиланского базара, сведения о том, что в городской черте имеются восемь хлопкоочистительных заводов, среди основных предметов торговли – шелк, изделия кустарного производства.

В более поздних источниках также упоминается Маргилан. Например, Бабур, описывая Фергану конца XV – начала XVI веков, подчеркивает, что Маргилан был одним из центров долины. Это «хороший город, полный всякой благодати». Он хвалит местный урюк и особый сорт граната, отмечает, что в окрестностях водится хорошая дичь. Кроме того, Бабур называет жителей Маргилана «драчливым и беспокойным народом», у которого есть обычай биться на кулаках.

В книге «Очерк Кокандского ханства» пишется, что в Маргилане – шесть тысяч домов, 300 мечетей, 80 школ, 10 медресе. При Худояр-хане были Маргиланское, Шариханское, Арабанское бекства (или округа). Брат Худояр-бек, который был хокимом Маргилана, дал сыну в управление Араван с несколькими селениями.

Кауфман в своем отчете приводит следующие данные о Маргиланском уезде. В городе 44480 жителей (5588 дворов), на селе – 90130 – оседлый и 8010 кочевников. Сам отчет датируется 1881 годом.

Примерно тем же временем датируются данные Миддендорфа, который по приглашению Кауфмана совершил в 1878 году поездку в Фергану. Он пишет, что в это время в Маргилане было четыре района (по 16 кварталов примерно), 5239 домов, 28 медресе с 417 учащихся, 214 мечетей, 70 школ, 35 чайный. 38 цирюлен.

Начиная с 1887 по 1900 годы выходит специальный статистический сборник «Обзор Ферганской области», в котором публикуются официальные данные о численности населения.

О Маргилане «рассказывают» не только книги, но и негативы, фотографии, почтовые открытки, имеющиеся в фондах музея.

## СТРАНИЦЫ ИСТОРИИ ДРЕВНЕГО ГОРОДА

Г.Фармонова, З.Тоштемиров – ФерГУ

Маргилан – один из древних городов Ферганской долины. В его истории еще немало «белых пятен», которые требуют продолжения исследовательских усилий археологов и историков. Но к юбилею Маргилана уместно еще раз вспомнить кое-что из уже известного.

К примеру, само название города. Здесь, нередко приходится слышать самые разнообразные и, порою, просто удивительные произвольные толкования. А ведь этот вопрос был решен еще в 1950-е годы этнографистом

Писарчик. Она утверждает, что в Центральной Азии есть шестнадцать топонимов, включающих в себя слово «марг», и везде оно обозначает одно и то же, а именно. Широкое ровное место, покрытое травой, т.е. очень большой луг. С Маргиланом все обстоит именно так и пока нет других научно обоснованных толкований значений этого слова.

В топонимике Ферганской долины есть два основных пласта: слова, восходящие к иранским языкам, как например, Гава, Шахимардан, Чуст и др. И восходящие к тюркским языкам, например, Олти Арык, Чукур Куча, Кызыл Джар и др.

Ученые-лингвисты и историки утверждают, что предки современных ўзбеков и таджиков – древние ферганцы – говорили на древнеферганском языке, который к IX-X векам был вытеснен таджикским и тюркским языками. Он в чем-то отличался от родственного ему согдийского языка, и об этом не забыли упомянуть китайские путешественники Хой Чао и Сюань Цзан, побывавшие в Центральной Азии в VII-VIII веках.

Всю эту динамику распространения и изменения языков отражает топонимика Ферганской долины. Уместно напомнить, что Фергана, как обозначение города (в переименовании) существует с 1924 года. Слово же Фергана (или какой-то близкий к нему вариант произношения) как обозначение долины, появилось, видимо, где-то в первом тысячелетии до новой эры, и в переводе означает (и на этом сходится большинство ученых) «местность между гор».

В Центральной Азии и, в частности, у нас в долине большинство городов возникают, видимо, перерастанием из поселений. Хотя это не исключает возможностей, так сказать, одномоментного их возникновения, т.е. закладки сразу как городов.

Для эпохи древности – проблема. Что считать поселением, а что – городом, - до сих пор активно обсуждается и не считается окончательно решенной. Причем, не только в теоретическом аспекте, но и в практическом, когда приходится обозначать тот или иной археологический объект.

До средневековья, со времен утверждения ислама, а большинстве случаев существовал четкий признак именно города – наличие в нем пятничной (жума) соборной мечети.

Если поселение или город с момента возникновения фигурирует в письменных источниках, то здесь в определении древности города последнее слово, как говорится, за историком. А если нет, то, как в случае с датой основания Маргилана, все решают археологи.

В письменных источниках Маргилан впервые фигурирует у арабских географов ал-Истахри, ибн-Хаукаля, ал-Мукаддаси.

В одном из лучших произведений арабской средневековой науки «Китаб-ал-масалик ва-л-мемалик» («Книга путей и стран») крупнейшего географа X века Абу-л-Касима ибн-Хаукаля в разделе «Города и рустаки Мавераннахра» мы читаем: «Фергана-название страны, которая представляет собой обширную провинцию, содержащую богатые города и селения.

В Мавераннахре нет селений, превышающих по величине ферганские, иногда по причине многолюдства, а также из-за обилия скота и пастбищ, пределы селения достигают одного дневного перехода…»

Далее географ сообщает, что столицей Ферганы является Ахсыкент (примерно 40 тысяч жителей). Вторым по величине городом была Кува, а третьим – Ош.

Перечисляя девять округов Ферганы, автор относит город Маргилан вместе с городами Зендералин, Беренг, Уштикан, Андукан к округу Нижняя Несья, подчеркивая, что все они (вместе с городами Верхней Несьи) располагаются на луговой равнине.

Скорее всего, как и другие города средневековья, Маргилан тоже имел трехчастное деление: арк (цитадель), шаҳристан (т.е. собственно город) с крепостными стенами по периметру и Рабат (предместье).

Судя по всему, маргилан уже тогда был довольно заметным ремесленным центром и особенно славился своими шелковым тканями.

У историка того же десятого века мы встречаем фразу (помня, естественно, о некоторой доле цветистости и эмоционального перебора в сравнениях литературы той поры): «За один шелковый занавес, сотканный в Маргилане, стоит отдать в качестве дани все земли Бухары».

Такой высокий уровень шелкоткачества мог опираться только на глубокие традиции и наработку многих поколений мастеров.

Уровень духовных достижений в городах Ферганы той эпохи был тоже значителен. Достаточно вспомнить известный на весь исламский мир многотомный религиозно-правовой трактат «Хидоя» Бурхониддина ал-Маргинони.

С XIV века значение Маргилана как крупного и богатеющего ремесленного центра с обширной земледельческой округой возрастает еще более. Вспомним, что великий Темур никогда не отдавал своим сановникам города и земли Ферганы, а управлял ими лично сам.

Маргилан эпохи Темуридов (XV в.) высвечен во всемирно известном автобиографическом труде Бабура «Бабурнаме». Читаем у него о Маргилане: «Это хороший город, полный всякой благодати. Гранаты и урюк обильны и хороши. Есть один сорт граната, который называется донакалан; в его сладости чувствуется легкий приятный (кисловатый) привкус абрикоса.

Имеется там еще сорт урюка, из которого вынимают косточки, а вместо них кладут внутрь плода ядрышки и сушат; называют его субхони,он очень вкусный».

Далее Бабур замечает, что самые знаменитые в Мавераннахре кулачные бойцы – из Маргилана. Не забывает он упомянуть, что дичь там хорошая и белые кийики (дикие козы) попадаются близко от города.

Упоминание о дичи не случайно, ведь большинство правителей той эпохи были заядлыми охотниками. Вспомним, например, об особом пристрастии к охоте с хищными птицами великого Улугбека.

И, действительно, это только в XX веке Ферганская долина стала сплошным оазисом, а в древности и средневековья между городами, селеньями

и возделываемыми землями были довольно значительные массивы диких не возделываемых земель с пустошами, степными и песчаными участками и тугаями, которые были своего рода раем для охотников.

Во времена Кокандского ханства (XVIII-XIX века) Маргилан был центром вилоята и управлялся, как правило, близкими родственниками ханов. Он играл большую роль в политической, экономической жизни страны.

Посетившие Кокандское ханство в 1812 году посланец из Индии Мир Изеет Улла, а позже – в 1813-1814 годах – Филипп Назаров из России, говоря о Маргилане, прежде всего отмечают его обширность (около 30 верст в окружности), довольство жизнью, пригожесть и статность женщин.

Филипп Назаров пишет о Маргилане: «В середине города в виде открытого храма возвышается здание, внутри которого поставлено красное шелковое знамя. Маргиланцы почитают его священным, имея придание, что оно принадлежало Патше Искандеру.

Во время определения в Маргилан нового градоначальника тамошнее духовенство берет знамя сие и с пением идет с оным через город к начальнику с поздравлением.

Рынок или базар, устроен рядами; в назначенными для продажи два дня в неделю народ с утра до вчера толпится во множестве. Правительство строго смотрит, что - бы кўпцы не обмеривали и не обвешивали.

В городе находятся разные фабрики, на коих выделываются парчи, бархаты и разные азиатские материи…»

В 1913 году, Маргилан подразделялся на четыре административных района – Каландархана, Сафултуда, Ташмазар, Машад. И насчитывал 49 тысяч жителей. В городе было большое количество цехов по выработке тканей, более 300 мечетей,38 медресе, 72 школы (2000 учащихся), больница на 15 мест, женская и детская лечебницы на 10 мест каждая, одна аптека.

В XX веке Маргилан стал одним из самых крупных городов долины и Ўзбекистана; его история продолжает вершится и в XXI веке.

## ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ ПРОБЛЕМЫ В ТРУДАХ БУРХОНИДДИНА МАРГИНОНИЙ.

Л.Расулова, М.Уринбоева, студент

За годы независимости Ўзбекистан достиг больших успехов в социально - экономическом, политическом, научно-техническом и культурном развитии; народ привык жить и работать в новых условиях. Но, пожалуй, одним из важнейших достижений является всеобщее понимание необходимости всестороннего и глубокого изучения истории нашего народа, его богатого культурного и педагогического наследия. В этой связи очень актуально звучат слова Президента И.А.Каримова, проходящие красной нитью через его многочисленные труды и выступления, а одна из его книг полностью посвящена этой проблеме - её название: «Без исторической памяти нет будущего».

Неотъемлемой частью исторического славного прошлого ўзбекского народа является жизнь и деятельность известных ученых-просветителей Средневекового Востока.

В одном ряду с такими известными именами как Абу Али ибн Сино, Алишер Навоий, Ахмад ал-Фаргоний, Имом Исмаил ал-Бухарий, Муҳаммад ибн Ахмад ал-Самаркандий почетное место занимал (и сейчас вполне заслуженно занимает) Бурхониддин Маргилоний.

Настоящее и полное имя его Абулхасан Али ибн Абубакр ибн Абдужалил ал-Фаргоний ал-Риштоний ал-Маргиноний.

Родился он 23 сентября 1123 года в кишлаке Дахбет Риштанского района, а умер в Самарканде 29 октября 1197 г. За свои недолгие 74 года жизни Маргилоний внёс заметный вклад в развитие просвещения и исламского правоведения в таких известных городах Маверанахра как Маргилан, Бухара, Самарканд и др.

Многие привыкли считать Б.Маргилоний прежде всего священнослужителем (имамом). И это естественно, ведь его наставниками были известные в те годы исламоведы-Абу бакр ибн Абдулжалил (его отец), затем – Симом Бахоуддин Али ибн Муҳаммад Асбижобий.

Основные труды Б.Маргилоний, как исламского правоведа – «Пособие для начинающих изучать шариат (свод мусульманских заповедей - «Будоят ул - мубтадиъ». Позднее он написал восьмитомник «Сведения для завершающих изучение ислама»-«Кифоят ул-мунтахий», на основе которых вышла его основная книга «Хидоя» - Тугри йул» («Правильный путь»). Несмотря на ярко выраженный религиозный характер этих произведений мы можем с польным правом говорить и о педагогических воззрениях Б.Маргилоний. В частности, в вышеназванных его трудах автор не только отразил актуальные проблемы, с которыми сталкивались в те времена истинные борцы за распространение ислама, но и глубоко затрагивал такие вопросы, как общественные и семейные отношения, торговые и имущественные отношения, преступление и наказание, гражданские обязанности человека и многие другие сложные проблемы того времени, которые он, естественно, пытался разрешить с позиций исламского правоведения. Очевидно, именно поэтому «Хидоя» на протяжении многих веков являлась, да и сейчас, как утверждают современные исследователи, является самым точным, полным и доступным источником сведений об исламском правоведении.

Об этом же свидетельствует тот факт, что книга «Хидоя» ещё при жизни Б.Маргилоний была переведена на несколько восточных языков и практически была настольной книгой даже у простого народа, а её автор на века, на тысячелетия снискал почет и уважение не только своих современников, но и их потомков.

Педагогическими идеями пронизаны и другие произведения Б.Маргилоний: «Реализация гражданского права» («Фукаролик хукукини такдим этиш»), «Книга об обязанностях» («Китоб ул-фароиз») и др. В этих произведениях наряду с чисто правовыми вопросами, (например, о взаимоотношениях государства и частников, о деятельности учреждений

государственного правопорядка, о теории и практике гражданского права), освещены и такие вопросы, как формирование чувства справедливости, стремления жить по законам государства, с учетом своих материальных возможностей, не зарясь на чужое имущество; воспитание чувства совести, ответственности, любви к ближним и заботы о всех нуждающихся. Б. Маргилоний всю свою жизнь сам стремился следовать этим наставлениям. Будучи известным религоведом и правоведом, он до фанатизма был предан своей профессии, был очень скромным, (к примеру, в своих многочисленных произведениях он ни разу не использовал слово «я»), старался помочь всем, кто нуждался в его помощи.

Научное наследие Б.Маргилоний не потеряло своей актуальности и сегодня. Во многих духовных заведениях мира (школах, медрсе, в институах и академиях) мусульманское правоведение как учебный предмет изучается на основе его трудов. В связи с этим его «Хидоя» переведена на многие языки мира, в т.ч – английский, немецкий, французский и др.

В Ўзбекистане изучению научных трудов Б.Маргилоний уделяется большое внимание, особенно - после приобретения независимости. По инициативе И.А.Каримова в нашей Республике проведены торжественные мероприятия, посвященные 910-летию со дня рождения ученого.

Учителя, воспитатели, родители могут найти в трудах конкретные советы по вопросам нравственного воспитания детей, молодежи, формирования у них высоко нравственных качеств личности. Кроме того, современные педагоги из произведений Б.Маргилоний могут почерпнуть интересные сведения по вопросам духовного и правового просвещения. Вышесказанное позволяет заключить, что Б.Маргилоний по праву считается одним из великих просветителей Востока эпохи Маверриннахра, а его труды должны занимать достойное место не только на полке исламских правоведов, но и на полке каждого учителя.

## СТОЛИЦА ШЕЛКА

А.Гафуров, Е.Гордеева. – ФерГУ

Известно, что храбрость полководца не знала границ, и это едва не погубило его во время похода в Индию. Как писал Птолемей, стрела пробила Искандеру грудь. Придя в сознание, он приказал вытащить стрелу из раны. Полководец потерял много крови... Поначалу никто не предполагал хорошего исхода, и войска Гофестиона получили официальное известие о его смерти.

С быстротой молнии эта роковая весть распространилась по всей восточной части империи. Слухи катились, как "снежный ком", обрастая различными небылицами, и трансформировались в версию о похоронах греческого царя в Маргилане.

Из исторических источников известно, что на самом же деле Александр скончался в Вавилоне (а не во время похода в Индию), на 33-м году жизни, процарствовав 13 лет. Исследователи пишут, что тридцать дней тело

полководца пролежало в меде, пока наследники царя - диадохи- боролись за власть (мед, как известно, имеет свойство бальзама).

Ловкий Птоломей выкрал тело Александра Македонского и с великой поспешностью перевез в Александрию Египетскую. Он тайно похоронил своего владыку, и до сих пор никто не может найти его могилу. А когда истина покрыта тайной - рождаются легенды. Одна из них о том, что Искандер похоронен в Маргилане...

... Города, как и люди, меняются со временем. Маргилан переживает свою вторую молодость...

Примечательно, что никто не может точно растолковать значение слова "Маргилон". На этот счет существует немало гипотез. Судя по всему, ближе к истине стоят те, кто дает следующее толкование: "марг" по - ирански - "зеленая трава", "зеленая низменность"... Вторая часть слова "лон" является древнеиранским суффиксом, означавшим - "местность", При слиянии этих двух слов получается "маргилон" – зеленая местность".

Не определен точно и возраст Маргилана. Мы обратились за разъяснениями на сей счет к уроженцу Маргилана, заслуженному деятелю наук Республики Ўзбекистан, профессору Нематулло Ибрагимову. Вот что он сказал:

- Безусловно, решающее слово в определении возраста; Маргилана остается за археологами. Но то, что наш город стоял на Великом шелковом пути - известно доподлинно. "Шелковый путь" своими историческими корнями уходит в глубь веков, ибо торговал шелком с другими странами, Китаем, вероятно, еще в V веке до нашей эры. Начало формирования и функционирования "шелковой дороги" связывают с именем первого путешественника и кўпца, офицера дворцовой стражи Чжан Цяня, открывшего для китайцев в первой половине второго века до новой эры Среднюю Азию.

О торговле в городах Ферганской долины, о караван - сараях подробные сведения можно найти в произведениях древних арабских и среднеазиатских историков и географов. О том, каким был Маргилан в XV веке, можно узнать, прочитав "Бабурнаме", исповедальную книгу великого Бабура. В это время в Маргилане динамично развивались шелкообработка, производство шелковых тканей, ювелирных изделий, бытовой керамики.

В конце XIX века в Маргилане проживало около 50 тысяч человек. Среди них - кўпцы, муллы, имамы. Но больше всего здесь было ткачей и ремесленников. Таким образом, вопросы рынка и рыночных отношений, предпринимательства и торгово - посреднических операций составляли органическую основу образа жизни маргиланцев.

И в наши дни Маргилан остается очагом богатых традиций, шелкоткачества. Здесь сформировалась глубокая национальная местная школа со своим стилем, оригинальностью и техническими приемами. Немало творческих открытий на счету сотрудников Центрального научно-исследовательского института по производству и переработке натурального шелка. Скажем, в маргиланское производственное объединение мировых тканей "Атлас" не так давно передано новое изобретение - машина "МКЛ-220 ШЛ".

- Новый агрегат предназначен для крашений так называемых "либитов" - мотков шелковых тканей, - рассказывает один из авторов изобретения Махмуд Ниязалиев.. - Он не только механизировал трудоемкий процесс в шелкокрасительном производстве, но и позволил значительно повысить прочность окраски нитей. Есть и другие интересные работы. Улучшить качество перематываемых шелковых нитей, исключить ручной труд работниц при съеме мотков позволяет новая машина "ПА-1500-1В". Она разработана в творческом содружестве со специалистами Ташкентского специального конструкторского бюро текстильного машиностроения. Пристального внимания заслуживает разработка спецпрепарата из отходов кокономотальных предприятий. Ведь раньше при размотке коконов куколка тутового шелкопряда шла в отход, то теперь приносит доход. Этот препарат представляющий собой биологически активное вещество, в кокономотании значительно увеличивает выход нити, Этот же препарат успешно применяется при отварке и крашении тканей. Выразительнее становится шелковый блеск, сочнее проявляются краски. В Маргилане производятся тяжелые полушелковые ткани легкие и тонкие шелка для женской одежды - шоии и мадали, плотные, хорошо драпируемые пурпурные ткани - турме, живописные, совершенно оригинальные по контрастности и о то же время гармоничные по расцветке абровые атласы. Слово "абр"а переводе с персидского значит "облако".

Нет ничего удивительного в том, что в этом городе вышивка цветными шелковыми нитками была самым любимым занятием здешних мастериц. "Сюзане" дословно означает «вышитый иглой» Одни изделия применялись для оформления интерьеров, другие имели утилитарное назначение.

Маргилан знаменит и мастерицами по вышивке тюбетеек - неотъемлемой части национального ўзбекского костюма. В маргиланских изделиях, в отличие, скажем от чустских, число швов сокращено до минимума, что определило сдержанность и строгость силуэта орнамента.

Где только не представлены изделия маргиланца Салиджона тога Ахмадалиева -мастера раскраски тканей! В музеях: этнографии Санкт - Петербурга, декоративно - прикладных искусств - Москвы, ювелирного искусства и антиквариата в Ташкенте, музее-заповеднике в Самарканде посетители любуются творениями рук читгара - представителя одной из редких теперь профессий. С помощью тонина Салиджонтога творил те самые знаменитые "облачные" ткани.

А главной фигурой в изготовлении цветных шелковых тканей был, естественно, читгар, мастер, который с помощью штампов, делал набойку рисунка на грубой ткани и закреплял его, чтобы рисунок не сошел при стирке. Эта ткань была значительно дешевле маргиланского шелка, в нее одевались жены и дочери самих ремесленников, весь рабочий люд Маргилана и его окрестностей.

Со временем читгары стали использовать бязь фабричного производства, а вместо природных красителей - химические краски. И все равно им было не угнаться за фабричным конвейером. Но древнее ремесло не угасает. Традиции старых мастеров продолжают их ученики - шогирды.

# НАРОДНОЕ ОБРАЗОВАНИЕ, ЛИТЕРАТУРА И ИСКУССТВО МАРГИЛАНА В XIX В

И.С.Баранова, Д.Мадғозиева студентка

В XIX в в Маргилане существовало несколько видов учебных заведений: медресе, мактабы, кары-хана.

Медресе считалось высшим мусульманским учебным заведениям, а мактабы (школы) существовали, как при частных домах, так и при мечетях. Существование всех видов заведений, кроме открытых у себя дома учителем, обеспечивалось доходами с вакуфов, пожертвованных в разное время разными лицами в пользу учреждений, между которыми мечети занимали первое место, т.к. при них всегда учреждались школы (ЦГИА России, ф.954, от 1, ед хр. 134, лл 9-10).

Согласно сведениям 1840/1841 гг в г.Маргилане существовало, где обучалось 700 мул (студентов). Курс наук состоял из толкования Корана, арабской, персидской и тюрской (ўзбекской) филологии: наху (грамматика с присоединением к ней некоторых правил слога. Сведения об истории и географии они изучали из других арабских, персидских и тюрских исторических и географических рукописей.

Определенное внимание уделялось обучению литературе, в основном поэзии. Проходили курсы по математики, философии и астрономии. Доминирующее место занимали богословные предметы.

В мактабах, в основном, обучались элементарным правилам письма. Изучали наизусть выдержки из Корана, изучали литературу и счету (арифметике). Существовала в Маргилане школа для слепых. Слепые дети изучали наизусть Коран, достаны, стихи.

Существовали школы отдельно для мальчиков и девочек.

Сохранились некоторые статистическим данные об учебных заведениях Маргилана и Маргиланского уезда. В Маргиланском вилояте существовало 57 медресе, 838 учащихся; (Кокандский краеведческий музей, архив, инв. № 995, Н.В., с. 116); 243 мечетей в Маргилане, а в Маргиланском уезде, 1494 (Кок.крев.музей, архив, инв № 995, Н.В., с. 111); 433 мактаб-ханы, 7340 учеников, 21 кары-хана, 395 учеников,. Что интересно, в Маргиланском вилояте было 2 школы для евреев. Если рассматривать литературную среду Кокандского ханстве в XIX в, и в частности Маргилан, то в Маргилане жили поэты и писатели, которые разоблачали ложь и открыто писали о тяжелом положении трудового народа, критиковали кровопролитные войны, тиранство правителей, беспощадность и жадность и т.д. Диванам Андалиб, Деваном Мутриб и др.

Большую роль в повышении культурного уровня народа сыграли прогрессивными, замечательные актеры XIX в. Они своими выступлениями не только эстетически наслаждали зрителей, но и беспощадно клеймили позором пороки феодальной жизни, разоблачали в своих небольших спектаклях и

пантомимах, например очень популярным был актер Ашурали-Махрам, Исмаил-найчи.

Очень популярными были пляски бачей с лодками у поясов. Возникает вопрос: откуда появились эти пляски, вовсе не знакомые в других местах Центральной Азии?

Оказывается это нововведение было сделано по приказу Худоярхана, в подражание китайским танцам, заменив только танцовщиц-бачами (Туркест. Ведомости № 95, за 1871 г.).

Известно, что в последствии вместо лодок, начали приспосабливать лошадки, которые стали популярны по всей Ферганской долине. потому, что это было ближе к повседневной жизни- езде на коне, конно-спортивные игры (улак) и т.д.

Маргиланцы проводили пышные праздники, на которых устраивали фейерверки. На эти празднества выносили статуи легендарных героев – Рустама и др. На больших праздников, гуляниях, семейных торжествах выступали курчакбады – кукловоды. Особенно большой популярностью пользовались дарбазы (канатоходцы). Иногда канаты поднимались до 40-50 метров. В программе канатоходцев были: ходьба взад и вперед, прыжки на канате, бег, ходьба с закрытыми глазами, ходьба с завязанными глазами, ходьба на канате с завязанными глазами и привязанными на ноги медные подносы с ножами, кувыркание. На канате ходили не только взрослые, но и дети. Выступление канатоходцев сопровождалось игрой музыкантов и участием клоунов, певцов, острословов и т.д.

Большой популярностью пользовались скачки-улок, где ловкость, смелость и умение ездить верхом на коне. Скачки организовывались по поводу народных праздников, семейных торжеств, свадьбах и т.д. На скачках выставлялись богатые призы.

В XIX в в Маргилане имело место и такое искусство, как хаттаты (каллиграфы), которые переписывали и красиво оформляли сочинениям видных поэтов, историков, мистическую литературу, делали надписи на пештаках.

Высоко славилась резьба по дереву, которой украшали топчан-ханы, ворота, домашнюю мебель, изготавливали прекрасные ножи и кортики, здесь жили чудесные гончары, изготавливали глиняные сосуды, около 2000 лет. Это ремесло и сегодня занимает важное место в Маргилане.

Выращивание шелковых червей, попавших в Маргилане по великому шелковому пути прославило Маргилан производством шелка. Из шелка Маргиланские умельцы делали не только ткани, ярко раскрашенные, июнь и прекрасное пано по качеству, и насыщенности цветовой гаммы могли соперничать с Китайскими.

Маргилан является культурным центром не только Центральной Азии, но и культурным центром мировой цивилизации.

## РЕМЕСЛЕННО-КУСТАРНОЕ ПРОИЗВОДСТВО И ТОРГОВЛЯМ МАРГИЛАНА В XIX

Как известно, Маргилан является одним из главных городов Кокандского ханства.

Внутренняя торговля Маргилана базировалась главным образом на издавне существовавшим здесь разделении труда между оседлыми земедельцами, ремесленниками и кочевниками-скотоводами.

Для внутренней торговли в Маргилане было несколько базаров. В специально установленный день в Маргилан казахи и киргизы пригоняли скот преимущественно лошадей и овец. Оседлая населения окрестных кишлаков привозило зерно, хлопчатобумажные и шелковые ткани, различные изделия домашнего обихода. Через Ташкент в Маргилан русские товары. В экономической жизни большую роль играла внешняя торговля с Бухарой, Кашгаром, частично с Хивой, Афганистаном, Китаем, Турций и особенно с Россией. Между Маргиланом и Бухарой торговые отношения происходили круглый год, но в основном караваны проходили из Маргилана в Коканд, а затем в Бухару в начале лета и в конце осени. С Хивой торговые отношения были крайне ограничены. В Маргилан из Хивы привоз ограничивался малым количеством хивинских халатов, бязи и английского шелка. Причиной этого является то, что караванный путь пролегал через Бухарский эмират, в котором часто происходили междоусобные войны.

Ўзбеки и таджики Ферганской долины, работая на полях с февраля до осени получали высокие урожаи. За счет расширения искусственного орошения в XVIII-I пол. XIX вв осваивались целинные земли, появлялись новые кишлаки вокруг Маргилана.

Особое место в Маргилане занимало хлопководство, даже маргиланцы пытались культивировать американский хлопок.

Шелководство было в основном распространено в окрестностях Маргилана. Его качество и уровень организации производства по тем временам был довольно высоким.

На развитие отдельных ремесел Маргилане оказывало влияние то, что в Кокандском ханстве XIX в добывали золото, серебро, медь, железо, свинец, бирюза, изумруд, яхонт, рубин, ляпис – лазурь, сердолик и др. процветало ювелирное ремесло. Когда привозили в Россию ювелирные изделия из Маргилана, русские кўпцы их скўпали партиями, как диковенные вещи.

С древних времен на территорий Ферганского долины была известна – нефть. Маргиланцы употребляли её как лекарство от чесотки.

Коме того, они умели приготавливать из нефти «асфальт» (смолу), но употребляли его при пошиве сапожных изделий.

Маргиланцы могли обрабатывать сталь. Из неё они изготавливали ножи.

Ткачество производилось здесь с большим искусством. Шелковые ткани расписывались яркими красками и были популярны по все Центральной Азии.

Маргилан славился гончарным производством. Ювелиры Маргилана изготавливали браслеты из массивного серебра, подобным средневековым – без застежек и открытыми с превосходной эмалевой работой.

В сохранившихся архивах кокандских ханов имеются упоминания о существовании в Маргилане следующих ремесел: абкаш, арабкаш, ахангар, наджар, найзагар, найчасоз, тубриз. Читгар, ишмимчи и др,  числом более 80.

Часть сельского населения вокруг Маргилана занималась ковроделием, в основном шалча, шили одежду, вышивали поясные платки, было распространено изготовление джиякатесьмы, саватов, корзино, чархи (висячие подставки для посуда) из прутьев, деревянных ручек для лопат, теши, кетменей и т.д. часть продукции шла на продажу, особенно кочевникам. А те в свою очередь привозили в Маргилан кожу-сырец, овечьи шубы и полушубки, шерстяные платки и шерстяные нитки. Часть кочевников занималась охотой и продавала пушнину.

Имея тесный контакт с Россией, Маргиланские кўпцы привозили в Россию шелков и хлопчатобужной ткани, ковры, сушенные фрукты, рис и др., но основным оставался всё таки хлопок. Однако Маргилан, как и др города Кокандское ханство постепенно превращался в один из сырьевых районов текстильной промышленности России и становился одним из важнейших рынков сбыта её продукцией.

## МАРГИЛАН - ЖЕМЧУЖИНА ФЕРГАНСКОЙ ДОЛИНЫ

М.А.Кахановская (Ташкент)

Одному из древнейших городов Узбекистана Маргилану принадлежит особое место в истории нашей страны, формировании национальной государственности, культурных и духовных ценностей.

Расположенный на Великом шелковом пути древний и прекрасный Маргилан, родина известных в мире ученых, мастеров, зодчих, поэтов и мыслителей, «Маргилан, являющийся жемчужиной Ферганской долины, - подчеркнул Президент И. А. Каримов, - получил такую известность, прежде всего, благодаря народу, обладающему таким качеством как трудолюбие, выдающемуся вкладу известных личностей, которые родились, выросли на этой земле и прославили свой край на весь мир».

С древних времен город известен как крупный центр, где развивались ремесла и торговля, а изделия, выполненные здешними мастерами, славились далеко за его пределами и имели особую ценность.

Постановление Президента о проведении празднования 2000 летия Маргилана свидетельствует об особом месте и значений города в истории нашей страны.

В Х веке Маргилан уже был широко известен своими изделиями из шелка не только в Центральной Азии, но и на далеком западе и Востоке. Опытные мастера – ремесленники получили из коконов шелкопряда тонкие блестящие нити и выделывали из них красивые шелковые ткани.

Большим спросом пользовались крупные шелковые вышивки - сюзане, тюбетейки – головные уборы, золотые серебряные украшения.

Узоры тюбетеек изображают кусты с пышными цветами и зеленными и синими птицами на ветках. Синяя птица считается символом счастья и в Маргилане называется Бульбул нусха – это означает «Узор соловья» символикой плодородия и жизни является форма бодом – миндаль. Более тонкие и вытянутые формы называют калампир – стручковый перец. Захириддин Бабур в своей книге « Бабурнаме » назвал Маргилан « цветущим оазисом с многолетними цветами, сочными фруктами».

В XII веке здесь жил известный специалист, знаток юридический законов Бурхониддин Маргинони, автор труда « Хидоя » - «Путь истинный», который признаётся как самый авторитетный и совершенный правовой источник. Этот энциклопедический труд до сих пор в исламском мире считается главной « Фикх »т.е. исламской юриспруденции. За этот труд Бурхониддин Маргинони еще при жизни получил титул « Фикх Имами » т.е « Имам юристов ».

« Во времена, когда жил Бурхониддин Маргинони – в X – XII веках, являвшихся первым этапом периода Возрождение Востока, на земле Мовароуннахра происходило бурное развитие науки, поэтому правильное понимание и соблюдение исламского права стало важной общественной необходимостью ».

В 2000 году по решения Юнеско в Маргилане состоялись торжества, посвященные 910 – летию со дня рождения Бурхониддин Маргинони в которых принял участие Президент Республики Ўзбекистан И. А. Каримов.

В Хидоя приводятся нормы, юридические традиции, восходящие к классическому сочинению « Китаб ал - хараджа » Аду Юсуфа Якуба (автора конка VII века), а так же отражена практика издольных аренд в течение нескольких веков до XII века. В специальной главе о феодальном городе говорится, о положении ремесленников.

В конце XV – XVI вв. Маргилан становится одним из значительных городов Ферганской долины. Здесь родился и вырос один из правнуков Тимура султан Бабур, который с 11 летнего возраста был правителем Ферганы, а затем в 1525 году в Индии основал государство Великий монголов и положил начало утверждению там династии бабуридов, правившей до середины XIX века. Захириддин Бабур был выдающимся государственным деятелем, историком, поэтом и географом в его трудах содержится описание Ферганы, Маргилана и других городов Родины.

Мировую известность заслужила « Бабурнаме», в котором затронуты проблемы морали и этики. Известно политическое завещание Бабура своему сыну, подлинник которого хранится в Индии. Бабур учит своего сына мудрости управления страной. « О сын мой, помните, страна Индия соткана из различных верований… предпочитаете такую справедливую линию, в следствии которой могли бы быть довольны правитель подданными, подданные - правителем ».

Особой сферой приложения творческих сил была строительно – архитектурная деятельность возведения монументальных сооружений и ансамблей в Маргилане.

К строительству медресе мечетей, дворцов, мавзолеев, привлекались лучшие зодчие и мастера. Большую известность получила композиция Кафтарлик состоящая из мечети с росписями, строенного минарета, прямоугольного двора с портально – кўпольным мавзолеем дарвосханы и кафтарханы (голубятней). По преданию в мавзолее захоронен святой Пур Сиддик. Существует легенда о том, что однажды Пур Сиддик, скрываясь от «неверных» спрятался в пещере, а голуби свили у входа гнездо и прикрыли святого. Народные мастера средствами декора смогли передать в Кафтарлике идею умиротворенности и покоя в усыпальнице святого.

Город, сохранивший на протяжении многих веков свою самобытность, непреходящей ценности, готовится к празднования своего 2000 летия. Маргилан меняется, обновляется, хорошеет на глазах, радуя своих жителей и гостей.

## ВОЗРАСТ ДРЕВНЕЗЕМЛЕДЕЛЬЧЕСКОЙ КУЛЬТУРЫ МАРГИЛАНА

Г.Юлдашев, Ш.Эшпулатов, Ф.Максудов

Влияние и воздействие оказываемое человеком на природную среду, на почву стало почти повсеместно. Возрастающие влияние антропогенных факторов на ландшафт может быть как сознательным, так и непродуманным или случайным. Человек распахивая, орошая целинных и пахотных земель создал, создает сельскохозяйственные и другие виды продуктов. Кроме того на основе освоение и орошение человек создал новые сорта растений. Это часть осознанная целенаправленная деятельность человека. С другой стороны, на растительный покров будь он естественным или искусственным влияют развития промышленных центров, а также механизация и химизация сельскохозяйственного производства.

Ландшафтно-геохимические, почвенно-химические закономерности формирование почв и геохимических ландшафтов с течение времени изменяется. Это подтверждается как археологическими, палеопочвенными, так палеогеохимическими и другими методами изучения.

Археологические и почвенно-географические исследование на территории города Маргилана и массивов нами были начаты в 1994 г. в связи с подготовкой к юбилею города. В частности в результате исследований в 1994 году установлено, что древний город Маргилан находился в западней части современного города.

Основной стратиграфический шурф заложенный нами 1996 г находится непосредственно в городище Кызлартепе города Маргилана. Глубина его до материка, так называется археологами бывшая погребенная земля составляет 380 см, далее нами продолжены углубление и ещё на 220 см, в целях изучения погребенных почв и почвообразующих пород. И так общая глубина стратиграфического шурфа составляет 6 метров.

Городища было сильно разрушено. Однако удалась установить, что здание возникло на руинах более древнего поселения, что указывает на то, что обживание этой территории происходило в более ранее время.

В результате почвенно-стратиграфических исследований нижних слоях поселения установлено, что зарождения орошаемого земледелия в Маргиланском оазисе относится ко времени не позднее 4-3 вв до нашей эры.

В результате археологического изучение Кызлартепе были вскрыты остатки монументального здания со стенами толщиной 4-4,5 м, возведенными на пахсовой платформе с двумя периодами обживания, датируемые соответственно первыми веками нашей эры и ранним средневековьем.

Материалы раскопок и стратиграфического разреза шириной 2,5 метра длиной 18 метров, сравнительно-типологической анализ керамических комплексов и археолого-почвенные исследования Маргиланского оазиса привели к тому, что обживание и ведение орошаемого земледелие в этой территории начались в 4-3 вв до нашей эры кроме того установлено, что до обживание и сооружение г.Кызлартепе на этой территории было ведено орошаемое земледелие. Период существования Кызлартепе относится ко времени не ранее рубежа нашей эры и не позже 4-5 вв нашей эры.

В результате исследований обнаружено погребенные почвы на глубине 3 и выше метров.

Характерной чертой современного этапа истории человечества состоит в небывало быстрым темпе научно-технического прогресса. Этот прогресс в значительной степени связано с интенсивным развитием фундаментальных научных исследований.

Почвоведение наука органически комплексная, охватывающая все компоненты, такие как природные и социальные. Настоящий теоретический уровень почвоведение объективно делает приоритетной ее роль в изучении ландшафтов в настоящем.






Схематическое изображение объекта «Кызлартепа».

Таким образом, в результате археологических исследований установлено, что территория нынешнего Маргилана начала обживаться не позднее 1 в. до н.э. – 1 в.н.э.

В первые века нашей эры осваиваются основные плодородные земли, расположенные на конусах выноса Шахимардансая и Маргилансая. Именно в это время в северо-западной части Маргилана на правобережье Маргилансая на месте бывшего небольшого поселения более раннего периода появляются поселения городского типа с монументальной архитектурой и развитым ремеслом.

Судя по археологическим находкам уже в 3-4 вв н.э. здесь выпускались технически совершенные изделия, посуда, характерная для городских мастеров. Точнее обживание и ведение орошаемого земледелия в Маргиланском оазисе началось 4-3 вв. до н.э. До обживания территория поселения Кызлартепа являлась полем для ведения орошаемого земледелия.

Период существования Кызлартепе относится не ранее рубежа нашей эры и не позже 4-5 вв. н.э.

Проведенные исследования показали, что данные о колебательной характере природных и природно-антропогенных условий в целом и особенно на изученном массиве позволяют наметить некоторые изменения мощностей агроирригационных горизонтов по сторонам света от Кызлартепе.

Судя по данным морфологических признаков на территории господствовали светлые сероземы это и определяет относительную неровность рельефа местности. Под влиянием гидрогенно-аккумулятивного сероземного почвообразовательного процесса в отрицательных формах рельефа (чашах) сформировались более мощные агроирригационные горизонты (таблица ). За такой сравнительный длительный период (1700 лет) под влиянием антропогенного фактора формировались основные черты современных агроирригационных горизонтов разной мощности.

Изменение мощности агроирригационных горизонтов по сторонам света.

| № Разреза | Глубина разреза, см | Мощность пахотного слоя, см | Мощность агроирригационных горизонтов, см |
|---|---|---|---|
| На юг и юго-восток | | | |
| 49 | 150 | 14 | 60 |
| 50 | 260 | 30 | 125 |
| 55 | 150 | 30 | 110 |
| 56 | 120 | 20 | 130 |
| 59 | 140 | 20 | 140 |
| Среднее | 162,5 | 25,0 | 126,2 |
| На восток и северо-восток | | | |
| 49 | 150 | 14 | 60 |
| 51 | 120 | 35 | 120 |
| 58 | 175 | 30 | 145 |
| 52 | 150 | 30 | 120 |
| Среднее | 148,3 | 31,7 | 128,3 |
| На север | | | |
| 49 | 150 | 14 | 60 |
| 53 | 163 | 30 | 145 |
| 57 | 120 | 30 | 100 |
| Среднее | 141,5 | 30 | 122,5 |
| На запад | | | |
| 49 | 150 | 14 | 60 |
| 54 | 120 | 40 | 130 |
| 60 | 160 | 30 | 120 |
| Среднее | 140 | 35 | 125 |
| Среднее по массовому | 152 | 29,5 | 125,9 |

История развития агроирригационных горизонтов показывает на постепенный рост мощностей агроирригационных горизонтов.

Идея сопоставительного анализа разновозрастных почв с целью выявления направления и темпов почвообразования была использована еще В.В.Докучаевым. В работе «Русский Чернозем» с его стороны приводится результаты сравнения почвенного профиля, сформировавшегося на Староладожской крепости, с профилями почв окружающих территорий (Докучаев 1883).

Всего в настоящее время в мировой ландшафтно-географической науке насчитывается немного работ, в которых использовалось в том или ином плане сравнение палеопочв современных почв агроландшафтов.

В Ўзбекистане подобных работ проведено очень мало (Панков 1957, Максудов 1994 и др.). Конечно такое количество работ в направлении генезиса и географии погребенных почв считаются очень-очень недостаточным.

Учитывая, что познание сущности педогенеза во многом определяется особенностями развития почв во времени, можно заключать об ограниченности работ, особенно акцентирующих внимания на хронологических аспектах текущего почва и ландшафтообразования.

Во многих работах рассматривается весьма узкий круг ландшафтных свойств, где в основном изучались единичные почвенные профили на разных субстратах, изученные хроноряды почв практически не соотносились в широком географическом аспекте.

Недооценка этого положения приводит к противоречивым выводам. Влияние факторов времени и возраста почв на мощность агроирригационных горизонтов существенное. В качестве сопоставимого приняты данные разреза 49 т.е. погребенный разрез, глубина которого составляет 150 см мощность пахотного слоя 14 см, а мощность агроирригационного горизонта 60 см, в момент захоронения. Вокруг этого разреза для сравнения мощности агроирригационного горизонта и других свойств почв были построены 4 катены на север, запад, восток, юг.

Средним мощность агроиригационных горизонтов вокруг разреза 49 составляет 122,5 - 126,2 см, тогда как в разрезе 49 этот показатель составляет 60 см.

Следует отдельно подчеркнуть, что после захоронения агроирригационных горизонтов мощность не захороненных почв практически удвоилась, чему способствовал быстрый рост агротехники и поливной режим хлопчатника и другие сельскохозяйственные мероприятия.

По данным археологов Кызлартепа образовалась в III веке нашей эры и имеет возраст 1700 лет. При образовании Кызлартепе и после, включая настоящее время, вокруг этой тепе образовался довольно мощный агроирригационный слой порядка 122,5-126,2 см, если эти данные округлить (исторически можно) в пределах 120 см, то легко подсчитать, что за 1700 лет образовался 120 см слой агроирригационного горизонта, значит годичная мощность этого слоя 0,7 мм.

Если годичная мощность агроирригационного горизонта составляет
0,7 мм, то после начало образования вокруг Кызлартепе дополнительно образовался 60 см слой этого горизонта, следовательно
0,7 мм – 1 год
60 см – х x = 850 лет

В течение последних 850 лет вокруг Кызлартепе на светлых сероземах в условиях Маргиланского оазиса образовался в среднем 60 см агроирригационный горизонт.

Анализ современных и древних почв и полученные датировки позволяют предположить, что на образование хорошо развитых нормальных сероземно-оазисных почв Маргиланского оазиса необходимо относительно длительный срок в пределах 2500 лет.

## МУНДАРИЖА


1. **А.Асқаров.** Қадимги Марғилон ..........................................................................**5**
2. **М.Исомиддинов, Ҳ.Раҳматиллаев.** Марғилон ва Фарғонанинг илк деҳқончилик маданияти.........................................................................................................**7**
3. **А.Қамбаров** Искандар Зулқарнайин Марғилонда бўлганми?..................................**9**
4. **Ш.А.Қамбаров, Р.Р.Аҳмедов** Қадимги манбаларда Марғилон ҳақида...................**11**
5. **О.Ҳакимова, П.Парпиев, Р.Хаджаев, А.Абдулхамидов** Марғилон топонимикасига оид манбалар.........................................................................**12**
6. **О.Ҳакимова, Х.Эркинова, И.Сиддиқов** Марғилон топонимикаси ҳақида айрим мулоҳазалар.......................................................................................................**15**
7. **А. Алимуҳаммедов, Ф.Эргашев, Л.Юсупов** Марғилон шаҳрида исломгача бўлган диний қарашларга доир.........................................................................**18**
8. **Қ.Тўйчиев, Т.Қўчқоров, О.Ғофуров** "Буюк ипак йўли" атрофида яшаган халқлар билан Фарғона ўртасидаги иқтисодий, маданий алоқалар........................................**20**
9. **Ў.Эшонбобоев, О.Эргашев, Т.Усмонов, Ф.Юлдашев** Марғилон уламолар шаҳри.................................................................................................................**23**
10. **И.Йўлдашев, Ж.Сатторова, А.Мирзаев** Марғилонсой ҳавзасида деҳқончилик маданиятининг пайдо бўлиши масаласига доир........................................................**27**
11. **А.Акбаров, О.Назарматов** Марғилоннинг қадимги тарихи....................................**29**
12. **А.Салмонов, А.Султонов, Н.Алимова Ф.Расулов.** Чор Россияси мустамлакачилиги даврида Марғилондаги мактаб ва мадрасалар аҳволи...............**30**

**13.С.Мирсоатова, М.Онорқулова, Г.Жамолова** Марғилонда миллий ҳаракат озодлик.................................................................................................................**32**

**14..М.Маманазарова** Марғилонда чоризм зулмига қарши халқ қўзғолонлари..........................................................................................................**36**

**15.А.Исроилов, А.Эргашев, Т.Нуриддинов** Марғилонда 1916 йилги қўзғалон.........**38**

**16. И.Холбеков, Т.Қосимова О.Ҳайдаров** Марғилон шаҳрининг маданий ҳаёти (XIX асар охири XX аср бошлари) тарихидан...................................................................**40**

**17. У.Ҳошимов, Н.Алимова** Марғилон ҳунармандчилиги тарихидан..........................**43**

**18. Т.Рўзибоев** Ғолиб Марғилоний ижодига бир назар..................................................**46**

**19.С.Мирсоатова, Қ.Пўлатов, Х.Бурхонов** Марғилонда рус-тузем ва янги усул мактаблари.........................................................................................................**48**

**20. С.Мирсоатова, С.Ғофурова, М.Мамажонова** Марғилонда XIX асар охири XX аср бошларида тарих ва адабиёт.........................................................................**52**

**21.О.Ғофуров, Т.Қўчқоров, А.Юсупов** XIX-XX асрларда Фарғона водийсида яшаган халқларнинг полеэтник хусусиятлари ва уларнинг иқтисодий-маданий ҳаёти**.............53**
**22.И.Тошпўлатова, Н.Абдукаримова М.Акбарова** Марғилон тиббиёти муассасаларининг вужудга келиши**...........................................................................55**
**23.Р.Ходжаев, Р.Химматқулова, М.Нишонбоев** Бурҳониддин ал-Марғиноний ҳуқуқий мероси ва унинг ёшлар тарбиясидаги роли**......................................................57**
**24.О.Раҳимов** Бурҳониддин Марғнлоний ва унинг авлодларининг Ислом дунёси қоуншунослигини ривожига қўшган ҳиссаси**.................................................................58**
**25.Р.Қудратов, У.Солиев, А.Исроилов** Бурҳониддин Марғиноний ижодининг халқаро аҳамияти**..............................................................................................61**
**26.А.Алимуҳаммедов, Ф.Эргашев, З.Исмоилова** Марғилон шаҳрида исломгача бўлган диний қарашлар **.......................................................................................62**
**27. Г.Жамолова, Ш.Аббосова** Бобур ва Марғилон**.......................................................65**
**28.О.Тожибоев, А.Шарофиддинов, Д.Сулоймонова** Шаҳар ҳақида билганларимиз**........................................................................................................66**
**29.М.Сулаймонов, Ф.Сулаймонова** Тарихий ёдгорликлар ҳамиша эъзозда**..............67**
**30.А.Салмонов, У.Ҳошимов Ш.Хайитов** Қўқон хонлиги халқаро ва ички савдосида Марғилон шаҳрининг ўрни**.....................................................................................69**
**31.Ш.Хонқулов, И.Бурхонов** Марғилон мадрасалари ва уларнинг фаолияти тарихи**...................................................................................................................72**
**32.А.Мамажонов** Бурҳониддин ал-Марғиноний ва ул зотнинг фарзандлари хусусида**..............................................................................................................74**
**33.И.Бурхонов, С.Мирсоатова, З.Хатамова** Бурҳониддин ал-Марғилоний ижодий фаолияти**...............................................................................................................77**
**34.П.Каримов, О.В.Махмудов** Марғилон тарихидан лавҳалар**....................................78**
**35.Р.Ҳимматқулова** XX аср 20-30 йилларидаги иқтисодий сиёсатнинг миграцион жараёнларига таъсири (Марғилон шаҳри мисолида)**.........................................................80**
**36.М.Эралиев, С.Эгамназаров** Чор Россия мустамлакачилиги даврида Фарғона вилояти халқ хўжалиги тараққиётида Марғилоннинг тутган ўрни**................................83**
**37.С.Эгамназаров. А.Исроилов** Ипак курти уруғи етиштиришда хорижий мутахассисларнинг роли (XIXаср охири XX аср бошларида Фарғона водийси мисолида)**.......................................................................................................................84**
**38. Н.Аббосова, Ш.Обидова** Ҳунармандлар юрти кўхна Марғилон**...........................85**
**39.Т.Тўйчиев, Т.Қўчқоров, О.Охунжонов** Марғилон истиқлолчилик ҳаракатининг таниқли намоёндалари**.......................................................................................87**

**40.М.Маъмуров, Т.Мадаминов, К.Юлдашев.** Қўқон хонлигида Марғилон шаҳрининг тутган ўрни ҳақида айрим мулоҳазалар**...........................................................................88**
**41.С. Маннопов** Марғилон-маданият ва санъат маркази**...............................................89**
**42.А.Умаров, Ш.Долимов** Марғилон-санъаткорлар шаҳри**..........................................91**
**43.Х.Умаров** "Кулинг, умрингиз узун бўлади"**.............................................................93**
**44.Ф.Турғунбоев, А.Турғунбоев** Марғилон меҳнат менталинти**.................................95**
**45.Р.Хасанова, А.Хасанов** Дилкушо санъат соҳиби**....................................................96**
**46.А.Шодиев У.Эргашев, М.Нишонбоев.** Ёшлар онгида миллий истиқлол ғоясини шакиллантиришда маънавий мероснинг роли ва ўрни**..................................................97**
**47.Нажмиддинова М, С.Тиллаева** Марғилон атласининг шони бор, элга манзур олтин ипак кони бор**.....................................................................................................99**
**48.Т.А.Эгамбердиева** Алломаларимиз маърифати ҳаётимиз қадриятидир**.................100**
**49.Х.Умаров, А.Султонов** Буюк санъаткорлар устози ёхуд Болтабой Ражабовни хотирлаб**......................................................................................................................102**
**50.М.Шохўжаев, С.Абдуллаев** Эл эъзозлаган академик**.............................................104**
**51.А.Ғофуров** Қадимги ва навқирон Марғилон ва унинг савдо саноатининг тараққиёти**....................................................................................................................108**
**52.Й.Солижонов, А.Қаюмов** Марғилон – шоирлар шаҳри**..........................................115**
**53.Ф.Эргашев, А.Исмоилов** Марғилонлик файласуф олимлар**..................................117**
**54.Ф.Эргашев** Марғилон қизининг жасорати**..............................................................119**
**55.А.Н.Абдукаримова, О.С.Иноятова** Марғилон шаҳрида қизамиқ касаллигининг кўрсаткичлари ва уни тугатиш муаммолари**..................................................................122**
**56.М.Ғ.Абдуллаев, Ш.Асқаров.** Марғилон туманида "қулоқ қилиш" сиёсати тарихидан**...............................................................................................................................123**
**57.Исмоил Махмуд.** Дил ҳавас этган ҳамиша**...............................................................126**
**58.С.А.Ғаниев, М.Пўлатов.** Марғилон фахри – бутун ўзбекнинг фахри**....................128**
**59А.Ғофуров** Касаначилик – оилавий тадбиркорликнинг янги йўналиши**..................130**
**60.О.Ғофуров Х.Пўлатов, М.Мадаминова** Асрлар нигоҳидаги Марғилон**...............132**
**61.Ш.Ғаниева.** Фан равнақи йўлида**...............................................................................134**
**62.Х.Айбешев, Ж.Нурхаджаев, З.Тўрақулова.** Марғилон енгил ва тўқимачилик саноати салоҳиятини, юксалтириш масалалари **...........................................................135**
**63.М.Эралиев, О.Тожибоев** Марғилон шаҳрининг бугуни ва келажаги**.....................137**
**64.Э.Қирғизов, З.Умрзоқова** Матлаби эзгулик санъаткор**...........................................138**
**65.А.Шодиев,У.Эргашев, А.Алиохунов** XIX-XX бошларида Марғилон шаҳрини бошқаришнинг ташкил этилиши**..............................................................................139**

**66.Э.Қирғизов, З.Умрзоқова** Ижодкорлик моҳияти...........................................141
**67.Ш.Хонкелдиев, А.Абдуллаев** Марғилон шаҳрининг жисмоний маданияти ва спорти...........................................................................................................143
**68.Э.Собиров, С.Эгамназаров** Марғилон – қизиқчилик ва аския ватани..................145
**69.Э.Норматов, Д.Норматова** ЎЗбек миллий маданияти ривожида Марғилоннинг ўрни...........................................................................................................146
**70.Н.Абдулҳатов.** А.К Писарчик Марғилон ҳақида.............................................148
**71.А.Абдисаматова.** Йўлдош Сулаймон ижодида Ватан мадҳи..............................152
**72.Қ.Холматов, Б.Холматова, А.Комилов**. Бахтимиз учун курашганлар.................153
**73.Р.Арслонзода, Ф.Арслонзода** Марғилон шаҳри қўқон хонлиги даврида..............155
**74.М.Акбарова, М.Қурбонова, М.Осбоев.** Фарғона водийси тиббиёт тарихи..........157
**75.М.Ибрагимова.** Ёшлар ҳаётида оила, маҳалланинг ўрни....................................160
**76. Р.К.Джалилова** Каштачилик санъати тарихи .....................................................162
**77.Р.Ҳасанова, Ш.Долимов** Марғилон-Фарғона водийсининг марвариди.................166
**78.Н.Асқаров, Д.Матғозиева** Великие правоведы (наше наследие)...........................167
**79. Г.Фармонова, З.Тоштемиров** Страницы истории древнего города......................170
**80.Уринбоева, Л.Расулова** Педагогические проблемы в трудах Бурхониддина Марнилоний ...........................................................................................................173
**81.О.Ғофуров, Е. Гордеева.** Столица шелка..............................................................174
**82.С.Баранова, Д.Мадғозиева** Народное образование, летература и искусство Маргилана в XIX в....................................................................................................178
**83.И.Баранова, Р.Бабахаджаев** Ремесленно-кустарное производство и торговлям Маргилана в XIX ....................................................................................................179
**84. М.А.Кахановская** Маргилана - жемчужина Ферганской долины……..................181
**86.Г.Юлдашев, Ш.Эшпулатов, Ф.Максудов.** Возраст древнеземледельческой культуры Маргилана.............................................................................................................183